

УМИР САФАРОВ

АЛПОМИШ

Достон

1956 йил 28 июнда ёзиб олинган

Инв: 1254

(Кашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани, Дехқонобод қишлоқ совети,
Каленин колхози

Ёзиб олувчи: Охунжон Собиров

160 бетгача А4 форматдаги қоғозга ёзилган

161 дан 382 гача дафтарнинг **икки икки** бетлик тиккалай ёзилган.

Формат 1-160 29x20

161-382 33x20

Жами шеърий мисра 6036

Насрий 6435 та

Қадим замонда **Қозғистон томонда** ўзбек халқларидан Кўнғирот уруғидан Бойбўри ва Бойсари деган ака-ука ўтган эди. Бойбўри, Бойсарининг отасини **Даванбий** дер эди. Даванбийнинг отасини **Алпонбий** дер эди. Акаси Бойбўри, укаси Бойсарилар чорвадорлар эди. Иккови ҳам бой кишилар эди, Кўнғиротни эътиборли бошлиқлари эди. Икковининг ўғил-қизи бўлмаганлиги учун, тўйларда, маърака мажлисларда ҳар хил гаплардан хапа бўлиб, иккови **овга** чиқиб кетди, ов қиласерди. Бир ерда Бойсари бир кийикни кўрди. Бой буни Бойбўрига кўрсатди. Бойбўри, укам, сенинг ўзинг от, кўзинг **ўткирроқ** ҳам эпчилсан деди. Бойсари ўзини отдан ташлаб, отни бир қозиқقا бойлаб, милтиққа бир ўқни жойлаб, шу кийикни **пойлаб, пона** жойдан мўралаб, **чалов буталарни** оралаб, кийикнинг **душпати** (тўғрисидан) милтиқни ўқлаб, **пилтани чўқлаб, дагакка (далакка??)** дори қотириб, пилтани чўғга ботириб кийикка милтиқни ётқириб, кўкрагига милтиқни қоплаб, чаккасига тутиб жаплий кийикка тутиб чоқлаб, отмоқчи **бўб** **каровланиб** тиклаб турган вақти эди. Қараса кийик бўғоз, елини бор экан. Милтиғини отмади, қайтариб олди. Кийик қирдан ошиб, чўлга кетди. Бойбўри айтди, укам, нима учун кийикни отмадинг? Бойсари айтди: Ака, кийик бўғоз, елини тўлган кийик экан, шунинг учун болалари ҳам **хайф** бўлмасин деб отмадим, иккинчидан бир нарсани **ирим қилдим**. Бойсарининг хотинини Ойтуғмиш дер эди. Бойбўрининг хотинини Кунтуғмуш дер эди. Бойбўри, ука, нимани ирим қилдинг деб сўради. Бойсари айтди: Келинингизни гумонаси бор, шунинг учун кийикни отмадим. Бойбўри хурсанд бўлиб, укасини ёнига чақирди. Укаси келиб ўтирди. Бойбўри айтди, менинг ҳам эшитувим бўйича **чечангнинг** ҳам гумонаси бордай, кел энди бу чўлда иккимиз яхши ният қилайлик, ука, энди шу вақтгача юрдик, турдик, ҳамма нарсани кўрдик, даврни сурдик, оқибати икковмизнинг армонимиз

ўғил-қиз бўлса камчилигимиз йўқ. Энди сенинг аёлинг ул туғса, менинг аёлим қиз туғса, икковимиз қуда бўлайлик, иккови ҳам қиз бўса бир-бирга дўст бўлсин, ўғил бўлса ҳам дўст бўлсин, агар биримизники ўғил, биримизники қиз бўлса ҳалиги шартдан қайтган пес бўлсин деди. Бойсари: Ака тўғри, шу гапимиз гап, сўзимиз сўз деб фотиха тортиб, туриб отланиб кетди. Кунлардан бир куни Бойбўрининг аёли ўғил туғди. Бойбўри шунда хурсандчилик билан ўзининг халқига бутун ҳар томонга от чоптириб хабар қилиб, ўчоқ ўйиб, қўй сўйиб, қозон қўйиб тўй қилди. Эл, ҳамманг кел деб чақирди. Оч-ялонғоч, камбағал-санбағал демасдан бир ҳафта тўй берди. Орадан уч ой ўтгандан кейин Бойсарининг аёли қиз туғди. Бойсари ҳам қиз бўлса ҳам ўғил ўрнига кўриб, бу ҳам акаси сингари бутун халқнинг ҳаммасини **бош-одоғини** чақириб, яхши-ёмон **жуйрук чомон** демасдан, оч-ялонғочларни чақириб саккиз кун тўй бериб, томоша қилди. Шу тўйда ўз атрофидаги халқларига ўз ниятларини эълон қилди. Энди қавми элатлар бизни дунёда армонимиз ўғил-қиз эди, икковимиз овлаб юриб чўлда бир ният қилган эдик, бу мақсадга етдик, икковимизнинг аёлимиз ўғил туғса дўст бўлсин, қиз туғса ҳам дўст бўлсин деган. Бири ўғил, бири қиз туғса қуда бўламиз шу шартдан қайтган пес бўлсин деган эдик. Тўйга йифилганлар бу ака-уканинг қилган ниятини жуда маъқуллашди. Энди икковини олиб келиб эл ичида икковимиз қуда бўлдик деди. Бойбўрининг ўғлининг номини **Ҳаким** деб, Бойсарининг қизининг отини тўйга келган кексалар Ой Барчин қўйди. Кундан-кун, ойдан-ой ўтди. Ҳаким билан Ой Барчин олти ёшда бўлишди. Ҳаким ўзи олти ёшда бўлса ҳам суяги йирик **олп** бола эди. Шунинг учун унинг отини эл ичида Алпомиш деб юритдилар. Олти ёшда икковини ота-эналари мактабга қўйди. Иккови бирга-бирга мактабда ўқиб етти ёшга қадам қўйди.

Алпомиш ўғил бола эмасмиди, бироз **рутҳиррок** (ўткиррок) эди. Ой Барчин билан ҳазиллашиб, Алпомиш Ой Барчинни бир шаппатлади. Ой Барчин ҳам эрка қиз эмасми йиғлаб уйига онасига борди. Ойтутмиш йиғлаб борган қизини қўриб жойидан ирғиб туриб, қизим сен - сан, **иризқи-рўзим**,

гавҳардан тиниқ кўзим, тасаддуқман сендан ўзим, айтишинг менга лозим нима учун **хапа бўлиб** йиғлаб келдинг деб сўради. Ой Барчин эрка қизда, опасига мени Алпомиш чаккама урди, турткилаб ҳар қуни қўймайди деди. Ойтуғмиш ҳам оғзи катта гапини қайтармаган бойбича эмасми, **қора уйдан** ташқари чиқиб Алпомишга қараб, тенаси - тентак, калласи - катта, галбанг (калпанг) **югармак** нима учун менинг қизимни ҳар қуни турткилаб урасан, сенинг замонингда ҳам болалар тинч юрадими ёки юрмайдими деб, баланд овоз блан қарғанди.

Алпомишнинг онаси Кунтуғмиш ҳам бу гапни эшитгандан кейин қора уйдан чиқиб **овусини** Ойтуғмишга қараб бир сўз деди:

— У – оғзи катта бойбичча нима деяпсан оғзингдан чиқсан гапни қулоғинг эшитаяпдими деб, сарғайтиб нурли юзимни, кўзга илмайсан ўзимни, дунёда кўрган иризқи-рўзимни нима учун қарғайсан ёлғиз қўзимни, сенинг қизнинг кўзингга қандай кўринса менинг ўғлим ҳам шундай кўринади, бола бўлғандан кейин уршаверади, эртага ярашаверади, ундайин ҳаддингдан ошиб, юрагинг тошиб, **ўзингдан кўп кетма**, тенаси - тентак, калласи - катта галбанг дейсан, шундай бўлса ҳам қизингдинг ёри, уришадима, сўкишадима ўзининг ёри, нима ишинг бор деди. Ойтуғмиш айтди: Ў, Кунтуғмиш байбича **оғзингни борла**, менинг қизим сенинг ўғлинга ёр бўлмайди. Бу айтган сўзинга юрмайман, сенинг галбанг ўғлинга қизимни бермайман. Тенаси - тентак, галбанг ўғлинга бергунча дарёга оқизиб юборганим яхшироқ. Кунтуғмиш айтди: байбича бермай **худда қилолмайсан**, Ой Барчин сенинг қорнингда эканда, менинг ўғлимга **боғиша эди**. Яна Ой Барчин ер юзига тушганда халқ ўртасида фотиҳа қилиб, тўй қилинган эди-ку ўзинг биласан-ку деди, шундан иккови буниси бундай деди, униси ундан деди, шунинг усидан бир-бири билан юлишди, бўлганича-бўлишди, иккови **ўлгудай олиши**. **Шу тобда**, Бойсари даштдан келиб қолди. Бу аҳволни кўриб хайрон бўлиб, хотинидан, **кони** ўзи нима гап деб сўради. Шунда хотини йиғлаб, мендан бу гапни сўрама, Алпомиш билан Кунтуғмишнинг **ғазабида** бирор шуйтиб юрама, деди. Хотинидан бу гапни

эшитгандан кейин Бойсарининг аччиғи чиқиб кетди, бориб Кунтуғмишга, нима учун безовта қиласан, ғазаблайсан деб, ўзбекчилиги тутиб, аччиғи чиқиб урди, **каллаларини** ёриб, ҳаммаёғини **қонга қориб ташлади**. Икки соатдан кейин Бойбўри даштдан келиб кўрса, хотини Кунтуғмиш ҳалиги ахволда йиғлаб, ҳолсизланиб ётибди, ха, қани нима гап деб сўради. Хотини йиғлаб, сўраб нима қиласан, уканг, мени уриб, ҳамма жойимни майиб қилиб ташлади. Ўлдириб ташлар эдию, қўшниларимиз орага кириб шунчалик айириб олди, деб йиғлади. Бойбўрининг аччиғи чиқиб кетди. Укаси Бойсарининг эшигига бориб, Бойсарига, **жуванмарқ**, раҳмсиз, беақл, болабачанинг **орасига кириб**, нима учун шундай қилиб ташлайсан. Бойсари бирни гапирди. Бойбўри бирни гапирди икки ака-ука **сўқиша** қолди. Бирбирини уриб, бети-бошларини ёриб ташлашди. Атроф – бошлари, тенга дошлари, қавми-қардошлари ҳаммаси келишиб, нима бўлди ака-укага шундай гап деб, тўп бўлишиб келиб қолди. Бойсари йиғилганларга арз қилиб деди:

Кулоқ солинглар қавми-элим
Бундай **колмайди** бу ахволим
Ўз акамдан кўриб зулм
Рози бўнглар қавми-элим
Мен энди бунда туролмайман.
Буйтиб **изза еб** юрмайман
Яна юзини кўрмайман
Ўлсам қизимни бермайман
Энди мен қайтай – нетаман.
Бу ердан кўчиб кетаман
Бошқа бир жойга бориб
Истиқомат қиб ётаман
Кенг чўлга ўзи сифмайди
Биламан энди қўймайди
Эшитинг **тенги – душларим**

Атроф хили – хешларим

Қандай бўлди бу ишларим

Фидо бўб азиз жонларим

Қандай ўтади кунларим

Энди биз кетдик бу жойдан

Рози бўнг оға-иниларим

Кутилсам бундай **қахардан**

Бу қун қийилди заҳардан

Насибани қайдан тортди

Билмайман қайси шаҳардан

Мен энди бунда турмайман

Ўз акамдан ситам кўрмайман

Закотбош бунда бермайман

Рози бўнг ака-укалар

Яна кўраман ё кўрмайман

Сизлар, эдинглар бизга кўнгил тўқ

Алпомиш бўлса бугун бек

Рози бўнг қариндошларим

Яна кўрув борми ёки йўқ.

Бойсарининг **юрагин ёриб,**

Юрмайин бу жойда

Бундай ситамни кўриб,

Рози бўнг қариндошларим.

Бошқа жойда ўлсам ғариб.

Алқисса, жанжалга йиғилган **атроф-бетдаги**, оға-ини, қавми-қардошлари, Жартибой оқсоқол, Нодир элбеги, Кўчар элбеги, Шозамон мерган, Чувдали сўфилар Бойбўри ва Бойсарини чақириб олишиб, маслаҳат қилиб, буларга бир сўз деяпти:

Үнтүртта түлади осмонда ойлар
Бу ахвол қандайди Бойбўрибойлар
Бу чўлга сифмайма чорво-қўйлар
Ҳаммамиз **оға-ин**, қариндош эллар
Кимга торлик қиласди кенг сахро чўллар
Бу чўлга сифмайма чорво – моллар
Йигилишиб кепти қариндош бари
Бу гапдан қайтган энди Бойсари
Турпа бўб айрилиб чиқмагин хилдан
Энди қайтгин сен бу шерлик йўлдан
Қайда кетарсан айрилиб овир элдан
Бир аччиғминан гапирдинг ўзинг
Бизларга маъқул эмас бу айтган сўзинг
Алпомишга бағишила Ой Барчин қизинг
Бу жойларга термулиб қолмаса қўзинг
Қора кўздан қонли ёшинг эшилиб
Қайда бўлсан элдан чиқма **чешилиб**
Нима учун йиглайсан бағринг тешилиб
Хазон урмай, боғда гуллар сўлами
Ака-уканики бундай уруши бўлами
Элдан чиқиб кетма **буйтиб** бўлинниб
Қайда бўлсанг эл блан жур **илиниб**
Агар кўчиб кетсанг бошқа жойларга
Эл қадри қолмасинда билиниб
Сенинг айтган бу сўзингга юрмаймиз
Элдан кетишингга жавоб бермаймиз
Ака-уканинг уруши бўлмайди
Бу жанжални икковингдан ҳам кўрмаймиз
Аччиғминан бу сўзларни айтасан
Бойсари сен шу сўзингдан қайтасан

Бу элдан айрилиб қайга кетасан
Қандай чиқиб кетасан қавми-қариндошингдан
Бу ёмон сўзингни **обтайлагин** бошидан
Буйтиб кечиб кетма эмакдошингдан
Ҳам атрофдаги қавми-қариндошингдан
Термултиб кетмагин халқнинг барини
Ҳам аканг эмадош Бойбўрини
Қайда мусофир қиб олиб кетасан
Алпомишинг севимли Барчин ёрини?!

Алқисса, шу аччиғи тарқамасдан халқлари қараб, қичқириб, бир сўз
деяпти:

Халқ – қариндошим эшит менинг сўзимди
Бу йўлдан қайтаролмайсизлар ўзимди
Нима бўлса энди кетишум лозимди
Бойбўрига энди бермайман қизимди
Қариндошлар бил, бу ерда турмайман
Ўз акамдан ситам кўриб юрмайман
Бойбўрига мен қизимни бермайман
Бундан кетдим бошқа жойлар элига
Мен бермайман Бойбўрининг улига
Эрка қизимди Кунтуғмишнинг қўлига

Алқисса, Бойбўри укасига, ҳой Бойсари, нима деяпсан, боши нима
ваъданг эди? Халқлар ҳаммаси эшитган эди-ку деб укасига қичқирипти:

Аччиғ минан олайтирма қўзингди
Халқлар ўртага олиб нисиҳат қилди ўзингди
Ҳамма эшитиб эди ўзинг сўзингди
Халқ ўртасида бериб эдингку қизингди
Бойсари сен мунча кетма ўзингдан

Ишонмасан сўра ўзинг қизингдан
Нима учун **тонасан** сўзингдан
Бу ниятлар аввалдан эди дилда
Ўзинг нима деб эдинг жўлда
Ўша шарт қиб эдинг жазира(ма) чўлда
Ўзинг айтиб эдинг: иккови ҳам қиз бўлса
Бир-бирига дўст бўлсин
Бири ўғил – бири қиз бўлса
Шу шартдан қайтган пес бўлсин.
Энди халқ насиҳатин олмайсан
Шунча эл гапига қулоқ солмайсан
Қариндош-қавмнинг қадрини билмайсан
Ўзинг гапириб гапга эга бўлмайсан
Элдинг илтимоси шума ўзингдан
Ўзинг айтиб қайтган бўлсанг сўзингдан
Бермасанг умидим йўқ қизингдан
Бор кетсанг элдан чиқиб кетавер
Ўлсамам йўқламайман изингдан.

Бойбўридан бу сўзни эшигтан халойиқ, энди хапа бўлишиб, иккови ёмон аччиф қилган экан-ку бир-бирига **гапи чаппа тушиб қолди-ку**, дийиб жимгина турди. Энди Бойсари чўлда журган чорва-молларига ва чўпонларга ва тева боқорларга ҳам жилқи боқорларгача, чақиртиб бутун молларнинг ҳаммасини ҳайдатиб келдириб, чорва халқ эмасми, теваларга **жаҳаз қўраб, жилқиларга** ҳам **жобув жобди** қўраб гоҳ анжомлар уй асбобларни, тева ва жилқиларга ортиб **маккам** бел-бемозрни тортиб, бола-бачаларни тевага миндириб, бор энди аллаёр деб **жўлга равон** бўлди.

Халқлари ҳам қавми қариндош **атроф-бошлари** ва **денгти-душлари** **овил-овилдан** чиқишиб ва Нодир Элбеги, Кучар Элбегилар ва Ёрдбой оқсоқоллар **пиёда-сиёда** аёл баччадан ташқари юзча отлик бўлиб, Бойсарининг қўчининг

қаботини олиб, Бойсарига қараб энди кетишиңгми деб яна насиҳат қилиб йиғлашиб бир сўз деб қичқиришиб кетаяпдилар.

Иргашибди элнинг бари
Кўлоқ сол гапга Бойсари
Бизларни шунда тайлаб
Кетаяпспику тири
Баъзилари юрак бағри тешилиб
Кетаятир кўчлар блан қўшилиб
Нега элдан кетаяпсан чешилиб
Баъзиларини журак бағри тилиниб
Сен кетгандан кейин ўрнинг қолади билиниб
Нега элдан кетаяпсан бўлиниб
Элдан чиқиб кетаяпсан ўзинг қонда
Бойбўрини тайлаб бунда
Ағайин шунда бўлама
Ўлмай ойрилиб зинда
Иргашган элнинг бари
Бойсарига қилган зори
Ака-ука бир-биридан
Улмай айрилма тира
Барчиннинг баҳтини бойлаб
Кетмагин кўнгилни лойлаб
Ака-ука шундай бўларма
Халқди кетаяпсан тайлаб
Энди бу аҳвол қолайди
Монглойдан кимлар силайди
Қанча халқ иргашибди изгин тартиб йиглайди.
Кундуз бўларма кечалар
Йиғлашиб бола-бачалар
Ҳар овидан чиқаяпти

Оллаёр деб байбичалар

Барчин йиғлайди тевада
Хуш қолинг опа чечалар
Сарғайиб борар ранги-рүй
Қайғидан **хўпди** кулпат ўй
Тева устида йиғлайди
Хуш қолинглар деб Барчиной
Иргашибди **овул эл**
Сўлғандай бўлди қизил гул
Ҳар овлдан чиқаётир
Бола-бачалар, қизи-ул
Хуш қолинглар деб йиғлайди
Тева устида Барчин гул
Қараса отасининг ўзига
Отаси қулоқ **сомади** шунча халқнинг сўзига
Қайтмағидай отаси энди қайтиб изига
Энди ғам тушиб йиғлади Бойсарибийнинг қизига
Жамоли ойдай тўлибди
Ёши еттида бўлибди
Ранги гулдай буб сўлибди
Энди ўйласа Барчиной
Севикли ёри Алпомиш
Ёрдан айрулиб қолибди
Чувашаятири овл-эл
Чонғирғаб қолди узоқ чўл
Ёрдан айрилиб қолибди
Алпомишдай ёлғиз ул
Энди ўкиниб йиғлайди
Кетиб боради Барчингул
Иргашиб элнинг бари

Қайтмаятири Бойсари
Үйлаб турса Барчингул
Қопкетган севикли ёри
Айрилиб борар тири
Юраги ғамдан тўлиб
Бу дард юракка ғолиб
Ёри айрулиб қолиб
Гумбурлар тоғларнинг дораси
Ажраяпди ораси
Дамба-дам қараса Барчингул
Кўринмайди Жонодилнинг¹ қораси
Ҳеч бўлмади бу ишларнинг чораси
Тоғларнинг бошини **туман чолибди**
Севикли ёр энди, билди, қолибди
Ёрдан айрилиб кетарини билибди.

Ойбарчин энди үйлаб турса, аввал кўчаётганда бунча кўнгилга гап келган йўқ эди, **дев урдима**, отам халқнинг насиҳатини олар, гапига қулоқ солар, кўчмай қолар деган эди. Энди отаси қайтмайдиганини билиб, элдан чиққанини билиб, Ойбарчин бир сўз деяпти:

Отам халқнинг насиҳатини олмади
Ака-ука бир-бирининг қадрини билмади
Бек отама, бек бобома на бўлди
Отам олмади халқнинг сўзини
Мусоғир қилиб мендай бўлган қизини
Бек отама, бек бобома на бўлди
Отам ташлаб қариндош қавми элини
Сўлдиргандай бўлди боғнинг гулинни
Ёридан айриб бобом улини

¹ Бойбўри ва Бойсарининг макони.

Бек отама, бек бобома на бўлди?!
Кулоққа тутмади халқнинг зорини
Изидан чиботиб² элнинг барини
Йўлларда йиғлатиб Ҳакимнинг ёрини
Бек отама, бек бобома на бўлди.
Очув³ билан элдан чиқди қоқиниб
Кўп йиглашим керак ёрни соғиниб
Бек отама бек бобома на бўлди
Отам кўрмадимакан изини ўйлаб
Нима учун чиқди элларни тайлаб⁴
Мени олиб кетаяпди ипсиз бойлаб
Бек отама, бек бобома на бўлди
Келармикан яна қайтиб айланиб
Очуви келибди отам хуйланиб⁵
Ёримдан айрилиб, баҳтим бойланиб
Бек отама, бек бобома на бўлди.
Бу дардимнинг топиларми дармони
Қолмасинда бу кўнгилда армони
Шундай макон бу тақдирнинг фармони
Бек отама, бек бобома на бўлди.

деб йиғлаб кетаётган эди. Бойсари қараса ҳали ҳам халқлар эргашиб келаяётири, энди Бойсари кўчларни тўхтатиб халқларга хайр деб бир сўз деяпди:

Қолаяпти ўйнаб ўсган чўлларим
Шунқор тевиб синдимикан белларим
Кўп эргашмай хуш қолинглар элларим
Қайғудан кўп бўлди менинг ўйларим

² Чиботиб –чувалатиб, эргаштириб.

³ Очув – аччиқ, газаб қилиб.

⁴ Тайлаб – ташлаб.

⁵ Хуйланмоқ – феъли тутмоқ, жаҳли чиқмоқ.

Қолиб борар ўйнаб, ўстган жойларим
Хуш қолинглар энди чорва бойларим
Чаппа айлангандай бўлди ишларим
Чагадан учдими олғир қушларим
Энди хуш қолинглар қариндошларим
Сизларга тассаддуқ менинг жонларим
Бу кўзимдан оқди ёшу қонларим
Хуш қолинглар оғайин қодирдонларим
Бу жойда ўтиришга чидамай бардошларим
Хумор кўздан тўкиб қонли ёшларим
Хуш қолинглар қодирдон қардошларим
Бундай эмас эди менинг ниятим
Олтин содоқли **жопсар**, пўлатим
Хуш қолинглар эргашмай элатим
Бойбўрику ўз элига бўлсин бек
Қаерда улмасин менга кўнгил тўқ
Мен сизларни кўрув борми ёки йўқ
Насиба кўтарилди, турмадим бунда
Билмайман насибани тортган **қонда**
Улмасак кўришармиз яна ҳам зинда
Кўп эргашмай, хуш қолинглар элатим.

Бойсаридан, бу гапни эшитган халқлар оббо, энди билдик, қайтмайди экан бизга чинини айтмайди экан. Энди билдик гап қулоқقا кирмайди экан. Айтган сўзга юрмайди экан. Энди бу элда турмайди экан. Энди билдик кетар экан, тухтамай тоғдан ўтади экан, насибаси қаерга тортган бўлса, етади экан, деб халқлари маслаҳат қилиб, энди йигитлар шундай қилмайлик, энди элдан бир ўзи чиқиб кўчиб чиқиб кетмасин, элнинг қадри ўтмасин. Бойсари, Бойбўри халқимизнинг бошлиқ, обрўйли каттакон кишилари эди. Биз ҳам Бойсари блан энди била-била тоғларга, жойловга чиқиб то кузгача қўйларни

үтлатиб кузда Бойсарини олиб қайтиб келамиз деб маслаҳат қилишиб, Бойсари ука бизга чинингди айтмайдиган, қайтмайдиган бўлсанг бизлар ҳам кўчамиз, ола кетгин. Уч-тўрт кун шу ерга ҳайёллаб тўхтайсан деб, Жартибой оқсоқол, Нодир Элбеги, Кучар Элбеги, Утаган байбачча, Шозамон мерган, Чувдали сўфилар, овул паррокилар ана бўлар мингта уй блан, қанча қўй блан, минг уйли уй блан, қанча мол блан, қанча теваларга қанча жилқиларга кўчларини ортиб бойлари блан биргалашди. Чорва халқ эмасми қўйларини тоғларга, жойловларга ўтлатиб бу тоқларга, ўтлоқларга, шу тоғларга қўйларни ўтлатиб куннинг кўпи блан Қалмоқ юртга ошиб кетган эди. (Қалмоқ юрти ҳозирги Сурхондарё обlastининг, Шеробод районининг паст томонида). Ҳозир Қалмоқ уруғидан бу теритурияда қолмаган. Бу чорвалар кўчиб борса чилвир деган чўлига кўзи тушди. Чорвалар айтди ана йигитлар яхши жойга келиб қолдик. Бу чорва жойлайдиган кенг ўтлоқ чўл экан. Бунинг халқи қандай (халқ, эл) экан деб, майли деб қўйларини чўлга ҳайдаб, чилвир чўлда жойлаб, отларни бойлаб, саб тўқсонбоши уйларни тикиб, унжир бовли жийларни тутиб қолган изи. Аммо чўпонлар баъзилари ўт блан экинди айролмас эди. Шуэкин экмайдиган чорва халқларда баъзи жойлари ўт экан деб экинлардан қўйларини қайтармаган эди. (уни экинлар хали бош чиқармаган баъзи чўпонлар қайтармаган эди). Буни Қалмоқ халқлари кўрса баъзи майсаларда қўйларни ўтлатиб юрибди. Буни Қалмоқ халқлари кўриб, қўйларни олдига солиб суриб, чўпонларни уриб, баъзи чўпонларнинг калласини жариб, баъзиларининг бетини қонга қориб, сурув-сурув молларни бир-бирига қўшиб сўриб, баъзилари чўпонларни бойлаб олдига соб ҳайдаб, калласига қамчи тайлаб, сен халқ ўзи қандай балосан нима учун қўйни экинга соласан. Энди бари-бир уласан. Ўзинг қаердан келасан, Қўйингни экинга жовиб қараб турасан, дарров олдима тушиб юрасан бу экинни тўлаб берасан, бўлмаса кунингди кўрасан, дарров гапир чинингди, энди кўрасан кунингди. Ким дейди кадаганингди.

Хайдайман сенинг барингни, қистирайинма шурингди. Ким дейди сенинг зурингди, **Эгинга** жовиб қўйингди, кўйдирайнма уйингди. Ким дейди овл бойингди деб тўдасига олдига солиб ҳайдабди. Бойсари боболар чорва бойлар подаси қўйларини суриб, чўпонларни уриб, уйга ҳайдаб келди. Буни чорва бойлар кўриб, жураги лорсиллаб уриб бутун ҳаммасини тўда қилиб суриб овлларга етишиб қолди. Жортбой оқсоқол Бойсари бобога а, **жамон** бўлдиқда **мусафирлиқ жайига келдиқда**, ана энди рангимиз сўлади, **мусафир** мамлакат шундай бўлади, ана шундай **жайда** қўйди суради, шуйтиб чўпонди уради, бул энди халқни қиради, **ўз** мамлакатимизда бўлганимизда қўйни сурги оттугул ёнига бирор яқинлашолмас эди. Ана энди кўр **бўлайлик**. Чорва бойлар ҳаммаси бир жойга тўп бўлиб, кўп турди. Баъзилари чўпонларни ташлаб **қолмоқлардан** **йигирма-ўттиз** отли келди. Жугиришиб бўлар отиш **байлаб**, қора уйга жойлаб, тўшак **тайлаб**, тондир үйиб, ширбоз қўзилардан сўйиб, тондир гўшни осиб, катта тобоққа босиб **зиёфат** қилди. **Корни** тўқ қилиб, **думоғини** чоқ қилиб насияни ноқ қилиб, ёзиб шоли дасторхонди, **ўстидан** ташлаб оқ нонди, меҳмон қилиб кўп кишини, ширбоз тондир гўштини тўкиб ташлади. Овқат қилиб, думоғин чоқлаб **бирта-иккита** гапга етари **қани** сизлар, қаердан келган сизлар, қандай халқсиз, қандай элсиз, чўпонларингиз бутун экинларни едириб қўйган. **Шунунг** учун ҳам ҳаммангиз **олдингизга** тушиб юрасиз пошшонинг олдига бориб **жовоб** берасиз. **Тақдирда** **борини** энди **кўрасиз**.

Еганингиз тондири кавоб **поишшага** берасиз **жовоб**, майлига пошша қилса **жавоб**, энди чорва бойлар ўйланиб нима дерини билмай, Жортибой оқсоқол гапга жетари укаларингни нима қилсаларинг ўзларинг биласизлар, бизлар бўлса бу жойларинга кўчиб келган чорва. Ўзбек халқнинг **Қўнғират** деган **уриғиданмиз**. Тов ошибб, тош босиб мол ўтлатиб, арқа юрт мамлақатидан мол ўтлатиб келган халқмиз. Баъзи чўпонларимиз бош чиқармаган майса, экин бўлса, шуни ўт деб молни қайтармаган бўлса керак. Шунинг учун совдан (билмасдан) едирган, бўлмаса кўра-била экинга мол қўймайди. Ана энди ўзларинг биласизлар, бизларни ҳайдаб **тўдалаб**, пошшонинг олдига ҳайдаб

бориб нима қиласизлар. Баъзилари кўнадигандай, баъзилари кўнмади, бўлмади, бўлингизлар, биз қўймаймиз деб ҳайдайдигани ониқ бўлди.

Энди **Қўнғират** халқлар маслахат қилди. Энди йигитлар олиб бормасдан қўймайди. Энди гапга *отар* овл бойлардан **йигирма-ўттиз** киши маслахат қилишиб, кулгали хотин сўймалик, деган гап бор, **подшонинг** олдига қури бормайлик, широлға (совға) блан борайлик деб қишда тўвган сари оёқ қўзидан беш юзтани **поишшанинг** олдига ҳайдади. **Қолмоқ** **поишшанинг** олдига борди.

Қолмоқ поишсосини **Тайчохон** **пошша** дер эди. **Қолмоқ** дорвозасидан тўғри бўлди. **Қолмоқ** поишсосининг олдидаги **олиплар**, отлилар, полvonлар, қараса йигирма-ўттиз киши катта-катта салла ўраган, узун-узун чопонлардан кийган, бўларнинг кийган кийим **жасатлари** бу шаҳарларнинг одатига, бу жойларнинг одамига ўхшамайди. Шунда ҳам бўлса **Тайчахон** **пошша** отларга ким бўлса олиб келинглар деб олиб бориб (қўшига) жойига **меҳман** қилди. Тушак ташлаб, отларни **байлаб**, яхши жойга жойлаб, **досторхон** тайлаб, хурматлаб **меҳмонини**, ёзиб **досторхонини**, ўстидан **тайлаб** ақ буғдай амирканини, ўртоқлик нури сизи биз яна **ўстидан тайлади** саяги майдада майиз тақом қонатди изма-из ҳаво салқин дарё гум:

Зур олдида камзурнинг ҳарвак курсангиз **бўйни хом**
Лаличага тугаятирир ҷоғилган писта-бодом **поишшаликка**
нима кам тақам **қаннайди** дам-бадам
Тортилди қанча тоақам
Махрам қўлида тилла **жам экан идиш-товок**
Меҳмон **қиб** шунча кишини
Бу чорва бойлар обод кўрди.
Тойчахон поишшонинг қўшини
Лаличада олиб келаяпти
Зугучи девизара зафардан севган ошини
Яна лалида олиб келди.
Қавирган кабаб гўшини **тўплаган зиёдан**

Ол қилса подшонинг қўшидан яхши зиёфат жедик, деб бойлар хўрсаид бўлишди. Бир вақт қараса иккита чўпон саф ширвоз қўзидан беш юзтасини ҳайдаб келибди. Подшонинг олдида турган Тунжирхон деган маҳрамига Чортибой оқсоқол подшони кўргани келганмиз. Шунинг учун совға қилиб ўзимиздан боридан олиб келдик. Тунжирхон маҳром подшонинг олдига кириб, булар кўчманчи чорва халқига ўхшайди. Шунинг учун сизни кўргали беш юзта ширвоз семиз кўзи совғага олиб келибди, деди. Подшо айтди: Маҳрамлар яхши ҳурматлаб келибди-да, - деб иккита-учтасини олдимга олиб киринг гап сўрайлик булардан. Туржирхон маҳрам қани учта-тўртангиз блан подшо гаплашар экан кирингизлар, биз блан била журингизлар. Подшонинг олдига кирингизлар, одоб блан турингизлар. Агар гап сўраса яхшигина жавоб берингизлар. Бизнинг подшони ҳам кўрингизлар деб эргаштириб борди. Подшо қоради. Шундай пешанадан боради. Ичкарига киради. Подшога салом беради. Тойчахон подшо кўради. Катта-катта салла ўраган узун-узун чопан (кийимнинг номи) кийган, бу жойларнинг одамига менгзамайди (ўхшамайди) қайси жойдан, қайси шаҳардан эканлигини билмади. Подшо айтди: энди сизлар блан танишайлик, - деб буларга бир сўз деб қичқириб турипти:

Малол олманг гап сўраймиз сиздан бизлар,

Қайси уруғ, қайси халқ сизлар?

Мен айтсам сизларга ёруғ ойлардан,

Асли сизлар ўзи қайси жойлардан?

Гуллар очилар баҳорда

Булбуллар сайрайди сахардан

Асли сизлар қайси шаҳардан

Келдингиз тову чўллардан

Қайси уруғ, қайси эллардан

Боғларнинг хизраб битган бодоми

Бу ерларнинг одамига ўхшамайсизлар нодами

Энди сизлар қайси мамлакатнинг одами.

Бугун келиб бизга меҳмон бўлдингиз

Насиба тортиб қандай жойдан келдингиз
Келишингиз узоқ манзил жўллардан
Хиёлима келиб тову-чўллардан
Асли сизлар қайси уруғ-эллардан
Бошқага ўхшайди гапирган сўзларингиз
Узун-узун кийим кийган ўзларингиз?
Жортибой оқсоқол подшога бир сўз деб турити:

Бепилик ёнмайди чироқнинг мойи
Боғувда жетилар тулпорнинг тойи
Арзимиз бор сизда Қолмоқнинг шоҳи
Турналар айрилиб чиқипти хилдан
Бизлар кеб қолдик узоқ жўлдан
Келишимиз сўрсанг Орқа журт чўлидан
Ўзимиз ўзбек Кўнғирот элидан
Келишимиз сўрсангиз узоқ жойдан
Бошимиз чиқмади қайғу-ўйдан
Сиз гап сўрасангиз бизлардай чорва бойдан
Биз келдик тоғлару-тоғлардан ошиб
Чилбир деган чўлга келбедик тушиб
Ҳам юрадиган жўлдан қолдик адашиб
Неча тоғу-тошлардан келдик ўтиб
Бу Чилбир деган чўлга насиба тартиб
Чўпонларни ҳайдади олдига тутиб
Баланд тоғлар бағри бўлар бўкта қор
Подшойим қулоқ санг сизда арзим бор
Ҳозир сизга бўлиб кебмиз гўнакар
Чилбир Чўлига келбедик қўшхона ташлаб
Одамларингиз чўпонларни олди ушлвб
Ўриб ҳайдади каллага муштлаб
Чўлда халқингиз қўйларни суриб

Чўпонларни кўп ҳайдади тайёқлаб уриб
Баъзиларининг калласини уриб жориб
Нима учун бу чўлга энди кебсан деб
Бутун экинларнинг барини **жебсан** деб
Чўпонларни босиб байлаб
Олдига солиб ҳайдаб
Гунакарсан деб каллага қамчи тайлаб
Чилбир чўл экан бир **дашти** сахро
Агар қабул қилсангиз биз ҳам сизга кунера
Олисда қолди жойимиз
Биз чорва чўл бойимиз
Мишича бор қора уйимиз
Биз ҳам Кўнғирот элимиз
Чорвамиз кўпди молимиз
Қандай бўлади ҳалимиз
Келдик Чилбир чўлингизга
Ошиб қолмоқ элингизга
Нима бўлса подшоҳим
Ихтиёrimiz кўлингизда, -

деб арз қилади. Қолмоқ шоҳи буларнинг сўзидан ҳам ўзидан гап сўрагани тушунарлик бўлади. Булар олис жойдан келиб Чилбир чўлига қўнгани, буларни **Қолмоқ** халқларидан бироз изза кўриб, келиб арз қилгани маълум бўлгандан кейин сизларнинг чўпонларингни ким ўриб, ким суриб ҳайдаб келди, бу **ерга** деди. Тунжирхон маҳрамни чақириб сўраб кимларни буларни ҳайдаб келган деб сўради. Тунжирхон маҳром ҳайдаб келган дехқонларни бу ерга келинглар деб чақириди. Улар боради. Подшо қоради. Булардан гап сўради. Нима учун узоқ жойлардан кўчиб кўчиб келган чорва халқлар экан, буларнинг чўпонларини уриб, кўйларини суриб нима учун азоб бердиларинг деди. Булар айтди: экинларга молларини қўйиб юборибди, **Экинларни** еб кетибди. Шунинг учун сизнинг олдингизга олиб келдик. Нима чора

кўрсангиз ўзингиз биласизда деди. Ёртибой оқсоқол айтди тўғри бизинг баъзи бир чўпонларимиз чорва халқ бўлиб, бирдай чўлда қўй боқиб юриб баъзилари бош тортмаган майса экинни ўтдан айраолмайди. Шунинг учун ҳам билмасдан қўйларга экинни едирган бўлса керак. Бўлмаса кўра-била қастдан экинни қўйга едирмайди. Шундай бўлиб сизга келган бўлсак, нима десангиз ўзингиз биласиз. Подшо айтди: Сизлар бирёққа кўчиб кетмайсизларми. Ёртибой оқсоқол кетиб қаёққа борамиз, эл бўлса, ўт бўлса, сув бўлса ўтираверамиз фуқорамида. Биз кетиб қаёққа борамиз деди. Энди Қалмоқ подшоси ҳайдаб борган йигитларга шўндай экан, булар ўзок йўлдан, Ўзбек элдан келган чорва халқ экан. Дехқончилик иш блан шуғулланмаган экан. Буларнинг от-бобоси чорва халқ экан. Шунинг учун ҳам буларникини ўтил (индамаслик) қиласлик Митта уй бўлса кўп халқ экан. Сизларнинг заарланган, моллан экинларингизни олиқ-солигининг (солиги) бир йиллигини ўтиб юбордим деди. Дехқонлар хўп бўпти деб кетди.

Ана энди буларни подшо олдига чақириб, энди Қўнғирот бойлар Чилбир чўлим кенг чорванинг жойи чўл. Сизларга Чилбир чўлни бердим. Элга эл келса, элнинг довлари, элдан эл чиқса, элнинг меҳнати деган гап бор. Биз яна шунча халқ бўлса ҳам бакар кетади (етмайди) деб ана сизларнинг етти йилгача закот – бож иқроjларингизни ҳам ўтиб юбордим. Чилбир чўлни жойлаб, отларни бойлаб баҳазур ётаберингизлар деб полвонлардан уч-тўрт кишини ҳамрай (йўлдош) қилиб юборди. Чилбир чўлининг ҳамма жойини кўрсатасиз деб. Шундай қилиб булар Чилбир чўлида жойлаб қолди.

Чорва ўсадиган жой экан, йил-йилдан чорвалари ўсиб, ҳаммалари тўқ бўлиб, думоқлари чоқ бўлиб Чилбир чўлини Бустонобод қилдилар. Қолмоқ подшосининг одамлари овлаб овлардан қайтганда Бойсари бойдикига келиб тушиб зиёфат еб кетар эдилар. Қолмоқ подшоси бўларга аввалги айтган гапига биноан, олиқ-солик (закот) демасдан келди. Булар шундан етти йил Чилбир чўлда яшади. Бир куни подшонинг учта одама овдан келатуриб Бойсариникига тушди. Биртаси хазначи, биртаси туғачи, биртаси дастурғанчи. Буларнинг югириб отини байлаб, тўшак тайлаб, оқ утовга

жойлаб қўй сўйиб сийлаб бир **кеча жатди** эртасига тонг отди. Чой-пой ичиб жунашга ҳаракат **қилаятган** эди. Бойсарибойнинг қизига повқилодда **кўзи** тушиб қолди. Ойбарчин ҳам жамоли ойдай тўлган эди. Ўн тўрт-ўн бешларда эди. **Узи** ҳам бойнинг қизи эмасми, ўзи ҳам келишган чиройли эди. **Тукарак** (чиройли юзли, ширин сўзли) овқи кўзли (кийик кўзли) бир мунча нозли, ширин тилли, лаби холли, нозолим майхитабон, юзи ойдай бўлган, қошлари жойдай бўлган, гардани найдай бўлган қиз бола эди. Аммо учта маҳрам бойнинг ажойиб қизи бор экан-да деб бир-бирига ажус қилишди. Булар бу ердан туриб отланиб **кетди**. **Қолмоқ** шахрига кетди. **Қолмоқ** подшосининг олдига кириб борди. Подшо айтди: қани маҳрамлар қаёқдан келдиларинг, - деб сўради. Учаласи подшога бир сўз деб турипти:

Бизлар миниб саф олма кўз бедовга

Сайил қиб чиқбедик овга

Ов солдик бориб Зил товга (тоғнинг номи)

Сайил қилиб **эндик** Чилбирдай чўлга

Кече меҳмон эдик Кўнғирот элга

Меҳмон бўлиб тушдик Бойсарибойга

Чилбир чўли тўлиб қобди.

Саф чорва қўйга.

Ҳам оқ бузарда қора уйга (қатор тикилган уй)

Бизнинг югуриб отимизни бойлади

Саф озода тушаклар **тайлади**.

Бахмалдан ёпилган утовга жойлади (янги уй)

Тонг отгунча зиёфат қилиб сийлади.

Меҳмон бўлдик бориб бойнинг ўзига

Лакин қўзимиз тушиб қолди слув қизига

Бойнинг қизи шундай слув қиз экан

Бир **нозолим** узук офтоб юз экан

Қошлари мислим жойдай экан

Жасади ўнтўртта тўлган ойдай экан

Томаша қилдик чорваларнинг барини
Кўриб қолдик бойнинг зулфақдорини
Ҳеч ерда кўрмаган эдик

Бундай нозолим парини деб подшога бойнинг қизини маҳрамлар жуда мақтади. Чунки бир кўрганнинг ақли лал бўлмаса булди (иложи) йўқ деди. Подшонинг кўнгли шундай хуруллаб кетиб қолдики. Энди маҳрамлар бойнинг қизининг киёви бормикан ёки бўймикан (турмушга чиқмаганмикан). Лакин унчасини билмадик. Лакин жуда хушранг (чиройли) қиз экан. Бўлмаса подшио айтди, сизлар яна бир борингизлар қани бир кеча ётиб Кўнғирот чорваларининг катталарини чақиртиб, бир маслаҳатимиз бор деб ҳаммасини тўплаб секингина, яхши, ширин сўз блан тушунтиринг, бориб совчи бўлиб келингизлар деб буюрди. Учта маҳрам иккинчи қуни яна бойникига тушиб меҳмон бўлди. Баҳазур бу кеча зиёфат еб ётди. Эрталаб тонг ҳам отди. Энди маҳромлар Бойсарибойга бир-икки оғиз сўз деб турипти:

Ул табама бул таба
Бу дартларга борми даво
Маслаҳатимиз бой бобо
Биз келдик бобо сизга
Маслаҳат беринг бизга
Қулоқ солинг айтган сўзга
Келдингиз Қолмоқ жойларга
Сиз каттасиз минг уйларга
Хабар юборинг бойларга
Келдингиз Чилбир чўлларга
Хабар юборинг элларга
Боғилди бедов отимиз
Бугун бор маслаҳатимиз
Эрисин товнинг қори
Чилбир чўлни жойладингиз

Етти йиллардан бери,

Тезроқ етиб келсин

Гапга етарнинг бари.

Бойсарибой энди буларнинг гапининг мазмунидан ўз ичида айтдики буларни подшо юборганга ўхшайди. Чунким бу йилдан подшо боз-закот (солик) олиши керак деб дарров овул-овулга (тута уй) душ-душига (хар томон) от чоптириб юборди. Икки-уч соат ичида сойда-қирда ўтирган чорва бойлар отланишиб келаверди. Тўп-тўп, кўп-кўп бўлиб келаверди. Ҳаммаси келиб бўлгандан кейин маҳромлар блан **сўрашиб**, кўришиб турипти. Чорва бойлар бу одамларнинг нима ишга келганини билмай хайрон бўлиб турипти. Энди маҳромлар буларга қараб чорва халқлар, Қўнғирот эллар сизлар блан **бугун** бир маслаҳат қилгали келдик. Шунинг учун яхши тинглаб турасизлар деб нима иш блан келганлигини айтиб турипти:

Ўн **тўртда** тўлади осмонда ойлар

Сиз келиб жойландингиз **Қолмоқдай** жойлар

Чилбир чўлга қатор тикилди оқ уйлар

Чўлни босиб ётипти тева-қўйлар

Маслаҳатимиз бор сизлар блан чорва бойлар

Сизлар жойладингиз **Чилбирдай** чўллар

Ўтиб кетди орадан етти йиллар

Чўлларни босиб кетди чорва моллар

Маслаҳат бор сизлар блан чорва эллар

Сизлар жойладингиз сахро-даштлар

Ўтиб борар неча ёзу – неча қишлилар

Сизлар блан маслаҳат бор қардошлар

Маслаҳатимиз сизлар блан шу бўлади

Сизларга макон **Чилбир** чўл бўлди

Ҳисобласангиз қардошлар етти йил **бўлди**

Энди биргалашиб бир маслаҳат қилайлик
Бир-биримизнинг қадримизни билайлик
Тўй-тамоша қилиб ўйнаб-кулайлик
Бир-биримизга қиз беришиб, қиз олайлик
Маслаҳатни бугун шундай қилишиб,
Қолмоқда яшайлик ўйнаб кулишиб
Бир-биримизга қиз беришиб, қиз олишиб
Бир-биримизнинг қадримизни билишиб
Сизлар ҳам кетингизларга бизларга арлашиб
Бугун маслаҳат сурагали келдик сизлардан
Сизлар ҳам қиз олинг бориб бизлардан
Ўзларингиз биласизлар **Қолмоқ** шоҳини
Сизларга бердида **Чилбир** жойини
Қолмоқда қилайлик ўғил-қизларнинг тўйини
Томоша **бўлсинда** эллар ўйини
Келишимизни сизларга қилдик баён
Бу гапларни эшитдиларингиз аён
Бир-биримизга бўлайлик тоғайли жиён
Сўзлар гапираверсак бўлмайди адо
Қиз беришиб, қиз олишда сизларда қандай расми **коида**
Бугундан бошлаб бир-биримиз блан бўлдик қуда
Қулоқ солдиларингизма маҳромлар сўзига
Тушундиларингизма гапнинг изига
Биз аввал совчи бўлиб келдик бойнинг қизига
Пиликсиз ёнмайди чироқнинг мойи
Ҳаммангиз ҳам давра кўрган чўл бойи
Бизни юборди у **Қолмоқнинг** шоҳи
Бир-биримиз қадримизни билганмиз
Отти йилдан **бермаган қадрдон** ҳам бўлганмиз
Бой бобонинг қизига совчи бўлиб келганмиз

Эркин давр суингизлар
Маслаҳат қиб кўрингизлар
Агар лозим топсангизлар
Бойнинг қизини берингизлар
Билмади қайғу ўйини
Биласиз қалмоқ шоҳини
Хайдаб келамиз тўйини

Махрамлардан бу сўзларни эшитган чорва халқлар хабарсиз келбеди жийилиб(йифилиб) ҳаммаси ерга қараб қолди. Нафи қийилиб, (думоғи) ҳам қобоги уйилиб келбеди бари жам бўлиб, бирон оғиз **гапирмасдан** ҳаммаси қолди дам бўлиб (инدامай), ерга қараб бўйни хом бўлиб.

махромлар билди чорва бойларнинг бирнарса деяолмасдан ерга қараб қолганини билиб, бўлмаса ўзларингиз майдонга чиқиб, бир маслаҳат қилиб, ишнинг бўлар-бўлмаси хақида бизларга бир ваъда берингизлар. Икков-учов, **бешлаб-ўнлаб** майдонга чиқиб кетаверди. Ўзлар ҳаммаси бир жойга тўп бўлиб, йифилишиб, кўп бўлиб ўзаро маслаҳатга келишди. Жортибой оқсоқол Бойсарибойга қани бой бобо махромлар гапининг мазмунини англадингизми нима **деймиз** энди. Булар подшоси учун Барчинойга совчи бўлибтида буларга нима жавоб айтамиз энди. Сиз буларга жавоб беринг. Бойсарибой ранги сўлиб, кўзи ёшга тўлиб мен нима дейин. Менга бугун нима дейишни сўраманглар деб **қариндошларига** йиглаб бир-икки оғиз сўзлаб турипти:

Бино бўлмасинда бошим **мен туғилмай**
Кексарибди энди ёшим (кексалик)
Кетиб қолди ақл-хушим
Сатқа бўлай қариндошим (садағанг)
Кулоқ солгин тенги-душим
Чопга айлангандай ишим
Курмалдида қизил тилим
Бойсарига берсин ўлим.

Шунқор **тепиб** синди белим
Қолмоқдан кўргудайман зулм
Ўзларинг бил қавми-элим
Сарғайгандай энди юзим.
Энди ўйилсинда қўзим
Элдан айрилиб ўзим.
Бойсарига ўлим лозим
Йириди товнинг қори
Кебеди қариндошнинг бари
Йифлайди бобо Бойсари
Етти йиллардан бери
Келмади акам хабари
Бойбўри бормикан тири
Қолиб кетган хили хишдим (қариндошларим)
Энди қандай **бўлди** ишим
Бироқ хабари бўлмади
Бойбўридай эмакдошим
Бекор чиқибман элимдан
Қиртулув қийин замонда
Барчинжон кетса қўлимдан
Менга **қойтдиidi** ўлимдан
Мустар буб қолди эли
Кетди Бойсарининг сўли
Ҳамманг биласан элотим
Бағища акамнинг ули (аташтирилган)
Бекар чиқдимда жойдан
Акам Бойбўрибойдан
Ойрилсам Барчинойдан
Насиба тортди бунда
Қолган бундай қаттиқ кунда

Гап сўрамай эл отим
Бойсари юрмасин зинда
Бекар бўлди келишим
Ким деб қадирин билишим
Ўзинг билгин хили-хишдим
Лозим бўлдида ўлишим
Адашибман журган йўлдан
Давлатлик оғир элдан
Эрка қизим кетса қўлдан
Оҳмоқлик қилибман **авалдан**
Қора кўздан қора ёш
Котор-котор эшилиб
Энди йиғлади Бойсари
Юрак-бағри тешилиб
Бекар келибман элотим
Бой оғамдан чашилиб
Мусафирлик билиниб
Йиғлайди боғри тилиниб
Бекар келдим, элотим
Бой оғамдан булинниб
Ойрилиб хили-хишдан
Маслаҳат денги-душдан
Биран хабар бўлмади
Бойбўри эмақдошдан
Ҳам жулбарсим Алпомишдан
Йиғлайди боғри қавоб
Кўрсам қилайин тавоб
Келиб қолар Ҳаким **йўлборсим**
Қандай айтаман жавоб
Гумбирлар тоғларда дора

Сум юракнинг **гуши** пора
Жуда олис **жули** ора
Ўзларинг қўринглар чора.
Шул Ҳакимдай **жулборс** келса
Бўлармонми юзи қора
Оти тови **чўлларда озаб**
Оти тови чўлда хизлаб
Келиб қолса **Барчинди** излаб
Агар **Қолмоқ** толаш бўлса
Йиғламайин **бутадайн** бўзлаб
Аҳвалим бўлмасин **хараб**
Бу бошима осман нураб
Қолмайин йўлида қораб
Алпомишим келса сўраб

Алқаси: **Байсари** атроф бошига **қовми-қориндошига** бир дардини айтиб бедар бўлиб йиғлади.

Айбарчин оқ утовдан, **ёпсарни** ёриб қараб турган эди. **Надир** Элбеги, Кучар Элбеги, Жортибай **оқсақал**, Шодомон мерган, **Чувдоли** сўпилар тўп бўлиб турипди. Отасининг буларга қараб йиғлаб турганини Барчин кўрибди. **Айбарчин** канизак қиздан отасини чақиртди. Аста-секин Бойсари одамлар ўртасидан чиқиб қора уй эшигига равона бўлди. Бохмолдан бонотдан **жобилган** ўтовнинг олдига келди. **Айбарчин** **каради**, **хопо** бўлиб боради. Секин отасини олдига **чоқириб** ота нима гап бор деб сўраб турипди:

Қайғудан қўп бўлди ўйим
Сорғайгандай ранги-рўйим
Бой отам ҳам қибла гуйим(яқин киши)
Кўргандайсиз жабри жафо
Нима учун **булдингиз хопо**.
Халқларга нима жилаб

Үзингизга **улим** тиляб
Жийилиб атроф бошингиз
Күздан оқибди ёшингиз
Нага жилайсиз бек ота
Эзилиб журак гүшингиз
Келдингиз **Қолмоқдай** жойга
Сиз кадагансиз минг уйга
Нима гап буб чорва бойга
Дардингди жор Барчинойга
Кучиб келиб **Қолмоқ** элга
Хам деса бу **Чилбир** чүлгә
Нима бўлди **Қунғират** элга
Гапирингда Барчингулга
Ой тувиб шавласи уриб жузига
Ситам **утгандай** Бойсарининг ўзига
Энди дардини жориб Барчин қизига
Сорғайди бугун юзим
Қолмоқ элга келиб **ўзим**
Энди ўйилсин қўзим
Отангга ўлим лозим
Ўлсин отанг ардоқ қизим (азиз)
Давримда қолгандай **чолаш**
Қолмоқга жиймайди **хилом**
Овир эллардан айирди жаратган Алла Толам
Отанг ўлсин жоним болам
Қолмоқ журтдан келдим менам
Энди ўлсин ғариб тепаби
Қолмоқлардан совчи келди
Отанг ўлсин жоним энам.
Ситам қилиб **Қолмоқнинг** кори

Кимга жетар отангнинг зори
Қолиб кетган оғам **Бойбури**
Етти йиллардан бери
Бирор бўлмади хабари
Саҳрода от желмади
Жўлбарс мулла Ҳаким келмади
Унинг хабари бўлмади

Алқиса: **Айбарчин Қолмоқдан** совчи келиб отасининг аҳволини танг қилгани билинди. Отасининг кўнглини хушлаб юрагига татилдирик бериб, Ойбарчин бир сўз деб **қичқирайпди**:

Оптоғ бўлмай қизил гуллар сўлама
Қоза жетмай қошқа чибин ўлама
Минг ўйнинг бошлиқ бойи сиздай бўлама
Унинг учун Жулбарс отам жилама
Бу жилаган **Қолмоқда** пойда қилама
Осмон аёз бўлса ҳавонинг теги кўк
Бу йиғлашда, бу **Қолмоқда** пойда йўқ
Бунинг учун **хопо** бўлма отабек
Хова жовса ҳар сойлардан келади сел
Абад бўлиб жотар Чилбир чўл
Нима маслаҳат берди бу **Қолмоққа** келган эл
Уқрипади чулда чопган бедав от
Отрафдан босиб келган эл от
Совчиларга берди нима маслаҳат
Сувнинг боши торам-торам
Туба сочим тўққиз **бурам**
Бадавлатли бокарам
Хопа бўлманг бой отам
Келиб қолар жулбарс **туранг**.

Мингани тулпор **пирогим**

Жайбир жойли жорағим

Шу **күнларима** керагим

Упка блан журагим

Орқа, бўкса **кукрагим**

Рустамдай жулбарс дирагим

Хопа бўлманг бек ота

Келиб қолар сайб дарагим

Оқ **айилдаги** туғам

Оқ совут тўндаги жағам

Булбул **қўш қунган жағам**

Хопа бўлмангда бой отам\

Келиб қоларда бош эгам

От чопиб тову **чулларга**

Сафар қилиб узоқ йўлларга

Излаб **келса** шу элларга

Келиб қолар Чилбир чўлларга

Минар **бедав** тулпорнинг белига

Жайбир-жай тутиб қўлига

Излаб келиб қолар элига

Хопа бўлмангда бой ота

Қолмасман **Қолмоқ қўлида.**

Ойбарчиннинг отасига айтган **габи** Бойсарини жуда қувонтириб журагининг ғомини чиқариб жуда хурсанд қилиб юборди. Ойбарчин отасига совчиларга нима маслаҳат бердингиз шундан гапиринг деди. Қизим **хич** маслаҳат бермадик чорва бойлар **менга** қоради, мен ерга **корадим** нима **дияримизни** билмадик. Энди Ойбарчин айтди ота мен маслаҳат берсам бўладими деди.

Бойсари қани гапир қизим деди.

Ота бўлмаса совчиларга шундай **дийиш** керак. Яхши келибсизлар, бинойи келибсизлар. Ўзларимизнинг ҳам шундай маслаҳатимиз бор эди. **Қолмок** подшоси бизларга яхши қораши. **Бизларга** бож-закот, **олик-солиқдан** раё қилди. Етти йилдан **бермаған** Чилбир чўлини бизларга бериб жуда чорваларимиз **усиб** кетди. Энди булар блан қайтадан **қориндош**, қуда бўлиш ўйнаб кулиш, қиз бериб-қиз олиш қиласлик деган эдик. Хўп жуда яхши **бўлиби**, дейиш керак. Тағин қўпол гапириб биз сизларга қиз бериб, қиз олишмаймиз, қуда билиш бўлишмаймиз дейилмасин.

Ё бўлмаса сизлар совчи бўлсангиз сизга бойнинг қизини бердик **дийиш** ҳам мумкин эмас. Олтиой сурук сўраш керак. Олти ойгача бизлар ҳам маслаҳат қиласлик. Кўп халқмиз олти ойдан кейин қиз бериб қиз олишни бошлаб юборамиз дейиш керак. Бойсари Барчиндан бу гапни эшитиб жуда **хурсанд** бўб кетди. Ана энди чорва бойлар, тўп бўлиб бориб совчилар блан Жортибой оқсоқол гаплашаяпди.

Совчилар айтди қани чорва бойлар нима бўлдиларингиз. **Жартибой** ақсоқол совчиларга биз шундай маслаҳат қилдик деди. Ўзимиз ҳам энди сиз халқлар **билан** қиз бериб қиз олишликни маслаҳат қилган эдик. Бизнинг келганимизга Чилбир чўлига етти йил бўлди. Етти йилдан буён бизларга олиқ-солиқ, **закат** демади. Энди Сизлар ҳам биздан қуда жиян яхши **яхши кебсизлар** бизда ҳам лекин қўп халқмиз Бойсарибий ҳаммамизнинг каттамиз. Шунинг учун бош **адақларимизга** халқларимизга маслаҳат солиб қўрайлик. Энди сизлардан илтимосимиз олти ой сурук берасизлар, олти ойдан кейин қиз бериш, қиз олиш қуда билиш, бўлиш, тўй-тамошамизни бошлаб юборамиз. Совчилар айтди жуда тўғри, хўп бўбди. Сизлар ҳам бизлардан **ҳаҳлаган** қизларингизни олингизлар. Бир-биримизнинг қадримизни биламиз, тўй-тамоша қиламиз, ўйнаб-куламиз, - деб хайрлашиб отланишиб кетди. Совчилар **кетгансан** икки соат ўтгандан Бойсарибой ўз атрофидаги қариндоши **билан** маслаҳат қилиб бир сўз деб қичқираяпти:

Кўлок солинг сўзима тенги душларим

Оғирга айлангандай бўлди ишларим

Кўлоқ сонглар сўзга қариндошларим
Маконимиз Чилбир чўлнинг сараси
Олис қолди арқа жўртнинг ароси
Совчилардан олтой сарак олдингиз
Энди нима бўлар ишнинг чораси
Бойсарининг лаби энди қатади
Олтой деган бирпасилда ўтади
Бойбўрига қачон хабар етади
Хабарчи бўб бу ердан ким кетади
Бойсарибий атроф бошга қаради
Бойбўрига ким хабарга боради
Борар киши борма дейди, сўради
Арзи дадим Бойбўрига айтгидай
Ҳарна тезроқ бориб қайтгидай
Ким боради хабарчи бўб кетгидай
Ҳарна суругидан олти ой ўтмаса
Чабағанчи бўлиб бирор кетмаса
Бу ахволим Бойбўрига айтмаса
Сорак битмай Барчинни олиб кетмаса
Тирна излагандай **ўзини** ўзининг хилини
Доғди одам борса билар йўлини
Тез юборса **Олпомишдай** улини
Бориб айтса Бойсарининг додини
Чўлларда чопгидай **бедав отини**
Кўлимдан об кетса омонатини
Ёрдам дедим мен **силардай** элимдан
Шунқар кеб тебмаса яхши белимдан
Нима **буса** олиб кетса кўлимдан

Бойсаридан сўз эшитган қариндош атроф бошлари мана биз борамиз, **Олпомишига** биз хабар берамиз **деялмай** жим қолди. Баъзилари Бойсарибийга эшитдирмай ўzlари Бойсарибий орқа **жўртдан** **кўчаятганда** қанча халқ қариндошлар йиғлашиб кўчма деб изидан эргашиб бир кун юрганда ҳеч изига қарамаган эди. Энди биз қайси бет **билан**, қайси жуз **билан** халқларга бориб Бойбўри бобога қайси бет **билан** бу сўзларни **гапирамиз**. Қалмоқ элига кўчиб борган эдик. Қалмоқ подшоси **Айбарчинга** совчи бўлиб бизларнинг аҳволимизни танг қилди. **Байсарибийнинг** қизини берасан бермасанг кунингни кўрасан бийнинг қизини оламан бўлмаса етти йиллик закотни оламан деб жатир деб айтalamизми, бетимизга кўп бир тоба гап гапиради. Бойбўрибий айтади: Кўр бўл, бундан ҳам баттар бўл. Бу ерда халқлар бир кун изларингдан эргашиб йиғлаб юрган эди. Бир тинга сўзларни олмасдан қарамай айтган сўзинга юрмайман. Энди бу жойда турмайман. Бойбўрининг ўғлига қизимни бермайман. **Олпомишига** бергандан **даръга** ташлаб юбораман деб кетбединглар. Энди нима учун келдиларинг. **Тўр** йўқ бўл кўзима кўринма. Қаердан келган бўсанг **шу** ерга йўқ бўл деб **авволо** ўлдиради, ўлдирмаса ҳам уялтириб рангимизни сўлдиради, қайта юракни ғамга тўлдиради. Обрўйимизни **тукуб**, қамчилаб хайдаб юборади. Шундай **абрўйим** тўкилгандан кўра **бормасакчи** деб тўзишиб кетди. Бойсари жуда сусқини **қийилиб**, алам журака жийилиб қолди. Уйига бориб йиғлаб **хафа** бўлаберди. **Байсорининг** хотини Ойтұғмиш ҳа чол нимага **хафа** бўляйпсан деб сўради. Бойсари **хотинига** ке қўй дардимни қўзғаб гап сўрама. Бу ишлар аввалда сендан бўлган эди. **Мани** элдан, халқдан, қавми-қариндошдан, акауқадан, ини-оғадан **бустириб** айириб кўчирган сен эдингку. Кунтуғмиш **билан** йўлишиб, шатталаб, тенаси-тентак калласи катта галбанг **Алпомишишингга** қизимни бермайман деб ишни сен бошлаб эдингку аввалдан. Энди кўр бўл, **батар** бўл, қизингни **қалмока** бериб. Энди қавми элат, қариндошни Бойбўридай емгакдошни менга кўрув борми энди йўқ **кури** деб йиғлайберди. Ойтұғмиш ҳам жуда хапа бўлиб йиғлади. Кун ҳам кеч бўлиб қолди. Намошомдан ҳам ўтиб кетди. Чўлда чўпон қўй боғиб юрар эди. Унинг

отини Эломон дер эди. Эломон сағир бола эди. Ота-онаси йўқ. Бойсари Бойбўрининг уйида улоқ-кўзи боғиб ота-она деб кетган эди. Энди хадими катта полвон бўлиб қўй боқиб юрган эди. Кўйни дашга қақиватга ташлаб нон об келайин деб келди. Келса Бойсари бобо Ойтұғмиш момо иккови йиғлаб ўтирибди. Эломон қараб хапа бўлганини билиб ха ота нимага хапа бўлдингиз деб сўради. Энди Бойсари Эломонни кўриб жойидан туриб юрак-бағри эриб бу арзини айтиб тўхтаган жойи:

Сўлгандайди қизил гулим
Бошима қоронга зулим
Эломонжон жоним улим
Қариндошга ўтмай сўзим
Телмириб, қолида кзўим
Яшлигига боқкан қўзим
Бобонга ўлим лазим
Шу вақти тонг бўлди ҳалим
Тетиб қолди тоза галим
Олисда қаб кетган элим
Қарамади қариндошим
Эзилди жигар гўшим
Чапга айлангандай ишим
Аттанг олисда қолди Бойбўридай эмакдошим
Гапим қулоқа кирмади
Бойбўрига хабарга
Бирон киши бормади
Тобилмай дарднинг дармони
Қолди кўнгилнинг армони
Хабар берса келар эди
Алпомишжондай полвони

деб йиғлагансан Эломон ҳам **хапа** бўлди. Эломон айтди, ота **хапа** бўлманг ҳеч шунча қариндошдан бирон киши бормаган бўлса мана мен тайёр деб қичқириб **турипти**:

Этакни белга чатаман
Чопсам отдан ўтаман
Хапа бўлманг бий ота
Ман мен ўзим кетаман
Этакни белга чаламан
Таёқни қўлга оламан
Мана кетади **Эломон**
Этакни белга чаламан
Йўлини ўзим биламан
Хабарни ўзим қиласман
Алпомишни олиб келаман
Ошаман тоғларнинг белидан
Неча бизик йўлидан
Алпомишни олиб кесам
Олар Қалмоқлар қўлидан
Мен кетаман Бойбўрига
Тартиб тоғларнинг ўрига
Барчин сингил хабарига
Ўзим хабарни бераман
Бор севикли ёрига
Чопсам отлардан ўтаман
Кувсам отлинин жетаман
Мани тайёрман кетаман

деб **Эломондан** гап эшитгансан Бойсари балли ўғлим қани ундаи бўлса сенга инанаман **ҳам** ишонаман, суюнаман ҳам таянаман деб **коронғалиқда** кампир чироқни ёқаберди. Кампир қора чироқни ёқиб олдига олиб келди.

Бойсари айнагини кўзига қўйиб Дават қаламни қўлига олиб ўрганчи ўрмалагандай қилиб хат ёза берди. Бойбўрига салом деб нима бошидан ўтганнинг ҳаммасини солиб қофозни маҳкам бувлаб Эломоннинг желкасига тикиб, кампирига кампир, энди буер, уерга чопиб биран иккиюз нон топ, чунким пиёданинг халтаги нон деган гап бор. Жўлларда, чўлларда оч бўлиб қолмасин деди Ойтуюмиш байбича овулларга нон қидиräятиби. Баъзи овулдаги аёллар опа нимага нон қараб юрибсиз деб сўраяпди. Чўпонлардан бирта келди. Чўпонлар кўп ошиб келмайдимиш деб буер, уердан иккиюз нон қоқишириб берди. Эломоннинг бир чанаг кулбари бор. Уч ёшар жувананинг терисидан бўлган кўлбарни нонга тиқиб олди. Бир меш сувни ҳам тиқиб олди. Чанагга икки этагини белга чалди. Санаг кулбарни силкиб жовиринга солди, таёфини қўлига олди, Эломоннинг ўзи шундай гайратлик кучли бола бўйи навча шилдинг пайча саратанда ўриб жийди тарвуз сабча. Тирамага бирдай сўйиб жерэди сарка тувча ўзи чупаннинг саяти қўлига чақан таяғи жерга тегмайди оёғи. Байсарибий билан кампири эргашиб майдонга чиқиб Эломонга икки оғиз гап тайинлаб қичқириб турипти:

Юрагим бўлмасин алам

Эломонжон жоним болам

Зинда бор бўлса Бойбўри

Мендан айта кўргин салом

Пиёлада пирағим

Шу кунима сен керагим

Ўпка билан жўрагим

Байбўрига салом дегин

Эломонжон чироғим

Сенга ишондим ўзим

Йўлингга тўртди кўзим

Кундузликка бормагин

Кечалаб боргин қўзим

Эргашаятиризига

Кўлоқ сол бобонинг сўзига

Қоғозимни бермагин

Бер Бойбўрининг ўзига

Қизил гулим сўлмасин

Борганинг бирор билмасин

Билиб қолса оғир эл

Бетга **тоба** бўлмасин

Хумор кўздан оққан ёшим

Билмасин бошқа **қардошим**

Ўзига бергин хатимни

Зинда бўлса **эмакдошим**

Йўлларда бўлмагин беғом

Сендан бошқа юқдир эгам

Салом **айтгин** Бойбўрига

Зинда бор бўлса бек оғам

Юракда қолмасин жарам

Кўнгил бўлмади араш

Салом айтинг Бойбўрига

Энди бор бўлса шир хураш

Қолмоқдан кўрмайин **зулимди**

Ўзига айтгин ҳолимни

Сўради эмақдошини

Қоб кетган хил-хешни

Қандай бўлмасин юборсин

Полвон **Олпомишини**

Сўлдирмасин боғнинг гулини

Изласин келган элини

Зинҳор юбрисин Бойбўри

Ҳакимбек йўлбарс ўғлини

Олтиой **суруги** ўтгансан

Кўлдан кетади келини
Гап эшитсанг ўғлим биздан
Хаёлламай келгин тездан
Қалмоқда жуда бўлмайин
Эрка усган Барчин қиздан
Бугун аҳволим қалайди
Ким манглайдан силайди
Ишандим сенга Эломон
Изғин тартиб жилайди
Ситам ўтганма ўзидан
Жаш оқиб хумар кўзидан
Салом айт Бойбўрига деб
Эргашаётир изидан

Ана энди Эламанга Бойсари ўғлим жони дилим боғда очилган гулим зинхор ба зинхор кундузлик элга аралаб биттага ўзингни кўрсатмагил. Нима бўлса зинда Бойбўри бор бўлса қоғозимни ўзига бер кечалаб қайт деб тез тайинлади. Энди Байсарининг хотини Эломонга икки оғиз гап тайинляяпти:

Кўлоқ сол мамангнинг сўзига
Мендан саломни айтиб бор
Кунтуғмишнинг ўзига
Ойлар нечаси нечага
Қолдим қоронғи кечага
Мендан саломни тайин айт
Кунтуғмишдай бойбичага
Қиёлаб ойлар ботади
Лаби халсираб қатади
Сорок битгинча олиб кетмаса
Келини қўлидан кетади
Охмоқ бўлиб чиқибмиз элдан

Одашдим юрган йўлдан
Агар ўғлини юбормаса
Келини кетади қўлдан
Узоқ бўлди майдон аро
Бу ишларга йўқди чора
Олпомишни юбормаса
Мен уларга юзи қора
Сум юрагим куя-куя
Мехнатим кетмасин **зая**
Зинҳор **полванини** юборсин
Биз бўлмайик юзи (сиёҳ) қора
Кеча-кундуз юрсин йўлни
Юборсинда полвон улни
Олиб кетсин Барчин гулни
Тайин айтасан сўзимни
Телмириб кетмасин
Буйтиб қора кўзимни
Алпомишдай **Арслонини**
Тайин юбориши лозимди
Қолмоқда мусафир қилмасин
Ардоқлаб боқкан қизимни

деб **Эломонга** тайинлаб қолди. **Эломон** катта гапирди ота-онаси юбормайман деса ҳам ўзим олиб келаманда деб. Абжил пиёда кетаяпти. Экови қолди. Эломон жўнаб кетди. Сайи қирлардан ўтаяпти, баъзи қушларнинг кейнидан кувиб етаяпти. **Қоранг** пиёданинг зўрига хизмат қилди. Бойсарига зўр қилиб тортаятири баъзи тоғларнинг ўрига зўр **қиб** тови чўлда юраяпти. **Чанагдаги**(чанач) нонни олиб ҳар ўртига ўраяпти. Нонни кувшаб бораяпти кунларчалса тови тошга келаётир чўли-дашга хабарчидай **Олпомишга** чўлларда учади. Лочин **Бўрбойига** солиб қўчин бул пиёда йўл тартиши кўтиб

қолган Барчин учун хабарчи Бойбўри бойга кетаётир қира сайга. Бу пиёда (ж)исул тартиши кутиб қолган Барчинойга

Кетаётир журак тошиб

Сайи қирлардан ошиб

Чопишига-чопиши кўшиб

Ғайрати ҳаддидан ошиб

Жўнаган чилбир чўлидан

Тўғрилаб кетаётир бизни тоғни белидан

Баччаликда каттарган Бойсорининг қўлидан

Бойбўрини кўрмаганга олибди

Етти йилидан ҳали чарчамай кетгидай

Сайи қирлардан ўтгидай

Шу созда кетаберса

Қисқа вақтда жетгидай

Эломон йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, неча кунлар йўл юриб, оқ дарёга ениб борди. Оқ дарёнинг бўйига бориб чанаҷдаги ноннинг ҳаммасини сувга тўғраб қорнини хуп тўйдириб noni ҳам қолмади. Бошқа ҳеч нарса ҳам қолмади. Энди ўйласа Оқдарёдан чўл ғубарсиб кўринади, Денграз деган чўл чангирқаб кўринди. Денграз чўлини қўргансан Эломон хиёли бузилди. Чунки, туғилган киндикнинг қани томган, ўйнаб-ўсган жойлари ёқин қолибди. Энди Оқдарёдан ўтиб бедард деб Денграз чўлига чиқиб кетиб бораяпти:

Қарчигайлар қояда

Жўл тартди зўр пиёда

Етти йилдан бермаған

Аlam ўтган зиёда

Насиба тартиб кетган

Бойсарибийлар билан бирга

Чиқаётир Эломон

Баландлик сайи қирга

Кўзи тушиб боради
Баччаликда юрган ерига
Баъзур хиёли **бизилиб**
Жул тартади сўзилиб
Тўғилган жойини кўргансан
Юрак-боғри эзилиб
Қайғу тушибди сарига
Хизмати бор Бойсарига
Қаранг пиёданинг зўрига
Жугуриниб **тартди** Эломон
Дабриз товнинг ўрига
Таёғини олган қўлига
Этагини чалган белига
Неча кун бўлди жўргани
Қолмоқнинг узоқ йўлига
Бораётир Эломон
Тўғилган-ўсан элига
Кун чалган тоғлар-тошига
Қайғу тушгандай бошига
Оёқлар чавлаб қабарди
Товнинг параха тошига
Қаранг пиёда кишига
Хабарчи бўлиб бораётир
Бойсарининг эмакдошига
Чиқиб кетди **Эломон**
Дарваз тоғнинг бошига
Баланд тоғларнинг бастига
Гап келади пайвастига
Чиқиб борди Эломон параха
тоғнинг устига

Дарё тошар тарма эриб
Хилидан айрилган ғариб
Неча кунлар йўл юриб
Тоғнинг устига бориб
Ўтов бетини туман чалиб
Тов бетини туман чалиб
Ўзи чарчаб жуда толиб
Нон ода бўлиб, ачқаб қолиб
Сайи қирлардан ўтиб
Тоғ устига борди етиб
Бориб йиқилди Эломон
Очдан бироз юраги кетиб
Қовмати ёйдай букилиб
Очқаб, юраги **тукулиб**
Тоғнинг устида Эломон
Бир **майдан** ётди йиқилиб
Келиши **ўзок** жойдан
Дам олиб жатти **бирмайдан**
Чиқибди тоғнинг бошига
Бир сахар ётиб **Эломон**
Келди ақл ҳушига
Алқисса **Эломон** бир соатлар роҳатланиб ҳуши ақлига келиб юрак **тухтаб**
тоғ **бўлоғидан** сув ичиб бутун оёқлари тошга қабариб қолибди. Оёғини ечиб
сувларга ювиб яна пайтабани чориб маҳкамлаб муккини кийиб олди. Тоғнинг
чунгқисига чиқиб қаради. Атроф-бошга арқа чўлнинг жон адилнинг чўллари
Алпон катта кўллари юрган турган қўрган жойлари тоғ пасида **губорсиб** қора
қумлар пасида кўринаверди.

Османнинг ёрқиллаб ёруғ ойлари
Кўнглида борми қайғу-ўйлари
Эломонга тоғ устида кўринди

Баччаликда ўйнаб-усган жойлари
Баланд экан баъзи тоғнинг беллари
Бу орадан ўтган етти йиллари
Олисда қоб кетган Чилбир чўллари
Булиниб чиқиб кетган
Қонга Қўнғирот эллари
Тов устидан Эломонга кўринди
Баччаликда юрган Алпон қўллари
Баланд экан қая тоғнинг бошлари
Эзилиб бораётир жигар **гушлари**
Хумор **куздан** оқаётир ёшлари
Етти йилдан буён кўрмай **қариндошлари**
Олиб кетган хили-хешлари
Тоғ устидан **Эломонга** кўринди
Баччаликда ўйнаб **усган** ерлари
Очилади боғда гулнинг лоласи
Қолмасинда бу кўнгилнинг chalasi
Тоғ устидан **Эломонга** кўринди
Жон адилнинг баланд-пасли қаласи
Етти йилдан бермаган йўқ кўргани
Эсига тушди баччаликда ўйнаб юргани
Тоғ устидан **Эломонга** кўринди
Жон **азилда** ўтапирнинг қўргони
Ўзи пиёданинг айғар пироги
Етти йилдан бермаган йўқ дараги
Тоғ устидан **Эломон** кўрди қараб

Энди **Эломон** тоғ устидан қараб кўриб келе энди, **қолмоқ** Чилбир чўлга
бормасак деб хиёли **бузилди**. Лапанглаб тоғдан чўлга **ташлади**. Оқ газа деган
участкага чиқиб кетди.

Бўстон бўлиб ётибди чўллар
Чўлда ётибди чорва-моллар
Бутун чўлни жойлаган Қўнғирот эллар
Баччаликда кўрган жойлар
Чўлни босибди сибойлар
Бутун чўлда кўринади
Саб тўқсон бошли уйлар
Чўл жайлаган чорва бойлар
Пида бўлиб азиз жонлар
Саса чўли биёбонлар
Газа газада ётибди
Чадир тиккан чўпонлар
Тоғ-боғрида қаялар
Ердан кўкарган қиёлар
Чўлни босиб ётибди
Бўта **билан** туялар
Томошади ўйин-кўлги
Чорваларнинг **мали-мулки**
Сай-сайнни босиб ётибди
Кулунни **ҳайдавли** йилқи
Азиз жонлар бўлсин **пида**
Чўллар **бустон** обод жида
Одирни босиб ётибди
Сигир-падалар
Неча қирдан ўтаяпти
 Эломонқу кетаяпти
Чиқиб кетган **шундай** элдан
Ўзи кўрган **даган** йўлдан
Ошаётир неча белдан
Душ келди неча овулдан

Баланд тоғларнинг бастидан
Бораётир Эломон неча кудук устидан
Эл Омон шундай кетибди
Неча овулдан ўтибди
Кўп қудуқнинг устидан
Эл Омон чупон етибди
Чорва халқлар қўйига
Бари сув тартиб жатибди.

Эломон борса бутун хотин бола-чақа ҳаммаси сув тартиб ётибди.
Эломон айтди. Байсари бобо тайинлаган эди, бирорга кўринма, кундуз куни борма деган эди. Энди қандай қилсам деб хайран бўлди. Энг пастда учта ёш келинчак сув тортаяпти. Энди хотин кишилар мени танимаса керак бир сув ичайин Байбуурининг борлигини билайин деб бир бўрилди. Эл Омон шундай борди. Секин қаради. Сулув келинчакларни қўради. Эломон ҳали чиройлик сулув ёш бола эмасма индамай сув ичишни тўғри кўрмади. Хотинлардан сув сўраб турибди.

Гулларнинг ўзи ғунча-ғунча
Йўллар юриб кундуз-кеча
Сув ичишга мумкинмекан
Сув тартиб ётган уч чеча
Зулпаги сулув келинчак
Ўзок бўлди юрган йўлим
Сувсиздан қатти тилим
Сув ичишга мумкинмикан
Сув тартиб ётган уч назалим
Баланд тоғларнинг бағри қора
Алван кўйлакнинг тузитор
Сув ичишга мумкинмекан
Сув тартиб ётган зулфакдар

Келишим узоқ йўллар
Сиз ҳашку қунграт эллар
Сув ичишга мумкинмекан
Кийиқ қашли назик беллар
Келишимку узоқ дашлар
Сиз ҳам қўнграт қардошлар
Сув ичишга мумкинмекан
Бадам қавақ маржон тушлар
Очилибди гул лалалар
Келишим жазира далалар
Сув ичишга мумкинмекан
Сув ичиб ётган холалар

Оёллар айтди, бечара сувсаб келаётган киши эканда, деб ёш бола экан ўзи деб обхонадан бошқармай қавғадан мана деди, сув тутди. Эл Омон сувни ичиб раҳмат опалар деб ул вақтларда ҳар сайда йигирма-ўттиз авул ўтирас эди. Бу авуллар кимники деса бойни айтар эди. Эл Омон **кузига** кўп овул кўринди, бу авулни сўраяпти Эл Омон:

Жарқиллаб тўлиб ойларингиз
Ўтлоқ экан жойларингиз
Семиз экан қўйларингиз
Тўқсон бошли уйларингиз
Ўн тўрт товли чийларингиз
Тал хишчадай бўйларингиз
Шу вақт кебди **гўйларингиз**
Сўрамоқда айиб **жуқди**
Кимди авул бойларингиз
Обод экан чўлларингиз
Семиз экан молларингиз
Жуда ширин тилларингиз

Қайси урут әлларингиз
Үт эканда жерларингиз
Чорва халқсиз бариларингиз
Бу кимди авулда зўрларингиз
Ўтлоқ экан дашларингиз
Авул давлатли бошларингиз
Ёз эканда қишлиниңиз
Завхи зафар ёшларингиз
Маржон садаб тушларингиз
Ким авулда бошларингиз

У келинчакнинг бирорини Ойхумор дер эди. Сариқул Элбегининг келини эди. Келинчаклар айтди бу авулнинг каттасини Сариқул Элбеги дейди. Ҳа деди Эл Омон айтди. Байбўрибий деганинг авулини биласизларма деди. Байбўри бобоники жон адилда биласизма. Ҳа-ҳа! Қудуғини ҳам биласизма. Ҳа биламан шу қудуқнинг бўйнида. Қирқта уй бор шу Бойбўриники. Ўзи уйда бормекин деди, бўса керакда қаерга боради деди аёллар. Эломон жунаб қўяберди, кеча бўлиб қолди. Чақан бачча кетиб бораяпти. Авулларнинг устидан боради. Авулларнинг купак итлари олади. Ўртacha қупакларни янаштирмай қичқириб авулнинг кейнидан бориб гап бергидай одам бормекин деб қичқирди. Ўзи кечанинг иши олдига чиқиб келди бир киши. У киши блан салом бериб қўришди, бу одам қаради бир чақан бачча кўзига қаради Эл Омондан гап сўради. Ука қайдан бўласан. Кайга бораяпсан деди. Эломон айтди, мен бир нон талаб чўпанман Бойбўри бобонинг авулига бормоқчиман деди. Бойбўри бобоникини сўрасан ёздаги ўтиргич қудуғини биласанми деди. Ҳа қўрганим бор деди. Бўлмаса иш жойга тикка бор деди. Эл Омон икки-уч сойдан ўтиб бориб қолса кўк газа устида саб катта уйлар кузига кўринди, борди. Кўрса ҳам кўзи янгилган эканма катта оқ уставнинг кейнидан борса қатар тикилган, секин-секин мараб ҳар томонга қараб чорва халқининг кучиги яман кўп авул эканда деб, секин ўнбеш минут

турди. Дамини ростлаб кеча бевақт бўлибди. Халқлар ухлаб қолган бўлиши керак, нима бўлса ҳам бийбобо деб қичқирайин деб таяғини кўкракга тираб таяқдан оёқни бир ўраб утав уйларга қараб қичқираберди:

Бойбўрибийнинг кўк қашқа деган кўпаги (ити) бор эди, олғир эдикি бўри бошқа нарсани ёнаштирмас эди. Бу чўпонларга кетмасдан авулда қолган экан. Эл Омон Қалмоқа кетмасдан аввал **Бойбўри бобоникида** ҳам юрар эди. Шунда кўкқашқа кучукни овқат бериб **каттарткан** эди. Эл Омон бийбобо деб овози чиққандан **жойидан** туриб жунаб қуябер **дабри отнинг дабридай**.

Ёндар кезар тоғи тошга
Овози жуда бошқа
Бу кеча кетмаган дашга
Жўнаб қўяберди кўкқашқа
Кимбилар кечанинг ишини
Кечалаб бийбобо деб
Эломоннинг давушини
Сафар қилса олисга
Узоқ сафар бўлса қисқа
Баланд чақадан кўкқашқа
Ташлаб қуяберди пастга
Ериган тоғнинг қари
Ухлаб қолган халқнинг бари
Эл Омонга бораверди
Байбўрининг вафадори
Эл Омон бир вақт қаради
Авулнинг қўпагининг бари
Ғавуллаб тукилиб боради
Эл Омоннинг ақли **шашиб**
Кўпаклар борди жетишиб
Кечанинг бевақт иши

Эл Омонга боради шинғиллаган довуши
Күпаклар ташлаб ўзи
Чорва халқнинг овулидан
Күпакнинг бари қўрқди
Кўкқашқанинг хилидан
Кучукли кўк **вафадар**
Қайтарган Эломон қўлидан
Эл Омонни кўрмаганига
Ошибди етти **йилидан**
Сув оқади **дўлаб-дўлаб**
Кўпакларни кўкқашқа
Кейнига қайтарди **талаб**
Ташлаётир кўкқашқа
Эл Омонга эркалаб
Барди Эл омоннинг қошига
Яқинлаб **борди** душига
Шингиллаётир **вафадар**
Шундай бориб қошига
Эл Омон келибди кечалаб
Ўзи **тўғилган** жойига
Эркалаб осилаберди
Эл Омоннинг бўйига

Эл Омон қараса шинғиллаб бўйига осилавергансан ҳа аттангга кўкқашқа деган қучуги бўлгич эди. Шу қўйнинг ортида бўрон совуқларда қўйним олиб ётар эдим. Жонивор етти йилдан буён менинг довушимни унутмаган экансан деб желкасидан сийпайберди. **Байбўри** бобонинг кампири Кунтуғмиш Эл Омон бийбобо деб овози чиққанда ўйғанган эди. Шу авулнинг **купаги жунаган**, сан **кўк қашқанинг** ҳам **жунаганидан** хабарли эди. Кўкқашқанинг адатини билади. Ҳавлиқиб Бойбўри бобони **ўйғотиб** чол

эшикга чиқиб бир қўлоқ сол билмайман кечанинг иши бийбобо деб чиқбеди бирорвинг довуши, кўпаклар Кўкқашқа кетбеди жутиб қўйдима туриб бир хабар олгин деяпти. Бойбўри жойидан туриб асли калишни топиб кийганча секин, аста-аста уйдан дашга чиқиб, қичқирган (чин) ким деб овози чиқди. Эл Омон айтди. Берман келаберинг деди. Секин борди, қараса, Байбўри бобо ассалом алайким бойбобо деди. Эломон бийбобо кўришайлик деб кўришди. Бойбўри қараса бўйи навча шилдинг пайга ўзи абжил чақан бача яримга етишган кеча. Ҳа ўғлим деди. Байбўри сизни сўраб келдим деди. Эл Омон Бойбўри айтди. Бу чўпан навча юраман деб келган бўлса керак деди. Уйга юр деб эргаштириб кетаберди. Кампир чироқ ёқ деб эргаштириб борди. Кел ўғлим деб ичкарига киритди. Эл Омон эргадан бориб ўтирди. Кунтуғмиш чироқ ёққинга кўп вақт ўтди. У вақтда чироқ йўқ. Қора чўян чироқ чақмоқ ўриб алов қилгинча анча вақт ўтди. Чуюн чироқга пилик солиб, ёққинча ҳам алам вақт ўтди. Чироқни ёки ўртага қўйиб Бойбўри қаради. Уй иргасида ер қараб ўтирган чақан чўпон баччани кўради. Кампир баччага нон қатиқ ол овқатлансин деди. Кунтуғмиш чупонлар келади деб, йигирмата катта нонни дастурхонга ўраб қўйган эди. Олиб келиб олдига қўйди. Катта харсан товоқ қатиқни ҳам олдига олиб келиб қўйди. Эл Омон ҳам икки сутка бўлган овқат емаганига. Эл Омон қашиқ-пашиқни қарамасдан бир нонни икки бўлиб нонни қашиқ қилиб ўртига, оғзига тиқаберди. Бираздан кейин нон қатиқ тамом бўлди. Бойбўри айтди абжил беш-ўн кишини ўрса ҳам йиқитгич экан деб ўтирипти овқат егандан кейин Байбўри секин сўради.

Сен келдингку мени сўраб

Танимаяпман қараб

Очилсин қизил гулим

Сени танимадим ўғлим

Пиёдада зирагим

Чаққон йўлбарс дирагим

Мен сени танимадим

Ўзинг танит чироғим

Ўтмадимикан кўзим
Танимадимку ўзим
Сўраб келган кўзим
Танитишинг менга лозим
Гап сўйласа ширин ширин мана тилисан
Қандай боғларнинг
Ғунча очилган гулисан
Менку сени танимадим чироғим
Айт атангни **узинг** кимнинг ўғлисан
Сенинг келишинг қайлардан
Сўрадинг мени уйлардан
Келишинг қандай жойлардан
Этагинг белга чалишинг
Аввоздан борма бу ишинг
Чироғим қайдан келишинг
Узоқма яқин йўлдан
Мени сўрадинг овулдан
Асли ўзинг қандай элдан
Гумбирдар тоғлар дараси
Қандай бу ишнинг чораси
Ота-бобонгни ким дейди
Сен кимнинг небараси

Эл Омон ёш баччаликларда ўзларининг **ўйида** катта бўлса ҳам Бойсари **билан** кетища бачча эди. Баччалиқдаги ранги бузилган ҳам кечанинг иши тонимаганини билиб энди кўнгли бўзилиб юрак бираз эзилиб, хумор **куздан** ёш тизилиб Бойбўрига ўзини танитаяпти:

Ул табадан бўл таба
Дардима бормекан **дава**
Сиз мени танимадингиз

Танитайин бий бобо
Этагим белга чаламан
Узоқ жойлардан келаман
Байсари бийлардан бўламан
Отим ўлгир Эл Омон
Шуйтиб сизга келаман
Мен айрилган хиллардан
Келишим **ўзоқ** йўллардан
Ўзим **Қўнгрот** эллардан
Келишим чилбир чўллардан
Қўлпатдан қайғи саридан
Келишим **Қолмок** шахридан
Қўнграт эл Бойсаридан
Эшитинг бобо сўзимни
Эл Омон дейди ўзимни
Мен айтсан осмон Ойлардан
Келишим **Қолмок** жойлардан
Кўчиб кетган минг уйлардан
Ўлсин отим Эл Омон
Ўзим Бойсари бийлардан
Эрисин тоғнинг қори
Хеч бўлмаган эди хабари
Телмириб қолди Бойбўри
Хали сен Эл Омонми деб
Йиғлаб **қуяберди** Бойбўри
Кўл солди жигар **гушига**
Кечанинг бевақт ишига
Шахлаб олиб Бойбўри
Бирмайдан босиб тушига
Йиғлайди ўз таврига

Дарман юракнинг ҳаврига
Эл Омонмисан чироғим
Бирмайдан босиб боврига
Очилмайма гулда **лалам**
Кўнгилда кўп эди чалам
Эл Омон **бўлсанг** жон болам
Тонимапманда ўзим
Нимкала бўлибдида қўзим
Гапиришинг энди лозим
Етти йиллардан бери
Хеч келмаган эди хабари
Омонма элнинг бари
Зиндама бобонг Бойсари
Кетиб қолди ақл ушим
Катта-киччи хили хишим
Байсаридай эмакдашим
Омонми бари омонми
Насибани тартиб бунда
Кўриш экан жаҳонни
Бойсари борма зинда
Сарғайиб ранги рўйларим
Кўп эди қарза ўйларим
Минг ўйлик чорва бойларим
Сўради элнинг барини
Кўришга интиқ зорини
Йиғлаётибди Байбўри
Қайта-қайта сўради
Эмакдаш Байсарини
Ўзи бевақт бўлган кеча
Борибди Эл Омон бачча

Ҳали сен Эл Омонми деб қучоқлаб
Кўришаберди Кунтуғмиш
Тирна айрилган хилидан
Ошибди етти йилидан
Эл Омон **каттарбеди**
Кунтуғмишнинг қўлидан
Эл Омонга қарайпти
Ойтуғмиш абисинини
Омонми деб сўрайпти
Қалмоқга кетган минг уйни
Келини Барчин ойни
Омонми деб сўрайпти.

Энди ўғлим бизга келишингдан айт. **Байсари** борма зиндама деб **ҳавлиқаберди**. Эл Омон айтди. Омон-эсон, ҳамманинг думоги чоқ. **Қолмоқ** деган элга бордик. **Чилбир деган чўлга бордик.** Ўзимизнинг жойларимиздай **саҳро**, яхши жой экан. Жуда ҳамма **димок** чоқ, ўтирибмиз. Ўғлим энди сенга ишонаман **Байсари** борма. Бобо, сиз **ҳавлиқманг.** **Байсари** бобом **юборди** мени. Сен бир бориб кел. Бий бобонгни қўриб кел. Беш-олти кун юриб кел, бирон айча туриб кел. **Қариндошларни** билиб кел. Беш-олти кун томоша қилиб кел. Ҳам бироз ўйнаб-кулиб кел деб юбордида. **Байбўри** айтди, томоша қилиб келмайсан, нима иш **билан** келганингни айт деди. Бий бобо сиз менинг сиз менинг гапимга ишонмайсизма **Байсари** бобомнинг сизга салом қофози ҳам бор деди. Шу қофозни олгин бўлмаса деди. Желкасига тикилган қофозни олиб, Бойбўри бобонинг қўлига берди. Бойбўри бобо, Бойсарининг қофозини олиб кампир чироқни олиб кел деди. Чироқнинг жориғига қофозни очиб, кўзига айнагини қўйиб, қора чироқ хийра бўлади. Шундай бўлса ҳам **авалдан** ўқиб журган хотида сўраб қилиб ўқиди.

Хотнинг мазмунини кўрса, Бойбўрижон оғам сендан бошқа бўлмади эгам. Сендан ул жойда журмагил бегам

Сени блан уришиб **охмоқлиқ қилибма** **үзим**

Энди ўйилсин күзим

Қолмоқда толаш бўлди эрка қизим

Тездан келиб олиб кетишинг лозим

Охмоқлик қилиб ойрилибман хилимдан

Одашиб қолибман юрган йўлимдан

Келинингди тез-тез олиб кет кўлимдан

Кутиб ўтираман йўлинга

Қизим боғишланган полвон **ўлинга**

Тездан келиб олиб кетгин элинга

Қолмоқ от айлантирмасин **бошингга**

Шарманда бўлмайин денги душима

Пушаймон қилдимда қилган ишима

Мендан тирна **ойрилганда** хилидан

Энди ошиб борар етти йилидан

Тезроқ келиб олиб кет Бойсари қўлидан

Насибаси ўзилсин Чилбир чўлидан

Олис бўлди майдон аро

Юрагим бўлмасин пора

Менку сенга юзи қора

Ўзинг нима қилмасанг билмадим чора

Аҳвол сўрасанг шул биздан

Мани айирсанг қоғоздан

Хайолламағинда тездан

Куним **қолдида** зўрга

Киарман қондай гўрга

Алпомишхонди юбаргин

Эл Омон блан бирга

Алқиса: Бойбўри, Бойсари укасининг бу қоғозини ўқиб кўриб, Эл Омонга **қороб** Бойбўри хали шундайми гап, аҳвол деди. Эл Омон айтди, ана бой ота шундай деди. Бойбўри хотинига ма бу қоғозни олиб қўй деди. Эл Омонга айтди. Хўп сенга гапим шул, сенинг бу ерга келганингди, денги-душдан, қариндошдан бир киши билдима ёки билмадима. Йўқ-йўқ бир кишига **айтганим** ҳам йўқ, билдирганим ҳам йўқ. Уёқдан Бойсари бобомнинг айтган гапи шундай эди, бирорга билдирма, бирорга кўрсатма деган эди. Ана шундай бўлса, сен аста қайтиб кетабер деб, Бойбўри кампирига айтди, буер-уерга чоп, пиччи нон топ деди. Буерга борди, уерга борди бир юзча нонди топди, Эл Омоннинг чоночига солиб, Эл Омонди юпатиб орқасидан **хайрлашиб**, Бойбўри бир-икки сўз айтиб турипди:

Сўлмасин қизил гулим
Билмасинда овур элим
Энди Оллаёринг ўлим
Жонадилди макон қалам
Сринг бўлсин Олла Толам
Халқларга мендан **солам**
Колмоқга жетмайди хилом
Оллаёринг бўлсинда болам
Шулди сенга тойин сўзим
Боролмайман энди ўзим
Бойсари **Колмоқ** элига
Қизини бериши лозим
Ўзок жулға журалмойман
Қолмоқ элга **боролмойман**
Аллаяринг бўлсин энди
Бойсари холин сўролмайман
Бул ишни худда қилолмайман
Жой юртни билолмайман
Қолмоқларнинг қўлидан

Барчинди олиб келолмайман

Тағдиридан кўраберсин

Доврини сура берсин

Суюб борган Қолмоғига

Ой Барчинди бераберсин.

Бойбўри бир зит блан Эл Омон блан хайрлашди. Тонг отмасдан, жорик бўлмасдан Даблис товудан ошиб кетасан деди. Эл Омон Бойбўрининг утридан маҳкам ушлаб бир сўз деб қичқирайпди.

Бой бобо келбеди бунда

Мени қўйманг бу кунда

Алпомищди қўшмасангиз

Ўлдиринг қўйманг бу зинда

Эрисин товларнинг қори

Ситам қиласар Қолмоқ кари

Кутиб ўтирибди сизди

Чилбир чўлда элнинг бари

Алпомищди қўшмасангиз

Ўлдиринг қўйманг тири

Шуйтиб Қолмоқда қолама

Алпомишининг севикли ёри

Товнинг бетини тумон чолома

Элнинг зўри бой ота сиздай бўлама

Полвон ёрини Қолмоқ эллар олама

Ой Барчин ёридин айрилиб қолама

Эл Омоннинг қора кўзда қонли ёши эшилиб

Эллардан кетмайин чигиб чечилиб

Ҳакимбойинг кетсин менга қўшилиб

Бойбўри айтди. У Эл Омон энди ўзинг келибсан ўзинг кетабер, менинг бошима бир ғовға кулфатни солма, халқقا мени кўп шарманда қилма, калла

жорилиб калабошдинг остида бўлсин. Алпомиш асла сезмасин, шу боши шу гап айтилган эди. Бойсари шунча халқларнинг сўзини **биран** олмасдан **қизимни** бермайман деб, кетган эди. Энди шу гапига эга тўрсин. Бор энди кет деди. Эл Омон англадики Алпомишди ҳам юбормайди. **Ҳич** бормайди ҳам, хайрлашиб йиглаб-йиглаб тонг Дабruzдан ошиб кетди. (тоғ) Энди Эл Омоннинг келганини Бойбўри, блан Кунтуғмишдан бошқа ҳичким билмади. Алпомиш ҳам, **жомоли** ойдай тўлган, ёши **ун** тўртдан **ун** бешга бўлган билак **кўчи чапчадай** тўлган, ҳаддили полвон бўлган эди:

Бир кунлар бор эди. Узбек **қунғират** **халқнинг** авал охирига ошиқ ўйнайдиган расм **қайдаси** бор эди. Алпомиш ҳам **ошшиқ** ўйнар эди. Алпомишнинг бир ошиқ **сақаси** бор эди. **Гаваз соқо** дер эди. Ичига беш клаграм қўрғошин қўйилган эди. Бир куни **ошшиқ** **ўйнаятиб** эди, Гаваз соқони зарба блан отди, билагининг кучлилиги шунча **Гаваз соқо** **ерга** бир тегиб долғиб кетди. Симён кампир деган бир кампир чарх **ийириб** **ўтирабеди**, чорхига ховола бўлиб жетди. Чорхни мойдалаб синдириб **утди**.

Кампирнинг ғовдираб, чорхи синиб, иши тиниб, **эси** кетиб, силаси қотиб қолди. Дарров Алпомиш мома бизнинг **соқа** шу ерга **утдима** деб **жетиб** келди. **Мама** бизнинг соққа **утдими**, кўрдингизма деди, кампир думоги куйиб ўтирган эди. Ҳа бошингдан соққа қолғир, сеникимеди, **соқа** менинг **чорхимди** синдириб ишимди тиндириб кетдику, энди мен қайси тўрга бораман, чорхи калабодан, овқат кун кечирап эдим, **санип** **кучинг** менга ўхшамаган ўзидан қолган чорх **калабадан** овқат кечирган муфтала менга ўхшаган кампирга кучинг етадда.

Зўр бўлсанг **Қолмоқдаги** Барчин ёрингди олиб кел. Ёринг Қалмоқ юртида **толаш** бўлиб, **Қолмоқ** элида, Чилбир чўлида той толашга тўшиб ётибди. **Қалмоқлар** оламан деб, **бушқа ўлим** солиб ётибди. Отангга хабарчи келди. **Қалмоққа** бераберсин деб **жовоб** бериб **юбарди**. Зўр бўлсанг шу ёрингди **Қалмоқлар** қўлидан олиб келда менга ўхшаган кампирга кучинг жетганча деди.

Алпомиши соқосини олиб келиб, кампир ёнига келиб ўлтириб, мома сиз янгаги гапни менга бир тушунтириб беринг. Кампир айтди, айтмайман. Ўзи чорхим синиб, ишим тиниб қолди. Алпомиши айтди, мома чорхингизнинг нархини тўлайн айтинг деди. Кампир айтди, тўласан айтаман деди. Алпомиши киссасига қўлинни урди, тўлганича бир чанглган чиқариб берди. Кампир айтди, янги бир паррасининг нархи бўлди деди. Алпомиши киссасига яна қўлинни урди яна бир чанглган чиқариб берди. Кампир Алпомишдан аллаб пул қўп алларини билди, янги икки форрасининг нархи бўлдида деди. Алпомиши айтди, чархингизнинг неча парраси синган ўзи деди. Кампир айтди, мана уч парраси синиб қолганку, деди. Алпомиши яна киссасига қўлинни урдию яна бир чанглган чиқариб берди. Кампир энди уч парранинг нархи бўлди, энди уста хақи борда, уста хақ оладида. Алпомиши бу киссасига қўлинни урдида бир чанглган чиқариб берди. Кампир мама энди бўлдима, ана тасадук бўлай энди ўтириб деди. Алпомиши жуда юраги тошиб ўтириди. Агар ота-онанга бу гапни мани айтди демасан айтаман. Алпомиши айтди, мама сизни айтди деб айтмайман деди. Бўлмасам сенинг отанинг укасини Бойсарибек деяр эди, биласанми. Алпомиши айтди, ҳа биламан деди. Ана Бойсари акамнинг қизини Ойбарчин дер эди. Шу Ойбарчин сени билан ёшилт эди. Иккавинг оналарингнинг қорнида эканда сенга фотия қилинган қолигинг эди. Отанг блан аканг бир гапдан уришиб, калла ёришиб, бир-бирларини қонга қоришиб, бу жойдан мингта уй билан кўчиб кетган эди. Қалмоқ элига кўчиб борган эди. Ана шу Ойбарчин ёринга Қалмоқ подшоси совчи юбориб, шу қизингни менга берасан, бермасан кунингни кўрасан деб аҳволини танг қилиб ётган. Шунга хабарга Эл Омон бир киши келган эди. Қайси бир кеча итлар вовуллаб ўриб бир кишининг товуши чиқди. Отанг уйдан чиқиб шу одамни эргаштириб уйига олиб борди. Мен ўйхум кемай ётган эдим. Секингина пойлаб бордим. Уйнинг тур жабрасини ёрдим, шу одамни кўрдим, қўп вақтлар турдум. Отанг Бойсари акангни ёт олиб йиғлаётган экан, энанг Кунтуғмиш ҳам йиғлаётган экан Эл Омон бирта қофоз чиқариб берди. Ўқиб кўриб отанг онангнинг қўлига берди,

шу келган хабарчи Эл Омонга шу кечалайига кетасан деб нон тобдириб бериб ҳеч кимга билдирмай бирон кишига кўринмай, лекин Алпомиш билмасин мен боролмайман Қалмоққа қизини бериберсин деб **жўнатиб** юборди. Энди Алпомишjon шу қоғоз **онангнинг** қўлида, мени ҳеч айтди демасдан **онанга бориб сан** бир ёлғиз эрка ўғилсан, жон она деб **тузасига** бош қўйиб, сутингнинг ҳурмати Қалмоқдан келган Бойсари акамнинг қофозини бир ўқиб кўрайин деб илтимос қилиб ёлборсан шундагина айтмасанг бермайди. Алпомиш юраги ларсиллаб уриб жойидан туриб, ўз уйига борди. Кунтуғмиш ўтирган эди. Алпомиш кириб борди, бориб **насили** қийилиб, қовоғи ўйилиб алам юрагига жийилиб энасининг тиззасига бош қўйиб, бўйнидан **қўчоқлаб** бетоқат, беҳол, ночор бўлиб жон онам сендан бир гап сўрайман менга берган оқ сутингнинг ҳурмати ёлғон айтмай чин гапиравсан деб сўраб **турибди.**

Оқ сутинг емиб, етилди танам

Сендан гап сўрайин ман ҳам

Бу гапнинг тўғрисини гапирган сен ҳам

Сутиннинг ҳурмати рос гапир онам

Сарғайтирма бугун қизил юзимни

Ҳайронда қилмагин менинг ўзимни

Бу гапимга чин айтишинг лозим-да

Шунқор тенгандай Бойсарининг белидан

Нима хабар келди Қалмоқ элидан

Адашгандай бўлди юрган йўлидан

Тов бетини ғурумбат туман чалмасин

Бўл ишлардан ўғлим бехабар қолмасин

Ойбарчин ёримни Қалмоқ олмасин

Мендай ёрининг **рангги** сўлмасин

Онажон эшитдим гапнинг изини

Қалмоқ олса Бойсари акам қизини

Бир кўрсатгин акамнинг қофозини

Қулоққа тут Алпомишнинг зорини
Қалмоқ олиб кетмасинда ёрини
Қоғозни бер она ўқиб күрайин
Бойсарининг нима бўлганини билайин
Сўлдирмагин Алпомиш **жасатини**
Бир ўқийин акам ёзган хатини
Бу қоғозда қилган арзи додини
Ҳазон урмай қизил гуллар сўлмасин
Бу қоғоздан Алпомиш хабарсиз қолмасин
Бу юрагим қайғу-ғамга тўлмасин
Ўзим ўлмай ёrim Қалмоқ олмасин
Бу кўнгилнинг қолиб кетмасин армони
Топилармакан бу дарднинг дармони
Келган элчисига **атом** фармони
деб Алпомиш онасидан сўради.

Кунтуғмиш ўғлига қараб, бир сўз деб йиғлаб **турибди**.
Нега сарғайтирасан қизил юзимни
Қоғоз сўраб ҳайрон қилма ўзимни
Нима учун ўпка бағрим эзасан
Бетимга **термилиб** кўнглимни **бўзасан**
Нима учун келиб йиғлайсан қошимга
Хумор кўзли тўлдирмагин ёшимга
Бийтиб ярасалма юрак-гўшимга
Онажон деб асиласан тушимга
Сенсан менинг очилган қизил гулим
Хам ардоқлаган жоним дилим
Олдингда онангга берсин ўлим
Не сабабдан ўқиндинг ёлғиз ўғлим
Ўпка-бағримни бийтиб **тўлдирма**
Юрагимни қайғу-ғамдан тўлдирма

Кунтуғмишни бугун бийтиб ўлдирма
Хут кирса ғуборсиз тоғнинг дораси
Ким қанча йўл Қалмоқ элнинг ораси
Қалмоқ элда отангнинг ширхураси
Ёлғиз ўғилга Кунтуғмишой йиглади
Қалмоқнинг хабарини ким билади
Обод бўлсин жон адилдан макон қалам
Қайда бўлса юрсинда со-ғу-салом
Қалмоқ хабарини ким билади жоним болам

Ол қилса Кунтуғмиш Алпомишга бу хабарни ўғлим ҳеч билмайман ким билади, қоғозни ким билади. Қалмоқни уларнинг ўз хабари ўзи билан деб Алпомишга чин айтмади. Алпомишнинг бир синглиси бор эди, отини Қалдирғоч дер эди. Жамоли ойдай тўлган эди, ёши ўн иккида бўлган эди. Бу Қалмоқдан келган қоғозни бухчани кавлаётганда Қалдирғоч олган эди. Ўзи ҳам мактабда ўқиб, хат ўқийдиган саводхон бўлган эди. Шу қоғозни ўқиб кўрса, Бойсаридан келган. Қалдирғоч ўқиб кўрган эди. Қалмоқ элида Чилбир чўлидаман деган Бойсарининг Бойбўрига ёзганини Ойбарчин устида Қалмоқда ғовға бўлганини билган эди. Шу тобда Кунтуғмишнинг қизи Қалдирғоч мактабдан келиб қолди. Қалдирғоч қараса Кунтуғмиш онасидан Алпомиш қоғоз сўраб хапа бўлиб тўхтабди. Онаси ҳеч хабари йўқ билмайман деб турганини Қалдирғоч билди. Қоғоз Қалдирғочнинг киссасида эди. Қоғозни чиқариб Қалдирғоч Алпомишга берди. Қалдирғоч бир сўз қичқириб турибди.

Она сарғайтирма оғам юзини
Нима учун ҳайронда қиласиз ўзини
Қалмоқ олса яхшима акам қизини
Алпомишжон ўқигин Ойбарчин қоғозини
Сувларнинг боши тором
Кўнглим бўлмайди аром

Мана ўқиб кўр ширхуром
Бина бўлмай кетсин бошим
Ўн иккида бўлди ёшим
Қоғоз келгандан бери
Қолмай қолди ақл хушим
Мана қоғозни ўқиб кўр
Синглинг ўлсин эмақдошим
Қизил гулнинг сарғайгани сўлгани
Мард ўғилнинг уялгани ўлгани
Уч, тўрт кун бўлди қоғознинг келгани
Сендай бўларма Қўнғирот элнинг полвони
Қулоқ солма ота-онанг сўзига
Йигит халқи тушмайма ёрнинг изига
Қалмоқ совчи қўйиб акангнинг қизига
Ўзинг палвон бўлиб Қўнғирот элига
Ойбарчин кутиб турган йўлингга
Бор оғам чиққин олпон кўлига
Қайғу тушиб юрмасин бийтиб саринга
Ботир бўлсанг талош номус-орингга
Чиқиб боргин Қултайбобо мирохурингга
Бир от миниб кет севикли ёрингга
Бийтиб юриш оғам номарднинг иши
Ёрни излаб кетиш мард ўғил иши
Керак бўлса бир тана палвон оши
Қалмоқда бўлса ботирнинг саваши
Мингин тулпор бедов отнинг белига
Гайбир жой яроқ анжом олиб қўлингга
Ёринг излаб кетгин Қалмоқ элига
Чорва халқлар қолди Чилбир чўлига
Ўз элингда ўзинг полвон зўр бўлиб

Ойбарчин қолмасин келишинга зор бўлиб
Етти йил орадан ўтиб
Тезироқ боргинда от иргаб жетиб
Ойбарчиной ўтирганди йўлингни кутиб
Севикли ёрингнинг қўлини тутиб
Улкар бориб тоғ бошига тайёлмай
Мунда қайтиб юрасан сен уялмай
Ёри ҳам ори учун қонга бўялмай

Алпомишjon Қалдирғочдан бу сўзни эшитгандан кейин нор калла хумдай шишиб, ғайрати жуда тошиб, ғайратига яна ҳам ғайрат қўшиб, севикли ёр эсига тушиб, **от-анжом**, эгарсозни олиб, **Олпон** кўлга қараб равонो бўлди. **Олпон** кўлда йилқиси бор йилқи боқар Қултойбобо эди. Келе Қултойбобомга борайин, бир яхши от сўрайин, эгар-анжом устига қурайин, ёрнинг изини сўрайин, **Қолмоқлар** блан бир кўрайин деб чиқиб кетди. Орқачўлига эгар-жуганни кўтариб белига, ана-мана деганча жетди. **Олпон** кўлига Қултойбобо йилқининг белига миниб, беш газ **суриғи** (тайёқ) қўлида йилқининг ҳаммасини тўдалаб кўлга **тукаётиб** эди. **Қораса** чўлда бир қори кўринади. Ана-мана дегунча етиб борди. Қорри одам қўзи борламайди. **Узи** пиёдага ўхшамайди. Ким экан деб турди қутиб, бир пасда борди жетиб, Қултойбобо шундай қоради. Алпомишни кўради. Бундан уч-тўрт кун аввал Бойбўрибой шу йилқи боқар **Қултойбобони** чақиртириб бориб, бир нарсани айтган эди. Лекин Қултойбобо сенга гапим шул. Сенга Алпомиш кечамакундузма бир от беринг деб сўраб борса, айтган сўзига журмагин, от **тугил** той ҳам бермагил, **кўзини қўрқитиб**, қуйруғига икки тайёқ сермагин, айтган гапига кирмагин, бор кет мен сендан от қарзим йўқ деб сиёsat қилиб ҳайдаб юборгин деб тайинлаган эди. Алпомишни кўргандан кейин Бойбўрининг гапи эсига тушиб турипти. Алпомиш яқинлаб чиқиб борди. Қултойбобо йилқини қамчилиб-қамчилаб **суриқни** олдига ўнгариб, танимагандай бўлиб, кимсан пиёда келаётган деб сиёsat қилиб Алпомишнинг олдини ўраб, кимсан

деб сўраб тўхтабди. Алпомиш **ўзича қори** одам мени танимади шекилли деб **ўйлади**. Эгар-жуганни жерга ташлаб, ёши улуғ қорри одамга салом бериб **ўзини танитаяпти**:

Ултобадан бул табам
Бу дардларга сиздан топилса давом
Ассалом-алайкум қадрдон Қултойбобом
Бугун истаб келдим сизни
Танимадингизма бизни
Баланд товларнинг бағри қор
Жавлон уриб интиқзор
Қадрдон бобом арзим бор
Илтимосим бугун сиздан
Гап сўранг бобо биздан
Бир от тилаб келдим сиздан
Лакин бугун аҳволим хароб
Шуйтиб чикдим кўлга қараб
Сиздан келдим бир от сўраб
Сув келади дулаб-дулаб
Кўнглим сафар қилишга қилди талаб
Сиздан келдим бир от тилаб
Бобо арзимни сўрасиз
Бир гайрат қиб кўрасиз
Қандай бўлмасин бир яхши от берасиз.
Сафарга толмай кетгудай
Узоқ манзилга жетгудай
Учган қушдан **утгудай**
Душмандан ор олиб қайтгудай
Бобо бир яхши от берасиз
Чўлларда толмай **чопқидай**
Изласа ёрни **топгидай**

Туяги жерни **қозгидай**
Чопса пойгадан **ўзгудай**
Душманнинг бағрини эзгудай
Бобо бир яхши от берасиз.

Култойбобо энди ўйласа Бойбўридан хабарсиз ёрини излаб Қалмоқ юртига сафар қилиб кетадиганга ўхшайди. Ёш бола ройини синдирамай бир от берайин деса, Бойбўри айтган эдики, агар Алпомишга от берсанг ажалингни тўлдираман, рангингни сўлдираман, зўрлигимни билдираман, сени аниқ ўлдираман, ажалингни тўлдираман, бўйнингни жулдираман деган эди. **Келе** бунга от бериб қийинчиликни ўзимга олгунча бир қайтарайин деб **Олпон** тепанинг устидан Алпомишга қараб сиёsat қилиб қичқирайпти:

Боғларингда гулинг ғунча
Махмадоналик қилма мунча
Олдимда ҳалинг қанча
Нима деяпсан сен бачча (бола)
Нимага келдинг Ҳакимбек
Сенинг менда отинг **жўқ**
Мендан от олишга қўлингда
Қоғоз билан хатинг **жўқ**
Айтган гапингта журмайман
От **тугил** той бермайман
Агар тезроқ кетмасанг суриқ блан сермайман
Эгар-жуган олиб қўлга
Нега **келдинг Олпон** кўлга
Нима деяпсан **Култой** чолга
Кулоқ солмайман сўзингга
От бермайман ўзингга
Дарров қайтабер изингта
Эгар-жуганинг эйнингга

Дарров қайтабер кейтингга
Суруқ сермайман бўйнингга
Алпомиш қараса ўзига
Кулоқ солмайди сўзига
Бурилиб қайтди изига
Товнинг боши тумондай
От беруви гумондай
Қултойнинг нагзи жамандай
Қултойбобо жетаяпти
Суруқ блан елкасига
От устида туртаяпти
Яна қайтди келган жўлдан
От ололмай Қултой чолдан
Чиқиб кетди Олпон кўлдан

Энди Алпомиш от олмасдан изига қайтиб кетаётган эди. Қалдирғоч учта- тўртта каниз қиз блан Алпомишнинг Олпон чўлга чиқиб кетганидан хабарсиз эди-ю Алпомиш уерларда кўринмагандан кейин, ишёққа чиқиб кетгандир деб изидан келаётган эди. Қалдирғоч қараса эгар-жутанни кўтарган секин-секингина хапа бўлиб келаётти. Қалдирғоч сўради. Ҳа, қаердан келаёпсан. Алпомиш айтди. Олпон кўлга Қултойчолга борибедим. Бир яхши от сўрабедим бермади. Шунча гапим қулоғига кирмади. Қайта ёғринимга бир-икки суруқ сермади деди. Қолдирғоч айтди, ҳа деди. Шу ғайратинг блан, шу оғзи бўшлиқ блан ўз отангни йилқибоқар чўпонидан бир от олалмасдан қайтиб қандай Қолмоқ юртга ошиб Барчинойдай ёрни қандай олиб келаман деб ўйлаяпсан. Энди билдим сен бу элнинг, халқнинг ўртасида тўй-томуша, халқ йиғилишларида, тўй-маракаларда бетингга тоба қилиб қўй Алпомиш бу гапларингни, сенинг ёрингни Қолмоқ олиб, ғинг демасдан бу ерда ўзинг қолиб деган сўзларни эшитиб юрар экансанда, бўлмаса Қултой ким ўзи. Бир йилқи боқар чўпон чолку. **Виждон-ғайрат** блан Қултой чол

даррав бор от берасан, от бермасанг кунингни кўрасан деб, бермадингми деди. Қалдирғочнинг бу сўзи Алпомишнинг баданини бужурлатиб, виждонини қайнатиб, ғайратга эндириб юборди. Бу гап таъсир қилиб кетди. Алпомишнинг ўзига дарров қайтди изига. **Жураги қайнаб кетибди**, бир пастда кўлга етибди. Қултойбобо қаради, яна Алпомиш боради. Аввалгидан ғайратини баланд қилиб, сиёsat блан Алпомишнинг олдига чиқиб бир сўз деяпти.

Сен кимни ахмоқ қиласан

Нимага **таги** келасан

От олалмайдиганингни ўзинг биласан

Камай кетавер жўлдан

От ололмайсан мурохур чолдан

Вақтили чиқиб кет чўлдан

Қулоққа тутмадингми сўзимни

Ахмоқ деяпсанми ўзимни

Энди қаттиқ урушим лозимди.

Қултойбобо отни дўндириб Алпомиш устига келди. Алпомиш Қултойбобога бир ярим оғиз гапирайпти.

Дардимга топаолмайсан даво

Хазиллашмайсан бобо

Тоғларнинг боши туман

Бобо **ачигим** жаман

Агар бир отни **бермасанг**

Тирик қолувинг гумон

Таниб қўй мандай зўрингни

Қистираман шўрингни

Қазиб кўмаман гўрингни

Товларда қозамизор (ўсимлик тури)

Бу қўлингда ўрдак жузар

Қалмоқ элга овди гузар
Агар бир отни бермасанг
Олпон күлда бўлдинг мозор
Келдим бобо сенга мунда
Энди қўймайман зинда
Йилқи боктириб бу кунда
Хазарим йўқ ўлимдан
Буйтиб келма жўлимдан
Агар бир от бермасанг
Ажалинг тўлди қўлимдан

Қултойбобо Алпомишнинг жасадига қараса полvon ўғлон калласи хумдай, қобоги чимдай бўлиб кетибди. Очиғи жамандай, қопга тиққан **самандай, агар бир от бермаса, кутулуви гумондай,** ёмон кўрди очигини қўзига, **қўлоқ солмағидай** сўзига, қайтмагидай изига, шайтон мингандай бўйнига, от афзали ийнига, қайтмагидай **кийнига**, қараса, Ҳакимбекка гап кирмагидай қулоққа, қайтмай **бордида** тикка. Қултойбобо Алпомишнинг ғайратидан жуда кўзи қўрқди. Энди бу қайтмайдикан. Энди узоқ жўлга, **Қолмок** элга кетса бунинг бир кучини синайин деди. Алпомиш деди Қултойбобоси **сен** от оладиган бўлсанг бир шартим бор. Шу шартни бажариб ол деди. Алпомиш бўпти шартингизни айтинг нима деди. Шартим шул майдонга чиқиб мени босда от ол, бўлмаса сенга от бермайман деди. Бўпти деб эгар-жуганни жерга ташлаб юборди. Қултойбобо ҳам суруқни ташлаб, отидан тушиб, белини маҳкам боғлаб **чирпиниб** майдонда айланаберди. Алпомиш Қултойбобонинг дўқларидан қўрқмади. Алпомиш полvon худди нордай бўлиб ҳам шердай бўлиб майдонга чиқди. Келишдан қўл учидан ушлаб Қултойбобони отиб юборди. Қултойбобо бола пухта мен ушлайолмадим деди. Хўп иккинчи келинг бўлмаса деди. Иккинчи келди. **Қултойбобони** Алпомиш яна илиб отиб юборди. Қултойбобо бола ҳали бу ҳам бекор оёғим тойиб кетди. Учинчи **марра** олишаман деди. Учинчида

Алпомишиң жуда ғайрати келиб Қултойбобонинг эйнидан ушлаб бир қўли блан белидан ушлаб ҳавога кўтарди ва секин жерга ташлади. Қултойбобонинг икки қабирға суяги синиб ишини тиниб жойидан туро олмай қолди. Қултойбобо ҳаддили полвон бўлган экан деди. Бунинг чангалига (қўлига) тушган полвон омон қолмайдикан деди. Бўлди деди. Қултойбобо Алпомиши ҳалолинг бўлди. Мен сенга ана отни олдемайман. Энди шунча йилқининг ичидаги қайси йилқи келиб жуганга калласини (бошини) солса шунга эгар босавер. Тепага чиқиб курей деб чақир. Алпомиши **Олпон** тепанинг устига чиқиб қараса бу атрофи ҳам йилқидан тўла у атрофи ҳам тўла, шу тарафи ҳам тўла саф зотли отларнинг боласи кўлда ётипти. Алпомиши қўлига жуганни олиб курейлаб, чириллай берди. Бошқа отлар калласини ўтдан кўтартмайди. Уч-тўрт яшар бўлган бир олачипор от кишинаб жўнаб қўяберди. Алпомишининг жуганига келиб калласини солди. **Алпомишиң отни** назарига кўп олмади, бу туб жилқига қараб қурруйлади яна Чибор от юганга калласини солди. Алпомиши айтди, эй жонивор ман сани нима қиласман, ман ўзок йўлга сафар қилмоқчиман. **Колмок** элдан ор олмоқчиман, **Барчин ойдай севикли ёр олмоқчиман** деб ҳайдаб юборди. Учинчи туп жилқига қараб қурруйлади. Учинчисида ҳам келиб жуганга салди Чибор от Қулбойбобо буни кўриб турган эди. Жилқи боқор Қулбой бободан бошқа киши бу отнинг нималигини билмас эди. Жилқи боқар Қултой Алпомишига қараб бир сўз қичқираяпди.

Алпон кўл энадан туғулган жайи

Жилигидан (йўғон) жуван орtingи пайи

Асли ўзи туяпарининг ханозат тойи

Сол юганди, бос эгарди чирогим

Энадан туғулган шешамининг қайтиш кечаси

Кўлга чопса ботмас қейинги сочаси (орт туяғи)

Ҳамма **отдан** зурдир ҳаммма мичаси

Сол юганди, бос эгарди чирогим

Арриқ бўлса йиқилмайди

Симезликдан тиқилмайди

Чопса пайини урмайди
Эгасин тавга бермайди
Сол юганди, бос эгарди чироғим
Олтай чопсанг карламайди
Үн ой чопсанг терламайди
Тулфар отнинг сини бўлмас
Курган одам борламайди
Сол юганди, бос эгарди чироғим
Кулоқлари тоғларнинг ондизидай (тоғ ўсимлиги)
Туяқлари катта карсаннинг оғзидай
Кўзлари бор осмоннинг юлдузидай
Сол юганди, бос эгарди чироғим
Тузгинидан асла бирор туталмас (юган)
Бахас қилса қанатли қуш ўталмас
Тўрт аяқли ҳайван қувса еталмас
Сол юганди, бос эгарди чироғим
Бошқа отларга асла хаял бўлмагил
Қалмоқ кетсанг Чибор отдан қолмагин
Бошқа отга асла эгар солмагин
Сол юганди, бос эгарди чироғим
От чопганда чўлнинг бетин озади
Пайга бўлса от баридан ўзади
Бахас бўлса душман боғрин эзади
Сол юганди, бос эгарди чироғим
Сафар қилсанг Қалмоқларнинг элига
Сол юганди, бос эгарди белига
Ойбарчинни бермас Қалмоқ кўлига
Сол юганди, бос эгарди чироғим
Сафар қилсанг Қалмоқ **юртдай** олисга
Ўзок йўллар бунинг олдида қисқа

Асла чопса толмас таву пастга
Сол юганди, бос эгарди чирогим
Тоғларга чиққанда ҳар томонга қарайди
Март ўғилнинг **аҳволи**ни сўрайди
Қанча **қистав** бўлса ўзи ярайди
Асли ўзи тулпорнинг **хоназат оти**
Санга шулди Қултойнинг насиҳати
Култиғида борди **тулпар** қанати
Қултойбобо буни яхши билади
Қалмоқ элдан боргин ойди олади
Кунгрот Қўнғирот элга келин олиб келади
Сол юганди, бос эгарди чирогим

Алпомиш **ўйлав** турса Қултойбобо шул отдан бошқа отни олма **дейяпди**.
Ха келинг бўлмаса деб, Қултой **бобом** ҳам отамдай **қадирдан** бобомку.
Албатта менинг яхшилигимни юрайди деб, отнинг бошига юганни солиб,
эгарнинг қошига олиб келди. Шу топда **Қолдирғоч** канизлари блан келиб
қолди. Алпомиш **Олпон** кўлда от обзалининг қошига бир ола отни ушлаб
турибди. Алпомишга **Қолдирғоч** нима бўлди деди. Алпомиш айтди.
Қултойбобо шу отни берди деди. **Қолдирғоч** отнинг олдига, ортига ўтиб
териларини **сейпалаб** кўрди, соғрисини бир сийпади, ҳа яхши абзалини қура
деди. Алпомиш полвон терлик **чирчи** тұна эгар босло ойил пуштанини
ташлаб маҳкам белини **тартди**. Эди турғин юлбарс оғам Қултойбобонинг
олдига бориб бир **дуа** олиб кетасан деди. Алпомиш **Қолдирғоч билан** бели
майиб бўлиб ятган жилқи боқар Қултой бобонинг олдига бориб, **қадирдан**
ғамхур бобо айтган отингизга эгар қуриб тайёрланиб келдим деб эди, бир **дуа**
беринг деб **тухтабди**.

Қултой **боба** қараса ўзининг айтган отига эгар босиб келиб **турибди**.
Бобо эгар босдим Чибор белига
Ният қилдим **Қалмоқларнинг** элига

Дуа беринг Бойбурининг улига
Қисқа вақда житсам Чилбир чулига
Кеча-кудуз демасдан йўл юрайин
Қисқа вақда Қалмоқ элга барайин
Ойбарчиндай ёрнинг ҳалин сўрайин
Дуа беринг хаёлламай кетайин
Тоғу қирлардан кесиб ўтайин
Қисқа вақтда Қолмоқ элга жетайин
Севикли Барчиннинг қўлин тутайин
Чибор отни жазра чўлда желайин
Қолмоқдаги элларнинг ҳалин билайин
Душман бўлса бошига кун солайин
Қалмоқ элдан севикли ёр алайин
Соғ-саламат яна қайтиб келайин
(Чўл) Биявонга Чибор отни сурайин
Қисқа вақтда Қалмоқ этиб борайин
Барчин ёрнинг шакар лабин сўрайин
Яна сизларни соғу саламат кўрайин
Ёрим излаб кетайин мен ҳам
Қалмоқда талаш бўлиб Барчиндай санам
Ор учун полвон оши бўлсин бир танам
Кетишимдан хабарсиз ота-онам
Қандай бўлар Қалмоқда менинг ишим
Чилбир чўлда қолиб кетмасин қориндошим
Қалдирғоч ҳам сирдошим, эмчакдошим
Узоқ йўлда бу байчипар йўлдошим.

Олпомишхонни кўриб, Қултойбобо қаддини кўтариб қараса Қалдирғоч қаватида Байчиборга (отнинг номи) эгар босиб келиб турубти. Хой ўғлим,

жону дилим, боғда очилган гулим, чаманда сайраган булбулим сафарга отланган Ҳаким полвонга дуо бераябти.

Хайр авмин йўлбарс болам
Ёринг бўлсин алла талам
Омонда келгин сен ҳам
От чопиб тоғлар белидан
Омон кел Қалмоқ элидан
Ёрингни олиб қолмоқ қўлидан
Обруй ол Чилбир чўлидан
Миниб обсан тулпор тойди
Олиб келгин Барчин оиди
Харна йўлингга қаратма
Кунтуғмиш фарзанд гадайди
Насибангни ҳайдаб ўнда
Қалмоққа этгин тез кунда
Обруй олиб Қалмоқдан бий отангни кўргин зинда
Сайднинг моми моваб
Ота-онанг йиглаб қолар
Сен келгунча бағри кавоб
Кунтуғмишнинг сутига тезроқ бергин жавоб
Соғ-саламат Қолмоқдан келиб
Ота-онангни қилгин таваб
Кезиб ҳайда тоғу чўлди
Йўлингга қаратма элди
Соғ-саламат олиб келгин
Қалмоқдаги Барчин гулди
Баланд тоғларнинг бағри қор
Барчинди қилмай интиқзор
Жўлингга қараб ўтирган
Севикли ёринг зулфакдор

Эшит бобонинг сўзини
Култойчол дейди ўзини
Соғ-саламат олиб келгин
Байсарибийнинг қизини
Локин йўлингга телмуртма
Ота-онангнинг кўзини
Гап сўйласа тоғлайдаги тилисан
Ота-онангнинг ардоқлаган қизил гулисан
Бойбўри бойнинг Кунтуғмишойнинг
Суянган ёлғиз ўғлисан
Бор ўғлим алаёринг,

деб дуо берди. Култойдан дуо олгандан сўнг Қолдирғочга қараса, бир эмчакдан сут эмишган, суянган ҳам таянган ялғиз оғаси эмасми, хиёли бузилиб, жигари эзилиб, хумор кўздан қат(т)ор-қатор ёши тизилиб йиғлаб турубти. Алпомиш хопа бўлганини билиб кунглини кўтариб, кунглига жуда татилдирик бериб Қолдирғочга бир-икки оғиз сўз қичқириб турубти.

Қизил гулсан сорғайиб ҳам сўлмагин
Қолдирғочжон хафа бўлиб қолмагин
Ўйнаб-кулиб юргин синглим ўлмагин
Чибар отни бу чулларда еларман
Бу Қолмоқдан соғ-саламат келарман
Яна силар блан уйнаб куларман
Минган отим чулларда сувлигин талаб
Қолмоқ элга кангил эстади талаб
Энди қалавергин акангнинг соғлигин тилаб
Эмакдошим хафо буб қолма йиғлаб
Аканг ҳеч қўрмайди душман ҳилидан
Соғ-саламат келар Қалмоқ элидан
Барчин чечанг келар Чилбир чулидан
Аканг соғлигини тилаб турасан

Барчин чечанг соғ-саламат кўрасан
Ўйнаб-кулиб мунда давран сурасан
Аттав булмай қизил гулдай сулмасин
Энангнинг кўнглига бир гап келмасин
Кетганимни баъзи эллар билмасин
Қалдирғочон тайин айтгин энама
Менинг учун хапа бўлиб қолмасин
Сафар қилиб кетдим узок йўлларга
Йиғлаб чиқмасинда Олпон кўлларга
Қирқ кун тўй берамиз Қўнғирот элларга
Куш ғафлатда бўлса тушар саятга
Агар етсам кўнгилдаги ниятга
Барчин тўйини берармиз кўп элатга
Ният блан миндим тулпор тойини
Чиқарармиз кунгил ғомнинг чуйини
Барчин блан олиб қайтсан
Чорваларнинг минг уйини
Қирқ кун берамизда Барчин тўйини

деб Алпомиш синглисини шод қилиб хафа бўлма деб икки қамчи Байчиборга уриб чўлга ва жўлга равона бўлди. Қалдирғоч баланд тепага чиқиб қараб турди. Бир пастда чўлга бўлдираб, қатағон сувлиғи шилдираб, ожраб кетди ораси қараб турса ширхураси кўринмай кетди қараси. Алпомиш изига қараса орқа чўллар Алпон кўллар куринасдан қаб кетибди.

Алпомиш Байчиборнинг белини иккинчи катириб тартиб туға-туғага этиб бир майдан Байчиборни чопаяпти.

Минган Чиборнинг белига
Юганнни тутиб қўлига
Бугун чулда қарасангиз
Бойбўри бобонинг углига
Тезироқ этказ Байчибор

Қалмоқ юртнинг элига
Тоғу тошлардан ошиб
Полвоннинг ғайрати тошиб
Севикли ёр эсга тушиб
Байчиборнинг чиққан чонги
Барайтирип улашиб
Кетаятирип Байчибор
Чопишга чопиш **қушиб**
Селкин дарёдай ташиб
Сайи қирлардан ўтиб
От тилов қўлни қовартиб
Карсан тұяқдан чиққан чанг
Ҳавонинг бетини тутиб
Барчин **ўтиргандай** кутиб
Тезрак борса этиб
Ёл қуйруғинг серак-серак
Тўрт оёғинг **хидра** терак (қатор)
Икки кўзинг машъал чироқ
Мушкул ишга **бўлдинг** керак
Қалмоққа еткир эртароқ
Тўрт оёғинг қоққан қозиқ
Баданларинг қиздан нозик
Бавринг кенгдир савринг жазиқ
Белинг калта бўйнинг узук
Миндим сендай пулпорнинг белига
Сафар қилдим **Қалмоқларнинг** элига
Қисқа вақтда еткир Чилбир чўлига
Ёл қуйруғинг Қултой бобо **кузаган**
Эгарингни **Жамшут**нинг нусхасидан тузаган
Агар биройлик сафар бўлса

Уч шаброзга бешзаган
Сени минган Алпомиши суйикли ёрни излаган
Ёл қуйруғинг Қултойбобо силаган
Эгарингни **Жамшут** нусхасидан улаган
Қалдирғочай эсанлигим тилаган
Сүйиклар бу йўлимга йифлаган
Тўрт сутимни байбича пишган кубидай
Кезанагинг камачининг ипидей
Кулоқларинг тикка келган келиннинг тиккан сепидай
Совриларинг келишган армонининг тупидай
Кулоқларинг **ғалчоқ-ғалчоқ** (катта-катта)
Босган **еринг** қийирчоқ
От чопди чўллар озилиб
Байчибор карсан тұяғи
Ернинг бетига қозилиб
Банат **чиргидан** оққан тер
Тұяқнинг бетига изилиб
Кетаятири Байчибор
Кулоч **бўйни** чўзилиб
Жифтаги борар **сўзилиб**
Карасангиз Ҳакимбекка
Сафар қилди ўзи якка
Тулпор отнинг кетиши
Эткирмас отган ўқقا
Душман **кўрса** Алпомиши
Қайтмай от **қўйгидай** тикка
Тебаргиси тирқиллаб
Отничув деб қимтиса
Ўзангиси ширқиллаб
Тўшидаги чарайна

Ой чиққандай жарқиллаб
Жавринидаги қолқони
Қотиқдай бўлиб эркиллаб
Тулпорга **қамчи** тегибди
Уст-устига ширпиллаб
Кетаятири Байчибор
Абрашин какул жалпиллаб
Байчибор хали кетгидай
Тоғу тошлардан ўткидай
Шу чоғда кетаверса
Калмоққа тез еткудай
Саврисининг **кенгишлиги**
Икки киши қават **татгидай**
Чатапининг кенглигидай
Юук ортган түя ўтгидай
Олдидан **кўлдаланг** келганни
Икки ямлаб ютгидай.
Тулпор отнинг *чатани-чатаноги*
Мисали чор дарадай
Сирти бор қўрғон қалъадай
Чўлда кетиб боради
Асмондан энган боладай
Кетиши **жамғир** жаладай
Ерисин тоғларнинг қори
Қултойнинг берган тулпори
Кўп эқан бурбойнинг зури
Байчиборга кар қилмайди
Тоғларнинг нишаб ўри
Алпон кўлдан чиққандан бери
Курумас чиргининг тери

Туяғи ерга **ботибди**
Катта **карсаннинг** оғзидай
Туяқдан чанг **чузилар**
Чўлларнинг дузан-дозидай (довул)
Қулоғининг катталиги
Тағларнинг ондизидай
Кўзи лавиллаб янар
Ҳавонинг юлдузидай
Буктарги гуштига қараса
Чилланинг қатган музидай
Халиям дами синган йўқ
Тулкини қувган тозидай
Тали мулайиби суюқдай
Соғрилари куча боғдай
Туяғи карсан тавақдай
Довулга учган қамчоқдай
Халиям кетиб боради
Мергандан қочган кийикдай
Ўзи тулпорнинг тойи
Олис қолди чиққан жойи
Жилигидан жуван пайи
Чиққан экан ёрин излаб
Ҳайдади Қалмоқни кўзлаб
Кетаятири чибор **чиzlаб**
Оқ айилларнинг туғаси
Устида полвон эгаси
Ғайрат блан бораятири
Калдирғочойнинг оғаси
Чимбирлар тоғларнинг дараси
Олис экан ораси

Хар баландликлардан қараса

Күринмас Қалмоқ қораси

Этсанг деб кетиб боради

Ойбарчинжоннинг тўраси

Тоғу **чўлдан ўтсам** дейди

Қалмоқ юртга **етсам** дейди

Барчин **кўлидан** тутсам дейди

Барчин ойни курсам дейди

Тезроқ етиб борсам дейди

Нозик бир шакар лабидан

Ҳам суюниб **сўрсам** дейди

Алқисса **Алпомиш** тоғу тошлардан, **саҳро** даштлардан **ўтиб**, кеча ва кундуз демасдан йўл **тортиб** ҳам **мўл тортиб** кетган экан. Шу вақтлар **Қалмоқ чегарасига** **ўтган** экан. Отини ҳайдади йўрға тебага кўзи тушди. Катта баландлик тепага Барчибор ҳам лекин оч ичи ичларига қопишиб ойил пуштан тушига **ёпишиб** қолган экан. Тепаликда ковдан хос **куп** экан. Алпомиш айтики от бир овқатлансин деб отдан ташлаб белига отнинг ипини **ўраб** ушлаб пуштон ойилларини **бўшатиб** ятиб қолди. Кеча-кундуз йўл **тортиб** келаётган киши эмасми, кўз уйхуга кетиб қолди, шу пайтда қатиб қолди. Бу орада бир сутка **ўтиб** қолди. Ана энди Чилбир **чўлдан** **Қўнғиротларнинг** элидан хабар эшитасиз. Эл Омон хабар бериб боши кетган эди. Бойсарибий Эл Омоннинг келишини кутган эди. Эл Омон етган эди. **Бойбўрининг** кўнгил ўздирганини айтган эди. **Бойбўри** акангиз шундай деди бобо деган эди. **Бойсари** энди **ғамликда** ҳаб **ҳай** аттанг гулдай **сўлдимда** орманда бўлдимда энди **жазо** ўлдимда деб йиғлашиб қолган эди. Атраб бошлари **елиш-елиш** Эл Омон **келибди**. **Бойбўрибий** **боролмайман** дебди деган **шивинганлар** **Қўнғирот** элларнинг ҳаммасига этган эди. Бу **авул**, у авул, шул авуллар эшитиб қолган эди. Авулнинг катта гапга етарлари абсўз қилишиб турган эди.

Алпомиши келмаган бўлса Бойбўрибий бир нарса демаган бўлса чотоқлашдиқда Қалмоққа **беган** сурук битағозди. **Совчилар** келиб қолса энди нима **дермиз** **қиласмиз** ахвалимиз яман бўлди. Бу Қалмоқда бошимизга **қара** туман бўлди кетишимиз гумон бўлди. **Совчилар** энди **катта** бийнинг қизини энди олатда, бошимизга **кейин** кунни солатда. Бу Кўнғирот эллар юртига **кетолмай** қолатда шундай бир яман кун бўлатда деб туришган эдилар.

Бу гап Қалмоқларга ҳам **сезилиб** қолган эди. **Совчиларга қалитка** қилиб Бойсарибий олтай сурук олиб **уй жойига** хабарчи юборган эмиш, чунким ўзининг хонига ҳам катаганига Алпомиши деган полвонига бийнинг қизи боғишлиланган экан, ҳам тўй **қилинган** экан. Шу Кўнғиротнинг хони келадимиш бийнинг қизи Барчинойни олиб кетадимиш деган миш-миш сўзлар Қалмоққа сезилган эди. Қалмоқ подшоси полвон аллариға йигитлар бехабар бўлманглар хабарсиз юрманглар бу бийнинг қизини ўзининг хонига берманглар, ҳар вақт хабардор бўлинг, Чилбир **чўлидан** **зўрлик** блан **тортиболинг** **кўлидан**, **эҳтиёт** бўлинг, келадиган йўлидан деган эди. Қалмоқнинг учта тулпор оти бор эди. **Кўккулон** деган оти бор эди, саккиз ёшда. **Кўкчунок** деган оти бор эди, олти ёшда. **КўкДўнан** деган оти бор эди тўрт ёшда **эди**. Учаласи ҳам тулпор зотли эди. Айниқса **Дўнанкўк** **йилдамлиқда** ҳаммасидан биринчи ўринда эди. Отоқли эди ҳар отни қишин-ёзин, кеча-кундузи блан сакс остини шипириб охурларига кечасига шом ёқиб Қалмоқ табласида боқар эди. Уч кун **бўлиб** эди, шу **Дўнан** от овқат емасдан емишни олмай таблада ятибди. **Харзамон** **ўқираниб** бир кишнаб кўяди. Отбоқар сайислар бу отнинг касалланганини полвон отларнинг бошлиғи Обдал ҳам **Кўкалдош** полвонларига маълум қилди. Кўкалдош бешта-ўнта отбаз **минишқарларни** олиб келиб отни кўрсатди. Бу отбоз **минишкорлар**, отни табладан чиқартиб, **қўриб** чиқди. Отнинг баданида касал **йўқ** деди. От **бир тайдан хапалангана ухшайди деди.** Кўкалдош сайисларга **суқилиб** отни яхши **жойларини** шипириб қашав жараб қилмасдан яхши қарамасдан ёлини тарамасдан отни хапа **қилибсизлар** деди. Отбоқар сайислар Кўкалдошга **йўқ** айниқса Дўнаннинг **жойини** шипириб **кўп** қарашамиз деди. **Подшонинг**

ўрдасида хизмат қиладиган мастанмомо деган кампир бор эди. Ўзи ҳам шундай билимдон айёр кампир эди. Ҳам қўрондоз эди. Шум кампирни айтириб келиб отни кўрсатди момо шу отнинг кам нима деб сўради. Кампир отнинг бияни кўрди уянинг кўрди. Отнинг баданида касал юқ кампир дарров қурасини қўлига олиб ҳар томонга қурони ташлайберди. Тоғларга, гулларга ҳам бандарга йўлларга қуро ташлаб қарайберди. Қурода қора элинди, Алпомишнинг Қалмоққа ошгани билинди у кампирни мастан, у полвонларнинг олдида ва Қалмоқ подшосининг олдида қурода кўрган нарсасини айтаяпди.

Пиликсиз ёнмайди чироқнинг мойи
Дўнан отку тулпорнинг жойи
Арзимни эшитинг Қалмоқнинг шохи
Мени сўздан тайдириб қилмасанг гунакар
Мен гапирай қурода кўрган хабар
Қулоқ солинг бу маstonнинг арзи бор
Алп полвонлар сизлар қапсизда бехабар
Асмон аиз бўлса ҳаво бўлар кук
Дўнан отнинг баданида касал йўқ
Қалмоққа юриш қилгандай Ҳакимбек
Буни англаб табладиги Дўнан кук
Алп полвонлар тез-тез қилинг маслаҳат
Шунинг учун Дўнан бўлган бетоқат
Шунинг учун ёлин силаб Дўнан от
Тоғлар дарасини туман чолгандай
Кўнғирот хони ёрин излаб келгандай
Бу нарсани табладаги от билгандай
Алп полвонлар сизлар хабарсиз қолгандай
Унинг остида тулпор пироғи
Қиров кўринади яву-яроғи
Излаб келиб қолгандай сайиб дараги

Чилбир чўлда Қўнғирот элни излаб келган сўради
Чилбир чўлдан хабарчиси келгандай
Ярни излаб бу Қалмоққа етгандай
Бийнинг қизи келишини кутгандай
Олтин садогини белга чолғидай
Ҳеч ҳазар қилмай шу Қалмоққа келгидай
Агар келса Барчин ёрни олгидай
Бий қизидан сизлар қуруқ қолгудай
Бу жугармак ширин жондан кечгудай
Барчин ёрни келиб белдан қучгудай
Чилбир чўлни бўшатиб халқ кўчгудай.

Алқисса мастон қуро айёркаш кампирдан бу гапни эшитгандан кейин
Обдал полвонлар бир-бирини чоқиришиб бир-бирига боқиришиб тўуб бўлиб
йиғилишиб кўп бўлиб подшонинг олдига келиб нима қилдик энди деяпди.
Полвонлар ичида биртаси бор эди. Уни Коржон дер эди. У полвонлардан зўр
эди. Чоп Коражонни топ ўзи нима гап дейишиб ҳовлиқишиб қолишиди.
Коражонни Кўкалдош блан подшо олдига олиб вазифа топшираяпди.

Коражон сен ўзинг полвон бўласан
Тоғларнинг бадарга йўлини биласан
Қўнғиротнинг хони келаётган йўл бандаргасини оласан
Йўлдан ўткармай қўлини кейинга чаласан
Ўзбеклар полвонини бойлаб келасан,
Агар бойлаб келмасанг ўзинг ўласан.
Тез-тез отлан шу хизматни қиласан.
Биёвонга ҳайдаб отингни сурасан
Келаётган жўлни пойлаб турасан,
Қўлин бойлаб калласига урасан.
Аср қилиб олиб келиб берасан,
Беролмасанг бу қунингди кўрасан.

Келаётган жўлин кутиб пойлайсан,
Келаберди отдан жерга жойлайсан
Отидан овдориб қўлин бойлайсан
Аср қилиб олдинга солиб ҳайдайсан
Пушаймон қилсин эногор қилган ишига
Эланса ҳам сира қўйма ҳушига.
Қўлин бойла чижимботсин билак гўшига.
Боролмай қолиб кетсин қариндошига,
Тонитиб қўйгин Қалмоқнинг зўрини.
Олалмай ўлиб кетсин Барчин ёрини.
Тез-тез жўна қилиб кел куни карини
Сенинг дамингга чидаб ўлтиrolmasin.
Чилбир чўлига, хилига беролмасин
Ойбарчинди ўлгунча кўролмасин
Охмоқ бўлиб келгандай Қалмоқ элига
Боролмай қолиб кетсин Чилбир чўлига.
Бонди қилиб ҳайдаб келиб берасан қўлимга.
Хили-хишди келолмасин изидан
Охмоқ бўлиб жуда кетибди ўзидан,
Умид қилиб келганма бойнинг қизидан
Алқисса алпларнинг бошлиғи хуйланиб, Қоражонга сўйланиб, Қоражон
тез-тез кет деяпти. Қоражоннинг отбоқари табладан отни тортиб дарров
тайёр бўлди.

Қоражон яrim соат ичида саккиз сайис (отбокар)ни кобатига олиб,
Қалмоқнинг чўлига, Алпомишнинг келаётган жўлига чиқди. Саксон жўлнинг
сотови, тўқсон жўлнинг тобоғи, юз жўлнинг бандаргасига келди. Ҳар томонга
жўл айрилаётган бандарга келиб қоради. Алпомиш ҳам, авалги чиққон тепада
бир сутка ухлаб қолиб, Бойчибор Алпомишнинг оти, Қоражоннинг чўлда
қорасини кўриб, бетоқат бўлиб, кишнайберди. Алпомиш уйхида
Байчиборнинг аччиқ довишини эшитиб иргиб турада, дарров дурбисини олиб

ҳар томонга қоради. Қоражоннинг чонғиган қорасини чўлда кўради, дарҳол отини белини маҳкам қилиб тортиб, иргиб белига минди, Қалқонди жовирнига тайлади. Чор ойпани тўшига бойлади. Галбир жойга ўқ жойлади, олисдан кўринган қорага қоратиб ҳайдади, Қоражон ўтирабеди жўлда кутиб Байчиборнинг чонги ҳавони тутиб, бир паслда борди жетиб, Қоражон покалаб мороди, дурби блан қоради, дурбида ониқлаб Алпомиши қўради, кирап оқли кирмаган чиғор оқли чиқмаган, билак кучи тўлмаган мўйлаги жўқ оқ, лодан болага ўхшайди Қоражон айтди. Қўнғиротнинг полвони шу бўлса бу нон – гўш экан-ку деди. Дарҳол отининг белига иргиб миниб Алпомишининг йўлига чиқиб, добил уриб, сиёsat қилиб чиқаяпди.

От ҳайдадинг биёвона

Қоражон кирди майдона

Алпомишига қораб дуна

Донқиллатиб добил уриб

Қоражон майдонга кириб

Қичқиради шовхум бериб

Биёвонда от сурасан

Ёш бола қайга борасан

Шундай жойингда турасан

Биздан ўтингда кўрасан

Ихтиёринг кетди қўлдан

Ўтолмайсан шу жўлдан

Сен бола қондай элдан

Товларнинг боши туман

Жўлдан ўтивинг гумон

Қўлимдан келмайсан омон

Оtimdi сўрасанг Қоражон

Бул бошинга охир зоман

Таъзим қил отдан тайлаб

Бўлмаса оламан бойлаб

Алпомишхон турди ўйлаб
Алпомиш шундай қоради
Олдини душман ўради
Келишини сўради
Майдонда отни желишим
Қўнғирот орқа журтидан
Қалмоқ элига келишим
Тўрма олдимди ўраб
Манзил маконим сўраб
Халингди қиласман хараб
Шердай бўлиб мўлла Ҳаким
Қоражон полвонга қораб
Бесабаб чиқмайди март ўғил жони
Сен бўласанми Қўнғирот элларнинг хони
Менга шунча гап-гапирма bemani
Қалмоқ элидан кўтиб чиқибман сени
Тонисанг Қоражон дейди мени
Қутилолмайдеганингни ўзинг биласан
Бу Қалмоқда ўзинг нима қиласан
Нима иш блан Қалмоқ элга юласан
Отимни ҳайдадим орқа чўлимдан
Хозором йўқ тўгри келган ўлимдан
Қалмоқ бўлсанг тез-тез чиққин жўлимдан
Ажалинг тўлганга ўхшайди қўлимдан
Хабар осом Чилбир чўлдай элимдан
Қоражон айтади бийтиб гап-гапирма мунча
Менинг олдимда сенинг холинг қонча
Қўнғирот элда сендай борми оҳмоқга
Гайбир жойди осиб тайлай ийнингга
Ундей бўлса дарров қайтгин кийнига

Қалмоқдан қаср чиқибман ўзинга
Ажал савдо кўринмайма кўзингга
Бундай бўлса тез-тез қайтгин изингга
Ёш боласан буйтиб охмоқ бўлмагин
Ёрин излаб журтимизга келмагин
Қалмоқ зиндрнида ғариб ўлмагин
Ёш боласан бекорга бўлмагин ҳайиб
Давлатинг кетгандай бошингдан тошиб
Мен шунқорман тепсам қиласман мойиб
Бу Қалмоқда сенинг ўлигингга киш сайиб

Алқисса Қоражоннинг бу габи Алпомишнинг юрак боғридан тешиб ўтиб кетди. Алпомиш полвоннинг лаби гезарид, монглойи тозариб бирдан Қоражоннинг устига от ҳайдади. Одамга мирос улмак, жулингдан чиққан Қалмоқ деб Қоражонга қараб қичқираяпди.

Кулоқ солгин мендай полвон сўзига
Ор толошиб келдим бойнинг қизига
Жондан қўрқиб полвон қайтмас изига
Қошқа паранг мерганларнинг ийнига
Ботир жон соворни олиб бўйнига
Келган полвон қайтиб кетмас кийнига
Боғнинг гули хозон урмай сўлама
Жондан қўрққан ёрни истаб келама
Қоза жетмай қашқа чибин улама
Келган полвон сендан камрак бўлама
Келгин полвон танам полвон ошиди
Сендан қўрқиши номард ишиди
Қайтиб кетган жуда номард кишиди
Улкар жулдуз тов бошига тойонмай
Қайтиб кетабермас уйолмай

Керак бўлса қизил қонга буёлмай
Мен қайтмайман буғанимча бўлишмай
Сени блан шер боладай олишмай
Чопарасда жолов тиқди солишмай
Мен қайтмайман майдонга киришмай
Қора каллани майдон ичида жоришмай
Сени блан қизил қонга қоришмай
Бул майдонда куч синашиб кўришмай

Қоражон айтди: Ҳай Ўзбек сен мени танимайсан туш отингдан. Алпомиш отдан тушиб майдонга кирди. Иккови ҳам полвон дўш бўлди. Бирбиридан бет қайтариш қаттиқ иш бўлди. Алпомиш айтди. Эй полвон ҳар элнинг ҳар хил расми бор. Бизнинг ўзбек халқининг расми олишишдан олдин бир кўришади. Қоражон айтди. Бўлмаса шу расмни қилақол. Алпомиш бўлмаса қўришайлик деб икки қўлтиқнинг (қўлнинг таги) остидан сиқиб ушлаб олди. Қоражоннинг хиёлига юраги оғзидан чиқиб кетадигандек бўлиб қолди. Қоражон Алпомишга бир сўз деб қичқирайпти.

Ғайрат блан чиқибсан ўз элингдан
Билмасдан чиқибман сенинг йўлингдан
Кутиловим гумон бўлди қўлингдан
Жон дўстим торт қўлингни белимдан
Мен сенга энди айтсам чинимни
Гавдадан сиқиб чиқаргидай бўлдинг жонимни
Билдим энди тўкасанда қонимни
Иложим йўқ мен ҳам қандай қилайин
Бир қўлингни бўшат дамимни олайнин
Ўлганимча сени блан бирга бўлайин
Қовотингда хизмат бўлса қилайин
Қоражон дейди Қалмоқда ўзимни
Қўлоғингга тутгин айтган сўзимни

Сени блан дўст бўлишим лозимди
Ранги-рўйимни бундай қилиб сўлдирма
Поймонамни ўз қўлингдан тўлдирма
Мен сенга қойилман дўстим ўлдирма
Дучар келдимсендай бўлган зўрга
Ўлганимча сени блан мен бирга
Ўлдириб тиқмагин қоронгу гўрга
Жангак солдинг буйтиб юрак гўшина
Ўлим совдани дўндиридинг бошина
Дўст бўлиб кеча кирбединг тишина
Сафар қибсан Қалмоқларнинг элига
Дучор келдим сендай зўрнинг қўлига
Сени блан бирга кетайин Чирбир чўлига
Чилбир чўлга сени блан борайин
Бу Қалмоқда сенга ёрдам берайин
Сенинг учун Қалмоқ блан кўрайин
Ўлдирма бўшатгин дўстим қўлингдан
Ўлгунча сендан айрилмай журайин
Бийтиб олдингга буган келаман
Улгунимча хизматингни қиласман
Сени блан бирга Қалмоқ элида
Бу Қалмоққа мен ҳам ғовға соламан
Бошлиб кетаманда Чилбир чўлига
Чилбирда жойлаб ётган Қўнғирот элига
Қалмоқ алплари дучор келолмас ҳилингга

Алпомиш ўйлаб турса чин айбибор йиглаб дўстлик нишонини билдирайин деяпти. Алпомиш айтди. Ҳа келинг бир кишида деб қўлини бўшатди. Қоражон бирон соатдан кейин хўшига келиб кўзини очди. Қоражон Қалмоқдан келган сайис от ушловчиларига боринглар сенлар кетинглар,

мени сўраса, Қўнғирот хони байлаб олиб кетди денглар деб жавоб берди. Қоражоннинг сайис от ушловчилари кетди. Қоражон энди дўстим ҳайда энди сенга бир хизмат қиласман деди. Алпомишининг олдига тушди. Баланд тоғнинг устига чиқиб қоради. Қалмоқ чегарасини энди кўради. Алпомиши Қоражондан гап сўради.

Жов кўрса абжўш бўлади бадани
Ғубарсиб қолади сахро биёбон
Мен сендан бир гап сўрайман Қоражон
Алпомиши ҳам дурбидаги қораб кўрган
Кўзига қўринди баланд бир қўргон
Алпомиши ҳали-ҳали ўзи ёш бола
Балан буб кўринди кўзига бир қора
Ғубарсиб қўринар кўзга дашти сахро
Яқинлашаверди бора-бора
Ҳар жойда кўринади қора-қура
Қоражон қошида кетиб боради
Алпомиши Қоражондан сўради
Бу жўлларинг қайси элга боради
Ҳар томонга кетаётир карвон йўл
Ҳаким дўстим ғуборсиган Чилбир чўл
Қора-қура кўрингани ўз юртингдан келган эл
Паст томонда ёрқиллаган Ойғир кўл
Алпомишининг бундан олдин йўқ кўргани
Жой кўтарган Қўнғирот элнинг мергани
Баланд ловуллаб кўринган
Ул Қалмоқларнинг қўрғони
Ҳали олисадай ораси
Борма бу ишнинг чораси
Баланд ёрқиллаб кўринган
Қалмоқнинг минораси

Энди Қоражон Алпомишга ҳамма жойни кўрсатиб Чилбир кўлидан энаяпти. Иккови Чилбир кўлига тушиб кетиб бораяпти. Чорваларнинг кўйини чўлда кўраяпти. Баъзи чўпонлардан қўйларни сўраяпти. Қўй тулларнинг устидан бораяпти. Чўпонлар Алпомишга қарайапти. Чўпонлар бир-бирига гап сўраяпти. Алпомишхон эмасмикан дейишиб қолди. Кечироқ бўлгандан кейин Чилбир чўлини оралаб кетаяпти. Чўлни жойлаган чорва бойлар қатор-қатор тикилган соф катта уйлар ёлтираб кўринади. Ўнтўрт ҳовли чийлар. Қоражон эргаштириб келаяпти ҳар овулнинг устидан ўтаяпти. Нодир Элбегининг уйига кечқурун эргаштириб борди. Нодир Элбегининг бохмолдан ёпган ўтовига туширди. Кеча бўлгандан кейин топ-топга чапороста от чопилиб кетди. Алпомишнинг келганини ҳаммасига билдириди. Бойсаридан, Барчинойдан аёл-бачалар чопишиб, суюнчи олиб қолди. Энди қовми элат қариндошлари Алпомишхонни кўргали келаберди. Селов-селов, тўп-тўп, жум-жумалоқ, кўп-кўп, даста-даста чапороста келишиб кўриб ҳаммаси ўртага олиб танишиб қолди.

Энди Қоражоннинг одамлари Қалмоққа етиб борди. Кўкаaldoш қоради. Қоражон йўқ, сайислар боради. Қоражонни қани деб сўради. Қоражоннингни билмадик биз деди. Бандарга йўлда Қўнғиротнинг хонига дуч бўлди. Ундан кутулуви қаттиқ иш бўлди. Ёз ҳам бўлса қишиш бўлди. Ўраб чиқбедин йўлидан, одам кутилмас қўлидан, чил солиб олди белидан, тортиб қўлини бойлади. Калласига кўп қамчини ташлади. Чилбир чўлига қараб ҳайдади. Кўкаaldoш маргазаб (аччиғланиш) бўлиб кетди. Бош одаққа чапийирди. Отларнинг барини топтирди. Калласи хумдай, қобоғи чимдай, ёғрини қопдай, мурити софдай полвонлар блан жўнаб қўйиберган эди. Қоражон ҳам мазза қилиб Алпомиш блан ётган эди. Чилбир чўлидан ғурпуллаб чанг чиқиб отларнинг келаётганига кўзи тушиб Алпомишга қараб бир сўз деб турипти.

Баланд тоғларнинг бағри бўктар қор

Полвон дўстим қўлдан берма номус-ор

Сени эшитиб келаятирир Қалмоқлар

Ғайрати ошгандай Кўкалдошнинг чоғидан
Чанг чиқади Чилбир чўли зил тоғидан
Асла қўрқма Қалмоқларнинг дўғидан
Асла хазар қилма Қалмоқларнинг ўзидан
Асла қўрқма айтган гурпи сўзидан
Пайвор қилма ўзим бор сендай полвонисидан
Кўрқитишга келаятири элингни
Ғайрат қилиб маҳкам боғла белингни
Асла тортма Қалмоқлардан тилингни
Тўпи бузилмай келаятири Қалмоқлар мукка
Сендай бўлган Ҳакимбекка
Улар кўпчил сен ўзинг якка
Қайтмай гаплашавер тикка
Толошиб келибсан ёрингга
Ўзим чопаман оринга
Курмалмасин қизил тилинг
Устин келади қўлинг

Кантинг (шаҳар) кесаги уради деган сўз бор. Қалмоқ алпларнинг сиёсатига Алномишининг юраги озроқ ғалт уриб турипти. Қалмоқ полвонлари ҳар овулга боряпти. Хони қаерда деб сўряпти. Қайтмай боряпти. Чачов келмади лукка, шундай келиб қолади, тикка Қоражон Қалмоқ алларининг олдига чиқди. Кўкалдош Қоражонга ёмон кўзи блан тиклади. Ҳа, Қоражон ахмоқ нима иш қилиб юрибсан деб сўраяпти. Қоражон айтди: Кўкалдош мен ҳам юрдим, турдим бундай болани кўрганим йўқ эдим деди. Ҳалиям ўлмай қолдим шунга ҳам вақтинг хуш бўлмайдими. Менинг ишим тинган, ишонмасанг кўр олти қобирғам синган. Ҳали ҳам мард ўғил экан олдига солиб шу ерга ҳайдаб келди. Кўкалдош айтди: Қоражон менга сен кўп саб-саттани гапирма қаерда шу Қўнғиротнинг хони. Қоражон айтди: шу баҳмал ўтовда ишинг бўлса борағай деди. Кўкалдош лаб уриб Қўнғиротнинг

хони қани чиқиб бир кўзимга кўрин деяпти. Алпомиш уйдан чиқиб қораб, Кўкаaldoшни кўриб ишинг бўлса гапир деди. Кўкаaldoш Алпомишга қараб бир-икки оғиз гапиряпти.

Саҳро чўлда отингни мунча еласан
Агар гул бўлсанг саргайиб сўласан
Нима иш блан бу Қалмоққа келасан
Кўкаaldoш минган бедовнинг белига
Сиёсат қилиб Бойбўрининг ўлига
Нима учун келасан Қалмоқ элига
Қуш учади ҳовода қанотини жойиб
Мен шунқорман тебсам қиласман мойиб
Ёш бола экансан бўлдингда ҳайиб
Омон кетолмайсан Қалмоқ элидан
Сендай охмоқ адашибди йўлидан
Омон кетивинг гумонди Кўкаaldoш қўлидан
Бунда ким келса кетмайди омон
Бошинга соламан қоронғу туман
Ўзинг кебсан, ўзинг кет шу замон
Кўп гуппи-гап гапирма менга қораб
Очиғлансам аҳволинг қиласман хароб
Мен келганман ёримни сўраб
Очиқлансам қобогимни читаман
Қаҳарлансам отинг блан кўкка отман
Ёрим олиб ўз элимга кетаман
Тоғу чўлда отимни чопдим хизлаб
Бунда келдим севикли ёрни излаб
Мақсадингни айтгин менга Кўкаaldoш
Майдонга чиқаман гайбир жой созлаб
Хазон ўрса булбул учар гулшонга
Касартки жанашолмайди илонга

Гуппи гапни кўп гапирмай Кўкаaldoш
Талаб қилсанг мана чиқавқр майдонга
Мен қўрқмайман сенинг гуппи сўзингдан
Полвонларни эргаштириб изингдан
Бу гуппи гапни кўп гапирма Кўкаaldoш
Бунча кетасан ўзингдан
Ният қилиб отландим орқа қўлимдан
Дуо олиб чиқдим Қултой чолимдан
Хазорим йўқ тўғри келса ўлимдан
Манмансираган нобуд бўлар қўлимдан
Нима десанг айтганингга жураман
Талаб қилсанг мана майдон кираман
Зўрлик қилсанг шунча элни бераман
Майдонга киришлиқ марднинг иши
Ор учун ҳам ёр учун ҳам мард полвон оши
Бўлса мен қайтмайман Қалмоқ сабоши
Қизил гуллар хазон урмай сўлмайди
Жондан қўрқсан ёрни излаб келмайди
Гуппи-семиз гапинг амал бўлмайди
Тоғларда гуллайди Қозамизор (Ўсимлик тури)
Кўлларда ғирқилаб сўпалар жузар
Баҳас қилгин қўлимда бўлди юрма.....
Лочин қуш учади ҳаволаб кўлларга
Ўрдак, сўна айланади клларга
Ўзим полвон Чилбир чўлдай элларга
Баланд тоғларнинг бастига
Гап келар пайвастига
Бир жонни ўртага қўйганмиз
Суйикли ёрнинг устига
Ўзим Қўнғиротнинг хони

Сенку Қалмоқнинг полвони

Кўп гапирдинг бемони

Қарасангиз Ҳакимбекка

Силар кўпсан ўзим якка

Кўрқмай гаплашди тикка

Алқисса Қоражон айтди: Кўкалдош бу гапдан нима мани топасан лакин сендан кам эмас кўрқмайди. Мен уни чунки синадим. Кўкалдош шу гап блан қайтиб чорваларнинг овулига тушиб етишиб қолдилар. Полвонлар изидан Қалмоқ подшолари қанча одамлар блан келиб анча ғовҳо бўлди. Энди жанжал тататупдан кўра бошқа бир фикрга келайликда.

Қоражон айтди: Алпомиш айтган гапга юрмайди. Ўзи ўлмасдан Барчин ёрини силарга бермайди. Агар майдонга чиқсаларинг бир бошингдан сермайди. Ҳа, десанг мард ўғил майдонга киради. Ўзи мерган эмасми яккалаб теради. Агар гайбир жой қўлига тушса бир бошидан киради. Мундай ғайратли ўғил эканку нор калла хумдай шишади. Ғайратига яна шунча ғайрат кўшади. Агар майдонга чиқсаларинг оралашади. Бўлмаса нима қиласиз дейишиди. Қалмоқ подшоси айтди: Шундай фикрга келамиз деди. Етти йил Чилбир чўлида жойлади. Бойнинг қизи еттида бўлса, ўнтўрт-ўнбешларда бўлди. Энди қўлимиздан бериб юбормаймиз. Учта шартни ўртага қўяшимиз деди. Беш юз отни бир жойга йигамиз. Шу пойгода уч отдан қайси от олдин келса, бойнинг қизини шу киши олсин. Иккинчиси тўқсонта полвоннинг энг биринчисини майдонга чиқиб йиқитса. Учинчиси саксон юз баландликдан олтин қовони (тиллани) уриб туширса халоли бўлсин ким бўлса олсин Қоражон бориб айт деди. Қоражон Алпомишга келиб дўстим Қалмоқлар изма-из келиб кўпаяпти. Ишнинг ўзи оғирлашадиганга ўхшаяпти. Лакин шапалоқ блан иш битса, муштлашнинг ҳожати йўқ деган бир гап бор. Шунинг учун оғир эл ҳам мамлакатнинг усти урушиб, суришиб, калла жоришиб, қонга қоришиб ётгандан кўра Ойбарчин учун бемалол бежанжал учта шарт қўйилди. Шунинг қиса бўлмайдими Алпомиш айтди: Нима шарт қўйдилар плани беш юз от. Лакин шу отларни синчи (от зотини биладиган

киши) кўради. Синчининг юборгани боради. Юбормагани бормайди. Шу Қалмоқнинг уч отидан Байчибор олдин келса Қалмоқлар ҳеч индамай қолади. Полвонлар ичидаги ҳаммаси мендан йиқилади. Лакин Кўкаaldoшнинг мендан кучи кўп. Курашга Кўкаaldoш киради. Кўкаaldoшни боссанг бемалол Ойбарчинни оласан. Учинчиси саксон юз баландликдаги олтин қовоқ тиллани уриб тушириш. Унга Қўнар мерган чиқади. Қўнар мерган ҳам ундаи чакаман мерган эмас. Агар буни ҳам отиб қолсанг бемалол олаверасан жанжал гап-сўз йўқ. Алпомиш айтди: Полвон курашидан унча ҳазарим йўқ. Лакин пойга чатоқроқ бўлмаса деди. Қоражон айтди пойгага ўзим кетаман пойга чатоқ бўлмайди. Сен полвон курашига дам олиб ётавер. Алпомиш Қўнғирот бойларнинг гапга етарларини чақиртирган эди. Ҳаммаси олдида эди. Буларнинг кадагонларини Нодир Элбеги, Кучар Элбеги, Шазамон мерган, Сувдали сўфилар эди. Алпомиш айтди: Қалмоқлар шарт қўйибди. Шунга нима деймиз. Ҳамма халқ айтди хўп бўпти Қўнғирот хони давлатлику катта-кичик тилакли бўлиб турамизда деди. Алпомиш айтди: Қоражон бўлмаса майли бориб айтасан, отларини йиғсин тез тўпласин деди. Қалмоқларга бу хабар етгандан кейин буёқ-уёққа чоптириб яхши отларни топтириб қўй десандан кейин ҳартарафга от чопилиб кетаётир.

Қаронг Қалмоқнинг ишига
От чоптириди туш-тушига
Хабарчилар кетаяпди
Қишлоқларга титаяпди
Дол бедов уйнаб дабил туйилди
Яхши отнинг бори бирдан тинтилди
Пайгачин ормонда қолмай боравер
Бизнинг қизи пайга бошга қўйилди
Келаятириб қанча киши
Бу пайга туйрук отнинг иши (илдам)
Бийнинг қизи пайга боши
Ҳам деса полвон оши

Йилдам отли келаверди
Шундай хабар бўлаверди
Гурумбот буб Чилбир чўли
Қалмоқларга тулаверди
От чопилди чопараста
Қалмоқ эллар чопараста
От чопмоққа ҳавасда
От чопилди чопараста
Осмоннинг яруғ ойлари
Саб чорванинг бойлари
Бу пайгага қўйилди
Бийнинг Барчинойлари
Курашди пайганинг ўзи
Билмам қандай бўлар изи
Пайга боши бийнинг қизи
Пайгачи отлар кеб бўлди
Ҳаммаси йифилиб туб бўлди.
Хил-хилига саф-саф бўлди
Томошабин жуда қўп бўлди
Одам босди Чилбир чўлди
Томошабин қўп бўлди
Ким олади Барчин гулди

Энди томошабин қўп бўлди. Синчидан отлар утаверди, беш юз отни синчидан ўтказиб, синчи биринчи КўкДўнан, иккинчи Кўкчиноқ, учинчи Кўкқулан от деб қўйган эди. Кўкалдош айтди: Кўнғирот бойлар силар ҳам отларингни синчидан ўтказинглар энди. Кўнғирот бойлари Байчиборни ўрта еталаб олиб келди. Қалмоқлар Кўнғиротнинг оти шу отмикан деб қарашаберди. Бир-биридан суришаберди. Баъзилари Кўнғиротнинг оти шул бўлса КўкДўнанча йўқ дейишаверди. Байчиборни синчининг олдига олиб

тўғри қилди. Кўкаaldoш айтди: ўзбекнинг отини жуда яхши текшириб сина деди. Синчи Байчиборнинг кейинги жойидан бирдан сийпалаб кўриб сиқди. Соврисидан сийпалаб то етим ёлигача кўриб чиқди. Кўлтиғидан сийпалаб то тушигача кўриб чиқди. Терисини бир чузиб кўрди, отнинг ёли какилларини сийпалаб кўрди. Отнинг чатанларидан сийпалаб кўрди, томошабин қараб турипди. Синчига қараб синчи кўрди, отнинг ҳамма томонига қараб кўрди. Синчи отнинг соғрисига астагина бир шаппатлаб Қалмоқ халқقا қараб отнинг қандайлигини баян этяпти:

Пойга жойдур Чилбир чўли
Қулоқ солинг Қалмоқнинг эли
Ўн тўртида жарқиллаб тўлар осмоннинг ойи
Жилигидан йўғон экан орtingи пойи
Асли ўзи тулпорнинг коназод тойи
Қимматбаҳо от экан Ўзбекнинг оти
Онадан туғилган сешанбанинг қайи кечаси
Қумга чопса асло ботмас сочаси
Ўнсаккиз қарич чиқади учаси
Ҳамма отдан зиёт келди мичаси
Қимматбаҳо экан Ўзбекнинг оти
Тузгунидан асло бирор тутолмас
Бахас қилса қанотли қуш учалмас
Тўрт оёқли ҳайвон бунча еталмас
Қимматбаҳо экан Ўзбекнинг оти
Ипакдан майин экан дум блан яли
Соврисида бор экан иккита холи
Чопганда қисқарар Чилбирнинг чўли
Қулоқ солаяпсизларми Қалмоқнинг эли
Қулоқ солинг синчининг айтган сўзига
Ор талашиб келган бойнинг қизига
Отнинг борин ташлаб келар изига

Ёрин берса бўлар экан ўзига
Қимматбаҳо экан Ўзбекнинг оти
Қораётир Қалмоқ юртнинг элати
Асли тулпор экан Ўзбекнинг оти
Кўлтиғида бор эканда қаноти
Қимматбаҳо экан Ўзбекнинг оти
Совриси тушнаган тўқсоннинг музидай
Кулоқлари тоғларнинг ондизидай
Кўзлари ҳавонинг юлдузидай
Бунинг хардори бойнинг қизидай
Қалмоқ элдан обкетгидай орини
Чўлда ташлаб келар отнинг борини
Мен синадим тўрт бўрбойнинг зўрини
Олиб кетгидай Барчинойдай ёрини
Агар чопса ернинг бети озилар
Туёқ босган ери урадай бўп қозилар
Жийрилиб жиптак отган сўнг
Кўлтиқдан қанот жозилар
Отнинг бори кейинда қоб узилар
Бу пойгадан аниқ сабил ўтади.
Бу тулпорга қандай ҳайвон етади.
Ёрини олиб ўз элига кетади
Орга чопар экан Ўзбекнинг оти
Олтай чопса карламайди
Ўн ой чопса терламайди
Тулпор отнинг сини бўлмас
Синчидан бошқа борламайди
Ўзбекнинг оти ўтгидай
Қувганини етгидай
Хаёлима ёрини олиб кетгидай

Алқисса, синчининг гапига ҳамма термилиб қолди. Кўкалдошнинг юраклари силаб уриб гоҳ синчига гоҳ отга қарайверди. Синчини Кўкалдош четга имлаб чақириб олди. Кўкалдош синчига айтди: тўғрисини гапир одамни қўрқитиб ташладингку КўкДўнан отлардан Кўнғиротнинг оти ўтадими деди. Синчи айтди: ҳозир мен нима дедим эшитмадингизми Ўзбекнинг отининг олдида Дўнан отлар тушовлагандай бўлиб қолади. Бу Ўзбекнинг отининг олдида бу отлар эшакку деди. Кўкалдошнинг бир ачиғи чиқиб кетдики, чақлаб туриб шарт буюриб отни юборди. Қулоқнинг туби шарий этди. Кўкалдошнинг шафпатининг зўрлиги шунчаки синчининг кўзидан ўтилиб этиб бир кўзи ерга оқиб тушди. Қулоқнинг туби куйишиб, бадани уюшиб бежон бўлиб йиқилди. Уйиги куйсин сен синчининг деди. Дўнанкўқ подшолар бўйича олдига от ўтиб кўрмаган отку. Сенга қолганда Кўнғиротнинг отининг олдида эшак бўладими. Агар шу пойгода Ўзбекнинг оти олдин келса сени кўзингнинг хунини тўлайман. Агар Дўнандан кейин келса бу кўзингни ҳам ўйиб оламан. Пойгачилар энди тайёрланиб жўнамоқقا тайёр бўлди. Қоражон Алпомишнинг олдига келиб, қани дўстим, Қалмоқлар бўлса тақ бўлди, энди жўнашга тақ бўлди. Энди дўстликнинг нишони ишонсанг отингни менга берсанг сенинг номингдан пойгага мен кетсам, сен узоқ йўлдан келиб чарчагансан дам олиб ётсанг қандай бўлади деб айтди. Алпомиш хўп деб, Байчиборни эгарлаб, Қоражонга тўғри қилди. Жиловини унга ушлатиб, дўстим отнинг ихтиёри сенда деб топширди.

Алпомиш Байчиборни Қоражонга ишониб топшириб ишоняпти:

Қоражон дўст эшит маслаҳатимни,

Ишониб топширдим чипор отимни

Ўзинг ҳам полвон Қалмоқ элига

Ишониб топширдим дўстим қўлинга

Тилакчи бўб турдим кетган елинга

Сеники бўлди энди чипор от

Қалмоқлардан бўл эҳтиёт

Ховосим (кўрқишим) Қалмоқ элингдан
Кеча-кундуз жиловини бошқага берма қўлингдан
Тайин гапим шуни зинҳор қиласан
Зинҳор отимга эҳтиёт бўласан
Ишониб топширдим ўзинг биласан
Қалмоқлар қилмасин менинг коримни
Ишониб топширдим Байчиборимни
Қалмоқда қолдирма Барчин ёrimни
Мен блан дўст бўлгинда ўлгунча
Менда тоқат бўлмас сен келгунча
Пойга тойи Болқан тофнинг бошида
Ҳеч кимни йўлаттирма отнинг қошига
Бугун ойларнинг нечаси
Ухлама тонг отгунча пойгага чопадиган кечаси
Кутиб тўхтайман сенинг йўлингни
Мен билмайман қандай бу элингни
Чопган вактда бошқариб ҳайда йўлингни
Жиловига асли тегизма қўлингни
Тизгинини Қалмоқ элинг тутмасин
Сени алдаб, олдинга Қалмоқ ўтмасин
Қалмоқ элинг пириб бериб кетмасин
Жиловидан ҳечкимга сен чолдирма
Олдингни ўратиб кейинга қолдирма
Қалмоқ элга асла сиринг билдирма
От қошига бировни асла келдирма
Қалмоқ элда қизил юзим сўлдирма
Барчин ёрни Қалмоқ элга қолдирма
Жиловини туғиб талига ташлагин
Эгардан икки қўллаб маҳкам ушлагин
Ишондим пойгадан отим қолдирма

Жиловига Қалмоққа қўл солдирма
Бу элларда қизил юзим сўлдирма

деб Алпомиш Қоражонга отни топширди. Пойгачилар пойга жойга чиқиб кетди. Қалмоқлар қараса Қоражон, ўзбекнинг отини миниб пойгага боряпти. Кўкалдош Қоражондан гап сўраяпти. Қани Қоражон ўзбекнинг отин мисинбсанми? Унга Қоражон: - ўзбекни галдиратиб, отни 3000 тангага олдимда, деди. Кўкалдош айтди – қўй шу хилангни, сен оғайин, ака-ука қариндошлиқдан кечибсан-да, деди. Қалмоқлар Қоражонни ўртага олиб, гаплашиб боряпти. Қоражон энди ўзинг биласан, шу пойгада укалик қиласан, ҳарна кейнига сақлаб қоласан, пойгага минибсан Қўнғирот чипорини ўзбеккa кеткирмагин Қалмоқ орини. Сенга топширайин отнинг ихтиёрини, пойгадан қолдирғин тулпарини. Миниб чиқибсан тулпор белига, ўзи ағайнилик қилгин энди элинга. Бийнинг қизини бериб юбормайик бир Қўнғиротнинг қўлига деб тайинлашаяпти.

Алқисса Қоражон алпларга шундай деб боряпти:

Қалмоқ айтганинга юрмайман
Алдаган сўзинга қулоқ солмайман
Жиловига қўл соганингни сермайман
Агар, оти ўтса, пойгани сенга бермайман
Қалмоқ эллар насиҳатинг олмайман
Алдаган сўзинга қулоқ солмайман
Агар, от ўзи кейин қолса унда билмайман
Лекин, жиловини қоқиб кейин қолмайман
Катта гапирдим, хоннинг ўзига
Қулоқ солмайман ҳечким сўзига
От яраса талашма бизнинг қизига
Қасдан тилюв қоқиб, қоб кетмайман изига
Барчин учун бу пойгага беш юз от
Ишониб топширди отни омонат

Омонатга қилолмайман хиёнат
Силар блан бу пойгага бораман
Отини қолдирсам юзи қораман
От яраса ор талашиб кўраман
Бу пойгада дўстлигимни билдириб
Ташламайман бегнинг рангин сўлдириб
Ишонтириб чиқдим кўнглин тўлдириб
Катта қилсанг Қалмоқ кетарсан ўлдириб
От ўткарсанг зўрлигингни билдириб

Шунда Кўкалдош Қоражонга айтди:

Қоражон сенга бир бола бўлама
Ака-у坎гнинг ранги-рўйн сўлама
Қалмоқ халқлар энди уялиб қолама
Бий қизини Кўнғирот хони олама

Қоражон айтди:

Кўкалдош бу гапинг номарднинг иши
Бийнинг қизи пойга боши
Нотантилик қилган номард кишиди
Айтган гапинг номард иши бўлади
Оти илдам бийнинг қизин олади
Оти ярамаган чўлда қолади
Керак бўлса пойгадан келмай ўлади

Алқисса: Қалмоқлар Қоражоннинг қайфини ёмон чақлади. Қалмоқлар айтди, уйинг куйгур Қоражон гапга қулоқ солмайди. Шунча насиҳатни олмайди. Қанча гап айтганинг кўзига илмайди. Ўзбекнинг оти яраса, ўлса кейин қолмайди. Қулоқقا тутмайди, бу оғайнинг зорини ерга қоратади. Қалмоқларнинг борини, пойгада қилмасак бунинг корини, Балқонда қазмасак

бунинг гўрини дейишаверади. Пойгачилар жўнаб уч кеча-кундуз юрди. Балқон тогига етиб борди. Пойга бошлиғи: йигитлар пойга боши ана шу тоғ, шу кеча дам олинг, отга ем беринг, эрта блан пойгани қўямиз, деди. Тоғнинг бошида алплар бир бўлак Қоражоннинг ўзи эса бўлак жойга тушди. Пойгачилар: кел Қоражон бирга овқат еймиз деди. Қоражон айтди: йўқ овқат емайман. Отнинг баданини қашлаб, етаклаб совитаман деди. Кўкалдош айтди: бу келмайди ҳам, шу кеча ухламайди ҳам, иш қилиб беш-ўнталаринг шуни англаб чиқинлар. Қалмоқлар ҳар томонга бўлинниб, Қоражонни мораб (англаб) ётди. Қоражон ухламасдан, отга эҳтиёт бўлиб чиқди. Қалмоқлар эса Қоражоннинг ухлашини кутиб турипти. Тонг вақти Қоражонни уйхи босаберди у уйхуга кетди, бешта-ўнта Қалмоқ Қоражон устига ётди. Қоражоннни уйхуда бойлаб, уриб-уриб аввали ўласан, ўлмасанг ҳам бу пойгадан қоласан деб, маҳкам боғлаб ташлади. Байчиборнинг тўрт оёғига тўрт мих урди. Қоражонга Байчиборни байлаб, тоғнинг бошига ташлаб, ана энди ўзбекнинг отини ўткарганингни кўрайик деб Қалмоқлар пойгани қўйиб кетди. Қоражон блан Байчибор Балқон тоғининг устида қолиб кетди. Тонг отиб, кун чиқди, пойганинг изига чанг ҳам кўринмайди. Қоражон келмаятир хушига, тип (ип) ботиб кетган билагининг гўшига. Байчибор чарх уриб Қоражоннинг бошига туёғини ерга босалмай турипти. Аёғини босолмайди. Қоражоннинг ипларини тишлаб, шунча силкиласа-да, баданинг гўши титилиб қолган туролмайди. Байчибор қаттиқ-қаттиқ кишинади.

Балқон тоғнинг бошин туман чолгандай

Бу пойгадан Байчибор от қолгандай

Бийнинг қизин Қалмоқлар олгандай

Қоражон ётибди, худди ўлгандай

Туркилаб чиқади, тулпор товуши

Ўқсиб кишинар эзилгандай юрак гўши

Байчибор товушига тоғлар само беради

Кўринмайда Қалмоқларнинг қораси

Атраб кетгандай Қалмоқ араси

Ағирдай-да Қоражоннинг яраси
Байчиборнинг ўксаб кишинаған зорига
Гумбирлаётир тоғнинг дараси
Қалмоқлар пойгани қўйиб кетипти
Қоражон ўлгандай сулаб ётипти
Кишинай-кишинай овози битипти
Қоражон ҳамон шундай ёттипти
Ётганига бир кеча-кундуз ўтипти
Байчибор айланиб Қоражон бошига
Байчиборнинг ўксиган товушига
Қоражон энди келди, аранг хушига
Армонда қиб кетган Қалмоқлар ўзини
Калласин қўтариб очса кўзини
Байчибор овози ўксиб борин иш
Қоражон бошини айланиб турипти
Қалмоқларку бойлаб кетипти
Кетганига бир кеча-кундуз ўтипти
Чипор блан Балқон тоғда ётипди
Қоражон билди кейин қолипти
Армон блан тоғ бошида турипти
Бизнинг қизин аттанг Қалмоқ олтипти Қоражон довдираб туриб, отнинг
белени маҳкам тортди. Бир аҳволда отга миниб, жиловини от ёлига ташлаб
қўйди. Қоражон айтди: ётиб қолганча отиб қол деб, таваккал, бир ҳайдаб
қолай деб тоғдан чўлга энди.

Қоражон Байчиборга қараб бир сўз деяпти:
Чайқалдима йўлбарс эганг давлати
Йўлинга кўз тутган ўзбек элати
Бир кўзингни очин-да полвоноти
Гулдай бўлиб сўлмасин эганг жасати
Қоражоннинг шулдир зори

Кетибти отнинг бари
Оч кўзингни, Алпомиш тулпори
Қалмоқ элида қолмасин эгангнинг севикли ёри
Балқон тоғнинг боши қоя
Мехнатингни қилма зоя
Йиғлаб қолмасин Барчин ой
Юрак бағри куя-куя
Ғубарсийди дашти сара
Аlam қиласар бора-бора
Баданимга солган яра
Пойгада ўзинг кўрмасанг чора
Қалмоқлар кетмасин ўзиб
Юрак-бағримни эзиб
Кейнидан еткин чўзиб
Қоражоннинг лаби қотаяпти
От оёғининг остида мих бор
Кўп ёзаолмай кетаяпти

Қоражон отнинг оёғига мих урилганидан хабари йўқ эди. Байчибор оёғини тошларга ура-ура оёғидаги михнинг учтасини туширди. Қоражоннинг хаёлида шамол баландга кўтаргандай бўлди.

Байчибор енгилашди
Селкин дарёдай тошди
Чопишга-чопиш қўшди
Чанги-чангига улашди
Байчиборнинг кетига
Қоражоннинг ақли шошди
Қараса чипор кўгидай
Сой-қирлардан ўтгудай
Олдига от кўлдаланг келса

Оғизда ялмаб ютгидай
Шу созда кетаверса
Қувиб Қалмоқни етгудай
Очилар гулнинг лоласи
Олисда Қалмоқ қальаси
Ўзинг тулпорнинг боласи
Ойбарчиннинг даврининг
Қолиб кетмасин чаласи
Қаранг чинорнинг ўзига
Ор талашганга ўхшайди
Бойсарибойнинг қизига
Армонда қолиб кетган
Беш юз отнинг изига
Ҳар баландга чикқанда Коражон
Қараса қўринмас Қалмоқ қўзига
Сигирдан айрилмас буқа
Кетаётир чўлда якка
Уялтирганин жонивор
Йўлбарсдай бўлган Ҳакимбекка
Сайи-қирдан ҳтаатир
Кесиб бораётир тикка
Қарчигай қушдай қуюлиб
Жилови ялга ёйилиб
Тираб туягин босган жой
Учтадай бўлиб ўйилиб
Чиргидан оққан аччиқ тер
Бадандан борар қуюлиб
Кемалар қалқиб юзар
Дарёнинг дўлаб гулига
Бийчиборнинг бу кетиши

Кўнғирот элнинг номига
Қалмоқларнинг тулпорини
Чўлда солади дамига
Эржин тоғнинг қадри
Кетипти отлар илгари
Тўрт бўрбойнинг кўпдир зўри
Ерга тамиб боради
Бадандан оққан тери¹
Абзали ала қайишдан
Қолмагидай учган қушдан
Ками йўқ экан тулпорнинг
Ҳам югуриш ва чопишдан
Чатанинг (чотоноқ) кенгилидан
Юқ ортган түя ўтгудай
Қоражон қараб қўяди
Ҳали ҳеч толмай кетгидай
Пойганинг ортидан еткидай
Уч суткалик йўлдир пойга ораси
Қуюн тургандай чангий берди
Чўлнинг дашти сараси
Аҳлини ростлаб қараса Қражон
Қўринар чангнинг қораси
Туёғи ерни қазиб
Қоражон ташлаб юборди
Жиловини ялга чўзиб
Қалмоқларга етаберди
Туёғи ерни қазиб
Яхдай шамоли боради
Қалмоқлар бир вақт қаради
Қоражонни кўради

Чувиллашиб Қалмоқлар
Қоражон деб шавхим беради
Кейниб етиб боради
Отларнинг ўртасин яради
Салған экан дамига
Ҳакимбекнинг номига
Қалмоқ бўлсанг қолавер
Яна утарсан калига
Бир пасда қораси қўринмай
Кетди чўлга чилдираб
(От асбоби) Қатоғон сулуғи шилдираб
Сойи-қирдан ўтиб кетди
Кўринмай кетди булдираб
Ўрдак учса кўл лойланиб
Тулпарлар кетди сайланиб
Кўзини очалмас Қоражон
Боши боради айланиб
Тоғни туман чалганга ўхшайди
Чўлда Қалмоқлар чибаб қолганга ўхшайди.
Пойгани Қоражон олганга ўхшайди
Қоражон секин жиловин тортди
Қалмоқ қоб кетди кейнига
Тортса етмайди кучи бўйнига
Қолмади кўнгилнинг ғубори
Қоб кетди Қалмоқнинг бари
Кетмади эгангнинг ори
Фасл дамингни ростлаб ол
Алпомишбекнинг тулпори
Силкиб-силкиб жиловини
Қоражон-ку тортаяпти

Сой-қирлардан Байчибор

Ҳали ҳам тез кесиб ўтаяпти

Қоражонга жилов бермай

Силкиб-силкиб кетаяпти

Қоражон от устидан ерга энкайиб қараса икки отнинг изи кетибти. Чўлда ҳеч кўринмайди отнинг қораси. Беш метрдан чиқади ҳар қадамининг ораси. Туёғи ерни қазиб, кетгандай олдин узиб Қоражон айтади: айтдим тўхтамадинг, отлардан яна олдин кетган эканда. Олдин кетган икки отнинг бири Обдалнинг Кўккулон оти бўлса керак деди. Биттаси эса КўкДўнан бўлса керак. Шу икковидан ўзадиган от йўқ эди деб, бор-е, жонивор ихтиёр ўзингда деб жиловини ўз ихтиёрига ташлади. Ана мана дегунча Кўкўрнинг устига чиқди. Қоражон қараса Қулон тоғдан Кўккулоннинг ошиб бораётганини кўрди.

От майдонда ошлади

Жиловини Қоражон

Яна ялга ташлади

Кўккулоннинг ортидан

Чипор қувиб нишлади

Ўқиганнинг ҳамма қойил зеҳнига

Қоражон жилов ташлади отнинг бўйнига

Оtnинг бори терлаб қолипти, чипорнинг кетига

Кўриб қолди Байчибор Қулонни у кўзига

Нишлар Қулоннинг изига

Қомати ёйдай букулиб

Бадандан тери тўкилиб

Туёқقا мих қоқилиб

Кўккулон қолипти тиғилиб

Кела-кела Кўккулон

Ўмбошиб кетди йиқилиб

Ғубарсиб чўли биёбон

Қараса Обдалдай полвон
Яхдай шамоли боради
Обдал шундай қаради
Қоражон етиб бдоради
Жилов сақла Қоражон деб
Обдал товуш беради.
Кулоқ солмайди сўзига
Қарамайди юзига
Қоражон дема у
Қолиб кетган пойганинг изига
Тоғларни туман чалган
Қоражон ортда қолган
Қоражон деб қичқирма
Қоражон Балқон тоғ белида
Бир от блан ўлиб қолган
Кулоққа тутмас зорини
Қоражоннинг қилдиларинг корини
Қоражон деб яна қичқирасан
Ўзинг қазиб келиб эдинг гўрини
деб Обдалга қарамасдан ўтиб кетди. Қоражон баландга чиққанда қараса
Чилбир чўли ғуборсиб кўринади. Пойга жой яқин қолибти, бир қора чўлда
кўринади. Қоражон аччиқ блан икки қамчи тутди Байчиборга
Икки қамчи ташлаб Чипор чотига
Алпомишнинг чипор отига
Ҳаккалаб ернинг бетига
(75-бет)
Билаги кучи полвон
Энди қамчи тортипти
Захар қамчи баданига ботипти
Кўкалдошнинг оти олдин кетипти

Жўлбарс эганг сенга ишониб ётипти
Томошабон пойга жойни кутиби
Бирдан кўзин очиб қараса Қоражон
КўкДўнанни елиб Чипор етибти
Осмон оёз бўлса бўлар ҳаво қўк
КўкДўнандан Кўкалдошнинг кўнгли тўқ
Бу вақтгача от ўткариб кўрган йўқ
КўкДўнан бурилиб қаради
Байчиборнинг етганини кўради
Жўнаб қўяберди жиловини ёйиб
Туяғи ерни ўйиб
Бу пойгани бермагидай бесайиб
Минган бедов бели савиб
Кетидан етти қувиб
Кўкалдош Қоражонни кўриб
Қоражон деб шовхим бериб
Қоражон дейди ўзингни
Менга қараб оч кўзингни
Тингла аканг додини
Қайтар ўзбекнинг отини
Кулоқ сол аканг сўзига
Ташладинг бийнинг қизига
Нима бўлди Қоражон
Сақлаб қолгин-да изига
Қолиб кетди отнинг бори
Ўзим ҳаммадан илгари
Кетаман Қалмоқнинг ори
Фидо бўлсин азизжон
Абжўш бўб кетгандай бадан
Кулоқ солмайда Қоражон

Иккови чопди бир мойдон
Қирқиб ўтаётир сойдан
Осмон аёз ҳаво кўк
Жуйруқлигидан кўнгли тўқ
Ҳозиргача Дўнанкўк
От ўткариб кўрган йўқ
Қоранг отларнинг зўрига
Ойбарчин учун иккови
Оғиз солар бир-бирига
Пойга жойдан томошабин қоради
Бир-бирига икки от
Оғиз солиб боради
Қочса ўрдак қувар лочин
Синашиб бир-бирин кучин
Икки отнинг талашиши
Бийнинг Барчин қизи учун
Икки от қавот бораётти
Томошабин кўраётти
Кенг чўлга себиллар сиғмайди
Бир-бирини иккови олдинга қўймайди
Бийнинг қизини себиллар
Бир-бирига қиймайди

Пойга жойда томошабинлар дурбинда қараса икки от бир-бири блан йўл талашиб кетаётир. Томошабинлар тепа-тепаликка чиқиб қораётир. Кўнғирот чорваларнинг хотин боласигача тепаликка чиқиб қоради.

Ойбарчин ҳам саккиз канизи блан, доира сози блан қанча чанқобизи блан, ҳар бир нози блан Салқинчоқ тепанинг устига чиқиб қоради. Алпомиш куёв тепанинг устига чиқиб Ойбарча ва чўлга қараб турипти.

Неча қора келаётир булдираб

Бу чўлларда сайи-қирда гилдираб
Қатоғон сўлуғи шилдираб
Турбеди Алпомиш кутиб
Чанги ҳавони тутиб
Бир-бирига йўл бермасдан
Икки от келаберди етиб
Шунда қараса Ҳакимбек
Бу пойгода Чипор йўқ
Савил бирори Дўнанкўк

Байчиборнинг баданининг гулини Қалмоқларнинг урган михи жойидан тилган ва чанг отнинг чипорини кўрсатмай ташлаган эди. Шунда Алпомиш Байчибор ўлиптида, келмаптида аттанг деб йиғлаб бир сўз деб турипти.

Отланиб чиқибедим орқа чўлимдан
Дуо олмай чиқдима оғир элимдан
Суюкли ёр кетиб қолди қўлимдан
Бу Қалмоқда шунқор тепди белимга
Ким хабардор энди менинг ҳолимдан
Ота-анам хабарсиздир ўзимдан
Норози бўб йиғлаб қолган изимдан
Энди хумор ёшлар тўлди кўзимга
Айрилиб қолдим-да сарви нозимдан
Эй, аттан-а, адo бўлдим
Бу Қалмоқда гадо бўлдим
Сут берган ота-онадан
Нега бундай жуда бўлдим
Ёдимга тушиб Барчиндай санам
Ўз бошимча сафар қилдимда мен ҳам
Норози бўб қолганмекан ота-онам
Пиликсиз ёнмайди чироқнинг мойи

Бу пойгада ўларма тулпорнинг тойи
Қалмоқда қоларма Барчиндай ойи
Норози бўб қолганми ота-онам
Шу дунёда бўлиб фарзанд гадойи
Қизил гулим офтоб бўлмай сўлгандай
Қалмоқ оти бу пойгани олгандай
Чипор блан Қоражон-ку ўлгандай
Ойбарчиной йиглаб қолгандай
Бир бўлгандай Қалмоқ элларнинг бари
Қисқандайда Қоражоннинг шўри
Қазилгандай Балқон тоғларда гўри
Албатта Қоражон бўлса бири
Келмасмиди Байчибор ҳаммадан илгари
Тоғларда гуллайди Қазомизор
Бу Қалмоқда овиб келбеди гузар
Балқон тоғда Қоражон бўлдимикан ғор-мозор

деб қомати ёйдай букилиб, хумор кўздан ёши тўкилиб, юз тубан бўлиб қолди йиқилиб. Бир-икки тош йўл қолганда отнинг бири орқада қолиб, бири ўзиб кетди. Пойдага шундай бўлади. Қоида байроқ тикилади пойга жойда, пойгачи от икки кўзи байроқда бўлади, чунки ҳамма вақт байроқ тўлғанаверади. Қоражон анг келаётган (боши гангид қолган эди) Байчибор байроқ тўлғанганини кўриб, ўзини отиб чопди. Қоражон эгарнинг орқасига тушди. Шундай бўлса ҳам эгарнинг бошидан ушлаб келди. Салғинчоқ тепада Ойбарчин қараб турган эди. Яккала Чибор ўтаберди. Чатани кенг от эмасми, чатанидан оласи кўриниб кетди. Барчин билдики Байчибор экан. Шунда Барчин бошидан рўмолини олиб, рўмолини елпиб, Байчиборга қараб чақираётир:

Ташлаб келдинг чўлга отнинг барини
Қалмоқлардан олдинг эганг орини

Севинтирдинг бийнинг мендай зулфакдорини
Курий-ҳайт! Йўлбарснинг оти
От барига ўткардингда зўрингни
Менинг учун чиқардинг аччиқ терингни
Кўрсатиб олдинг Қалмоқдан орингни
Курий-ҳайт! Полвоннинг оти
Чўлларда келишинг лочин
Отларга ўкта қучинг
Шибирткиди (супирги) сенга сочим
Бу хизматинг менинг учун
Курий-ҳайт! Полвоннинг оти
Кокилларинг тарам-тарам
Ёл қуйруфинг бутам-бутам
Сен танимасдан қолиб кетди
Хафа бўлиб йўлбарс тўрам
Курий ҳо! Тўрамнинг оти
Қулоқларинг лочоқ-олчоқ
Ёл қуйруфинг бор бир қучоқ
Тироб туёқ босган жойинг
Қазилиб қолар тақирчоқ
Мендай нозалим шиш эмчак
Қўнғирот элларга келинчак
Курий ҳо! Хонимнинг оти
Мен эганг севикли ёри
Қолиб кетди отнинг бори
Эганг полвоннинг зўри
Мен ҳам йўлингга қарадим
Худди уч кундан бери
Курий ҳо! Йўлбарснинг оти.
Тўрт оёғинг қоққан қозиқ

Қилиқларинг қиздан нозик
(Сағринг) Учанг кенгда бағринг ёзиқ
Үнг қўлимда тилла узук
Курий ҳо! Тўрамнинг оти

деб қичқириб қолди. Пойгачи, отни кутганлар, оти пойгага кетганлар, томошабинлар пойга жойда қарашиб турган эди. Байчибор бориб қолди, уни ҳамма кўриб қолди. Чорва халқлар ҳам кутиб турбеди. Ҳар тарафдан Байчиборнинг жиловини олди. Қоражонни бироз нафаси қисилган экан, отдан суяшиб тушириб олиб, белини ечиб шамоллатишиди. Шу вақтда Байчиборни кўргали Барчиной канизлари блан келиб қолди. Ойбарчин кўрдики, отнинг баданига қон блан чанг ёпишиб қолган. Барчин иллиқ сув келтириб, отни тозалаб ювдиртириди, рўмол блан суртди. Канизлари қараб: қизлар, офтоб юзлар, чопиб суюнчи олинг сизлар. Полвонники бўлдик бизлар. Саккиз қиз изма-из Ҳакимбекка суюнчига бораётти.

Қоши кўзлари биёна
Холлари дона-дона
Йўлга бўлар-да равона
Жилва бериб қизгина
Чопишиб кетди изма-из
Совди инакдай сулув қиз
Бораберди юзма-юз
Балхи рўмоли бошида
Маржон садади тўшида
Чопишган сулув қизлар
Етишди полвон душига
Ёқиндан борди нишига
Ой қиёлаб ботиби
Сулув қизлар етибти
Қошиға борса канизлар

Бағринг қўйиб ётиби
Қоши кўзимиз қийинчи
Чибор отингиз ўйинчи
Хўжа қиё чуринчи
Тулпорингиз пойгадан келди
Бек ака берди суюнчи
Баланд тогнинг бағри қор
Алвон кўйлакнинг тўзи тор
Опам юборди зулфақдор
Суюнчи беринг бек ака
Келди пойгадан Байчибор
Ўқранади чопган от
Чайқалмасин оркан давлат
Суюнчи беринг бек оға
Пойгани олди чибор от
Бадани ботиби чангтга
Биз қизлар сизга янга
Бераберинг тилла танга
Пойгани олди чибор от
Бўйимиз худди нов терак
Яхши ҳамма керак
Ғалт уриб қолмасин юрак
Суюнчи бериш керак
Суюнчи деймиз сизларга
Кўпироқ беринг бизларга
Биздай янга қизларга
Кўрган тушларни йўраймиз
Биз ҳам сизга қараймиз
Бек оға тиллани кўп беринг
Рўмол олиб ўраймиз

Алпомишиң қизларнинг чопиб келишиб суюнчи сўрашидан ҳайрон бўлди.
Куёв тепа устига чиқиб қарасабарчин Байчиборни рўмол блан елпитиб турипти. Алпомишиң хурсандлигидан бир сўз деб турипти.

Хафа эдик жуда бизлар
Суюнчи дейсизлар сизлар
Раҳмат сизга сулув қизлар
Обод бўлган Чилбир чўллар
Чўл жойлаган чорва эллар
Раҳмат каниз даста гуллар
Мана сизга танга пуллар

деб Алпомишиң ҳар бир қизга бир чангалдан танга берди. Қизлар хурсанд бўлишиб, пулни рўмолга тутгўшиб олишди. Алпомишиң қараса кун кеч бўлиб кетибди. Қизлар деди отни олиб бориб яхши қаратиб сақлайсизлар. Кейин Қоражоннинг қошига келди. Қоражон блан қучоқлашиб кўришиб, раҳмат дўстим, дўстлигинги кўрсатдинг деб миннатдорчилик билдириди.

Бу Қалмоқда менинг ҳалим билганинг
Бу пойгада обрўйимни олганим
От ўткариб игарига елганим
Раҳмат дўстим Қоражон жон полвоним
Бу дўстликни йўлда сендан топганим
Бу Қалмоқда орима от чопганим
Қалмоқларга зарбти ҳар бир айтганим
Раҳмат дўстим Қораондай полвоним
Ғайратинг ошибти бу кун чоғидан
Ҳеч кўркмабсан Қалмоқларнинг дўқидан
Саломат келдинг Балқон (Балх) тоғидан
Балли, дўстим Қоражондай полвоним
Уялтирдинг ўз элингнинг барини

Айниқса Кўкалдош зўрини
Қалмоққа бермабсан ўзбек орини
Чўлга улоқтириб ташла барини
Балли, дўстим Қоражондай полвоним
Хизмат қилдинг мендай дўстинг ўзига
Кўрқбедим қоб кетган деб пойганинг изига
Мен кўп хизмат қилдинг бий қизига
Энди кураш бўлармекан пойга изига

Қоражон жойидан туриб, Алпомишга бир сўз деди:
Қалмоқ блан бўлганимча бўлдим
Пак бўлмаса Балқон тоғда ўлибедим
Оting блан жуда кейин қолибедим
Пойга кеча Қалмоқлар атрафим пайлаб
Ғафлатимда қўплашиб олди байлаб
Ўлгидай қиб чўзиб кетган экан тайлаб
Кетбеди-ку Барчин ёринг
Ёрдам қилди-да тулпоринг
Тилакчи экан элатинг
Ҳарна чопди давлатинг
Бизга кўп ёрдамлар қилди
Байчибор тулпор отинг
Рангимни Қалмоқ сўлдириб
Ичимни қонга тўлдириб
Қориб бўлмаса Қалмоқлар
Кетаёзган экан ўлдириб
Айтайн кўрган ишимни
Қалмоқларнинг калтаги
Эзиб балан гўшимни
Бир кеча-кундуз ўтган сўнг

Билдим ақл хушимни
Шундай туриб қарасам
Оting суюбти бошимни
Жойимдан адл туриб
Таваккал деб қўлим сириб
Куймади отнинг меҳнати
Қўлтиқдан қилиб қаноти
Оting ошиқ зўр экан
Қўлтиқда қаноти бор экан
Қалмоқлар кетбеди ўзиб
Чўзилар чўлда тулпоринг
Қўлтиқдан қанотин ёзиб
Туёғи ерларни қозиб
Жиловини (юганини) ташладим ёлига
Жонивор бошлаб кетди пойга йўлига
Жуда алам қилди Қалмоқ элига
Кўккулон қолиб кетди Қулон тоғнинг белида
Сурди Дўнаннинг изини
Дамга қўймай етиб олди ўзини
Бир тинга олмадим Кўкалдош сўзини
Телмуртиб ташлаб келдим икки кўзини
Ҳеч от келолмайди бунга баробар
Бу пойгани шуйтиб олди Байчибор
Кўп экан-да Чиборингнинг ўйини
Пойга экан асли ишнинг қийини
Қилаберсанг Ойбарчиннинг тўйини
Мен гапирдим шу пойганинг бошидан
Сен синаб қўрқмагин Кўкалдошидан
Қаст қилсанг Кўкалдошни ҳам отасан
Ёринг олиб тез кунларда қайтасан

Кетишингда мен ҳам олиб кетасан

Алпомиши майли олиб кетаман, ҳамрай бўласан-да албатта деди. Энди олишнинг бошланишини эълон қилишди. Майдон (кураш жойга) одамлар тўп-тўп келиб қолдилар. Бир томондан Қалмоқлар тўп бўлиб, иккинчи томондан Чилбир чўлдан чорвалар тўп бўлиб кураш майдони одамга тўлиб қолди. Чорва халқларнинг чор кампирларигача келиб қолди. Ойбарчин ҳам ўз канизлари блан узокроқ жойдан қараб турипти. Қалмоқ алплари ва хонлари Кўкаaldoшни созлаб каркнинг терисидан бўлган чапканни ёғирнига тортириб майдонга чиқарди. Кўкаaldoш калласи хумдай бўлиб, қобағичимдай бўлиб, мурити шоптай бўлиб, майдонга чиқиб айланди. Қўнғирот халқлари Кўкаaldoшга қараса бурни мўридай, киприклари хоридай халқими томнинг тўридай бўлиб, бир айланиб келиб ўтирди. Полвон оқсоқоллари қани Қўнғирот бойлар, хонларинг ва полвонларинг қани чиқсин майдонга деди. Ўзбек халқлар неча боболар Алпомишхон ғайрат қилиб бир майдонга чиқинг қани деб келишди. Алпомишхон булғор чамкантни эгнига солиб бел боғла балқига ха эллар қариндошлар бу кун мард майдонига чиқишима бир дуо беринглар деди. Халқлари Алпомишга қараб омин деб турипти:

Дуо олиб ўғлим қавми элингдан
Йигит пири мадад берсин белингдан
Бойбўрини ажратма тилингдан
Алп полвони ҳам йиқилсин қўлингдан
Бизларда борди нима ихтиёр
Қалмоқ элда бўлсин ўғлим баҳтинг ёр
Дуо қилиб туарар Қўнғирот элинг
Қалмоқларга устин келсинда қўлинг
Тилагингда бўлсин опа-сингилинг
Кир майдонга бизлар дуо берамиз
Ҳаммамиз тилагинг тилаб турамиз

Халқнинг ҳаммаси дуо бергансан. Алпомиш нардай бўлиб, худди шердай бўлиб, ов овлаган аждаҳодай бўлиб майдонга чиқиб бир айланди. Алпомишхон тус ранг, чиройли ҳамма жой туташ келган, ҳар эмчаги хумдай бўлган қобоқлар чимдай бўлган бола эмасми, Қалмоқлар Алпмишни кўриб э, ёш бола эканда Кўкаaldoш буни бир ушлашда отиб юборади-ку, дейишиди. Икки аждарҳо полvon майдонга чиқиб бир-бирига ҳиз қилаберди:

Томоша кураш майдонлар
Бир-бирига ҳайбат уриб
Чиқди майдонга полvonлар
Қаранг полvonлар зўрига
Ҳайбат қилиб бир-бирига
Ҳар бири ўз орига
Томоша Қалмоқ шахрига
Томошабинлар кўрин
Кўнғирот халқи изидан
Обрў бер турипти
Бир-бирин полvonлар тутади
Қартиллашиб етади
Томошабинлар қаради
Икки полvon бир-бирига
Йўлбарсдай чанг соб боради
Алпомишининг белидан
Кўкаaldoш билак ўтади
Қалмоқ халқлари кўради
От деб шовхим беради
Қаранг Кўкаaldoш ўзига
Карсан товоқдай кўзига
Баландга силкиб кўтариб
Чиқариб олди тизига
Тушипти зўрнинг қўлига

Қаранг Қалмоқнинг элига
Яна силқиб кўтарганда
Кўкалдош чиқарди белига
Қараса кўз қамашиб
Томошабин жомошиб
Кўнғирот эл йиғлашиб
Тиловчиidi худайлашиб
Кўкалдош кўтариб турипти
Томошабинлар кўрипти
Қанча муйсафид чоллар
Тилакч Кўнғирот эллар
Обрў бер деб йиғляяпти
Қанча опа-сингиллар
Ўзбекларнинг чорва бойи
Алпомиш Кўнғирот шохи
Обрў бер деб айтаяпти
Чорвалар хайр-худойи
Томоша жой Чилбир чўли
Эҳтиёт бўл бийнинг ўғли
Бора-бора бўшайберди
Кўкалдошнинг энди кўли
Келмади Ҳакимбек чоғига
Чил беради Ҳакимбек
Кўкалдош аёғига
Зўри камзўрлик билинди
Алпомиш чанг солган бадани
Кўкалдошнинг юлинди
Алпон полвоннинг оёғи
Кўкалдошга илинди
Қарпиллатиб тутади

Чангак солиб тутади
Ё алп деб отади
Титилган баданнинг гўши
Чувиллаб Қалмоқ товуши
Ери қопарди Кўкалдош
Кетиб қолди ақл хуши
Қалмоқлар айтди опарин

Кўкалдош буни титиб ташлайди деган эдик Кўнғирот полвони айёрмикан ё жмигармикан, ё ўзи шундай бўлса ҳам ўзи зўр мекан билмай қолдик Кўкалдошнинг ер қопқонини. Кўнғирот халқлари балли полвон деб хурсандчилик қилиб қолди. Икки шартни қилди, тилла нишонани уриш қолди. Алпомиш оқсоқоллари айтди ў, Кўнғирот бойлар нишонани бошлаймиз деди. Саксон газ баландлик ёғоч керак, бошиға олтин қобоқни ёпиштириб бир юз эллик қадим жойдан айлантириб тўр тутди. Нишона жойини белгилади. Мерган отишга, томошага одамлар яна тўпланди. Яна оқсоқоллари қани ўзбек халқлар мерган тайёрландима. Биринчи навбат сизларга деди. Чорва бойлар йўқ аввал сизлар отасизлар деди. Навбатни Қалмоқлар олди. Қалмоқларнинг Кўнори деган мергани бор эди. Ҳаводаги кушни чакиб ташлар эди. Кўнори мерганга отишга буюрди. Мерган таёrlана бошлади. Ҳамма қараб турипти:

Нишодан танга пулни ургали
Чиқаётир Қалмоқларнинг мергани
Томошабин бари кўрган
Аввал навбатни берган
Милтиғини қўлда ушлаб
Чиқаётир Кўнор мерган
Нишона жойга борди
Ҳамма мерганни кўрди
Қанор мерган милтиқни олди эгнидан

Пилаб пилтани чўқлади
Суммалаб милтиқ ўқлади
Қўнор мерган чақлади
Қўлтиққа қисиб қоплади
Чаккага тутиб жойлади
Қоравулдан тиклади
Дакака дорини қотирди
Пилтани чўққа ботирди
Олтин қовоқ ўртангдан деб
Милтиқни шундай ёқтириди
Милтиқ ўт еб кетди тоққа
Етишди тилла қобоқа
Борди нишона душидан
Уч газ ошириди бошидан
Ҳамма қараб кўриб турган
Уч газ баландлаб ошириди
Оталмади Қўнор мерган

Қалмоқлар хафа бўлиб, оббо бўлмади, бизники ҳа, Қўнғиротлар
мерганларинг чиқсин қани энди, шунда

Алпомиш тилакчи бўлинглар деб элига
Сари ёйини олиб қўлига
Равона бўлди Алпомиш
Қобоқ нишона йўлига
Гайбир ёйни қўлига тутади
Нишона жойга етади
Томошабин кейнидан жойни олиб
Эгнидан сарижой қўлига ушлади
Нишонага нишлади
Чакка қаблаб тутади

Эгилтириб ёй тортади
Хамма қараб Ҳакимбекка
Шартиллаб тилла қобоққа
Мерган ишини оширди
Нишонани уриб туширди

Қалмоқлар айтди э, йигитлар ўзининг бағишланган ёри экану бунга бекор талаш қилиб, олиб қоламиз деб аҳмоқ бўлибмизда. Ана энди нима бўлди, ҳам тулпор отларнинг, ҳам полвон алларнинг, ҳам мерганнинг обрўси тушиб, халоли бўлсин Кўнғирот хонининг деб Қалмоқлар тўзиб кетабошлади. Энди Кўнғирот эллар тўп бўлиб, оқсоқоллари блан жуп бўлиб, Бойсарибийга борди, қани бий бобо энди тўйни қиласайлик. Алпомиш ҳам бу ерда қўп хаёллаб ётмасин, ота-она, опа-укалари кутиб ўтирган бўлса керак. Бойсари айтди. Менинг ҳам мақсадим шу, Чилбир чўлни жойлаб ётган элга тўйга деб чопараста от чоптираберди:

От чопилда чпараста
Хабар бўлди бир пасда
Бийникига тўйга деб
Халқлар келиб даста-даста
Хабар кетди душ-душига
Хурсандчилик Чилбир дашига
Чақиравчи кетаберди
Ҳамма қовми-қариндошига
Сўйилди семиз қўйлар
Кўнғирот чорва бойлар
Тикилган ўтов уйлар
Томоша бўлди тўйлар
Чорвалар бари йигилди
Семиз қўйлардан сўйилди
Қазон ўчоғи ўйилди

Тўй қилишди чорва эллар
Келаётир кампир чоллар
Қуру қочмайик тўйдан бизлар
Қизил жувон хотин-қизлар
Сўйипти семиз қўйидан
Қуру қолмай деб келаётипти
Барчин ойнинг тўйидан

Энди бутун тўй-томушасини қилиб ўзларининг расми бўйича никоҳ қилиб, Алпомиш янгалари ўзларининг расмига – қўл ушлатар, чоч сийпатар, ойна кўрсатар, капир ўлди деган расмларини қилиб, Алпомиш блан Барчинойни Бахмалдан ёпилган ўтовга солиб ана энди, яшайберинглар деб кетишидди ҳаммаси. Алпомиш акаси Бойсарибийга бир сўз деб турипти:

Энди ака кўчинг Чилбир чўлидан
Қалмоқ келиб ошди етти йилидан
Турна қуш ҳам айрилмайди хилидан
Узок бўлди менинг келган йўлларим
Энди Қалмоқда турмасин элларим
Ҳар ким ўз элида, ўрдак қўшлар қўлида яхши
Тоғу-тош неча жойлардан ўтаман
Хабар қилинг Барчин олиб кетаман
Неча тоғлардан ошаман
Баъзи вақтда ўзим тўлиб тошаман
Хабар қилинг ота Чилбир чўлларга
Ҳаммасини ўз элига қўшаман
Қизил гуллар офтоб бўлмай сўлмасин
Бу огуллар Чилбир чўлда қолмасин
Бу кўчишни Қалмоқ эллар билмасин

Бойсари ўзича тўғри айтди, бу деб чорвачиларнинг катталрини чақириб маслаҳатлашди. Улар айтди. Тўғри, лекин биз кўп оғир кўчда. Энди маслаҳат шундай бўлсин. Алпомиш Барчинни олиб бир-икки киши блан тезроқ кетсин. Бойбўри блан Кунтуғмишга вақтлироқ етсин. Биёбонга йўл чангитиб тулпорни урсин, йўлларда хаёлламай тез-тез юрсин, Бойбўри блан Кунтуғмишни тезроқ кўрсин деди. Биз куннинг кўпи блан кўчиб бораверамиз. Кўча кўна йўлларга туша-туша кўп аёғи блан бораверамизда. Бир ёки беш ойда бораверамиз. Лекин Алпомиш тезроқ кетсин деб маслаҳат беришди. Алпомиш Ойбарчинни олиб, канизлари ва Қоражон блан бирга халқлар блан хайрлашиб, тезроқ боринглар деб кетди. Энди Алпомиш ота-онанинг хумори олиб қочган кеча-кундуз йўл тортиб боради. Тоғутошлардан ўтиб боради. Хаёлламай тез кетиб боради. Юраги тошиб боради. Ота-она ёдига тушиб боради. Тоғу-тошдан ошиб бораяпти. Неча кеча-кундуз йўл тортди. Байчибор селданам ўтди. Лекин жилов қўлни қобортди. Ўз мамлакатининг чегарасига шу кеча-кундузда ўтди. (Тоғ) Табрез тоғининг устига чиқиб кетди. Қирқ кун деб ваъда бериб чиққан эди уйидан. Олти ой ўтиб кетибти. Алпомиш тўғилган жойини кўриб, Жон адил қалъаси кўзига кўринди. Қоражонни қошига чақириб, ўз мамлакатини кўрсатиб шундай деятир:

Ошна неча кун бўлди бу йўлга юрганим
Олти ойдан бери бўлмади кўрмадим
Шу кўринган Жон адил кўргоним
Ўтиб кетди орадан олти ойлар
Бу чўлни жойлаган чорва бойлар
Ғубориб кўринаётган овул уйлар
Ана дўстим бизнинг туғилган жойлар
Қалмоққа кетганима ўтиб ярим йиллар
Олисда қоб кетди Чилбирдай чўллар
Отимни толдирди бу узоқ йўллар
Ёрқиллаб кўринган Алпон кўллар

Бу чўлни босиб ётган овул эллар

Алпомиши тоғ устидан тўғилган жойини кўрсатиб, Бойсарибийлар блан Қалмоқقا кетган эди. Чўлбойгазарни ҳам олиб кетаётган эди. Чўлбойни Қоражон ёнига ҳамроҳ қилди. Чўлбой сен Қоражонни олиб кет, ёриқ борда вақтли ет. Ўзинг шу жойда тўғилган боласан, бу ернинг ўр-кирини биласан, Қоражонни қобатинга (ёнинга) оласан. Аста юрмай қатти юрасан, тез етиб борасан Бойбўри, Кунтуғмишга хабарим берасан Қалдирғочдан суюнчи об турасан деб буюрди. Чўлбойгазар айтди: Э, Алпомишхон шуни яхши эсимга солдингиз, бу хизматни дарров қиласман. Ўзим тоғди йўлнинг ҳаммасини биласман. Отангдан ивинчига минг тилла оламан деди ва Қоражонга ҳайда деб тоғдан ташлаб кетди. Сой-қирлардан кесиб кетаётипди. Кеч бўлмай Жон адилга етаётипти. Энди Алпон кўлнинг устидан бораберди. Қоражонга айтди. Алпон кўл шу бўлади. Қоражон бу жойлар блан таниш эмас. Қоражон айтди, ҳа деди, шулми Алпомишининг Алпон кўли. Алпомиши шу кўл бўйида Қалдирғочга ваъда бериб қирқ кунда қайтиб келаман деган эди. Олтой ўтди ҳеч хабар йўқ, борми-йўқми, очми-тўқми ўз дараги ўзи блан кетган эди. Кунтуғмиш эса, бетоқот, беҳол, ночор бўлиб турган эди. Дарак келмай ёлғиз ўғлидан, ҳеч хабар келмай Қалмоқ элидан қолган эди. Ёлғиз ўғил хуморига девона бўлиб, Қалдирғочжон деб уни ёнига олиб, бетоқот бўлдим ўзим, йўлига тўрт бўлди кўзим, ҳамрай бўл жоним қизим шу чўлларга, Алпон кўлларга бир томоша қилай деб келган эди. Қалдирғоч эна мана шу жойдан ағам отланиб кетбеди деди. Шу вақтда Чўлбойгазар Қоражон блан Очгазанинг (тепанинг) йўлидан ўтаберган эди. Ўзлари шойдам, толари шойдам (чаққон), бўктарги бўктарган отлар ингичка бўлиб, чарчаб қолгандай уларга кўринди.

Қалдирғоч айтди эна икки отли ўтаяпти, узоқдан сафар қилиб келаётганга ўхшайди. Шунинг олдини ўраб, гап сўраб қолай деди. Чопиб, отликлар олдига ўтиб, улардан гап сўраб турипти:

Баланд тоғларнинг бағри бўктар қор

Қаторимдан ечилгандай қора нор
Очгазардан ўтаётган отлилар
Оғаларим жилов сақланг арзим бор
От жиловин жазраб чүлда ўрганлар
Узок йўлдан йўл юриб келганлар
Ё бу чўлда овлаб юрганли мерганлар
Фасл жилов сақланг сизга арзим бор
Кўрган тушим яхшилиққа сўрайман
Шойдам акам мен сизларга қарайман
Шунинг учун алдингизни ўрайман
Сақлақ жилов сизлардан гап сўрайман
Эзилган бўпти юракнинг гўши
Дами куйиб чопибти, етти товуши
Шундай қарор икки киши
Чопқиллаб лаби қотипти
Қара шундай бир қиз бола
Икковининг олдига ўтипти
Гап бериб кетинг бир майдан
Келишларингиз қандай жойдан
Ўтаётипсиз йўлдан
Турна айрилган хилдан
Ўтгандайсиз тоғу-чўлдан
Келишингиз айтиб кетинг қандай элдан
Гул очилади баҳордан
Булбул сайрайди сахардан
Айтиб кетинг оғалар
Келиш қандай шаҳардан
Сарғайгандай нурли юзи
Гап сўрашга интиқ ўзи
Олдин ўраб гап сўради

Кунтуғмишнинг эрка қизи
Тоғни туман чалади
Чўлбой ҳайрон қолади
Не сабабдан қиз бола
Бундай отларни олади
Қоражон айтди. Чўлбой тўхта бир гап бериб кетайлик деди. Шу вақтда
Кунтуғмиш ҳам ётиб келди. Чўлбой айтди. Чинимизни айтамиз ёлғонни.
Қоражон чинимизни айтамиз деди. Қоражон келишини айтиб турипти:
Майдонда от елишимиз
Узок жойдан келишимиз
Бу жойларда бирон йўқди
Бизнинг ошна билишимиз
Ошдик тоғларнинг белидан
Узок сафарли йўлидан
Асли бизнинг келишимиз
Қалмоқларнинг элидан
Чилбир деган чўлидан
От чопдик майдон даладан
Қутулдик ҳарна боладан
Келишимизни сўрасангиз Олисда Қалмоқ қалъадан
Қайғу тушди сарадан (бошдан)
Гап сўради бир-биридан
Асли келишим сўрасангиз
Қалмоқларнинг шахридан

Шунда Кунтуғмиш уларга яқин бориб, шундай деяпти:
Очилсин қизил гулларим
Ўтди-да ярим йилларим
Ростдан гапириб кетинг
Жондан ортиқ ўғилларим

Чин айтишларингиз лозим
Телмуриб қолди кўзим
Олти ойдан бермаған
Бир хабар эшиитмай ўзим
Майдонда отини елганим
Узоқ йўллардан келганим
Қалмоқ сафар қилган эди
Алпомишдай полвоним
Жон адилдир макон қалъам
Кўнгилда қилмасин чалам
Қалмоққа сафар қилбеди
Мўлла Ҳакимдай ёлғиз болам
Минган оти тулпорларнинг пуроғи
Гайбир жойда отнинг садоқ ёроғи
Эзилиб сўрар Кунтуғмиш юраги
Олти ой бўлди келмади-да дараги
Кунтуғмишман менда тоқат бўлмади
Ваъдага қирқ кун эди келмади
Олти ой ўтди ҳеч хабар бўлмади

Қоражон ўйлаб турса Алпомишнинг энаси Кунтуғмиш, Қоражон ўзини
отдан отиб ташлади. Энди Алпомишнинг дарагини айтаяпти:

Сўзлаганда ширин-шакар тилиман
Мен ҳам боғларнинг очилагн гулиман
Оting Кунтуғмиш бўлса
Сендай энанинг ўғлиман
Алпомишнинг дўстиман мен ҳам
Қалмоқдан келганди барчиндай санам
Агар Кунтуғмиш бўлсанг
Ҳам Алпомиш ҳам менга сен энам

Чирқиллаб учади торичи
Қишлоқларга чопсин жарчи
Алпомищдан биз хабарчи
Байчибор тулпори ўйинчи
Биз оламиз суюнчи
Алпомишни олиб келамиз
Биз хабарчиси бўламиз
Тоғларда бор қазамизор (ўсимлик)
Қалмоқ элдан ағди гузар
Ҳамрайим Чўлбойгазар
Очилар боғда гулингиз
Давлатли экангиз элингиз
Биз сизнингку ўғлингиз
От хайдадим тоғу-чўлга
Кўп кун бўлди юрдик йўлга
Бизни Алпомиш юборди
Барчиной бўлди широлға (совға)
Қалмоққа солди ғовға
Миниб Байчибор бедовга
Барчиной Қалмоқдан совға
Алпомишхон келиб қолди
Чиқибеди Дабраз тоққа
Эшитдингиз хабарини
Ўтказиб Қалмоққа зўрини
Олиб қайтди Барчин ёрини
Йўлдош қилиб кўп кишини
Отди алпларнинг бошини
Жуда ўткарди ишини
Олиб қайтди бувушини

Кунтуғмиш бу гапни эшитган сон қучоқ очиб Қоражон блан кўришди. Қалдирғоч ҳам. Уйларига олиб бориб, ҳар тарафга хабар етаберди. Халқ Алпомишининг олдига пешвоз чиқаберди. Ҳар тарафга суюнчи хўр кетаберди, бундай хабар етаберди, даста-даста, чопарсата, селов-селов, тўп-тўп, тум-тумалоқ, кўп-кўп бўлиб Қўнғирот ҳалқи келиб қолди. Қалмоқда қилган тўй Бойсариники эди, бу тўй Бойбўри блан Кунтуғмишники деб, Бойбўри ўчоқ ўйиб, кўй сўйиб, бутун элларни йиғиб, олиш, кўпкари ҳар хил ўйинлар қилиб, йигирма кунда тўйни тарқатди. Алпомиш, Ойбарчин блан сухбат қилиб ётаберди.

Энди гапни Қалмоқда қолган Бойсаридан эшитинг. Алпомиши кетгандай кейин, бир ойдан кейин Қалмоқ хонига жуда малол келган экан Алпомишининг Кўкалдошни майиб қиласигни. Қалмоқ подшоси алпларни йиғиб маслаҳат қилди. Йигитлар деди: Чилбир чўлидаги чорва бойларга қилган яхшилигимиз охири ёмонлик бўлди-да. Булар тоғ ошиб кўчиб келган эди. Боши, уларга Чилбир чўлини бериб етти йиллик бождан ҳам кечиб юборган эдим. Энди кўрдингизми улар бизга олти ойдан кейин қиз бериб, қиз олишмиз деб олдаб, хонини чақириб, бизга қиласар ишини қилди деди. Энди қилганга қил деган гап бор, етти йиллик хиротни ўн тўрт йиллик қилиб тўлатиб олинглар деди. Агар яхшилиқда берса-берсин, бермаса молларини толов қилиб оласан қаёққа кетса-кетсин ўзлари деди. Кўкалдош ҳамма жойи бўлиб мойиб, урчуғи чиқиб кетган эди. Тойиб, юраолмай қолган эди. Обдални бош қилиб, Болта полвон, Холта полвон, Узун полвон, Калта полвон, Шер полвон, Шерча полвон, Арча полвон, Норча полвон, Зўрча полвон, Ой полвон ва Бой полвонларни ҳамрай қилиб Чилбир чўлига жўнатиб юборди, кетаётитпи:

Отлар ўйнаб алвон-алвон

Чилди Қалмоқдан кўп полвон

Гап кирмагидай қулоққа

Чачов юрмайди лукка (тўда)

Чилбир чўлга нишлатиб

Хайдайтипти тикка
Баланд төгнинг бастига
Бойсарининг қастига
Қалмоқнинг полвонлари
Чилбир чўлнинг устига
Минган бедовлар белига
Чиқди Чилбирнинг чўлига
Бугун зулмни қилгидай
Кўнғиротнинг у элига
Қалмоқлар кетаётти
Сайи қирдан ўтаётти
Чилбир чўлга етаяпти
Кўнғирот халқи кўраяпти
Чўл чангитган Қалмоқлар
Тўда бўлиб бораяпти
Бир хил қараса маралаб
Қолди овулига аралаб
Кеб қолди Чилбир чўлга
Аралаб чорва элга
Тушиб қолди Қалмоқлар
Бойсарининг овулига
Зил төгнинг боши тумандай
Босиб бориши ёмондай
Ҳар полвонлар келиб қолди
Қопга тиққан самандай

Бойсари қўрқди. Қалмоқлар аччиқ блан келганга ўхшайди. Отларини бойлаб, таппа-таппа тайлаб қолди. Зиёфат қилиб, овқат егандан сўнг Обдал полвон Бийбобога овул оқсоқолларингизни тўпланг маслаҳатимиз бор деди.

Бойсари от чоптириб одамларини тўплаб берди. Ҳамма келиб қолди. Обдал чорва бойларга қараб сўз айтиб турипти:

Қулоқ сол Қўнғирот эллари
Сизларга берилбеди Чилбир чўллари
Ўтиб кетди ўртада етти ойлар
Чилбир чўл бўлди ўтирган жойларингиз
Тўқсон бошлиқ уйларингиз
Етти йилдан бери безакот қўйларингиз
Кўп бўлди чўлда молларингиз
Тўқ бўлиб кетди элларингиз
Подшони яхшилигини кўрмадингиз
Олти ойлик ваъдага турмадингиз
Етти йиллик закотни бермадингиз
Энди айтасизлар шунинг вагилини
Минг овулнинг закот блан бошини
Етти йиллик подшонинг иқрорлигини
Ўн тўрт йиллик боз закотлар берасиз
Бермасангиз кунларингизни кўрасиз
Бизлар келдик ана шундай иш блан
Шунинг учун берингиз сиз хуш блан
Қалмоқ келиб тўқ бўлсилар ўзларини
Бекларинга насиб қилсин қизларинг
Нима зиён кўрдингиз Қалмоқ элидан
Кўччангиз ҳам майли Чилdir чўлидан
Маконингиз Чилбирдай дашти сара
Қалмоққа ситам қилди бора-бора
Ўн тўрт йиллик қилиб закот бермасангиз
Кўрамиз сизларга оғир чора

Шу аччиқ блан Обдал шу гапни айтди. Чорва халқлари қўрқиб, жим бўлишиб қолди.

Чорвадорлар айтди хўп, яхши айтасизлар деди. "Карвон божи блан чопилмайди" деган мақол бор. Подшоликка закот беришга ҳақлимиз албатта закот берамиз. Қалмоқ подшосининг ўзи айтган эди-да етти йилгача закот олмайман деб, шунга кўра закот бўлмаган эдик-да. Чорвадорлардан Нодир Элбеги ва Кўчар Элбегилар минг овулнинг ҳамма молини хирожини ҳисоблаб йифиб олиб бориб берамиз. Озроқ вақт муҳлат берингизлар. Алплар хўп деб, ўн тўрт йиллик закотни тўплашни айтди ва жўнашиб кетди. Чорва бойлар ўзаро маслаҳат қилди. Бойсарига Бийбобо бошимизга бир қора тумандай, Қалмоқлар нагзи ёмондай, ҳарким элида, ўрдак кўлида деган гап тўғри "Йўлдан чиқсанг чиқ элдан чиқма" деган гаплар бор-ку деди. Энди аста қочган номартди дегандек секин-секин кетайлик, ҳамма бирдан кетишига тўғри келса, ҳар овул ҳар кечада бўлак-бўлак кўчиб кетаберсин. Бойсари айтди: мен овул бошлиғиман, мен кейин қолайин сизлар кўчабошлангизлар деб маслаҳат берди. Аста-аста, қўна-қўна қўйларни ўтлатиб ошиб борамизда деди. Шундай маслаҳат қилишиб кетишиди. Ҳар кеча овул-овул Чилбир чўлини бўшатиб кетабошлади.

Қалмоқлар ҳар вақт хабарли юрар эди. Чорваларнинг кўчаётганини сезиб қолди. Қалмоқлар подшосига Чилбир чўлдаги чорва бойлар закот бермасдан кўчиб кетаётир деб хабар берди. Подшоси аччиқланиб, алпларга қараб сўйланиб бир сўз деяпти:

Келинглар полvonлар зўри
Кетгандай чорванинг бори
Барчиндан қолбедик қури
Чилбир чўлда ўтириб етти йилдан бери
Саф мининглар бедов отни
Бу қандай оқибатти
Етиб кетидан олиб қолинг
Етти йиллик закотни

Кетгандай Чилбир чўлидан

От чопинг кетган йўлидан

Қўнғирот чорва элидан

Талаб олиб қолинг қўлидан

Ҳайдаган чорва молидан

Кетидан етинг бирдан

Олиб қолинг чорвалардан

Талаб олиб қолинг зўрдан

Жойлатиб Чилбир чўлини

Олиб қолинг молу-мулини

Агар хушига бермаса

Бағлаб олинг қўлинг

Подшалик қилинг молини

От чопинг қула тузидан

Тезроқ етинг изидан

Кури қолганингиз етади

Бойсарибийнинг қизидан

Сахрода отлар чопасиз

Қаерга борса топасиз

Дарров тез-тез кетасиз

Кетидан қормаб етасиз

Кетган изини сурасиз

Кўрни изига бурасиз

Роё қилмай урасиз

Чорва молларин унинг

Подшалик олиб берасиз

Қалмоқ алплари, аскар бошлари карнай тортиб, анжал қуролини ортиб, даста-даста, чопараста тайёрланди бир пасда. Ҳайданг чорваларнинг устига деб бошлиқлари илгари йўл босиб

Ихтиёр берди подшо бизга
Отларни солдик розга
Ернинг бети иркиллаб
Чопган олар чанги
Ҳавога чиқди ғурпиллаб
Ҳайданг бейберди бирдан
Ўтаётирип сойи-қирдан
Талаб олмоқчи зўрдан
Ўтаётирип нишаб ўтдан
Отлар ботаётирип тердан
Қаст қилган чорва элига
Миниб отларнинг белига
Етишар Қалмоқ аскари
Бостириб Чилбир чўлига
Хувуллабти Чилбир чўллар
Қайда кетди чорва эллар
Кўринмади овуллар
Кетганга ўхшайр бойлар
Бўшаб қолган Чилбир жойлар
Кўчиб кетгандай уйлар
Ҳайдаб кетган чорва қўйлар
Отга қамчи уради
Кўпдан Қалмоқ суради
Кўй ҳайдаган чўпонлар
Чибоп кетиб боради.
Алплар уни кўради
Тоғнинг боши ҳоёллар
Ҳар йил кўкарап гиёҳлар
Ҳайдалиб кетаётирип
Чорва моллар туялар

От чопди дашти сахрога
Етишди қора-қурага
Күчнинг олди етипти
Чибип Толхоб дарага
Қалмоқ солгидай ғовға
Қистов қилиб менган бедовга
Күчнинг олди етган
Чилбирдан паст Толхоб тоққа
Чанг ҳавонг тутаберди
Қалмоқ алплар етаберди
Күч олдига ўтаберди
Атрофини Қалмоқлар
Тўқта дейишиб тутаберди
Талғаб тогни бости туман
Қараса Қалмоқлар ёмон
Кўйиву бўлғандай гумон
Кўчни Қалмоқлар уюрди
Подшо шундай деб бурди
Ҳайдаган чорва моллари
Бирдан изига қайирди
Сахро дашти биёбонлар
Туя ҳайдаган сарбонлар
Кўй ҳайдаган чўпонлар
Етишди Толхаб даштига
Чўпонларнинг у бошига
Чамчи тортади бошига
Қаранг Қалмоқларнинг ишига
Сира қўймайди хушига
Кўйларни қайтариб чиқди
Чопараста чопди от

Чорваларга қиёмат
Толов қилғандай Қалмоқлар
Кетидан етганни суриб
Дуч келган чўпонни уриб
Юзи, бошларини ёриб
Энди йўқ бу ишга хилалар
Изғин тортиб йиглашади
Хотин ёшу-болалар
Хали ҳам Қалмоқлар келаётти
Толов қилиб оляяпти
Бутун халқ йиглаяпти
Саҳрода отлар елинади
Аттанг Алпомиш билмади
Йиглашаётир чорвалар
Шу вақт Ҳакимбек бўламди
Хабарсиз қолди келмади
Энди қандайди ҳолимиз
Толов бўб кетса молимиз
Узоқда қолган элимиз

Чорвалар қараса Қалмоқлар ургани уриб, суриб чорваларни орқага ҳайдатаётитти. Чорвалар маслаҳат қилишди. Рангимиз гулдай сўлгунча, молу – юклардан айрилиб, бундай пиёда қолгунча, бир урушиб қолайлик ўлгунча дейишаберди. Буларда ҳам яхши от, идрокли, ботир йигитлар, сари ёй қора милтиқлари бор эди. Қалмоққа талатиб пиёда қаерга борамиз, мол устида ўлганинг зиёни борми деб чорва йигитлар Қалмоқлар устига отланди:

Отланинг йигитлар қараб қолгунча
Қизил гулдай бу сарғайиб сўлгунча
Бу ерда ўлмай молни қўлдан олгунча
Чўпон моллар устига

Ташлаб қолайиқ ўлгунча
Бу Қалмоқда тақдир ҳақдан кўрилсин
Мол устида қора калла ёрилсин
Керак бўлса мурда қонга қорилсин
Ҳайдаб етинг Қалмоқлар устига
Бор мулкдан айрилиб қолгунча пиёда
Қалмоқ зулми ўтди бизга зиёда
Чорвалар ҳам емашди (кўпайди)
Қалмоқларга аралашди
Аралди Қалмоқларга
Милтиқ ўт еб таққа-таққа
Бет (юз) қайтармай борди тикка
Аралашиб етаберди
Чанг ҳавони тутаберди
Чорваларда ҳам мерган бор
Нишлаб-нишлаб отаберди
Неча Қалмоқ ётаберди
Чўлларда учар лочин
Қалмоқлар қайтарган кўчин
Бу Кўнғиротлар аралashiши
Толов бўлган молу учун
Нечовни отдан қулотди
Баъзиларин сулатди
Чўпонларни йиглатди
Ўқ отилди патир-патир
Бир-бирида йўқди хотир
Баъзи Қалмоқ ағнаб ётири
Ўзбек халқда ҳам бор экан
Ёвдан қайтмас қайсар ботир
Чанг чиқади гурпиллаб

Қорағай найза сўлқиллаб
Баъзи Қалмоқлар отидан
Ағнайберди шилқиллаб
Қалмоқ ҳали келаётир
Кетидан даста-даста
Баъзи ўзбек йигитлар
Найза солишга уста

Кўнғирот йигитлари мол устида, аср тушган эл устида, ҳам номус блан ор устида Қалмоқлар блан урушиб, ҳам суришиб, бир-бирини қонга қоришиб, бир кеча-кундуз урушиб, чорва халқлар енгилди. Чунки Қалмоқ аскарлари из-изидан етишиб келаберди. Қалмоқнинг халқи кўп, келаёпти изидан катта-катта тўп. Энди чорваларга қийин гап, чорваларнинг моли чўпонлар, сарбонлар Қалмоқда аср тушиб қолишиди. Бунинг устига чорва халқлари бўлиниб-бўлиниб олдин кўчганлари хабарсиз қолди. Қалмоқларга қарши курашда бирлашаолмади. Чорва молларини Чилбир чўлга подшолик ихтиёрига хайдаб юборишиди. Энди чорва эллар ўзларича ўз элимизга бормаймиз, чунки Қалмоқларга таландик, қандай қилиб мол-мулқдан ажралиб, қайси юзимиз блан ўз халқимиз ичига аралашамиз деди. Халқимизнинг "Кўчманглар ўз элингдан чиқма" деган насиҳатига қарамай, Бойсарининг сўзидан ўталмай кўчиб келган эди. Энди боришига уят бўлди деб Толхоб тоғидан ўтиб, Кампрак тоғларидан ўтиб, чорва халқи эмасми, қолган кутган моли блан шу тоғларда қолиб кетди.

Чорвалар Алпомишга берган ваъдасига кўра бормаган эди. Ҳадиса Қалмоқда шу бўлган, Алпомиш Барчин блан сухбат ётганига бир йил бўлган, Ойбарчин Жон адил қалъасида ётганида бир туш кўрди. Тушида қуюқ қуюн довул турди. Чилбир чўлдаги чорва овулларининг устидан бориб чорваларнинг уйини бузиб ташлаб кетди. Барчин уйқудан иргиб туриб қараса севикли ёр Алпомишнинг қошида, бу гапларни кўрибти тушида. Қўрқиб ўтириб-ўтириб яна уйқуга кетди. Яна тушида бошига қора чодир айланиб

келиб соя солди. Иккинчи ирғиб турса тонг отипти. Ойбарчин бетоқат бўлиб йиғлайберди. Алпомиш турса Барчин ёр йиғлаб ўтирипти. Шунда Алпомиш Барчинни бу ҳолда кўриб, жойидан туриб, оқ билагини бўйнидан ўраб, нима учун хапа бўлиб йиғлаёпсан деб, ундан гап сўраб турипти:

Ҳайронда қилма ўзим
Хафа бўбсан сарви нозим
Менга айтишинг лозим
Кўргандай бўб жабру – жафо
Нима учун бўлдинг хафа
Нозик хаёлингни бузиб
Йиғлайсан кўздан ёш тизиб
Хафа бўлиб боғринг эзиб
Не сабабдан йиғлаёпсан
Кўнглингни қилма яrim
Сен севикли менинг дилдорим
Сен сабабдан хафа бўлдинг
Севикли зулфакдорим
Кўзингдан тўқдинг ёшинг
Эритиб юрак гўшинг
Не сабабдан хафа бўлдинг
Севикли ёр қалам-қошим
Сочларинг бор толим-толим
Бўйнингга оширдим қўлим
Не сабабдан хафа бўлдинг
Севикли ёrim нозалим
Алпомиш жойидан турип
Шакар лабидан сўриб
Гапир бу дардингни ёриб
Йиғлаб кўнглингни қилма вайрон
Мендан ёринг қилма ҳайрон

Күз ёшингни тўқма гирён

деб Алпомиш Ойбарчинойдан емираниб гап сўради. Ойбарчин ўзининг хафа бўлиш сабабини айтиб турипти:

Сувлар оқар тарам-тарам
Туба (тепа) сочим тўққиз бурам
Шу кеча бўлдим беором
Ёринг ўлсин йўлбарс тўрам
Кўп ёмон ишлар кўрдим тушимда
Қора чотир соя солди бошима
Ҳар гап келар менинг хушима
Хафаликда эзилар менинг юрагим
Салқин саёли мевадор дараҳтим
Сиздан ўзга йўқдир суянган
Ҳам орқа бўкса қўкрагим
Дарё тошар тарма эриб
Тушда ёман савдо кўриб
Гапирсам дардимни ёриб
Минг овул эл қолиб кетган
Чилбир чўлда бўлиб ғариб
Узоқ бўлди мазгил жойлар
Қолиб кетди чорва бойлар
Отам Бойсари бийлар
Нима бўлди экан минг уйлар
Келганима бир йил бўлди
Кўрган тушим шу бўлди
Бирон хабари бўлмади
Халқлар нима учун келмади
Ойбарчин ҳайрон тушидан
Қалмоқда ғовға тушгандай

Бойсарийнинг бошига
Отам аҳволи қалайди
Мусафир Қалмоқ элида
Ким пешонасини силайди
Тўхтаталмайди Ойбарчин
Ўкиниб-ўкиниб йиғлайди
Не бўлди Кўнғирот элига
Шунқар тепдима белига
Қолиб кетама бий отам
Кўшилолмай элига

Бу сўзни Алпомиш эшитгандан сўнг юраги ҳаловат бўлди. Ўйлаб турса Барчин сўзи тўғри. Ҳақиқатда ҳам бир йилдан бери, борми, йўқми, очмитўқми, фуқароми, бекми, ўликми-тирикми, хўл-куриқма бирон хабар йўқ. Алпомиш барчинга хафа бўлма, тулпорни минаман буёқ-уёққа от сурман, тез кунда етиб бораман, Чилбир чўлда еламан, бу овулларни ўзим кўчириб келаман, деб Ойбарчиннинг вақтини хушлаб, чиройини очди. Байчиборни табладан чиқариб эгар-абзалини солди, белини маҳкам тортди. Дўбилғани бошига, чорайнани тўшига тортди, ёғринига қалқонини тортди. Яшин ўтига ялатилган, ямшир олтин садоқни белига тортди, лекин сариқ ёйни олмади. Алпомиш Кўнғиротларни олдимдан чиқар, бўлмаса ҳам Қалмоққа бориб қайтараман деб жўнаб кетди. Аввалдан йлларни билар эди. Тоғ-тошлардан ошиб, полвоннинг ҳайрати тошиб, от суриб кетаётти, сайи-қирлардан ўтаётти, от тобора қаттиқ кетаётти, отига қамчи уриб тоғу-чўлда от суриб, кетиб боради йўл юриб, қанча сувсиз чўл юриб. Алпомиш Қалмоқ элига яқинлашиб қолди. Олдидан кўч чиқмади. Булар ҳали Чилбир члидан кўзғалмаганмикан деб энди. Қалмоққа бормай қайтмайман деди. Энди ёби отга беш кунлик йўл қолди. Қалмоқнинг Дўнан оти яна сайиснинг қўлидан ем емай калланибди. Алпомишнинг аввал боришида ҳам ўша Дўнан от худди шундай касал бўлган эди. Сайис от боқар мурохурлари Қалмоқ подшосига

отнинг касалланганини айтган эди, дарров подшо қурондоз айёр момони чақиртипти. Мастон момо ҳам синчи, ҳам қурандоз эди. Мастон кўрса отнинг касали йўқ. Қуръани ҳар томонга узатиб қарай берди. Кампир қуръасида Алпомиш кўринди. Кампир Қалмоқ хонига қараб бир сўз деяпти:

Подшоҳим Дўнаннингиз бетоқат
Бўлғудай Қалмоқ ғовға аломат
Шунинг учун касалланган Дўнан от
Кўнғиротхони хуруги қилипти
Яна Қалмоқ элга юриш қилипти
Чорваларнинг хабари унга бўлгандай
Ёшин ўт олмасни белга чолгандай
Хуруж қилиб яна Қалмоқ келгандай
Зил тоғнинг боши қора тумандай
Марғазабнинг бу аччиғи ёмондай
Дурбида кўринди қанорга тиққан самондай
Ҳазор қилмай бу устунга келгудай
Агар келса ғовға кунни солгидай
Кўнғирот элин орини олгидай
Бу Қалмоқда катта жанжал бўлгудай
Байчибор отини қайтмай сургудай
Кўндаланг келган душманни ургудай
Хозор қилмай Қалмоқقا киргидай
Отлар блан куч синашиб кўргидай
Ғайрати ошгандай жувонмарг чоғидан
Кўрқмагидай бу алплар дўқидан
Эниб ошгудай-да Зил тоғидан

Қалмоқ подшоси айтди, шундайми? Кампир: Ҳа шундай деди. Подшо: Ўзикеларолармикан? Отларга кўндаланг бўлармекан? Чорваларнинг молини яна мендан олармикан? Деди. Кампир айтди: Албатта кўп катта ғовғо бўлади.

Мен деди кампир подшога мен Қўнғиротхонини сенга осонгина қўлга тушириб берайми деди. Подшо хурсанд бўлиб қаники момо ундаи қилсангиз, сизга хизмат ҳақингизни тўлайман-ку деди. Кампир Зил тоғдан Чилбир чўлга ошадиган йўлнинг устидан саксон газ пастлик (чукурлик) зиндан қаздириб бер. Ундан кейин ўнта қора уй қизингизнинг канизларидан чиройлигидан ўнта қиз ҳамроҳ қилинг менга. Лекин шу қора уйларнинг япилғиси кўк бонатдан бўлсин. Қизларники ҳам худди шундай кўк бонатдан бўлсин. Бир кўрайин, имкон бор бўлса қўлга тушириб берайин деди. Подшо дарҳол беш юз кишини ер қазғил аспоблари блан жўнатди. Саксон газ чукурликда зиндан қоздириб кампирни қизлар блан қўйиб кетишиди (ўнта қора уйи ҳам). Кампир айтди: Қизлар офтоб юзлар йўл кутамиз. Мен йўлга чиқаман. Сизлар ҳар қайсингиз битта уйда турасанлар. Агар мен Қўнғиротхонини эргаштириб келсам, сенларни чақираман. Шунда сенлар ҳар қайсинг ҳар уйдан йиғлаб чиқиб Алпомишнинг узангисидан ўпиб, йиғлаб бир тушиб дам олиб, чой ичиб кетинг дейверинглар деди. Қизлар ҳам хўп дейишиди. Зил тоғдан тушадиган йўлнинг ўртасига келиб кампир Алпомишни кутиб ўтираберди. Бир кеча ўтиб, эртаси кун чошкада Алпомиш Зил тоғидан энаберди. Алпомиш қараса йўл устида бир кампир ўтирипти. У айтди: бу кўзи ожиз кўрма, ё қўли шолма, ўткинчига тиланиб ўтирган гадой кампирга ўхшайди деди. Бир чангл тилла бериб ўтайин. Алпомиш яқинлашгач кампир жойидан туриб, чапак уриб йиғлаб Алпомишнинг олдига чиқди.

Бек Ҳакимбекни кўриб

Айёр кампир жойдан туриб

Қарсиллатиб чапак уриб

Дод Қалмоқда ўлдим ғариб

Тўлпор отини елганим

Вақти ўткансан келганим

Ўлсин моманг полвоним

Ошаётир бир йиллардан

Хабарсиз Чилбир чўллардан

Мен ҳам Қўнғирот эллардан
Айрилдик молу – пуллардан
Бугун **келибсиз** бу йўллардан
Сафар қиб узоқ жойлардан
Хабарсиз **сиз** минг уйлардан
Айрилдик тева, қўйлардан
Мен ҳам Бойсари бийлардан
Қалмоқдан кўрдим зулм
Толовда қанча молим
Қандай бўлади ҳолим
Қалмоқ алплари қўлида
Ўлиб кетти-да ўн ўғлим
Қалмоқда ҳодиса шу бўлди
Ойбарчинни олиб кетганингга
Мен ўйласам бир йил бўлди
Ўн келин қолди кейнида
Ўн келиним тул бўлди
Баланд тоғнинг пастидан
Дод деб Қалмоқлар дастидан
Эниб борди Алпомиш
Айёр кампирнинг устидан
Сув оқади тобига
Қулоқ солади Алпомиш
Айёр кампирнинг гапига
Иш айлангандай чопига
Минган тулпор пироғим
Ёшин ўтли **ёргим**
Суянган нов терагим
Шундай кунима керагим
Ўпка блан юрагим

Арқа, бўкса, кўкрагим
Ўлсин **моманғиз** чироғим
Мурдама сайиб дарагим
Изғин тортиб йиғлади
Ўзига ўлим тилади
Дод бизни Қалмоқ талади
Кетолмадик соғу салом
Юрак бағрим бўлди алам
Қалмоқ алплар қўлида ўлди
Суюкли ўнта болам
Алплар зўрлигин билдириди
Ўпка бағримни тилдириди
Қалмоқнинг **золим** алплари
Ўнта ўғлимни ўлдирди
Дард ўзима бўлди ғолиб
Ўн ўғлим **Қалмоқда** ўлиб
Суюкли ёрлари қолиб
Ранги гулдай бўб **сўлди**
Қолди кўкини чалиб
Бош эгалари йўқ бўлиб
Жўра бошлари тоқ бўлиб
Ўнта келин қолиб кетди
Чолгани мота кўк бўлиб
Насибанг тортди бунда
Мен қолдим ёмон бир кунда
Сол қиличинг йўлбарс болам
Бундай юрмайин зинда
Ўзинг Кўнғирот элим зўри
Йўласам бир йилдан бери
Билмайман қайдা Бойсари

Бормадима хабари

Кўнғиротимнинг йўлбарси зўр

Бундай қўймагин тири

Менам Кўнғирот элингдан

Кутдим келган йўлингдан

Бундай қўймагин чироғим

Ўлдириб кет ўз қўлингдан

Алпомишнинг кампирнинг йиғлашини эшитиб тоқати қолмади. Э, Момо ҳали Қалмоқда шундай ҳодиса бўлганма деди. Кампир: Э, ўғлим биз ўз элимизга кўчган эдик-да, Толхов тоғнинг дарасида алплар орқамиздан етиб, ҳар томонимизни тутиб, чўпон-чўлиқларни уриб, халқларни қириб, қўйларни олдига суриб, бола-бачалар йиғлаб, Кўнғирот халқини талаб, қўпларни ўлдириб, чигар бағрини тилдириб, молларни подшолик қилдириб, шунда ўлди-да ўн улим шуйтиб қолдида зулм, синиб қолдида белим, тўзиб кетти-да Кўнғирот элим ой хиёлаб ботиб, бизларга қадиринг ўтиб, шу вақтлар келмадинг етиб, шуйтиб ўтирипман кутиб деди. Алпомишнинг ранги сўлиб, юраги қонга тўлиб қолди. Ҳай аттанг: Ойбарчиннинг туши шу ҳодиса экан-да деди. **Момо** шу ерда **чорва** халқлардан борма йўқма деди. Момо: Э, полвон улим, **боғда очилган гулим, жони-дилим, менинг ўзи кетиб қолган галим, ўлиб ўнта улим**, мен нимани **бланман** чорвалар ҳар **қайси** ҳар дарага тўзиб кетиб қолган. Фақат аср бўлиб туган чўпонлардан бўлиш керак битта-иккита деди. Мен ўнта бева блан ўтирипман-да шу аҳволда деди. Алпомиш айтди: ҳа момо хафа бўлманг, мен бу ҳодисани ҳозир эшитдим деб деб момога бир сўз деятир:

Офтоб бўлмай қизил гуллар **слибити**

Бу Қалмоқда шу ҳодиса бўлипти,

Хафа бўлма Ҳакимбегинг келипти

Ёшин ўтли олмас белга чоларман

Қалмоқларнинг бошига кун соларман

Қалмоқларман бўлганимча бўларман
Халқларимнинг орин қайтиб оларман
Халқларим учун танам полвон ошиди
Қалмоқлардан қайтган номард кишиди
Халқи учун ўлиш марднинг ишиди
Энди полвон **орида** қилар жонини
Қалмоқ алплар кўрсатайин кунини
Иstab келдим ўлганларнинг **кунини**
Улкар ботар тог бошига тақалиб
Хизмат қилган ҳар жойдан келган жой олиб
Ҳар йигинда юрмайин мен **уядиб**
Қалмоқ блан бир кўрайин майдонда
Керак бўлса қизил қонга бўялиб
От чопилсин бу чўлларда **сурилиб**
Жанг довуллар тоб-тобидан урилиб
Керак бўлса қора калла ёрилиб
Душман бўлса қолсин қонга **корилиб**

Кампир Алпомишга айтди: қаники ўғлим ундей бўлса, кейнингда дуо қилиб турсам, шу Қалмоқ полвонларнинг ўлганини бир кўрсам. Ўғлим энди бизнинг овулга бир бориб кет, **хол** аҳволимизни сўриб кет, есир бўб қолган келинларни бир кўриб кет деди. Алпомиш айтди: келинг, бир бурилиб бечораларга бир насиҳат қилиб кетай деб отини бураберди, кампир ёнини олиб **юриберди**, кўк банотдан ёпилган ўн қора уйнинг устидан бораверди, Алпомиш шу уйларни кўраберди. Алпомиш ўз кўнглида бечоранинг ўнта ўғли бор экан, шу ўғиллари учун уйигача азо қилган экан деб бораверди. Кампир ўнта қизни чақириб бораётти:

Гумбирлар тоғда даралар
Кампир овулга оралар
Йўлбарс полвоним кеб қолди

Чиқинглар бахти **қаралар**
Тоғнинг боши қоёлар
Меҳнат бўлмасин зоялар
Йўлбарс полвоним кеб қолди
Чиқинглар бахти сиялар
Чипор от минган пироғим
Яна ёнгидай ўчган чироғим
Чиқинглар **келинглар** уйдан
Кеб қолди сайиб дарагим

Кампирнинг товушини уйдаги қизлар эшитди. Қизлар қараса **МОМО** Қўнғирот хонини эргаштириб келаяпти. Ҳаммаси чиройли қизлар, ҳаммаси якка уйдан чиқиб йиғлашиб жўнашаберди. Алпомиш қўриб жуда хафа бўлди. Алпомишнинг **бу** ёғидан, уёғидан келиб, **узанжидан** тавоб қилиб йиғлашаберди:

Макон дашти сахро бўлди,
Юрак гўштлар пора бўлди
Тасодифман полвон оға
Бу бахтимиз **қора** бўлди
Бу Қалмоқда адо бўлдик
Шундай бўлиб гадо бўлдик
Бир йиллардан бермоғон
Қўнғирот элдан жудо бўлдик
Дод-фарёд афтадо бўлдик
Кетолмадик элимизга
Қалмоқ тепди белимизга
Кўп қарадик йўлингизга
Бугун муҳтоҷ қўлингизга
Қолам қошимиз қийилиб
Сочимиз қолди жойилиб

Бошимизга **осмон** нураб
Қолиб кетди-да ўйилиб
Кўрдингиз ҳолимиз хароб
Азо матом қолдик ўраб
Йўлингизни кутдик сўраб
Йўлингизга **ойдан** қараб
Қалмоқда **кейин** ўтар кунимиз
Сиз бизнинг **каттаконимиз**
Сизга тасадуқдир жонимиз
Бошимизга зулм туман
Бир кечага бўлинг меҳмон
Меҳмон бўлинг отдан тошилаб
Оtingизни бизлар **бойлаб**
Бир кечага ётсак сийлаб
Чолганимиз қўк бўлиб
Жўра бошимиз тоқ бўлиб
Излаб кебсиз бек бўлиб
Бир кеча меҳмон бўлсангиз
Қолсинда кўнгил чоқ бўлиб

Алпомиш буларнинг бу аҳволига **очиниб**, э, бечоралар ҳа, хафа бўлишмасин бир тушайин деди. Алпомишини зиндан **учтидан** тикилган катта уйга бошлаб борди. Зиндан устидан шу уйни тиккан эди. **Зиндан оғзига** чўп-пўп кўйиб оғзини ёпиб, устига кигиз, кўрпа тўшаб қўйган эди. Отни қизлар ушлаб қолди. Айёр кампир **марҳамат** меҳмонжон **беб** уйга олиб кирди. Алпомиш қараса бахмал кўрпалар тўшалиб турипти. Бўсағадан биринчи қадамдан иккинчи қадамни ташлаганда **урс** этиб зинданга тушиб кетди. Айёр кампир ирғиб Байчиборни минди. Мастон айтди: қизлар қандай эканмиз бизлар. Энди сизлар ўзларингиз бораверасизлар, мен Қалмоқ подшосидан суюнчи оламан деб кетди.

Алпомиши зиндан тошда афсус қилаётти, бир айёр кампирнинг алдашига гирифттор бўлдимда, Ойбарчиннинг тушида кўрган довули чорва халқимнинг тўзиб хароб бўлгани экан, бошига қора чодир соё солгани менинг бошимга тушган қоранг зиндан экан. Хай, хафа бўлганим фойдасиз деб ётаберди. Қалмоқ подшоси полвонларини атрофига тўплаб ховос (ҳавф) қилиб турган эди. Айёр кампир **Байчиборни** чопиб, юраги тошиб Қалмоқ дарвозасидан кўндаланг бўлди. **Дарвозадан** дарвозани оч олдимдан қоч деб бакираёттир. Дарвоза очилгандан отни ирғитиб ичкарига кирди. **Қалмоқлар** подшоси қараси кампир **Қўнғиротхонининг** отини миниб келиб турипти. **Подшо** хурсанд бўлиб, ана! Алплар **чопинглар** **мастон** момо яхши иш қилиб келганга ўхшайди деди. Алплар кампирни отдан тушириб олиб подшонинг олдига олиб борди. **Подшо:** мома қани нима бўлдингиз деди. Момо ишингиз бўлмасин бобладим деди. Бу Барчин учун пойгада Қалмоқларнинг отини ташлаб келган **Қўнғиротнинг** оти шу деди. – **Подшо** эгаси нима бўлди деди. – Момо эгасини алдаб, **мехмон** қилиб тушириб, зинданга ташлаб юбориб ётабер деб қайтдим. Ҳар тарафдан – Раҳмат! Момо! Раҳмат деб хурсанд бўлишиб қолди. Энди Қалмоқлар яхши бўптида дейишаяпти. Алпомиши зиндан қилиб, Байчиборни олиб келгани учун маstonга бу ҳам сизга севинчингиз деб хазначига айтди, икки лали тилла берасан. Энди **Қўнғирот** хони аср тушпти деган хабар тарқалди. **Қалмоқлар** тўй қилишди. **Чорвачиларнинг** устидан қоравул қилиб қўйган девонбегини ҳам чакирди.

Ҳаммаси бирга **йиҳилишиб** хурсандчиллик қилишди. Девонбеги ҳам воқеадан хабардор бўлди. **Байчиборни** саккизта отбоқарнинг қўлига топшириб, шу отни зиндан таблага солиб, тўрт оёғига кишан урасан ем – сувини ташиб берасан деб топширди. Подшонинг **Тўнжирхон** деган **мирқоси** бор эди. Шу кишига отнинг устидан қараб турасан деди. Девонбегига сен чўлга кет, чўпонларнинг устидан яхши назорат қил, **Қўнғиротхонини** ҳам кўлга туширдик деди. Кўнгил энди жойлашди **хар** ким ўз ишига туш-тушига кетиб қолди. Девон беги ҳам Чилбир чўлга етиб қолди. Девонбеги борса чўпонлар кечқурун қўтонга қўйларни солиб семиз қўйлардан сўйиб, қозон

қўйиб, гўшдан қорни тўйиб ётган эди. Девонбеги бориб туриди. Чўпонлардан бири Девонбеги кечикиб қолдингиз деди. Ҳа, Қалмоқда тўй хурсандчилик бор экан шунга ҳаёлладим. Қандай хурсандчилик экан деди. Қалмоқ чўпонлари Қўнғиротхони Қалмоқ устига дап солиб келган экан, мастан момо қурадан билган экан, бир мунча каниз қизлар блан йўлга чиқиб, олдини олган экан. Зил тоғнинг этагидан зиндан қозиб, зинданга Қўнғиротнингхонини солган экан. Чибор отини широлғага олган экан, Қўнғиротхони зинданга солиган учун бизда хурсандчилик бўлган экан. Қалмоқ чўпонлари ҳам хурсандчилик қилишди. Чўпонлар ичиди Қўнғирот чўпонларидан Эломон, Қайқивот, Замон бойвачча деган чўпонлар бор эди. Бу чўпонларнинг еяётган овқати томогида турип қолди, силаси қотип қолди. Дардини ичига ютиб қолди. Девонбеги чўпонлар ухлангизлар, қўйларни жоёсизлар деди. Чўпонлар ҳир бири ўз суруви бошига келиб ётди. Қайқивотнинг уйхуси келмай, бетоқат бўлди. Қалмоқ чўпонлари ухлаб қолди, кеча ярим бўлди. Қайқивот секин Эломоннинг қошига келса, бу ухлаёлмай ётипти. Қайқивот Эломонга қараб йғлаб айтиб турипти:

Кизил гулман сарғайиб мен сўламан
Энди иложим йўқ қандай қиласман
Алпомиш келганини қандай биламан
Ётасанми тур жойингдан Эломон
Бу ётишда бизга уйху келама
Қайбутқул шундай ўлмай қолама
Оғайн қариндош биздай бўлама
Тур жойингдан ағналиб йифлама
Икки ўнгирни оғам белга солайлик
Зил тоғнинг пасидан хабар олайиқ
Ҳакимнинг келганини билайлик
Тушган бўлса бу зинданга полвоним
Зинданга ташлаб бирга ўлайлик
Бу юракка яра теккандай

Эшитишига Бойбўри уйи куйгандай
Ойбарчиндай одам азо мато кийгандай
Зил тоғнинг бошини туман чолгандай
Сизни бизни излаб йўлбарс келгандай
Биз учун Қалмоққа аср бўлгандай
Ойбарчиной йиғлаб қолгандай
Икки этакни оғам белга чолайлик
Уйхудан кечиб бир хизмат қилайиқ
Юр! Эломон бориб хабар олайиқ
Зинда юрмай, майли биз ўрайик
Тонг отгунча яна қайтиб келайик
Кеталмайдиган бўлдик Қалмоқ элидан
Насба кўтарилемади Чилбир чўлидан
Бир хабар олайиқ Бийнинг улидан
Эломон турди жойидан
Икки чиқиб жўнади қўйидан
Чапқиллаб ўтаётир Чилбир сойидан
Иккови чўлда йиғлади
Ўзига ўлим тилади
Етти йил юрган бу жойда
Ҳамма жойини билади
Юрак топиллаб уради
Иккови йўл юради
Икки чўпон кечалаб
Изиллаб йиғлаб боради
Қаранг чўпонлар зўрига
Йиғлама дер бир-бирига
Етишаётир иккови
Мўлжаллаган ерига

Булар бу жойларнинг **ўтини, қорини**, балантини, пастини билар эди. Зил тоғнинг пастига, йўлнинг устига келиб **қораси** зинданнинг оғзи қоп-қора бўлип кўринип турипти. Иккови зинданнинг оғзидан қоради. Бундан аввал йўқ қазилган катта **утаси**. Ал помишинг келганини сезади, кетди юраги эзилиб, хумор кўздан ёши тизилиб, зиндан бошидан қорор чўпонлар бўйни сўзилиб, ахволимиз қалайди деб зинданни кўриб йиғлади. **Иккови** айтди бу **чок** янги қазилган дейишиди. Энди отини (номини) тутиб чақираётир, Ҳакимбек бўлса овози чиқар деди. Зинданга чақираётир:

Оқ ойилда олтин тўғам
Бўз ўрдадаги бўсағам
Ўлсам бу тобутга эгам
Қичқираётир зинданга
Зинданда бормисан бек оғам
Сен эдинг бизга кўнгил тўқ
Кўрув борми ёки йўқ
Зиндо бормисан зинданда
Истаб келган Ҳакимбек
Насибангни ҳайдаб бунда
Бизлар қолдик ёмон кунда
Бормисан йўлбарс зинданда
Биз ҳам юрмайик зинда
Тулпор отини елганим
Бизалрни излаб келганим
Зинданда бормисан зинда
Ҳаким номли полвоним
Эрисин тоғнинг қори
Қайда кетиб элнинг бари
Йўлбарсим бир йилдан бери
Кўраолмадим қайтиб тири
Элатимнинг арслон зўри

Барчиннинг севикли ёри
Бормисан зинданда тири
Алпомишинг хили-хишти
Ўзи кечанинг иши
Зиндан тагига етди
Йиғлаган чўпон товуши
Йўлбарсдай жойдан туради
Зиндан бошига қаради
Полвоним деган товуш
Қулоққа етиб боради
Алпомиш ҳайрон бўлади
Яхшилиб қулоқ солади
Эломоннинг товуши
Ҳакимбек деб келади

Эломон блан Қайқувот вақтида сағир бола эди. Бойбўри блан Бойсарининг уйида катта бўлишган эди. Алпомиш қулоқ солса шуларнинг товушига ўхшайди. Камбағаллар излаб келиптида, буларни хафа қилмай деб уларга бир сўз деяпти:

Хазон бўлмай қизил гуллар сўлама
Жондан кўрккан Қалмоқ юртга келама
Хафа бўламанглар бунда йиглама
Йиғлаганинг бизга фойда **бўлама**
Э, номардлар бу йиғлашдан фойда йўқ
Ҳали зинда Ҳакимбегинг ўлган йўқ
Ҳозир менга ҳеч гап бўлган йўқ
Хабар олишга келган **бўлсанглар мендан**
Йиғлаб лабларинг бўлмасин хондон
Ҳечвақа йўқ қазған эканда зиндан
Ҳакимбек укангиз бир иш қиласалмас

Бу зинданда Қалмоқ дамга келалмас
Чорваларнинг молин бутун ололмас
Бир иш келолмайди Қалмоқ қўлидан
Йўлбарсинг қўрўмайди Қалмоқ шеридан
Харбар сўрсанг йўлбарсхоннинг ҳолидан
Ҳаммамиз сақ-саломат кетармиз Қалмоқ элидан
Бу ситамни ҳали Қалмоқдан оларман
Бу аламларнинг бошига кун соларман
Барчин блан яна ўйнаб куларман
Хафа бўлиб кўп йиглама Эломон
Тилак истаб чиқбедим орку чўлимдан
Хафа бўлма ҳозарим йўқ ўлимдан
Қалмоқ алплар нобуд бўлар қўлимдан
Бир айёр кампир чиқди йўлимдан
Лекин кебсан хабар олгали мунда
Хеч гап эмас ётишим бор зинданда
Хафа бўлиб йигламанглар ҳали етипманку зинда
Менга бормай Чилбир чўлнинг хабари
Нималигин билмам бир йилдан бери
Ҳали хурсанд бўлдим бор экансилар тири
Элимизга ўржа бўлиб кетади
Бу Қалмоқларнинг саф зулфақдори
Хафа бўлманглар баримиз бирга кетармиз
Сақ-саломат қариндошга етармиз
Чангак солиб кампир гўшин битармиз
Қалмоқ ўрдак, уканг лочин Алпомиш
Қалмоқлардан олар ўчин Алпомиш
Ўлжа қиласар Қалмоқ кўчин
Хафа бўлманг шунинг учун
Бор экансиларда бунда кетинглар

Келиб аҳволимни бунда билдинглар
Хурсанд бўлдим келиб хабар олдинглар
Йиғлар бўлсанг даштдан-даштга йиғлагин
Бир-бирингнинг манглайингни силагин
Хафа бўлмай эсанликни тилагин
Ҳарвақт зиндан бошида келиб турманглар
Йиғлашиб, тиркашиб бундай юрманглар
Қалмоқ келганларинг билмасин
Икковинга қийин кунни солмасин

Қайқивот блан **Эломон** қулоқ солса Алпомишнинг товуши адил эшитиляпти. **Эломон** тўғри айтаяпти, икковимиз йиғлашиб турганимиз блан Алпомишга нима фойда деди. Вақтимизни топиб борамиз бўлмаса биримиз овқат ташлаб кетаберамизда **ана** билдик. Юринг вақтли кетайлик, тонг отмай қўйга етайик деб, Алпомишга хайр бўлмаса биз кетдик деди. Алпомиш: **у,** **Эломон,** Қайқивот энди хафа бўлиб юрманглар. Имкон бўлса овқатдан хабар олиб турасизларда деб қолди.

Қайқуват блан Эломон кечанинг бир вақтида бўри йўртиш қилиб кетаётир, тонг отмасдан қўйларга етаётир. Девонбеги чўпонларнинг ҳаммасини уйқудан **уйготаётир**. Чўпонлар, туринглар қўйни ҳайданглар деятири. Қўнғирот чўпонлар сенлар ҳам турдиларингма деди. Қайқувот айтди биз ҳар вақт шундай эрта туриб ҳайдаймизку, мана ҳайдаяпмиз деди. Замон чўпон Қайқувот блан **Эломоннинг** кетганини билар эди. Замон уларнинг қошига келиб нима гап ўзи, **адамуинг юраги ножойлаш** бўлдику. Қайқувот айтди, Ҳакимбек келган экан, зиндонга солган экан. Замон йифлаб аттанг-а деди. Қўнғирот халқининг давлати **қайтин** эканда. Қайқувот ҳеч парво қилмаймиз деди. Бизга кўп насиҳат берди. Биздан хурсанд бўлиб қолди деди. Онгсиздан армонда бўлиб тушдим. **Ҳам чиқармок** ҳаммамиз Қалмоқлардан ўч оламиз деб парво қилмай ётипти деди. Энди "Калла ёрилса **каловининг** остида бўлсин" Қалмоқ чўпонларга асло сир билдирамайик. **Ватимизни** топиб овқат бериб келаверайлик деди. Учови Қўнғирот элидан-да, хўп бўлипти дейишиди.

Энди семиз қўйлардан **даштларга** сўйиб, тандир гўшт қилиб чаночга солиб, ўнта-ўнбешта қўйнинг гўштини бериб кетаётити. Баъзи вақтларда **нечалаб** қўй ёпганда зиндонга **чаккалаб** қўйлардан ташлаб кетаётти. Алномишга бера-бера қўйларнинг ичида **семиз** қолмай қолипти. Девонбеги ҳарвақт ҳар вақт қўйларнинг ариқ семизини текшириб туар эди. Бир кун Қўнғирот **чпонларининг** қўйини кўрса, ариқ-тирик қўйлар қолипти. Девонбеги айтди, а, қирилғир қўнғирот чўпонлар, молларнинг семизини сотиб, пул қилиб, бир куни қочиб кетамиз деб юрган бўлса керак деб ўйлади. Қўнғирот чўпонларни чақириб, **Қайқувот**, Эломон, Замонларга Девонбеги бир сўз деб турипти:

Олисда манзил жойларинг

Энди куйди уйларинг

Қани семиз қўйларинг

Бугун қандай ҳолларинг

Узоқда туғилган элларинг

Қани семиз молларинг
Пидо қиласман жонингни
Тешмай сўраман қонингни
Гапиринглар чинингни
Бўлмаса кўрсатаман кунингни
Ўлтириб узаман хунингни
Қабул қилмайман зорингни
Тўпон қиласман **борборингни**
Қистираман шўрингни
Зинданда аср қилди
Ҳакимбекдай зўрингни
Тез-тез қўйларни топмасанг
Қазиб қўмаман гўрингни
Чилбир чўлларда ётипсан
Семиз қўйларни сотибсан
Энди **маҳмак** ушлайман
Калланга қамчи ташлайман
Текширишни бошлайман
Агар қўйларни топмасанг
Ҳакимбекнинг устидан
Сенларни ҳам зинданга ташлайман.

Қайқувот, Эломон, Замон чўпонлар дам бўлиб, бўйни хам бўлиб туришди. **Улар ичида гап биладигани** Қайқувот айтди, биз сизнинг қўлингиздаги мусафирмизда ўзингиз биласиз-да нима қилсангиз деди. Қўйнинг талақ касали деган касали бўлади, бу касал семиз қўйларга тегади **деганди деди.** Семизларнинг ҳаммаси ана шу талақ касалидан ўлиб кетдику деди. Девонбеги айтди: нимадан бўлди шў талақ касали. Қайқувот айтди бизлар чўпонмиз ердан кўкарган гиёҳларнинг ҳаммаси бир хил бўлмайди. Талақ ўт деган бир заҳарли ўт бўлади деди. Шу ўт ариқ қўйларга кўп кор

қилмайди. Семиз күйларни тез ўлдириб ташлайди деди. Шу ўтларда ана шу захарли ўт бор экан. Зил тоҳининг этаги, зиндан атрофи қўйни қўп семиз қилади-да деди. Девонбеги Кўнғирот чўпонларини сўкиб-сўкиб кетди. Уч чўпон маслаҳат қилди. Ўзиям хаёлимизга келмай ҳамма семиз кўйларни ташлаб юборибмиз деди. Эломон айтди энди шундай қилайлик. Қалмоқ чўпонлари қўйнинг тузидан, энидан танимайди, чўпонлар ўз суруви блан ҳар бири ҳар сойда ётиб юради. Булар беш қўтан деган жойда бирга ётар эди. Ўтлоқ ерлари шўр ер эди. Эломон шундай эпчил эдикни бир кечанинг ўзида бир неча сувлайни кезиб келар эди. Замон ҳам шундай эпчил эдикни, қўйга бўри чопса бўрини суриб ушлаб, думидан ушлаб уриб ўлдирап эди. Чўпон пойгасида ҳамма вақт олдин келар эди. Қайқувот гапдон бўлса-да, уларча эмас эди. Шу маслаҳатни қилиб учталаси кечаларни Қайқувотни қўйга ташлаб, иккови икки томонга кетади. Ухлаб ётган чўпонларнинг қўйидан эллик юзтадан бўлиб келабошлади. Ҳар кеча шундай қилаберди. Семиз қўйлар кўпайиб кетди. Бир ой ичида ҳар бирининг олдида мингтадан қўй ийғилди. Яна бир кун Девонбеги келиб қолди, Қайқувот айтди, келинг ака, у куни бизга қанча урушдингиз, мусофирсиниб биз сизга ҳеч нарса демадик. Бизга санаб берган қўйингизни санаб олинг, биз сўкиш эшишиб юрмайик, қўйни санамай, текшиrimay қўп сўқиндингиз деди. Қўйларни санаб кўрса Девонбеги қўйларнинг ҳаммаси семиз, сони ҳам уч тўртта зиёт. Девонбеги айтди ўша куни қўйларинг оз, ариқ эдикну. Қайқувот айтди: шў куни қўйлар тўп-тўп блан ётган эди-да, ҳам уернинг ўти малларга ёқмас эди, қўйлар шунинг учун ариқ эди деди. Талақ касали кўтарилди энди. Сизлар кўрган ариқ қўйлар бир ойда семириб кетди деди. Бизлар чорва чўпонмиз қўйларни семиртишни биламиз, кеча-кундузи блан боқсак 20 кунда семиз қиламиз деди. Бизни хафа қилиб, сўқабермасангиз майли.

Девонбеги, ҳа чўпон болалар кечирасизларда деди. Шу куни ўзимнинг бироз димоғим куйгандай эди. Қайқувот айтди: ака чўлдаги қўйларнинг ҳаммасини шу ерга олиб келсак, у қўйлар ҳам семириб кетар эди. Девонбеги айтди: уларни ҳам шу олиб келамиз деди. Қалмоқ подшосига бориб сизларни

мақтайман, обрўларингни кўтараман, кўп совға ҳам олиб келаман подшолиқдан деб хурсанд бўлиб кетди. Қалмоқ чўпонларига бориб энди сизлар ҳам Зил тоғи атрофига қўйларни ҳайдасаларинг бўлади, Кўнғирот чўпонларнинг қўйи семиз бўлиб қолипти, ери кўп ўт экан деди. Қалмоқ чўпонлари ҳам рози бўлишди. Буларнинг қўйи ҳам Кўнғиротлардан улчажа туширилган қўйлар эди. Кўнғирот чўпонлар Алпомишни ташлаб кетолмади, чўпон бўлиб юраберди, энди гап шу бўлдики, Алпомишнинг зинданда ётганига олти йил бўлди. Алпомишнинг эл юртига, ота-онасига, ёрига Алпомиш Қалмоқда зинданда хлипти деган гап эши билди. Ойбарчиннинг бўйида олти ойлик ҳамла қолган эди. Алпомиш кетгандан кейин, Барчиной ўғил тукқан эди. Отини Ёдгор қўйган эди. Алпомишнинг номи ўлдига етиб, Барчин мотам тутиб, Қалдирғоч синглиси ҳам мотам тутиб, Бойбўри бир кўришга зор бўлиб, ўзи кориб, қулоқлари кар бўлиб, оқибати шўр бўлиб, ўлган одамга тир бўлиб қолган эди. Ултандўз деган бор эди. Эски вақтларда бойларнинг қул, чўри сотиб олиш адати бор эди. Бойбўрининг отасини Давонбий дер эди. Давонбийнинг отасини Алпонбий дер эди. Ана шу бийларнинг вақтида Ултондўзнинг оталари шу бийларга қул эди. Ултондўзнинг оталари Тоз деган халқдан сотиб олиган эди. Шунинг учун ўзи ултан (чарм) пиширишга уста эди-ю, Ултандўз демасдан Ултантоз деб аталиб кетган эди. Ултантознинг онасини Кўнғизбигач дер эди. Ултантознинг онаси ҳозир ҳам бор бўлса керак. Бойбўри вақтида шу Кўнғизбикачни ўзига никоҳлаб қўйган эди. Шу сабабли Ултандўз бош кўтариб, ҳар томондан ўзига куч тўплаб Бойбўрига маслаҳат солмасдан Алпомишнинг Жон адил қўрғонига Ўтапир тахтига чиқиб, Султонбек дейди мани деб, бутун Кўнғирот элига эълон қилди. Кўнғирот бойларини чақириб, бойлар тоғни туман чалипти, бўлмас ишлар бўлипти, Алпомиш Қалмоқда ўлипти, бу хабар аниқ бўлипти, кўрасизлар Барчин ойлар мотам чолипти, Ўтапир пойтахти эгасиз қолипти, ота-бободан қолган гап бор: "ул ўлса отага, ота ўлса отага" деган гап бор, "ука ўлса акага, aka ўлса укага" деган гап бор. Менинг энамни ёшлигида Бойбўри ҳам олган экан, буни қари боболар билар,

эна туфайли чин ўғил бўлмасак ҳам, ўгай ўғил ҳисобланамиз, шунинг учун бизни ҳаммага маълум қилинг, биз Алпомишининг юртига эгамиз деди. Халқлар бу элиш гапга ҳам ишондилар. Ҳа, майли бизга ким хон бўлиб тахтга ўтиrsa унга закот бераберамизда деди. Ултандўз Алпомишининг Алпон кўлига беш, ўн кишиси блан, олғир қушларини олиб кетаётган эди. Кўчада Ёдгорнинг кўзи тушди. Сағир бола эмасми йиғлаб улар изидан эргашиб юрди. Лекин буларнинг биттаси ҳам кел деб сўз қатмади. Сағир бола йиғлаб изига қайтиб, Аммаси Қалдирғоч ёнига келиб йиғлаб турипти. Қалдирғоч оғасининг ўғлини қучоқлаб нимага хафа бўлдинг деб айтиб турипти:

Йиғлаб борди о, аммасининг қошига
Отасининг сут эмишган эмақдошига
Қалдирғочой қучоқлади тўшига
Дормон топалмай юрак ҳоврига
Ёдгорни қучоқлади бағрига
Амманг ўлсин бугун ҳалим қалайди
Ғамхўр экан манглайингни силайди.
Бугун ўзига ўлим тилайди
Амманг ўлсин деб йиғлайди
Нега йиғлаб ўкиниб келдинг бунда
Мени қўйиб ёмон кунда
Йўлбарс отанг ўлиб зинданда
Бахти қаро амманг юрмасин зинда
Отанг эди Кўнғиротнинг зўри
Олти йиллардан бери
Ўлган деб келди хабари
Амманг юрмасин тири
Сўм юраги куя-куя
Мехнатим бўлдима зоя
Амманг ўлсин бахти сиё
Юрагима солдинг яра

Күнглим қилдингда пора
Амманг ўлсин бахти қора
Қалдирғоч Ёдгорни қучиб
Үлсин амманг мендай ғарип
Нега ўкиниб йиглайсан
Гапир дардингни яриб

Қалдирғоч Ёдгорни бирор урган бўлса керак деб ўйлади. Ёдгор аммасига йиғлаб шундай деятир:

Амма жавоб беринг оғанг улига
Бир от чопиб миндирмасанг белига
Бир от бормасанг бўлмайди
Отамнинг Алпон кўлига
Овчиларни кўриб қолди кўзига
Бир майдон эргашиб чопдим изида
Кулоқ солмай мендай сағир сўзига
Шуйтиб келдим сендай бобом қизига
От топиб бер амма мен ҳам борайин
Йўлбарс отамдан қолган кўлни кўрайин
Қайғи солди Қалдирғочнинг бошига
Ўкиниб кўз тўлган хумор ёшига
Бир от топиб бер деб йиғлаб турипти
Мулла Ҳакимбекнинг эмакдошига

Қалдирғоч бу гапнинг учига етмади. Ёдгор эса жанжал қилаберди. Қалдирғоч қўлидан еталаб, бу дардни кимга ёратини билмасдан, Қоражонга борди, албатта Қоражон дўст бўлиб севишган эди, бир-бирини дейишган эди. Шунга бориб дардимни ёрмасам, бошқа кимга ҳам ёраман деди. Қоражон қараса Ёдгорни етаклаб Қалдирғоч келаётир. Ҳа, Қалдирғоч деди. Қалдирғоч нима учун келганини айтиб турипти:

Қаторимдан узилиби қора нор
Қалмоқ элдан эшитдим ёмон хабар
Ахволимни оғирлаштири Ёдгор
Шунинг учун қулоқ солсам арзим бор
Қизил гулим **сарҳайиб** қолгандай
Шу элларда **эмиш** хабар бўлганда
Ёдгор **шайтиб** йиғлаб қолгандай
Йўлбарс оғам Қалмоқ юртда ўлганда
Аввало буни бўлмасинда бошим
Кўлимдан учиб кетган олғир қушим
Сендан бўлак айтатиган йўқ кишим
Қалмоқда қолгандай эмакдошим
Шундай деб гап чиқарган Кўнғирот эл
Борай десам узок Қалмоқнинг йўли
Бугун бағрим эзди йўлбарснинг ули
Энди ўлсин мендай бўлган сингили
Гап сўзласа **тонглайдаги** тилисан
Қоражон сен ҳам Қалмоқ элисан
Сендан бошқа менга йўқдир кўнгил тўқ
Жондар ортиқ эди йўлбарсбек
Сендан ўзга бугун менга ғамхўр йўқ
Бу гапга Қоражон қулоқ соласан
Қалмоқ элин ўри-қирин биласан
Шу жойда туғилиб ўсган боласан
Бугун арзимни адил сўрасанг
Дўстлик учун бир хизмат қиб кўрасан
Қандай бўлса бир Қалмоққа борасан
Алпомиш борми-йўқми хабар оласан
Аниқ бўлмади-да менга хабари
Кориб қолган Бойбўридай падари

Қолиб кетди кейнида севикли ёри
Мана кўрсанг йўлбарс ошнанг **сағити**
Кўлларда айланиб учар ўрдак-ғоз
Ўтаппирга эга бўлди Ултантоз
Ўтиб кетди неча қишу, неча ёз
Белидан ошиб бораётитти
Сенга менинг арзим шу бўпти
Йўлбарснинг кетганига олти йил бўпти
Суюкли ёри **барчиной** тул бўпти
Барчин ҳамиласи олти ёшар ул бўпти
Ҳозир ўрнига бек Ултантоздай қул бўпти

Қоражон ўйланиб қолди. Қалдирғоч сенга бу гапларни ким айтди. Қалмоқдан сенга одам келиптима. Қалдирғоч айтди "шамол турмаса, чўп қимириламайди" оғиздан-оғизга бу гап ёйилип кетганда. Ултантоз Ўтиппир тахтига чиқиб, ўзини бек деб эълон қилипти халқларга. Шунинг учун сенга ишонамиз. Сен шу гапнинг анигини, акамнинг ўлик-тириклигини билиб келсанг деди. Қоражон айтди, ора кўп узоқ жой, тоғлар ошиб, тошлар босиб қочон борар эканман деб бироз ўйлади. Хай, келинг бу қийинчиликларни **енгайип**, дўстим учун бир хизмат қиласин деди. Энди мен қундуз боролмайман, кеча бораман деди. Ипакдан йўғон қилиб қирқ қулоч арқон **эшитирди**. Катта **чоноч** кўлборнинг ичига озиқаси блан тиқиб олди. Қоражон айтди, мен пиёда кетаман, шунда ҳам отдан олдин етаман. Қоражон ҳеч кимга **бирдирмасдан** кечалаб кетди. Қоражон зўр полвон эмасми, тоғларнинг белидан ошиб бораётитти. Зил тоғнинг устига чиқиб ҳар томонга қараёбти. Туғулиб киндигининг қони томган жой эмасми Қалмоқнинг ҳамма тамонини **кўраёбти**, Чилбир чўл устига қараёбти, Зил тоғдан ошиб Чилбир чўл тамонга **бараёбти**. Олди кеч кириб қолди. Ҳар ердан ўтнинг шуласи кўринаберди. **Қоражон** айтди: Қўнғиротнинг бойлари ҳали Чилбир чўлида бормикан деб Зил тоғдан ташлаб, ўтга қараб нишлаб йўл тартди.

Ана-мана деганча ўтга етиб қолди. Қоражоннинг кўзига овул кўринмади. Қоражон **буёғидан** мароди, уёғидан ўтиб мароди (писиб қараш) яқинига етиб боради. Чўпонлар ўт ёқиб, гўшт пишириб ётган экан шуни кўради. Чўпон деб шовхум беради. Қўйчи кўппак итлар, ғовуллашиб ҳар тамонга қараб хураберди. Чўпонлар эса Қайқувот ва **Эломонлар** эди. **Эломон** чаққон бола тез вақт ичидаги атрофни айланиб чиқди. Қоражонга дуч келиб қолди, саломлашиб кўришди. **Эломон** қараса бўйи новча, юган пайча, эгнида **бўтаргиси** бор, қўлида катта тояғи бор нон **талав** чўпонга ўхшайди. **Эломон** эргаштириб қўшхонасига олиб келди. **Қайқувот** ва Замон пойгачилар қараса, катта бақувват бир зўр йигитни эргаштириб олиб келди. Мехмон қилиб катта семиз қўй **сўган** эди. Гўштини қовириб Қоражон олдига олиб келди. Қоражоннинг ҳам оч келаётганига икки суткалар бўлган эди. Бир қўйнинг гўштини сабсем ҳаммасини Қоражон еб қўйди. Қоражон қорнини тўқ қилиб, думоғини **чок** қилиб, насиянини ноқ қилиб энди чўпонларга туслаб қоради. Ўзбек чўпонларга ўхшайди. Қоражон буларда қўйлар кимники деб бир-икки оғиз қичқириб турипти:

Кўй боқибсиз биёбонлар (чўлда)

Кўй боқиб ётган чўпонлар

Олов чикади ҳар ёнлардан

Кўй оёғи чақонлар

Бу чўлда кўй боқканлар

Кўйлар кимники чўпонлар

Бунда борми овул-уйлар

Ўзи қандай жой бу ерлар

Кимники ётган қўйлар

Кўй боқибсиз сахро чўллар

Сиз қайси улуг қандай эллар

Кимники ётган моллар,

Ўт экан турган жойларингиз

Семиз экан қўйларингиз

Борми овул-уйларингиз
Ким хўжайин бойларингиз

Қайқувот Қоражондан бу гапни эшитгандан кейин нима деярини билмади. Ҳайрон бўлди. Мусоғир болалар эмасми, Қўнғирот эллари эсига тушиб кўнгли вайрон бўлди. Бу қўй кимники деярини билмади. Қоражонга қараб Қайқувот қўйларни сўрадингизда деди. Қоражон айтди: Ҳа, қўйларни сўрадим - деди. Қоражоннингқу бу Қалмокда номини эшитар эди. Алпомиш блан дўст эканлигини ҳам блар эди. Ойбарчинни олиб Алпомиш блан брга кетганини ҳам билар эди. Лакин Қоражон блан бирга суҳбатлашиб юрган йўқ эди. Бу чўлда қўй боқиб юрган чўпон бола эди ҳам олти йилдан буян Қоражоннинг ҳам ранги – туси ўзгарилган бўлса керак. Қоражонга Қайқувот бир сўз деб қичқириб турипти:

Чилбир чўл деб бу жойларди
Сўрадингиз бу кўйларди
Ҳам бу чўлдан овул-уйларди
Аввал обод эди бу жойлар
Чилбир чўлди жойлади Қўнғирот бойлар
Ободди Бўстон сойлар
Бар эди бу чўлда аввал
Мингта овул – уйлар
Аввал обод эди бу Чилбир чўллар
Ўтирас эди Қўнғирот эллар
Элнинг бошлиғин Бойсарибой дер эди
Қўнғирот халқида зўр эди
Қўнғирот элдан қўчиб бунда келган эди
Шу вақтларда Чилбир чўл кўп обод бўлган эди
Саф бедов отлардан бойлаган эди
Бу Чилбир чўлни жойлаган эди
Оқ ўтовларни бохмал ёпиб тикиб ташлаган эди

Бу жойда ўтирабеди етти йил
Шу вақтларда обод эди Бўстон чўл
Билмайман энди билмам қайда кетди шунча эл
Бойсарибий бобомизнинг қизи бор эди
Унинг отини Ойбарчиной дер эди
Улар ўтиралмай Қалмоқ алпларнинг дастидан
Жанжал бўлиб Барчинойнинг устидан
Барчин учун **Қалмоқ** элда толотўп
Бу орада қанча ўтди **гап-гуп**
Кўп ўйинлар солди Кўнғирот элига
Кўп ўйинлар бўлди Чилбир чўлида
Бу қўйлар қолиб кетган Қалмоқлар **қўлида**
Кўнғирот элининг хонини Алпомиш дер эди
Ўзи полвон гуриллаган шер эди
Кўнғирот элда ўзи полвон зўр эди
Бийнинг қизи Барчинойга ёр эди
Полвон эди ўз элимизнинг зўри
Отасини дейди унинг Бойбўри
Алпомишга бориб Барчин хабари
Ҳакимбек заҳмарчаниб йўл юриб
Ҳам ёрининг ҳам элининг изини суриб
Барчин учун **Қалмоқ** келди кўп бўлиб
Алплар бари бир тамонга тўп бўлиб
Бермаймиз деб Бойсарибийнинг қизини
Якка куриб Алпомишнинг ўзини
Қалмоқ олиб келди полвон борини
Бермаймиз деб Барчиндай ёрини
Қалмоққа сотмади номус-орини
Қойил қилиб **Қалмоқ** полвонларини
Олиб кетбедида Барчин ёрини

Алпомиши бу жойлардан ёр олиб кетгансан
Орадан бирон олтой ўтгансан
Қалмоқ яна юбориб полвонларини
Ёмон сиқди Бойсарибийимизни
Талов қилиб олдида мол ҳам қўйимизни
Кетгали қўймади ўзининг жойига
Кўп ўйинлар солди Кўнғирот элининг бойига
Оломоннни таловчи қиб қўйига
Кўнғирот эллар кучбеди жойига қараб
Қалмоқ алплар аҳволини қилди **хароб**
Кури қоб кетди бийнинг қизидан
Қомчаб етди чорваларнинг изидан
Омон кеткирмади Чилбир чўлидан
Молларини талаб олди қўлидан
Шунқор тепиб Бойсарининг белидан
Бола-чақалари чўлларда йиғлаб
Бутун молларини олиб қолди **талаб**
Кўнғирот халқлари молларидан бўлди жудо
Кўнғирот халқини қилди обтод,
Молини олдирган чорвалар бўлди гадо
Қалмоқ талаб қолди кейнидан суриб
Чўпонларни байлаб калласига қамчи уриб
Кўп чўпонларни ўлдирди қонига қориб
Чорва эллар кетди **ўўз-ўз** кунини кўриб
Шу чўпонлар ичига биз ҳам қолган эканмиз кириб
Шу гапларга бўлиб кетди олти йил
Кетиб қолди ҳар томонга Ўзбек эл
Хароб бўлди шу вақтлар Чилбир чўл
Бу қўйларку Кўнғирот эллардан қолган мол
Жон ака бизлар ҳам адашган йўлдан

Мусофири миз айрилиб шунча элдан
Кеталмай миз Чилбир чўлдан
Қайқувот дейди ўзига
Энди ўйилсин кўзим
Қандай бўлади изим
Мусофири га ўлим лозим
Юрибман Чилбир дашига
Кўниб Қалмоқнинг ишига
Бизнинг **қўй** ғамхўр кишимиз
Кўздан оқади ёшимиз
Бу элини излаб келган экан
Полвон Алпомиши миз
Гап сўрасанг ака мендан
Йиғлаб лаби бўлди хандон
Йўлбарс Ҳакимбегимиз
Эли учун бўлди зиндан
Чўпоннинг лаби қотипти
Қалмоқдан жабр ўтипти
Хали ҳам хоним ётипти
Қалмоқлар зинданга ташлаб
Барнчиной нинг баҳтин байлаб (боғлаб)
Кеталмай миз элимизга
Ҳакимбек полвонни ташлаб
Биз қолган миз қийин кунда
Йўлбарс хонимиз зинданда
Хали ўлган йўқ зинда
Чўпоннинг қилган зори
Олти йиллардан бери
Етмадими кан элига
Йўлбарс бегимнинг хабари

Эшитмаганма Бойбўри
Барнчиндий суюкли ёри
Шуйтиб юрибмиз шу чўлда
Икки қўзимиз йўлда
Нима гап бўлдикан Қўнғирот элда
Бошимизга шундай мушкул иши бўлиб
Ҳар кун йўқлаймиз қўзимиз ёш бўлиб
Алпомиш кетарда бизга бош бўлиб
Шуйтиб қолдик қўзи боғли қуш бўлиб (боғланган)
Ойбарчиной қопкетганди тул бўлиб (эрсиз)
Шундан берман кетди олти йил бўлиб
Аҳволимиз сўрасангиз ака шул бўлиб
Мусофири болалармиз аввалимиз қалайди
Билмаймиз манглайдан кимлар силайди
Алпомиш ётса ҳам зиндонда
Соғлигини тилайди
Қоражонга камини айтиб йиғлайди
Бирдан бижиллаб кетди.....
Йиғлама деб жойидан турди Қоражон
Биринг Қайқуотмисан, биринг Эломон
Танимадингларми мен Қоражон бўламан
Алпомишнинг изин-излаб келаман
Хапа бўлманглар бу зиндондан оламан
Ҳали бу Қалмоққа бир зулмат кун соламан
Ётган бўлса Алпомишбек зиндонда
Алпомишни излаб кеб қолим бунда
Хапа бўлма Алпомишни кўрасан зинда
Ёз ойида эрир тоғларнинг қори
Уйлаб турсам олти йиллардан бери
Ўлди деб борди бизларга хабари

Сочин ёйиб йиглади **Банчин** ёри
Изғин тортиб йиглаб қолди Бойбўри
Йўл тортаман кўп вақтлардан бери
Бўбди ҳали Алпомиш бор бўлса тири
Алпомишни ўлди деб **Қўнғирот** эли
Синиб қолди Бойбўрибийнинг бели
Бу гапларни менга айтди **сингли**
Асли ўзи мен Қоражон бўламан
Қирқ қулоч жипак серқопни зиндонга соламан
Қулочлаб тортиб зиндондан оламан
Ипак арқонни боғлаб белига
Олиб кетарман **Қўнғирот** элига
Топишираман Барчин гулига
Олти яшар **Ёдгор** қолган улига
Қараб тургандир **Қалдирғоч** йўлига
Силарни ҳам олиб кетарман **Қўнғирот** элига
Аччиғлансам қабоғимни **четаман**
Қалмоқ алпларини силтаб отаман
Кўлдананг **келганий** ямлаб ютаман
Хафа бўлиб йигламанглар чўпонлар
Сизларни ҳам била олиб кетаман
Қалмоқ билар Қоражондай зўрини
Олиб кетамиз **Қўнғирот** эл орини
Ҳамда олиб қолган ўлжаларнинг барини
Ўзим қиласман **Қалмоқларнинг** хуну-харини
Ҳаммамиз кетамиз Чилбир чўлидан
Обрўй олиб бу **Қалмоқларнинг** элидан
Бир иш келмас алпларнинг қўлидан
Чиқолмайди Қоражоннинг йўлидан
Эшишишлар Қоражоннинг сўзини

Об кетамиз Алпомишининг ўзини
Керак бўлса широлға қиб кетамиз
Қалмоқларнинг сулув яхши қизини

Чўпонларни учаласи ҳам бу сўзларни эшишиб жойидан иргиб турди.
Алпомишининг Қоражон дўсти сизми деб сўраяпти. Худди ўзим. Энди сизлар
менга Алпомишининг зинданнинг қаерда эканини айтиб қўйиш қани деди.
Қоражон Қалмоқнинг ҳамма жойини билади. Зил тоғнинг Қалмоқка тамон
пастида, Қизил сойда катта йўлнинг овзида, Коравул тиганинг бошида,
яқинроқ душида. Қоражон айтди: ха, тушундим деди. Қоражон айтди:
Чўпонлар кечаси бориш яхшими, кундузи деди. Чўпонлар айтди: Кундузидан
кечаси хавфсизда деди. Бизлар ҳам Алпомишига овқат олиб бориб беришда
кечаси олиб бориб берамиз деди. Қоражон дарҳол қўлбар (катта) чаночни
эгнига силкиб солиб тоёгини қўлига олиб чўпонлар менинг келганимни
Қалмоқ чўпонларига сездирмайсизлар деди. Чўпонлар айтди, калла ёпилса
ҳам калапишнинг остида-да деб қўйди. Энди Қоражон йўлга равона бўлди.
Кетаберди сайи-қирлардан ўтаберди. Чакка зинданга етаберди. Тонг ҳам
шовла (ёруғ бўлиб) бериб отаберди. Чакдон узалиб энкайиб тошга қоради.
Чуқур зинданда борламади. Бу томонига ўтиб қоради. Алпомиши зиндан
тагидан қараса бир киши у томонга ўтиб, бу томонга қарайяпти. Ким
эканлигини билмасди. Алпомиши сен кимсан деб қичқириб турипти:

Бу чак бошидан қораган
Ғарибнинг ҳалини сўраган
Чакдан ётгган ғарибни
Тирикликка жураган (тирик деб келган)
Бойбўрибий томонмисан
Чак бошидан қараган
Мусоғир ҳолим сўраган
Чак кўтида ўлганни (тагида)
Тирикма деб жураган

Сахор туриб уйғонган
Тол бешигимга таянган
Қадди бўйимга суянган
Чуччи ухлаб ётганимда
Эмчагингни бериб ўянган
Кунтуғмишjon онаммисан
Кетган йўлимга қараган
Ўткинчилардан сўраган
Кечалаб кўрган тишини
Яхшилик қунга жўраган
Чак бошидан қараб турган
Қалдирғочжон синглиммисан
Чак бошидан қараб турган
Ғариб ҳолини сўраб турган
Чак кўтида Алпомишни
Тирикликка жўраб турган
Кетган йўлимни кутган
Қалмоқ йўлига кўз тутган
Орадан олти йил ўтган
Суюкли ёрим Барчинмисан
Чак бошидан қараб турган
Ғариб ҳолидан **сураб** турган
Тирикма деб жираб турган
Ултонтоздай акаммисан
Чак бошидан қараб турган
Бўйинин чўзиб мараб турган
Аҳволимдан сўраб турган
Яхшиликка **жураб** турган
Бошда биз блан суйишган
Қиёмат куни дейишган

Судраб сарпай кийишган
Худони ўртага қўйишган
Қоражон полвон дўстиммисан

Қоражон ўйлаб турди **Ултонтоздай** ҳам **кишига тошлаб** сўраб Қоражон айтди: **Ҳай!** Алпомиш дўстимай деди. Отамни айтдинг хўп **айтдим** энамни айтдинг яхши айтдинг, ёрингни **айдинг** буйинни (бўғинни) **бўшатди** нима учун Ултонтоз қулдан сўнг айтдинг, тоғлардан ошиб, тошлардан босиб, очи тўқ **сувбат** чанқоб, чарчаб, хориб узоқ йўллардан сен учун йўл тортиб келган эдим Ултонтозга бўлмасам аввала менинг уйим куйсинда деди. **Алпомиш Қоражон эканини билди.** Алпомиш айтди: **Ҳай!** Қоражон дўстима деди сен **эси** бўлса мендан ўпкалисанми (хапа бўласанми) деди. Ман олти йилдан буян саксангаз чуқурлик зиндон тагида ўлмай, рангим гулдек сўлмай, юрак ғамга тўлмай, йўлга кўзимни тутиб, тупроқларга ботиб, ғариб бўлиб ётиб, баъзи куни тупроқдан овқат этган, ҳуши ақли кетган, хиёл блан ота энани ёт этган мусофири ғариб кишидан ўпкалисанми деди. Мен хаёл блан нима оғзимга келса гапириб ётган кишиманда деди. Қоражон ўйлаб турдида тўғри айттида деди. Ҳали ҳам полвон ўғлон билдиrmай ётган эканда деди. Агар бошқа киши бўлса ғамда ўлиб кетмасмиди деди. Эй! Алпомиш дўстим мен сени зиндонда тириклигингни билиб, хурсандлик блан шўхлик қилиб, гапирдимда деб, **чалач** кўлборнинг оғзини ечиб, қирқ қулоч арқонни чипориб (торқотиб) зиндонга ташлаб юборди. Алпомиш қораса ип келди. Ипни ушлаб кўрса ипакдан эшилган (ясалган) жуда бақувват майим (юмшоқ) ип экан. Алпомиш қўлтиғининг тагидан белига маҳкам қилиб боғлади. Зиндон тагидан ипни силкитди. Қоражон айтди. Энди тайёрланиб турипти, ипни белига боғлабтида деб тортаберди. Алпомиш ҳам жуда оғир, лакин Қоражон ҳам **хаддим** зўр полвонда Қоражон ҳам кучини билакка йифиб тортганда Алпомиш бир қулоч юқорига чиқиб келаверди. Ўнг қулоч жойга келганда Алпомишнинг кўнглига гап келди. Мени бу чиқариб кетади. Тўй, марака, мажлисларда бу нарса **битимга** тоба бўлади. Алпомиш мен сени Қалмоқ

зиндонидан чиқарып олган эдим. Бўлмаса Қалмокда ўлиб кетар эдинг деб бетимга тобо бўлмасинда деб ўйлади. Алпомиш чакка тушаётганда олтин содоқ (қурол яроғ) белида боғланган эди. Шу блан тушиб кетган эди. Шу олтин содоқни ипга бир тортди. Ипни шартда кесиб кетди. Алпомиш гумбиллаб чакка тушиб кетди. Қоражон ипнинг ўзини тортиб олган, ип кесилган. Чокдан туриб Алпомишга айтди. Эй! Қоражон дўстим менинг оғиримни билар эдингку нима учун бақувват ип олиб келмасдан, чириб кетган ипни олиб келибсан. Узилиб кетдику деди. Қоражон айтди. Алпомиш қўй энди мен сени оғирлигингни билиб ипақдан эштириб келган эдим деди. Энди сен менга ипни чирик дегунча, кўнглим ирик (бошқача) дегинда деди. Энди Алпомиш сен ҳам мендан ўпкалама. Мен сен учун кўп йўл юриб келган эдим. Менинг буёққа келганимни халқ билмадиу, лакин синглинг Қалдирғоч ва Ойбарчин билади. Булар менинг йўлимга термилиб тўрган бўлса керак. Мен зинда бўлса олиб келаман деб ишонтирган эдимку. Улар олдимни ўраса (тўсса) йиглаб сени сўраса нима дейман деди. Энди Қоражон бу нарсалар тақдирда борда, ўлган экан деб қўяқолда деди. Қоражон кайфи қочиб, бироз хафалашиб, чўпонларнинг ҳам олдига бормасдан Зил тоғнинг боғрига қараб чиқиб кетди. Алпомиш зинданда қолаберди. Қайқувот ва Эломонлар ҳар кечаси навбат блан овқат олиб келиб бериб турар эди. Алпомишдан сўради: Алпомиш ака Қоражон келдима деб сўради. Алпомиш буларни хафа қилмайин деб кейинроқ келмаса ҳали келгани йўқ деб қўйди. Энди Алпомишнинг зинданда ётганига еттинчи йил бўлди. Қайқувот блан Эломон Қалмок элининг чўпонларининг энг олди, абжил, чаққон, обруйи яхши эди. Чўпонлар девон беги (катта, назоратчи) блан алоқада бўлиб кетган эди. Девонбеги ҳам бу чўпонларга ишониб қолган эди. Ёз, баҳор чиққан эди. Шу Девонбегига Қайқувот айтди: Чорвамиз ўсмаяпти, тўл қўшилмаяпти деди. Нима учун деди Девонбеги тўл вақти исириб бўлмаяптида деди. Чунки тўл вақтида қўйнинг бошида овул бўлиши керак. Бизда овул йўқда деди. Ҳар кечада йигирма, ўттиз қўй туғади деди. Шу тукқан қўзиларни тўлага солиб кетсак, кечга келсак шу қўзилардан бирта ҳам бўлмайди. Зил тоғнинг бўриси

үрганибди. Бўрилар олиб кетаяпти. Бир қўзи ҳам оломаяпмиз. Агар овул бўлса бўри келолмайди. Тўл тўлик олинади деди. Девонбеги айтди: Бўлмаса подшога маълум қилиб овул чиқартамизда – деди. Қайкувот айтди: шундай қиламаса бўлмайдида деди. Шуни блан Девонбеги подшонинг олдига ҳар вақт бориб турар эди. Девонбеги подшони олдига бориб салом бериб кўринди. Подшо айтди: Кими Девонбеги яхшимемиз. Ҳа, яхши деди. Чўллар қандай: Моллар қандай? Жойларингиз ўтми? Деб сўрайберди. Девонбеги айтди: чўллар бу йил кўп қўйлар семиз деди. Лекин туққан қўйларнинг тўлиши (туққан қўзи) исириб қилиб ололмаяпмиз деди. Подшо айтди: Нима учун ҳар чўпоннинг боққан қўйидан қунига йигирма-ўттизи туғади. Чўпонлар тўлага солиб қўй ҳайдаб кетса, келганича битта ҳам қолмайди. Зил тоғнинг бўриси ўрганибди доим тошиб кетади. Агар бошида овул бўлмаса қўзиларни бўри олиб кетолмайди. Шунинг учун чўпонлар арз қилиб қолди. Айниқса, Кўнғирот чўпонлари уч ойгина овул чиқсин деб қаттиқ илтимос қилиб қолди. Подшо айтди: бўлмаса Девонбеги чўпонлар айти уч ойга овул чиқади деди. Девонбеги чўпонларнинг ҳаммаси энди тўл олиш учун овул келади деб айтди. Энди овул чиқаришга подшо қандай овул чиқаришни билмай турган эди. Подшонинг иккита қизи бор эди. Ҳар қайси ning қирқтадан канизи бор эди. Катта қизини Товка дер эди. Кичкинасини Олдвка дер эди. Кичкинаси ўн олти ёшда эди. Иккови ҳам тиралиб бўй етган эди. Иккови ҳам бир-биридан чиройлик эди. Ширин сўзли, офтою юзлар, каклик кўзли, шундай нозли, даби (доира) дарё созли, қирқтадан канизли қизлар эди. Қизлари чўлга қўйнинг бошига отаси овул чиқартишини эшитиб қолди. Урдада кайвали Мастон момо деган бор. Подшо бунинг гапини ерга ташламайди. Подшонинг қизлари ҳам канизлари Мастон кампирга жон эна, қўз эна Отамга айтинг Чилбир чўлидаги қўйларнинг тошига тамошага бизни чиқарсин Биз қишин – ёзин бу қалъанинг ичидаги хапа бўлиб зерикиб қолдик. Уч ойлик гапда. Чўлларга чиқиб, қўй соғиб, гилагай қилиб (овқат тури), чўлларнинг қизил гулларини томоша қилиб бир баҳромиз очилиб келсин дейишиди. (чирайимиз очилиб) Мастон кампир бу сўзни подшога жуда яхши

тушунтириб айтган эди. Подшо хай, бўлмаса бориб шамоллаб келсинда деди. Мастон кампир қизларга айтди: **Оташдан жалоб** олдим майли борсин деди. Лекин бизга шу чўлдан ҳар йили қўниш жой бўлади. Бир кўчки қўргонча солдириб берсин деб талаб қилди. Подшоликка нима кам. Саф зўр кишилардан **бешгаз** кишини уч кунда қўргонча тайёрлаб берасан деб усталар блан юборган эди. Беш юз киши Чилбир чўлига чиқиб Алпомиш зиндони атрофидан уч кунда бир қўргонча ясади. Бу чўлдаги чўпонлар подшонинг қизи қўчиб келиш учун бир қўргонча солдириби деб хурсанд бўлишиб юрибди. Подшонинг қизларига маълумот борди. Кўргонча битди деб хабар борди. Энди подшонинг қизлари подшонинг норларини (тую) олиб келдириб ҳам норлар ҳам чўлда ўтлайди деб уй асбобларини, **бахмол** бонотдан ёпилган уйларни, **урда-ховларни**, тоза юк асбобларни, яхтин-яхтин зарларини норларга **орттирвди**. Чилбир чўлга қараб **Қалмоқдан** чиқиб равона бўлди.

Юк кўтарган қора норлар

Ортилибди яхтин зарлар (сондик)

Коборида зулфакдорлар

Чиқди Чилбирнинг чўлига

Тилаб олдик буни бизлар

Кетаётир сулув қизлар

Чўлки қўрингиз канизлар

Чўлга чиқиб кетаяпти

Яшнаб ётирилбди чилбир чўллар

Гурпиллаб чангийди йўллар

Очилибди ҳар хил гуллар

Чилбир чўлга кетаяпти

Тоғларнинг боши коёлар

Кўтарган ҳар хил чиялар (ўсимлик)

Юк кўтарган нор туялар

Чўлга қараб кетаяпти

Кулл уриб яшнайди чўллар

Очилибди ҳар хил гуллар
Гул бершиб нозик беллар
Чүлга чиқиб кетаяпти
Канизлар ўйнаб кулишиб
Бир-бири блан олишиб
Чүлни кўриб шод бўлишиб
Чўлга чиқиб кетаяпти
Бир-бири блан суришиб
Югуришиб гул теришиб
Ажойиб **гулни** кўришиб
Томоша қилиб кетаяпти
Қулп ўриб яшнабди даштлар
Кўринади тоғу тошлар
Гул бершиб қалам қошлар
Ўйин қилиб кетаяпти
Гоҳ уянлар, гоҳ буяnlар
Юрди чўлда чўпонлар
Кўчибдида деб опамлар

Алқисса офтоб юзлар, қанча канизлар чўлга чиқиб ранг-баранг очилган гулларни кўриб шодлик қилиб кетаяпти. Қайқувот, Эломонлар қўй боқиб юрибеди. Чўлда чанг ғурпиллаб чўзилаберди. Бир мунча қизлар чопишиб гул теришган канизларни кўргансан Эломонга Қайқувот суюнчи бер Эломон. Ана хўжайнлар кўчиб келиб **қолишику** деяпти. Норлар қўрғонча келиб, норларни чукариб юклар ерга тушиб қолди. Қайқувот айтди: Ана Эломон подшонинг қизлари келиб тушиб қолди. Энди нима қиласиз деди. Эломон айтди: Нима **қилмайлик** сиз ёки менга гаплашмаса. Қайқувот айтди: Эй Эломон подшонинг қизининг думогининг чоқ бўлишини ўзим биламан деди. Эломон айтди: Билсанг гапир қани деди. Булар деди, Ўрда ўтовини тиниб жойлашгунча ҳуд ойида туғилган, ширвоз семиз қўзилар бор, ердан тондир

ўлмиз, қизитиб олов қўямиз, шу ширвоз қўзилардан саккизтасини сўямиз, шу семиз қўзиларнинг калласини кесамиз, жик-жигидан ўсамиз (мичалаймиз) тандир осамиз, тондирнинг устини оғир қилиб босамиз, бир соатда пиширамиз, шилиб тондирдан туширамиз, иссиғида оламиз, кўлбор саначга соламиз, шу тондир гўшни подшонинг қизига совға қиласми, бировимиз олиб борамиз, сизга совға деб берамиз, шуни блан подшонинг қизини кўрамиз. Бир гап брки келиннинг энг аввал бетини очган иссиқ кўлинор деган гап бор. Бошқа чўпонлардан илгари бориб тонишсак қўзига иссиқ кўринамиз деди. Эломон айтди: Қайқувот шуни тўғри айтдинг, бўлмаса шундай қилайлик деди. Эломон абжил бола семиз қўзиларнинг югуришидан пойчасидан чолаяпти, Эломон калласини оляяпти, гўштини ўсаяпти, тондирга басаяпти. Бир-икки соат ичида ҳаммасини тақ қилди. Зил тоғнинг арчасидан устига олиб келиб бостирган экан, арчанинг иси (ҳиди) блан гўшти шрин бўлиб қолипти.

Ўзлари ҳам тондир гўшига уста бўлиб кетган чўпонларку, Эломон иссиғида тондирдан гўшти оляяпти. Қайқувот чаначга солаяпти. Замон пойгачи чўпон икковининг қошига келаяпти. Икки чўпон куляяпти. Замонга айтди. Ишинг бўлмасин бир иш қилдик деди. Бир тондир гўшт қилдик. Бу хўжайн бойбичаларимиз Қалмоқдан кўчиб келиб қолдику. Буларға совға қилиш учун тондир гўшт пиширдик деди. Замон чўпон айтди: жуда яхши қилибсизлар деди. Энди саккиз ширвознинг гўштини кўлбар чаночга тикиб, Қайқувот айтди: сен қўйларга қараб тур, мен олиб бориб берайин деди. Эломон айтди: Йўқ, Қайқувот сен қўйга қараб тур эртага сен олиб борасан деди. Хуллас, Эломон чаначни эгнига солиб, тоёқни қўлига олиб жўнади. Абжил бола сойлардан, қирлардан ўтди. Гўшти кўтариб кетди. Бирпасда етди. Эломон боради, ўтовларга қоради. Ўтовларнинг узук тувурлиқлари (уйни метериали қора уй) зорин пилладан, эшик бўсоғаси тилладан, баъзи ўтовларининг туйник-тувурлиқлари баҳмол бонотдан тўқсон бошли, кўш қонатдан Эломон чаначни ерга қўйиб, тоёғини кўкарагига тираб, таёқдан

оёғини олмоштириб бир ўраб, ўрда ўтовга қараб кимни чақиришини билмай турипти.

Булут буркайди товга
Молхўр ташлайди зовга
Қичқирайптири Эломон
Бахмол ёпилган ўтовга
Чўлда чўпонмиз бизлар
Кўчиб кебсизлар сизлар
Чиқинг ўтовнинг дашига
Зилпаги узун сулув қизлар
Фидо бўлсин ширин жонлар
Кўчиб кебсиз биёбонлар
Шодлик қиб чўлда чўпонлар
Чиқинг ўрданинг даштига
Кўчиб келган хўжайнлар
Юк ортингиз қора нор
Бизку чўпон дарбадар
Сизларга менинг арзим бор
Келдингиз Чилбир дашига
Қичқирап ўз бошига
Кеб боринг чўпоннинг қошига
Кўй боқаман Чилбир чўллар
Очилибди ҳар хил гуллар
Қоши қийик нозик беллар
Бир иш блан келаман
Ўзимнинг отим Эломон
Кўйингизни бокиб юрган
Чўпонингиз бўламан

Эломоннинг товуши Ўтов Ўрдага етиб борди. Товка айтди: Қизлар офтоб юзлар, бирта кишининг овози чиқади бир қаранглар. Икки каниз ташқарига чиқиб қараб Эломонни кўрди. Изига дарров қайтди. Чўпоннинг келишини Товкага айтди. Опа деди: Қўлида катта тоёғи бор бир чўпонми кеб тўхтапти деди. Товка айтди: Бориб хабар олинглар нима иш блан келибди сўраб келинглар деди. Канизлар айтди: Опа чўлда юрган чўпон блан қандай биз гаплашамиз деди. Товка айтди: Сизларга бир бола **бўлдими** сизлар пишган олмада, чўпон оғзига соладими, бир иши бўлмаса бу ерга чўпон келама, бир иши блан келгандир деди. Эломон икки кўзи Ўрданинг оғзида тиклаб турипти. Қизлар Ўрдадан чиқиб жўнайберди:

От чопилса даладан
Дарё тўлқини тошади
Ёмғир блан жаладан
Ипакни тенг синмайди
Рўмоли гули лоладан
Икки каниз **жилва бериб** (кўриниб)
Тўнгирали қалъадан
Шойи рўмол бошига
Маржон садаби тушига
Келаётир икки қиз
Жилва қилиб ўз бошига
Гўёки етиб келди Эломоннинг қошига
Қоши-кўзлари биёна
Холлари дона-дона
Эломонга етишди
Жилво **берсин** қизгина
Ўртоқликнинг нури сиқи биз
Яқин борди икки каниз
Эломонга юзма-юз

Эломон шундай қоради икки қиз боради. Иккови ҳам оққиз, оғзи тўла саққиз кашала (узун) катта эмас, ўрта бўйли чоқ қиз. Агар ишингиз тушиб қолса, насиё эмас, ноқ қиз. Эломон чўлда йигит бола эмасми, қизларни қўриб ақли лол бўлди. Подшонинг қизининг ўзимикан ёки қошидаги канизимикан деб туритти. Иккита каниз айтди: Чўпон ака тоёқни қўлга олдингиз, бунча шовқин солдингиз, нима иш блан келдингиз деди. Эломон айтди: Қизлар мен чўпон эмас, мен қўзи бока чакар бола бўламан. Лакин отим Эломон шуйтиб сизларга келаман. Агар қўй **соғаларингиз** қўзи блан қўйларни олиб келаман. Бофингизда гулингиз ғунча қўп кунлардан бермаған йўлингизга қарадик шунча. Сизлар бизга оғалик бойбича (хўжайин) мен туқсан қўйлар блан қўзиларни боқар бола. Канизнинг бирори Гулбарчин дер эди. Бирорини Ойбарчин дер эди. Иккови подшонинг қизининг канизининг бошлиғи эди. Ойбарчин айтди: Бизлар қўйни соғишни билмаймизда қандай бўлади деди. Эломон айтди: Мен ўзим қўй соғишни ўргатаман деди. Хўп канизлар айтди: Сумбул сочимизни тарайик, бўлмаса опама борайик опамдан бир сўрайик деди. Эломон айтди: Қизлар тўхтангизлар совға олиб келганмиз бизнинг Қўнфиротимизда бир қада бор овулнинг устига овул кўчиб келса, кўчиб келган овулнинг ҳаммасини чақириб йирилик (зиёфат) қиласди. Шундайин бизнинг устимизга кўчиб келган ўзимизда борида озроқ совға олиб келдим. Олиб бориб берингизлар деб чаначни иширди. Ойбарчин, Гулбарчин чаначнинг икки учидан ушлаб кўтариб кетди. Ўрдага етди. Товка айтди: Қизлар нима олиб келдингизлар, ким экан у одам деди. Опа чўпон эмас экан отим Эломон деди. Туқсан қўйларнинг қўзи боқари бўламан деди. Қўй соғсаларингиз кечга ҳайдаб келаман деди. Товка айтди: Ҳа деди. Биз қўй соғишни билмаймиз ўзингиз ўргатсангиз соғамиз демадиларингми деди. Биз шундай дедик. Ўзим ўргатаман қўй соғишни деди. Сизга келбедик деди. Бўлмаса қўйларни ҳайдаб келсин соғамиз деб айтди денглар деди. Бу олиб **келганларини** нима деди. Биз ҳам билмадик совға олиб келдим деди. Очинглар қани нима экан деди. Очса арча блан тондирга босилган гўштнинг

ҳиди келди. Товка гўштни олиб кўрса, **гўшти-гўшт** саб-семиз бўлиб тондирда пишган. Яхши **гўштни** ҳам уча тушни сандиққа солиб, қолганини каниз қизларни чақириб гўштни ейишдилар. Товка айтди: Ана қизлар офтоб юзлар гўштни биринчи ейишимиз бизлар деди. Маза **коитибни** чўлдаги чўпон қилас эканку деди. Чўпонга айтинг: Ҳар куни бизга шундай гўшт қилиб келиб бераберсин деб опам айтди денг деди. Чўпон **ҳали** блан бизларни ҳурматлаб совға олиб келгани учун чаначни қури юбормайлик деди. Яхтанни очинг деди. Икки қўшиғич тиллани чаначига солиб бориб бериш деди. Қўй совғали келганмиз биз чўлга ҳайдаб кел деб айтиб юборинглар деди. Эломонга чаначни олиб бориб бериб қўйни ҳайдаб келсин деб айтди деди. Хўп деб Эломон изига қайтди. Қайқувот ўтирибеди кутиб, Эломон борди жетиб. Қайқувот айтди: Қани Эломон бордингми. Ҳа, бордим **гўштни** олиб бориб бердим ҳамма ейишиб ширин **гўшт** экан дейишиб қолди деди. Яна ҳам шундай гўшт қилиб келиб берсин деб қолибди подшонинг қизи деди. Мен уларга қўзи свлиқ боқар бола бўламан дедим. Биз қўй совғали келган бизга қўй соғишини ўргатинглар деди. Мен эртага қўйларни ҳайдаб бораси бўлдим. Қайқувот айтди: Мен эртага қўйларни ҳайдаб бориб соғдираман деди. Эломон айтди: - **бўпти**. Гоҳ сен гоҳ мен бораверамиизда деди. Шундай қилиб булар қўй соғишини ўргатди подшонинг қизига ўрганиб **ҳоли** қолди. Абжил болалар эмасми **чаққон** хизмати блан яхши кўриниб қолди. Энди Товка канизларига айтади: Бу болалар Бойсарибойлардан. Қўнғирот эллардан экан. Лакин хапа қилиб қаттиқ гапирманлар мусофири болаларда деди. Бу Қайқувот ва Эломон кечалаб Алпомишга овқат олиб бориб беришда подшонинг қизининг чўлга қўчиб **келганини** баён қилди. Қанча норга юк ортиб, қанча каниз блан қўргонча солдириб қўчиб кеб қолди. Бизлар тондир **гўшт** қилиб, вақтни хуш қилиб, қўйлар соғдириб, биздан қочмай қолди. Бошқа чўпонлар келолмайди. Биз ҳар куни қоғоноқ (овқат тури) қилиб олиб бориб берамиз. Алпомиш айтди: Шу ишни жуда яхши **қилибсизларда** деди. Эски ота-бободан қолган гап борку деди. Йўқликнинг борлиги бор, очликнинг тўқлиги бор, меҳнатнинг роҳати бор деган гапларимиз бор

шундайин яхши меҳнат қилсаларинг роҳати бўлади, ҳарна ғайрат қилинглар. Обрўймартаба меҳнатдан чиқади деди. Энди бир кечси ой тўлғин ёрух эди. Подшонинг қизининг канизлари бу чўлда ўйнашга талаб қилди. Канизлар Товкага айтди: Опа ой бўлса ойдин ер бўлса хавор (текис) қўкалам милайим жой бизларга ҳали икки соатга рухсат этасизми бир қувалашиб ўйнасак деб сўради. Товка айтди: Қизлар офтоб юзлар, канизлар нима деяпсизлар майдонда чопишиб ўйнашга асли **завқманг** бизлар деди. Мен отамдан уч ойлик қўнишни шунинг учун сўраб олганманда. Кўкаламзорда ўйнаймиз деб келдикда деди. Бўлмаса тез юрингда деди. Товка айтди: бўлмаса қизлар тўқсон бовли бўқчани очингизлар бир созланиб чиқайин деб канизларга қичқирайти:

Гирдимгади оқ қизлар
Оғзи тўла соққизлар
Ўрта бўйли чоқ қизлар
Биздан айиб ўтмасин
Тилимиз тойиб кетмасин
Тишима тишхоли сепинг
Хом этима ботмасин
Юзима лолаб суртинг
Кўп жойилиб кетмасин
Қошима **ўсма** қўйинг
Бир-биридан ўтмасин
Кўзима сурма тортинг
Кўп чўзилиб кетмасин
Ковуш топагин қалин қиб
Оёқни қабортмасин
Мунтогни енгил тогинг
Зовқим келиб чопганда
Оқ синага зил жетмасин
Хил блан шамол жилпитинг

Оқ бадан терга ботмасин
Чүпон чўлиқ кўриб қолса
Қараб силаси қотмасин
Қош блан кўзи биёна

Холлари дона-дона

Пордоз берган қизгина
Кўчкидан бўлди равона
Қатма-қат либос бошига
Қирқ кодан каниз қашига
Жилба берган қизгина
Чиқди Ўрданинг бошига
Аву қизлар **элтиб** жур
Кейин қолмай жетиб жур
Нуқра тилли чанқовузни
Бал овзингга тутиб жур
Чачав журмай тўп бўб жур
Атрофимда кўп бўб жур
Хил-хилига саф бўб жур
Атрофимни босиб жур
Қизил гуллардан осиб жур
Олди ортимни тўсиб жур
Ўртага олиб қисиб жур
Ипак қўйган юзи ёрқиллаб
Оёқда ковуш гурпиллаб
Қобатида канизаклар
Каклик қушдай киркиллаб
Семиз қизлар бораяпти **сулқиллаб**
Совди ипакдай сулқиллаб
Абжил қизлар бораяпти
Зўрга тойдай букиллиб

Неча каниз ўйнаяпти
Икки имоси булкиллаб
Қадди бўйи нов терак
Яхши ҳаммага керак
Шонасида беш тарақ
Канизлвр юрш ипарак

Қизлар қараса ўйиннинг шовқи блан ажраб кетибди. Ўрдадан бир тўрт клометр ерларга кетиб қолипти. Товка айтди: Қизлар бундай қилиб ажраб кетмангизлар ўйин деган кўп қизик бўлади. Бир-бирини қувишиб сайи-қирдан ўтиб кетсанглар сизнинг, бизнинг ва дарё сознинг товушини эшитган чўпонлар турган бўлса мараб, пойлаб қараб, бирорингиз билагингиздан ушлаб, орқасига ташлаб олиб қочса чўлга борамизми деди. Бўлмаса шу ерга кўшхона ташлаймиз деб қўшхона ташлади (кийимларини тўда қилиб қўйган жой). Қизлар саноқ бўлиб опа қанча ўйиндан ўйнаймиз деяпти. Баъзи қизлар айтди: Яшамачик ўйнаймиз (ўйин номи) эшак минди ўйнаймиз деяпти. Баъзи қизлар жетиб кетма ўйнаймиз деяпти баъзилари тебиш мачик ўйнаймиз деяпти. Баъзи шўх қизлар ўпишмачик ўйнаймиз деяпти. Чақон қизлар айрилиб қувишмачик ўйнаймиз деяпти. Исми семиз қизлар айрилиб биз чополмаймиз ўтириб тиқма ўйнаймиз деяпти. Товка қараса ҳар қайси ҳар хил ўйинни ўйнаймиз деяпти. Товка айтди ҳар қайсинг ҳар ердан гапираверманглар деди. Мен ўзим бошдан оёқ отма суюк ўйинни яхши кўраман деди. Энди ҳар қайсинг ўз дугананг блан хушлаган ўйиннингни икки соат ўйнанглар деди. Қизлар ҳар қайсиси ўз ўйинини хаворда ўйнашиб қолди. Товка чаққон қиздан ўн қизни олиб, энди қизлар биз отма суюк ўйнаймиз деди. Энди қизлар бир суюк топиб келингизлар деди. Қизлар хаворга жойилиб суюк қараб кетди. Бир жойдан катта норнинг жагини топиб келди. Шу бўладими опа деди. Оғирлигидан Товка салмоқлаб кўрса олти черак бор (16 кг) Товка айтди: Қизлар енгил эканда ҳеч жойга кетмайдида деди. Учига ип боғлаб пиланглатса узоққа кетиши мумкин. Бир-икки қулоч

ипни боғлаб Товка ҳам кўп хаддили полвон қиз полохмандай тўлғаб-тўлғаб ҳавога ортиб юборди. Худди тўпнинг ўқидай вориллаб овоз бериб кетди. Алпомишининг зиндонининг устидан ўтиб кетди. Ана энди қизлар суюкни топиб келинглар деди. Абжил қизлар кетди суюкнинг изидан чопишиб Товка кейинда бир ўзи аста-аста кетаверди. Алпомишининг зиндонининг устидан этаверди. Товка чункили Қалмоқнинг Ўрдасида бир-икки кеча уст-устига тиш кўрган эди. Тушида Алпомиши олишиб билагини бўйнига ташлаб ошиқ бўлган эди. Лекин Товка ҳам майил бўлиб кўнгли бир кўрсам экан деб ошиқ бўлган эди. Шунинг учун зиндоннинг бошига бориб бир борайик бормикан, йўқ очмикан тўқ, ўлганмикан тири етти йилдан бери деб машал понизни зиндонга ёқиб юбориб қоради. Зиндон ичida полвон Алпомишини кўрди. Кўргандан Товка айтди: Ҳай! Аттангай хайф отамнинг подшолигига шундан подшолик бўлдима бир уруғ халқнинг полвони бўлса, бир кишининг ёлғиз ўғлони бўлса, Ойбарчиндай ойнинг суюкли ёри бўлса, етти йилдан буян ер остида гориб мусофир қилиб қовми қариндош, эли-халқидан айириб, ҳали Ойбарчиндай ёридан интизор қиб айириб, мардни номард қилиб, гориб қиб азоб бериши бутунлай нотўғрида деди. Кел имкон борича шу полвон ўғилга бир ёрдам берай деб кўнглига кечди. Шарта бўйнидаги тилла тўғонни олиб чакнинг бошига ташлади. Илдай кетган қизлар отма суюкни топиб қўшхонасига қараб чопишиб кетаяпти. Товка ҳам қизларнинг кетидан жўнади. Кўшхона жойига борса, суяк топган қиз қутулиб келдим деяпти, баъзилари ушлаб олдим деб жанжал қиляпти. Товка айтди: Ҳа, қизлар нима гап? Суяк топган қиз опа дейди ушлатмай қутулиб келдим деяпти. Баъзилари айтаяпти ушлаб олдик бияни итариб ташлаб кетди деяпти. Товка қайси йўл блан қутулиб келса гап шуники деяпти. Товка айтди: Ўтиринглар қани бир гап бор деяпти. Ҳамма канизларни айтиб келинг деди. Қизлар бутун канизларни айтиб келди. Канизлар Товканинг олдига тўп бўлиб келди. Товка айтди: Қизлар ўйинга аввал чиқишида завқман эдик бизлар. Шу ерга келиб отма суюкка югургандан бери бир бола тегди менга деди. Қизлар нима бўлди опа, бизни қилмангда хафа деяпти. Билмадим бошим айланаяпти, қўзим

тунаяпти. Бирдан ҳамма жойим сирқираб синаяпти. Касал тегди деди. Дарров кетайлик **вактли** Үрдага етайлик юргизлар деди. **Бизлар эргашиб, дарғол жұнашиб** кетди. Бир километр юргандан кейин канизига айтди: Ойбарчин деди ҳай менинг холқа тилла **туғолимни** тағиб бединглар деди. Ҳа опа аввал мен үзим тақиб қўйбедим деди. Айтдим бўйним енгиллашиб қолди. Тушиб қобдида бўлмаса деди. Қизлар айтди: бўлмаса биз топиб келсакчи Товка айтди бўлмайди менинг юрган, чопган жойимни қаердан биласизлар сизлар бошқа ерда ўйинда эдиларинг. Энди үзим топиб келмасам, үзимдан бошқа киши тополмайди уни мен үзи икки югурдим отма суюкка борища **бир турдим** қайтишда **бир турдим** ё борища тушган ё қайтишда тушган үзим секин бориб топиб келаман сизлар шу ерда ўтиринглар деб, канизларини шу ерга ташлаб изига қайтди. Энди зиндан бошига бориб, сумбул сочини торқатиб, гарданининг остидан яна пониз шамни ёқиб юбориб зинданнинг тагига бўйини чўзиб Алпомишга қичқириб турипти:

Хилидан айрилган лочин
Бу келишим **сенинг** учун
Узот қўлинг ушла сочим
Маконинг бўлиб **қора** зиндан
Йиғлаб лабларинг хондан
Сенга ёрдам бугун мендан
Узот қўлди ушла сочдан
Ўз элингдан келдин бунда
Ғариб бўлиб **қора** зинданда
Улмай чиқ зинданда зинда
Узот қўлинг ушла сочдан
Кўнғирот элнинг үзинг зўри
Етти йиллардан бери
Бўлдинг Қалмоқ гирифтари
Бу зиндандан чиққин тири
Узот қўлинг ушла сочдан

Үйласам етти йил бўлибти
Сендай полвон сил бўлибти
Барчиной қолиб тул бўлибти
Узот қўлинг ушла сочдан
Қалмоқлар сенга зўр бўлиб
Бул ҳам тақдирда бор бўлиб
Зинданда ётма хор бўлиб
Узот қўлинг ушла сочдан
Ўзинг Кўнғирот элнинг **шоҳи**
Бунда келбеди чўл бойи
Қайдা қолган Барчинойи
Узот қўлди ушла сочдан
Бориб қўшил сен ҳам хилга
Давлатли Кўнғирот элга
Ғориб бўлмай Чилбир чўлга
Бир **топилган** Барчингулга
Узот қўлинг ушла сочдан
Сенинг учун йиғлаган **бағри** тилиниб
Ётма Қалмоқ элда ғориблигинг **билиниб**
Кўнғирот элдан қолиб кетдинг бўлинниб
Маконинг Чилбир чўл сахро буб
Ота-энанг қоб кетган юрак фора буб
Ойбарчин ҳам қолган бохти қора буб
Ота-энанг йиғлаб бўлиб қолган бағри кавоб
Зинда бўлса бориб қилгин бир тавоб
Хизматига қайтаргин бориб жавоб
Мастон айёр чиқиб туриб йўлинга
Ғафлатда қиб ахир **тобди** белига
Сақ саломат **кетган** Кўнғирот элина
Бориб топиш Ойбарчиндай гулинга

Сунбул сочимни торайин
Қалмоқдаги кўрган тушимни жўрайин
Мард ўғлонсан аҳволингни сўрайин
Полвон ўғил сенга ёрдам берайин

Алпомиш лаби қотиб ўйлаб турса бу гапираётган гапрлари ачитиб дўстликнинг йўлидан келаётири. Отасичи думанлик зиддидан зиндонга солган. Чунки Алпомиш шундай алданус блан зиндонга тушган эди. Илондан кўрқан ола ипдан ҳам қўрқади деган гап бор, дарров Мастоннинг алдаб зиндонга туширгани эсига тушди. Отаси душман бўлса бунинг қизи менга дўст бўлармикан деб Товканинг гапига жавоб қайтараяпти:

Улкар бориб тоғ бошига тоёлди
Хизмат қилган хон олдидан жой олди
Бу гапинга мен бузмайман хаёлди
Кулоқ солсам бу сенинг айтган сўзингга
Ишонмаяпман ўзингга
Ранги-рўйим сўлдирасан
Олдаган бу пуч гап блан қўйнимни тўлдирасан
Мастон кампир гапидай қиб
Энди билдим ўлдирасан
Насибамни ҳайдаб бунда
Ҳали ўлганим йўқ зинда
Чиқмайман ётаман зиндонда
Манзилимни майдон аро айлаган
Айрилиқ юрагим пора айлаган
Халқимдан айтириб баҳтимни қора айлаган
Мен ётипман адo бўлиб
Шунча халқдан жудо бўлиб
Ота-онам қолиб кетган
Йиғлаб фарзанд гадо бўлиб

Келма зиндоннинг бошига

Буйтиб жара солмагин ғориб юракнинг **гўшига**

Етти йиллардан бермаған кўндим отангнинг ишига

Кўй юрибди ўз ҳушига

Зиндондан чиқар кун борма

Эскирган дардимни ёрма

Мени бунча тергаб кўрма

Товка уйлаб турса гапига ишонмасдан қўйди. Чунки аввалдан **Мастон** уни алдаган эди. Шунинг учун **ҳали** Товканинг гапига ҳам ишонмади. Товка айтди: Полвон Алпомиш нима учун менинг айтган гапимга ишонмайсан деди. Мен отамнинг Ўрдасида туш кўриб, сен блан бирга олишиб, танимни сенга бағишлиб ўянган эдим. Сенинг учун бу қўнишни уч ойга **сараб** олдимку **ҳали** отам Ўрдада хабарсиз қолди. Чўлни ўтлаб келади деб саксон қора норини, яхтан тўла зорини, **илингиздайнинг** борини молларга ортиб **Ўрдани** бўшатиб чиқдимку. Қанча каниз блан бир мунча соз блан келдимку. Бу олиб чиқилган норсам **Қалмоқнинг** қалъасига қайтиб бормаса керак. Алпомиш айтди: Шу гап тўғрими. Ҳа, тўғри бўлмаса мен шундай келарманма деди. Бўлмаса зиндондан мени чиқарасанми, албатта чиқараман деди. Бўлмаса бу сочимнинг узунлиги икки газ келади. Соч ташлаб чиқариб ололмайсан. Зиндоннинг таги саксон газ. Бўпти сен чиқаман десанг ҳавода қўш бўлиб чиқараман. Ҳа, майли ихтиёринг қўлингда хай, ўлдир, хай куйдир. **Хай Қалмок** **алпларининг** устимга тўплаб боғла, хай минорадан ташла ўзинг биласан. **Бўпти** деб изига **кетаверди**. Шу кеча ой ботишда тонг отиш эди. Энди ой ботағазиби тонг отағазиби. Энди қизларга борса ҳаммаси **уихуда** ётипти. Чунки ўйинда чопиб чарчашиб қолган эди. Жой-жойида ухлаб қолипти. Қизларни ўятса қизлар шундай ҳовлиқмай ўянса опам янги келибди тонг отгунча қаерда юрган экан. Ё чўпонлар блан алоқа қилганмикан деб айтади деб ўйлади. Шунинг учун бир тухматни ортиб, ҳовлиқтириб ўятайин деб ўйлади. Бу қизларнинг ичида уйқуси қатти Ҳепаланг каниз бор эди.

Шунинг секин иштонини (паски кийим) пастга тушириб ташлаб, **чорига** беш олти тукириб тур мочохорлар деб қичқирайпти:

Кўриб **қолдик** буни бизлар
Тур жойингдан канизлар
Кеб қолдик чўлу саҳролар
Келиберсам бир чўпон моралар
Туринглар бахти қоралар
Бир чўпон турган экан пойлаб
Қочиб кетди сойга тайлаб
Ёмон сўз блан гаплади
Кораётган чўпон тулкидай
Бўлиб сойга тоблади (кочди)
Туринглар бахти қоралар
Қайсингни чўпон боплади
Чўпон экан ўзи якка
Қочиб қутилди тикка
Чўлда юрган чўпон блан
Қайсинг қилдинг олайқа
Чўпон кетди қирдан ошиб
Қолди менинг қўзим тушиб
Ухлаб қобсан қобоғинг шишиб
Қайсинг қолдинг чўпон блан
Дарровдан **олақа** қўшиб

Қизларга Товканинг туринглар деган товуши боради, ҳаммаси жойжойидан ирғишиб туради. Ҳепангланг каниз ирғиб турса иштони пастга тушиб қолди. Бахти қора бу нима деб қизлар топ-топдан муштлаб қолди. Ҳепаланг ўтириб иштонини ушлаб қолди. Товка ҳам шу политкани қизларга ишлатиб қолди. Товканинг бу политкаси ўзини маламат (билдирмаслик) гапдан сақлаш эди. **Туриш** кетамиз деди. Ҳаммаси жой-жойидан туриб

Ўрдасига етиб жой-жойига ётиб қолди. Тонгни отганлигини ҳам билмай қолди. Иккинчи кечасида Товка отасининг солиб берган Ўрдасини ўртасидан лақимни, қоза бошлади. Кундузи қизлар блан уйна ўтиради. Кечаси бир ўзи Ўрданинг ичида лақим қозаберди. Қирқ кеча деганда зинданнинг атрофига лақимни етказди. Бир куни Алпомиш қораса атрофидан қитирлаб шовқин чиқади. Алпомиш қўрқиб хавас қилди. Зинданнинг тагидан бирорта аждаҳор қозиб келаяпмикан деди. Иккинчи кечасига эса Алпомишнинг уйқуси келмади. Рубартай товуш яқин келяпти. Зинданнинг бу бурчига қочиб турди. Олмос ялт этиб зинданни тешиб ўтди. Алпомиш қораб турса қўлидаги олмосининг оғирлиги бирон ботмон 1.5 центнер чиқади.

Яхши ўйиб лақимдан калласини кўрсатиб ассаломмалайкум Қўнғирот элининг полвони деб тўғри келди. Қараса ҳамма **ери чанг** ботган, қухна (эски) кийимни кийган подшонинг қизи Товка кебди. Товка айтди: Отамнинг Ўрдасида тушимда кўрганимни энди хушимда кўрдимда дейди. Алпомиш айтди: Энди инониб ишондим дедида Товка блан кўришиб, хўп майли деб изига қайтиб кетди ва Ўрдани ичига бориб ётди. Лақимнинг оғзига тахта лиposerlar ташлаб устидан лиpos ташлаб ҳеч кимга **билдирмай** қўйди. Кундузи қизлар блан уйнаб, кечаси Алпомишга овқат олиб кетади. То саҳаргача ўйин томошасини қилиб, кейин қайтиб келаверади. Шуни блан канизлар блмай юраверади. Шу блан подшонинг қизларининг келганига уч ой бўлибди **чўпоннинг** ўти қовраб хос бўлиб қолипти. Қўйлар яйловга, тоғларга **ўралаш** (кетиш) вақти бўлиб қолибди. **Қалмоқ** подшоси **мастон момони чақиртиб** энди **Мастон момо** чўл **қовариб** қолди молларнинг яйловга кетиш вақти бўлди. Энди сиз кетинг, Чилбир чўлига тезроқ еting, молларга юкларни ортиб, бош бўлиб қўчни қўчириб **келиш** деди. Мастоннинг бир давхори (эшаги) бор. Шундан бошқа мол Mastonni қўтаролмайди. Довхорнинг тўқимини белига тортиб, иргиб минди белига, хона чўпини олиб кўлига, чиқди Чилбирнинг чўлига. Кампир Maston Чилбир чўлига қараб кетаяпти. Сойи қирлардан ўтаяпти. Қориблашиб (яқинлашиб) етаяпти. Дов эшакнинг **туғи** ерни қозиб, жангини ҳавога чўзиб бораверди. Товка

канизлари қораятишб Мастон бораяпти. Канизлар чопишиб Товкага айтди. **Мастон** энангиз келаяпти. Товка айтди: Ҳаммангиз олдига чиқиб кутиб олингизлар деди. Қизлар изма-из чопишиб кетаяпти. Товка Алпомиш учун қозилган лақимнинг оғзини **бекетиб**, устидан сорпай ташлаб, билмасин деб **Мастон** олдига чиқиб турди. **Канизлар** **Мастон** кампирнинг қўлтиқларидан суяб олиб келаберди. **Мастон** қараб Товка бир сўз деб турипти:

Кўрмапмиз уч ой бўлипти

Мастон энамиз келипти

Кўп қорадик йўлингиз кутиб

Баҳор ҳам кетдида ўтиб

Бугун энамиз кеб қобди

Бу манзил жойимга етиб

Келалмадим санга ўзим

Кўришишим бўлди лозим

Кел Товкажон қошима

Кўришишим бўлди лозим

Согиниб қолдим жонқизим

Мастоннинг **етти** қошига

Мастон қучоқлаб тушига

Келдим **Қалмоқ**нинг элидан

Одашдим бандаргалар йўлидан

Согиниб қобман қизим деб

Қучоқлаб олди белидан

Товка айтди: Эна ичкарига тортинг деб кўчки қўрғончанинг ичкарисига киргизди. Кампир бирдан лақимга тушалган либоснинг устидан бориб ўтирди. **Мастонга** зиёфат ташлай бошлади.

Хурматлаб меҳмонини

Ёзди досторхонини

Эна енг деб ташлайберди

Оқ буғдой **амрконини**

Қаймоққа ийлаган нонини

Хизматда бўлди кўп каниз

Овқат **қайнатди** изма-из

Эна енг деб тукаберди

Офтоби майда майиз

Тобоқ қатнади дамба-дам

Подшоликка нима кам

Қизлар қўлида тилла жом

Эна енг деб ташлайберди

Чоқилган писта-бодом

Мастон кампир обод кўрди

Товканинг **қўшнини**

Обод қилганга ўхшайди

Чилбирнинг бўстон дашини

Эна енг деб ташлаб қўйди

Тондири ширвознинг **гўшини**

Обод кўрди жойини

Томошадай ўйини

Эна енг деб олиб келиб қўйди

Қўй қатифи, гилагайни

Қилди кампирни зиёфат

Изи меҳнатми давлат

Товка кампирни ким қанча зиёфат қилди. **Мастон** айтди: Ҳой! Қизим бўлди овқат нима қиласан шунча овқат бўлади деди. **Мастон** кампир **билишдан**, шум кампир эмасми қўз остидан Товкага хўп син солиб қораса **Қалмоқдан** кўчгандай эмас бироз ориқлаб қолипти. Юзининг қонлари ҳам бироз қочиб қолипти. Кўзига порасат қилиб қораса боши қоронғига (буғоз) ўхшайди. Кўришганда парасат қилган эди. Бадан гўши бўшаб қолган экан

Кампир сезиб гүмон қилди. Отангнинг чўлдан сенга солиб берган қўрғончаси шуми деди. Товка айтди: Мана шу ҳар йил учун қўниш жой бўладида деди. Бўлмаса мен келганим йўқ қўрғонингни қулли бўлсин қилайин деб бир-икки оғиз сўз айтиб турипти:

Чўлни жойлабди қўйингиз
Ўрда ўтовлар **ўйингиз**
Қулли бўлсин Товка
Ёз ойда қўниш жойингиз
Хидра тутларку пайван
Қулли бўлсин қўчки айвон
Гуллар очилади ғунча
Йўл юрдим чўлда ким қанча
Қулли бўлсин Товка
Отангиз соб берган қўрғонча
Обод экан қўшингиз
Ўнгарилгандай ишингиз
Тенингиз соғми жон қизим
Бўшабди бадан **гўшингиз**
Чўлга кўчиб кеб ўзингиз
Бир мунча бор канизингиз
Тенингиз соғми жон қизим
Нега сўлибди юзингиз
Ўт экан Чилбир чўлингиз
Қалмок уруғ элингиз
Тенингиз соғми жон қизим
Йўғонлагандай белингиз
Қалмоқдан кўчганингизга
Ҳисобласак уч ой бўлипти
Чўлдан кўчириб кетгали
Мастон энангиз келипти

Тенинг соғми **Товқажон**

Рангинг анча сўлипти
Чўлда чопгандай бўбди
Бир ёр топгандай бўбди
Юзингизда қонингиз йўқ
Бирор ўпгандай бўбди
Ҳам менинг билишимча
Қорнингиз кўпгандай бўбди

Товка **Мастон** кампирнинг гапига жавоб қайтараяпти:

Бундай деманг энажон
Тўртта кўйлак кийибман
Қора тепганда бўлипти
Хом ҳам гилагайни кўп ичиб
Қорним кўпгандай бўлипти
Ўсма лолаб ювилиб
Шу сабабдан энажон
Бирор ўпгандай бўлипти

Энди **Мастон** айтди: Менга сен ёлғон гапингни менга айтма мен дарров билиб қўйдим деди. **Қалмоқдан** қўчаётгандаги ҳусни жамолинг қаёққа кетди деди. Қиз бола гул бўлади. Гулни ҳам бироз чанглласа бироз сўлади. Ана сен ҳам гулдайин чангланибсан мен сенга гапнинг тўғрисини айтсам ўтирганинг дашти сахро бўбди. Шоҳ отангта юзинг қора бўлипти. Тоқа бошинг жўра бўбди. Агар **Қалмоққа** борсанг отанг билади, ичингни тилади, омбирлаб **гўшинни** юлади. Сендай қиз энди ўлади. **Қалмоқ** элга бир жомон гап бўлади деди. Энди **сорғайтирибсан** отангнинг қизил юзини, чўлга кўчириб юбориб сендай қизини, ёмон қилдида гапнинг изини **Қўнғиротнинг** хони блан билдим топишибсан, шилимдай бўб ёпишибсан, **савфи сафо** куриб ўпишибсан деб Товкани **Мастон** сиқаберди. Товка айтди: Эй! **Мастон** момо ииртилган ерингни яма, менга бундай дема, кўп саф-саттани қилиб пўқингни

ема. Иккинчи олдимга келма тур йўқ бўл йўлингдан қолма. Бор Қалмоқ подшосига бориб айт нима қилса қилсин. Саксон норни, яхтан зорни, ўрдадаги борини олиб чўлга чиқибман. Иккинчи шу нарсалар Қалмоққа қайтиб бормайди аниқ гапим шулчақдаги Кўнғирот хони блан топишибманми, ёпишибманми у менинг ишим деди. **Мастон** кампир айтди: Ҳали шундайми бахти қора деди. Қалмоқдан олиб чиқиб саксон тuya, шуйтиб қилдингма меҳнатимни зоя ҳе ўл сен жугармак бахти сиё (қора). Мен кетмасам, Қалмоққа дарров етмасам, рангингни сўлдирмасам, **Мастонлигим** билдирмасам, Алпомиш блан иккинчи бу Чилбир чўлда ўлдирмасам деб берди. Товка айтди. Бар кампир айёр нима қилсанг қил дедимку деди. Ҳар куни Товка лақим ичи блан Алпомишга овқат олиб бориб бериб келар эди. Бугун **Мастон** кампирнинг келиш муносабати блан унинг олдидан чиқолмай овқат олиб бориб беролмади. Алпомиш очқаб юраги озиб лақимнинг ичи блан жўнаган эди. Баъзи жойларидан **эмаклаб** ўтиб секин-секин ўрданинг тагига яқинлашган эди. Қулоқ солса **Мастон** кампирнинг овози гуп гуллаб чиқаяпти. Товканинг бўйнига сирини ошкора қилиб, ўлдирдим, куйдирдим қилиб деб овоза чикади. Товка **Мастондан** қўрқмай ҳеч ҳозор қилмай бориб кампир айёр қўлингдан келса қилавер деб овози чикади. Алпомиш айтди: Ҳой **аттанг** мени зиндонга солган хундорига келган экан. Ҳой **аттанг** бунинг қандай иложини қилар эканман деб Mastonning тагидан келиб, шу либосларнинг тагидан билагини ёлонғочлаб қўлини қормаб келаверди. **Мастон** кампир семиз кампир эмасми қуйругининг чети қўлига илинди. Лекин кампирга **ҳоли** шу билинди. Кампир ернинг тагида бир бола бор экан деб жойидан тураяпти. Алпомиш ушлаган жойидан қўймай пастга қараб тортаяпти. Лақимга бир тушириб олайин деб. **Мастон** зўр кампир эмасми қутулиб қолайин деб юқорига қараб тортаяпти. Maston кампир туриб кетди. Алпомиш чангол солган жойидан қўлга юлиниб қолди. **Канизлар** ҳовлиқиб ҳар томонга қараб қочишиб қолди. Аччик блан **Мастон** эшагини миниб энди Қалмоққа бормасам силарнинг бирингни қирмасам деб йўлни чангитиб кетди. Товка овқат олиб Алпомишнинг қошига борса Алпомиш хапа бўлиб

ийғлаб ётиptи. Аттанг **Мастон** кампирни бирёқли қилолмадим, лоқимга тортиб олалмадим, бурдалаб гүшини юоломадим, энди ахволим чатоқقا айланди. **Чаплигига** аввал ўлmasам ҳам энди ўлдим деяпти. **Байчибор** отим бўлганда бу **Қалмоқлар** блан майдонда калла ёришиб, қонга қоришиб **бларман** ўлар эдимда деди. Товка айтди: Эй полвон хапа бўлма ўзим бор. Сенинг учун ҳали ҳам хизмат этаман. Шу кеча **Қалмоққа** етаман, отингнинг беркиган табласини ўзим биламан, бориб отингни ўзим бўшатаман деди. Алпомиш айтди: Қани менга ёрдам бериб отимни менга тобланинг оғзидан бир исириқ (тутатиқ) тутатиб берсанг ўзи келади деди. Алпомиш эскириб қолган чопонининг ўнгридан (четидан) кесиб қўлига берди. Шамол устидан исириқни тутатиб сен **қайтовер** отим менинг зинда бор **эканлигини** билиб ҳеч кимга тутдирмасдан келади деди.

Энди **Мастондан** гап эшитсангиз **Мастон** ана мана деганча кетибди. Қалмоққа бориб етиptи. Қалмоқ подшоси полвонлари блан кўч бугун келарда деб йўлни кутиб турган эди. **Мастон** бораётти подшо қораяпти. Мастоннинг қобоғи уйилган насриғи (маҳаси) қийилган борди. Подшо айтди: Ҳа, **Мастон момо** қачон келдингиз чўлдан, кўчлар келаяптими деди. **Мастон** подшонинг душидан шундай нишидан бориб арз қилаяпти.

Баланд тоғнинг боши буқтар қор
Чилбир чўлга бориб бўлдим абиғар
Қўлингдан кетгандай бўлди саксон нор
Чилбир чўлдан мен берайин бир хабар
Қулоқ солиб қабул қилинг арзим бор
Чилбир чўлинг экан бир дашти сахро
Қизинг ўлсин аввала баҳти **кора**
Куйруқни кўр қуйруқдан солдида **яра**
Арзимни адил сўра
Қизингга кўрмасанг **бўлмайди** чора
Подшойим деб келдим сенинг ўзингни
Бекар кўчириб юборган экансан қизингни

Үз қизинг ёмон қилди үзингни
Хазил демай қулоқقا тарт сўзимни
Арз қилаяпти кампир дод блан
Бу нарсани қайтиб айтай бед блан
Қизинг қилди бу ишларни зид блан
Сув **келди** тоғлардан дулоб-дулоб
Үнг бетига суртибди ўсмо лолаб
Чакда ётган банди Алпомишинга
Зиндонга тош ташлаб қилибди талаб
Зиндонга машол ёқиб
Бандининг хаёлини бузиб
Ҳар куни қарабди чакдан
Бўйнини чўзиб
Чаккасидан боргандай
Лақим қазиб
Кўнғирот хонига топишибди
Маҳкам бўлиб ёпишибди
Ҳеч қарамади ўзима
Қулоқ солмади сўзима
Келмади Чилбир чўлидан
Пок ўлағаздим кўлидан
Қолоғоздимда тутилиб
Қочиб чиқдим қутилиб
Бундайлигини билиб
Қориб кетағоздим ўлиб
Ишонмасанг кўр подшойим
Қуйруқдан қолди юлиб
Қизинг кўрсатди кунимни
Подшо айтайнин чинимди
Қориб олбеди жонимди

Мани кўр оққан қонимди
Бекор кетган экан чўлга
Қизинг келин Қўнғирот элга
Норлар бўлибди широлға
Қизинг ҳаддидан ошибди
Дарёдай бўб тошибди
Чакдаги Алпомишга
Алоқани маҳкам қўшибди

Кампир подшога бўлган ҳодисани айтиб қуйруқнинг ярасини кўрсатди. Подшо жуда ўялиб сиришди. Эй, кампири **Мастон** Алпомишни саксон газ чакнинг ичида ўлдириб юбордим суяги қолмай кетди деган эдингку. Ҳали ҳам ўлмаганми деди. Ўлмаган эканда. Ўлгали қизинг ҳам йўл қўймаган шунга қизингиз шундай деди. Саксон нор яхтан **зор** олиб чиқдим қайтиб Қалмоққа бормайди. Бор қўлингдан келганини қилавер деди.

Энди Товка Алпомишга берган ваъдасига эга туриб сочини тепага йиғиб, эркак либос кийим кийиб, Маллача деган сурғун йўрға оти бор эди. Уни **ҳали** чўлда ўтлатишга олиб чиққан эди. Шу маллачага эгарни қуриб, чўлга суриб яrim кеча – яrim кеча Қалмоққа келган эди. Саҳор-саҳор Байчибор ётган тобланинг оғзидан келиб қоради. Отбоқар **сайилларнинг** ҳаммаси ўхлаб қолганини кўради. Алпомишнинг берган жанда латтасини тобланинг оғзидан тутатиб, изига **қайтади**. Маллача отнинг белига миниб суриб қўяберди. Изига қайтиб **Байчибор** тўрт оёғини узатиб тонг вақти ётган эди. Исириқнинг ҳиди луккасига Байчиборнинг бурнига борди. **Ўқтаниб** иргиб туриб ҳар томонга аланглаб калласини тўлғади. Алпомишнинг эски латтасининг ҳиди бурнига келди. Ҳали эгам ўлган йўқ, зинданда зинда эканда деб оёғида боғланган занжир ҳам нуқтадан (отнинг бошидаги нуқта) боғланган занжирларни уч марта чурчишда (сакрашда) тилка-тилка (бўлак-бўлак) қилиб узиб юборди. Тобладан чиқиб Қалмоқ қаласидан иргиб **қўлберди**. Отбоқор **сайиллар** подшога хабар қилди. Қўнғиротнинг оти ипларни изиб тобладан қочди деди.

Отларга ғовға тушди. Аллар қайиришиб, атроф-бошини чақиришиб Қалмоқларчувуллашиб, ғовуллашиб Байчиборнинг изидан тушди. Эй ана мана деганча қараса кўринмай чўлга қараб эниб кетди. Қалмоқ аллари айтди. Бу слбил еткизмайди ҳали тутқизмайди. Энди изимизга қайтиб торади блан чиқмасанг бўлмайди деб изига қайтишди. Байчибор энди Алпомишни излаб чўлга қараб кетаяпти:

Кетаётир Чибор хизлаб
Чилбир чўлга қараб кўзлаб
Ҳар жойга бориб кишнайди
Йилбарс эгасини излаб
Кинаётир гулдураб
Чўлда кетади булдураб
Кетиб боради Байчибор
Машиндай бўб гилдираб
Чиқди чўлга ўзи якка
Еткирмайди отган ўққа
Туради қозган чанги (туёқ)
Чўзилиб ҳаво палакка
Етти йиллардан бермаған
Топишалмай Ҳакимбекка
Губорсир чилбирнинг доши
Ҳар баландга чиққанда кишинар
Эзилиб тўлпор довуши
Ҳар томонга борар тиклаб
Чўлда кетаяпти луқлаб (чопиб)
Кишина боради жонивор
Йўлбарс эгасини йўқлаб

Алпомиши чакда **эди ғориб** ўлдимда деб йифлаб, хапа бўлиб ота-
оналарига, қовми-қариндош элларига, Ойбарчин суйикли ёрига, эмакдош
Қалдирғоч синглисига рози бўлинглар деб йифлаб турипти:

Ўз элимдан келдим мен ҳам
Ғариб бўлди чақда танам
Оқ **сутинга** рози бўлгин
Кунтуғмишjon жоним онам
Қайғудан қўп бўлди ўйим
Сарғайдида ранги-рўйим
Алпомищдан рози бўлгин
Отажоним дуогўйим
Чакда қолди азиз бошим
Чапга айлангандай ишим
Қалдирғочжон рози бўлгин
Сут эмишган эмакдошим
Кетгандай ихтиёrim
Бормадида хабарим
Бу йўлимга интиқзорим
Алпомищдан рози бўлгин
Суйикли Барчинёрим
Шунқор тепиб синди белим
Бунда қандай кечди ҳалим
Алпомищдан рози бўнглар
Қариндош қовми элим
Қолиб кетган хили хишдим
Келади деб тенги-тушим
Алпомищдан рози бўнглар
Қовми элат **қариндошим**

Алпомишиң ғамгин тортиб турган эди. Тўпнинг оғзига ўхшаб, бир нарсанинг чўлдан овози чиқади. Алпомишиң айтди: **Қалмоқлар** тўп отишиб, келиб қолдими деб жойидан туриб қулоқ солади. Яқиндан товуши келади. Англаб қараса **Байчибор** тўлпорнинг товуши. Алпомишиң энди **Байчиборнинг** келишига хурсандчилик блан қичкириб турипти:

Чайқолмасин давлатим
Ҳам қўлим ҳам қонатим
Овозингдан тулпор отим
Етдида зиндалик хабарим
Кўнгилда қолмасин ғуборим
Овозингдан Байчиборим
Хўп эди кўнгилда ўйим
Тоғу чўлда ҳамрайим
Овозингдан тулпор тойим
Ормон кетбединг қўлимдан
Энди қутқординг ўлимдан
Сени блан сафор қилиб
Чиқбедим Қўнғирот элимдан
Бугун хабар олдинг
Менинг ғариб бўлган ҳолимдан

деб **хурсандчилик** блан зинданда Байчиборнинг келишини кутуб турди. Добири Байчиборнинг гумбирдаб борди. Чакни бир айланди-да икки ярим қулоч бўйини чўзиб чакнинг кўтига қаради. Алпомишиң чакда зинданда кўради. Байчибор чакнинг лабига оёғини тиради. Беш ярим газ думини пиланглатиб ташлаб юборди. Алпомишиң хурсандчилик блан ўзини я Али деб ўзини чўрчиб отди. Отнинг думига қўли илинди. Байчибор Алпомишиң зиндандан ташқарига чиқарди. Байчиборнинг бўйнидан қучоқлаб, абрашин какулидан силаб тавоб қилди. Қайқувват, Эломон ва Замон пойгачи чўпонлар Байчиборнинг чўлда кишина б кетаётганини қўрган эди. Учаласи ҳам чопиб

келиб қолди. Алпомиш бу учта ака-ука чўпонларни кўриб, хурсанд бўлиб кўришиб қолди. Товка қараса оти келиб чиқариб олибти чўпонлар блан бирга турипти. Товка канизларини олдига чақириб олди. Қизлар офтаб юзлар, бу ерга келингизлар деди. Қизлар мен сизларга чинимни айтсам шу ерга қўчиб келгандан бери Кўнғирот хони блан алайқадорман энди. Бу чўлга олиб чиқкан норларни, яқдон-яқдон зарларни Қалмоққа бермаймиз лекин ўзимиз ҳам Қалмоқа бормаймиз деди. Ҳали мен Алавкамни ҳам бош эгали қилиб қўйдим деди. Алавкани Қайқувотга боғишилаб қўйдим. Гулбарчинди Эломонга боғишиладим, Ойбарчинди Замон пойгачига боғишиладим. Ҳаммамиз билсаларинг Кўнғирот элига келин бўлдик эшитдиларингма. Аловка айтди опа ҳали сиз шундай қилиб қўйдингизма деди. Ана шундай қилиб қўйдим деди. Лекин қизлар Эломон, Қайқувот, Замон пойгачиларнинг бақувват, эпчил, зўр, чаққон йигитлар эканини билади. Канизлар айтди: Опа бўлмаса тўй қилингда деди. Товка айтди: Қизлар офтоб юзлар тезроқ борингизлар Алпомишини ва чўпонларни олиб келинглар тўйимиз ҳам зиёфатимиз ҳам шулда деди. Канизлар Алпомишхон сиз чўпонлар блан боринг зияфотга деди. Алпомиш чўпонлар блан биргаликда келди. Зияфот қилиб канизлар хизматда тураверди. Қоравул газанинг устига Товка тўртта канизни қоравул қилдириб қўйди. Товка айтди: Сизлар Қалмоқдан бирор қора қура чиқса, дарров хабар берасизлар деди.

Тўртта каниз тепанинг устига чиқиб боради, атроф бошга қоради Қалмоқ хони беш юз аравани қуров (созлаб) чўлга чиқарган эди. Зил тоғининг тошини мисиранлаб аравага жойлайсан, олиб келиб Кўнғирот хонининг зиндонига ташлайсан, деган эди. Зиндонни тош блан тўлдирасан, Кўнғиротнинг хонини шундай қилиб ўлдирасан деган эди.

Аравакашлар ашулла айтиб чўлда кетаётган эди. Қоравул қизлар айтди: Опа иш чатоққа айланди бутун Чилбир чўли қора-курага тўлиб, ғурпуллаб чанг ҳавога жайилиб келаёбти деди. Товка дурбин олиб қараса савсем аравакаш иккита отдан қўшган шакирдатиб чўлда келаёбти. **Товка** саккизта канизни ҳамрай қилиб олди.

Товка кам газанинг йўлини тўсиб турди. Аравакашларнинг олди етишди, Товка аравакашларга қараб, борадиган ерини сўраб бир-икки оғиз сўз айтаётти:

Сизларга бўлди қандай ишлар
Арава ҳайдаб Чилбир даштлар
Йўл бўлсин аравакашлар
Отга қомчи урасиз
Аравани сурасиз
Айтинглар қайга борасиз
Сойи қирдан ўтаёбсиз
Сизлар қайга кетаёбсиз
Арава ҳайдаб чўлга
Бораёбсиз қайси элга
(Чопилган) От чибилган омонга (соғликка)
От чопишиб ҳар тамонга
Қайда кетаёбсизлар
Қалмангиз қара тумонга

Аравакашлар айтаёбти олдимизда ўраёбти, бизлардан гап сўраёбти бу ким экан, баъзилари айтаёбти подшонинг қизи чўлга қўчиб чиқан деган эди балким шул бўлмаса деябти. Аравакашлар борадиган ерини айтиб турибти.

Биз аравани чўлда сурамиз
Зил тоғга етиб борамиз
Мисиранлаб тош ўямиз
Биз Зил тоғга кетамиз
Вақтилироқ етамиз
Зил тоғнинг тошини
Майдалаб аравага ортамиз
Аравага тош жойлаймиз
Олиб келиб Алпомишнинг зиндонига ташлаймиз

Зўрлигимиз билдирамиз
Алпомишининг зиндонини
Тошдан ташлаб тўлдирамиз
Зиндон устидан **тош** ташлаб
Қўнғирот хонини ўлдирамиз

Товка айтди силарга шуни ким буюрди деди. Аравакашлар айтди бизга подшо буюрди деди. Товка аравакашларга қараб қичқираёбти:

Қизил гулдай сарғайиб сўлманглар
Подшнинг гапига охмоқ бўлманглар
Охмоқ бўлиб бу чўлларда ўлманглар
Уч кун бўлди Зил тоғини босди тумон
Ким борса қайтиб келуви гумон
Бошларингга бўлмасин охир **зомон**
Бир аждарҳо пайдо бўбти тоғнинг белидан
Ҳеч ким ўталмайди тоғнинг йўлидан
Ҳеч ким омон **қолмас** аждархонинг ҳилидан
Ким аждархонинг дамидан омон кетади
Икки тош йўлдан дамига тортади
От **блан** ҳаммангни ютади
Зил тоғнинг дорасини тумон чолади
Зил тоғга борган оник ўлади
Аравалар чўлда эгасиз қолади
Бекарга бу чўлда охмоқ бўлманглар
Ажал ҳайдаб бундай **келманглар**
Аждархонинг домида баринг ўлмангар
Қайтиб кетинг изингизга
Қийинчилик ўзингизга
Қайтиб омон борингизлар
Ўғил ҳамда қизингизга

Товканинг бу сўзини эшитиб аравакашлар изига қараб қайтди. Қалмоқ аллари бутун аскарларини олиб Байчибор отнинг изини сураб энди ҳайданг деб келаяпти. Аравакашлар олдидан чиқиб қолди. Ҳа, аравакашлар нима бўлди деди. Подшонинг қизи бизларни қайтарди, Зил тоғига борманглар Зил тоғида уч кун бўлди бир аждарҳо **пойдо** бўлди. Отларинг блан ютади деб қайтарди. **Аллар** айтди. Сенлар **охмок** қилганига қайтаберасанларми аждарҳо нима қорайди. Эҳтимол Кўнғирот хони оти бориб отланган бўлса, шуни сизларга аждарҳо деган сизларга қайтинглар деб аравакашларни ҳам қайтариб даста-даста (тўп-тўп) бўлиб бораверди. Алпомиш дурбин олиб қараб турган эди. Энди Алпомиш айтди: Чак кўтида ўлиб кетсам **армонда** бўлиб кетар эдимда. Энди зиндандан отимга миниб ўлмай чиққанимда **Қалмоқ** блан бир майдонда **салбашиб** (урушиб) ўлсам армон йўқ деб добил қоқиб майдонга чиқди. **Қалмоқлар** кўриб Кўнғиротнинг хони майдонга отланиб чиқибдида. Ҳа, майли энди майдонда ҳар томонидан чатма ташлаб (ўраб) яхши қўлга туширамиз деди:

Қалмоқлар келди дуна-дуна

Чиқди Алпомиш майдона

Ҳайдайди Аллар полвони

Милтиқ отиб **тоққа-тоққа**

Ташлайди Алпомишбекка

Алпомиш мисли ўхшайди

Чиллада мос бўлган лўкка (туя)

Қарасангиз Ҳакимбекка

Дўланадай жовган ўқقا

Қайтмай от қўйди тикка

Оралай берди Қалмоққа

Нор калла хумдай шишиб

Қалмоқ алпга оралашиб

Майдонда борар савашиб

Үқ отилса потир-**путир**
Бугун бўлмас юзи хотир
(Жеган) **Жаражитган** Қалмоқлар
(Оғнабётир) Ўлдим деб овнаб жатир
Қайтиб-қайтиб тугилди
Қалмоқнинг неча алплари
Отдан овнаб жигилди
Қорағай найза суғулди
Тебаргалар тирқиллаб
Қорағай найза сўлқиллаб
(Йиқилаётир) Неча Қалмоқ жигилаётир
Отдан овнаб шилқиллаб
Бир хили ётирип булкиллаб
Қочганин қўймай ушлади.
(Ёришидан) Жовринидан найза нишлади
Аравани чўлга ташлаб
Аравакашлар қочишни бошлади
Ғубарсиб Чилбир даштлар
Аравакаш қочишни бошлар
Тўғай кетгандай ўт олиб
(Тутун) Ҳавонинг бетини тут олиб
Кушпаранг милтиқлар йўталиб
Отилди майдон **устидан**
Соё ёзган тур сутилди майдон устида
Оқ **қаралабош** обдал найза
Суқулди майдон устида
Неча алплар от устидан
Йиқилди майдон устида
Шодиёна пўлат добил
Қоқилди майдон устида

Шовдираган бедов отлар
Чопилди майдон устида
Жорадор ерга ҳин қиллаб
Йиқилди майдон устида
Қайтиб-қайтиб Алпомиш
Ткилди Қалмоқ устида
От чопилиб чопараста
Кетди Қалмоқ даста-даста
(Секин-секин) олди қочиб аста-аста
Нечави отдан қулади
Жарадор ерга сулади
Бир майдон саваш бўлади
Эҳтиёт бўл ёрамас
Қалмоқ бир-бирига қарамас
Йиқилганни сўрамас
Алпомиш маймонда туриб
Алларни оғнатиб уриб
Қочганини етар суриб
Қалмоқ элга ўтди зўри
Нобуд бўлди **алпнинг** бари
Қочди **Қалмоқнинг** аскари
Чилбир чўлни босди **тумон**
Қалмоқ **аллари** аҳволи ёмон
Қочиш бошлайди ҳар томон
Рустамнинг сабаши марднинг майдони
Алпомиш ҳам **Киғиротнинг** полвони
Аллар боридан айрилди
Қалмоқ элининг хони
Қалмоқ ҳоли бўлди хароб
Қочиши ҳар томон қараб

Хайдайтирил Алпомиши
Қочганининг олдини ўраб

Алпомиши **Қалмоқ алплари** блан урушиб ҳам суришиб калла ёришиб **Қалмоқни** қонга қоришиб, найза суқушиб, қон **ткишиб** то Қалмоқ шахрига киргизиб кейин қайтди. **Алп** полвонлар бари ўлиб, Чилбир чўлида шундай қолиб, қочиб қутулиб борганининг бораётир ранги сўлиб, **Қалмоқ** подшоси қоради, ранги сўлиб бари боради. Нима бўлди деди. Нима бўлсин ишимиз **чапга** айландида Қўнғирот хони отини миниб тайёргарлик кўриб, олдимизга чиқиб турган экан қайтмай бизга тикка от қўйди. **Алп** полвонлар тамом саф бўлди. Ўзи жуда ёмон гап бўлди. Унинг дамига одам тўғри келолмайди. Милтиқдан, жолов тиқдан на ўқдан қайтмайди. Отининг дамидан от **кутилолмайди**. Ҳарна қочганинг изидан кўп қувламадида бўлмаса етиб келар эди. Аравакашларнинг ҳам бари ўлар эди. **Қалмоқ** подшосининг дами ичига тушиб полвонларидан айрилиб ҳам аскар бошидан ҳам айрилиб, дами ичига тушиб дустамон (энкайиб) йиқилиб қолди.

Алпомиши кечирок Товканинг қўрғончасига етиб борса ҳамма **чўпонлар** ҳам қўрқишиб ўтирубеди. **Қалмоқнинг** қўлида нима бўлди деб йўлинни кутиб ўтиришган эди. Алпомиши кўриб **урсандлик** блан олдига чопишиб чиқди Ҳа, полвон деди нима бўлди деди. Алпомиши айтди: Ишинг бўлмасин бобладим деди. **Алларнинг** ҳам сабсем барини сарфладим деди. Қочқанини суриб шаҳарга олиб бориб тиқиб қайтдим. Эси (акли) бўлса энди чиқолмасдай бўлиб қолган бўлса керак деди. Қайқувот, Эломон айтди: **охирига** жуда яхши обрўй олдик. Энди қариндош-қовми элга бир қўшилиб қолсакчи деди. Дарров тоб-тобдан, душ-душдан норларни олиб келиб юкни ортаверди, тайёрланиб тақ бўлди. Жўнамоққа чоқ бўлди. Алпомиши айтди: Энди бўлмаса тез йўлга тушайлик. **Қалмоқ** шоҳнинг икки **қиини**, саксон норини қанча канизини, яхтан **зорини** Қўнғирот элига совға қилдик. Шу ҳам яхши бўлди деб Чилбир чўлга оллаёр деб йўлга равона бўлиб жўнаб кетди:

Ётиб ётиб чак **кутидан** қуч олиб

Қалмоқдан охири ўч олиб
Беш юз **олтмиш** куч олиб
Бойбўрибийга етти йиллик совға олиб
Оллаёр деб йўлга тушиб кетди

Кўч қизил сой блан, фоз деган даҳна блан Кампирак деган тоғ блан,
Кампирак тоққа борса қанча киши блан **мастон** кампир тогнинг **дорасини**
йўлини, тош блан тўсиб ётипти. Энди Алпомиш қўчдан илгари дорога кирса,
тогнинг бу томонидан у томонидан милтиқ тоқа-тоқа отилиб йўлни шу
Мастон кампир тушибди. Алпомиш айтди: Бу кампир қай вақтдан бу йўлни
тўсиб ётган экан деб бир-икки оғиз қичқириб от қўяёпти:

Ташлаб чиқдим Чилбир **чўлди**
Тўсиб чиқибсан йўлди
Бироз кўнглим чала эди
Менга жуда яхши бўлди
(Орқамда) Кейнимда келар кўп сарвон (куч)
Шул эди кўнглимда армон
Жуда энди яхши бўлдим
Топилди дардимга **дармон**
Яхши чиқдинг йўлимдан
Ажалинг тўлипти **климдан**
Кўнғирот хони **ўтолмайсан**
Кўчди олиб **кетолмайсан**
Дорони ётипман бойлаб
Кетасан кўчни тайлаб
Қоранг кампирнинг ўзини
Қалмок сурар сен Алпомиш изини
Сенга бериб юбормас эрка қизини
Қалмоқда маслаҳат шундай бўлади
Алплар кейнингдан қувишиб келади

Кампир шу́йтиб шу йлингни олади
Сенга бермай қизини олиб қолади.

Энди кампир алларнинг Алпомиш қўлида ўлганидан хабарсиз эди. У олдин кетган эди. Сен йўлни тўсиб турасан, орқасидан алларни юбораман шу ерда қамаб кўчни олиб қоламиз. Ўзини ҳам ўлдирамиз деб кампир беш юз киши блан кетган эди. Шу́йтиб олдин тошдан қолаб ётган эди. Алпомиш ўйласа кампир алларнинг ўлганидан хабарсиз йўл тўсиб турган эди. Алпомиш кампирга бир-икки оғиз қичқириб сенинг хабаринг йўқ экан деяпти:

Кампирга қичқириб от қўйди:
Хабаринг йўқ экан гапнинг изидан
Умид узиб қолдику икки қизидан
Энди келолмайди Алпомиш изидан
Сен тўсиб турибсан бугун йўлимдан
Қалмоқ аллар нобуд бўлди қўлимдан
Ҳаммасини териб отдан қулотдим
Ўлигини Чилбир чўлда сулатдим
Алларингнинг бола-чақасин йиглатдим
Подшонг айрилдику полвонларидан
(Изидан) Келолмайди Алпомишнинг чоридан
Умид узиб қолди саксон норидан
Кўнгил узиб қолди икки зилпакдоридан
Баланд тоғнинг бастидан
Етти йил ётдим зиндонда
Сендай кампирнинг дастидан (қўлидан)
Байчиборга қамчи қўйиб
Ташлади кампирнинг устидан

Алпомишининг ловуллаб ёнган ўткир кўзидан кампирнинг кўзи қўрқди. Кампирнинг олиб келган беш юз кишиси Алпомишдан қўрқиб якка-якка тоғдан ошиб қочиб кетди. Кампирнинг орқасидан Байчибор ловуллаб етди. Шориллаб етди. Кампирнинг кейтидан (орқасидан) олтин **содоф** блан сермаб ўтди бўйнидан Алпомишининг олтин содоги яшин устидан эмасми кампирнинг бошини хумдай қилиб узиб ташлади. Кампирни қулотди, доронинг ичидаги сулатди. Эломон, Қайқувотлар куч блан келиб қолди доронинг ичига Алпомишининг икки кўзи қип қизил туздай бўбди. Худди баданидаги туки, уста санчган бугучдай бўбди. Кампирнинг тушига оёғини тираб бир қўлини юлиб доронинг бу бетига бир қўлини у бетига отаётти. **Қайқувот** блан Эломон айтди: Ҳа, Ҳакимбек ака бу кампирни қассоблаяпсизми деди. Алпомиш айтди: Ҳа, юрагимдан менинг армоним энди чиқдида деди. Мени ормонда зиндонга солиб ташлаган **Мастон** айёр шулда деди. Канглим **чала** эди. Шу кампирни нобуд қилолмадимда деб келаяп эдим. Ўзи олдимдан чиқиб қолди. Алпларнинг ўлганидан хабарсиз тошлар блан йўлимизни тўсиб ётган экан. Орқамиздан **алплар** келмоқчи экан. Шу ерда бизни тутмоқчи экан деди. Қани беш юз кишини ўлдирмадингизми деди. Алпомиш айтди: У беш юз киши блан нима ишимиз бор. Подшоси буйруқ қилган келаберганда деди. Кучни дородан чиқариб чўлга чиқариб юборди. **Иш** доронинг номини ҳозир ҳам халқ **кампир от** доро деб айтишадилар. Кампирнинг йўлини тўсиб қалаган тошининг номунаси ҳозир ҳам бор. Кампирнинг мозори ҳозир ҳам доронинг ичидаги бор. Халқлар қадамлаб кўрса мозорнинг узунлиги қирқ қадам чиққан. Ҳозир ҳам ўтган халқлар биртадан тош уриб ўтади. Алпомишининг кўчи кеч вақтида бир жойга келиб тушиб қолди. Эрта блан қораса сув йўқ. Алпомиш канизларни эргаштириб сойнинг ичидан бир қудук қоздирди. Уч қулоч чомоси бор жойдан ширин сув чиқди. Норларни сугориб, ўzlари сув ичиб роҳатланиб, дам олишиб, жўнаб кетди. Қизлар қазиб сув чиқаргани учун халқ уни қиз қудук деб отаган. Ҳозир ҳам қиз қудук деб оталади. **Устида** халқ жойлаб обод қилиб юборган бошқа ҳам қудук қозишиб энди Алпомишининг кўчи кечади.

кундуз йўллар тортиб Оқ сув деган дарёнинг бўйнига **кўч** етди. Алпомиш **кўчидан** икки, уч тош илгари кетар эди. Шу Оқ сув дарёнинг бўйнига эниб борди. Қараса дарёнинг тўлқини қирғоқдан ошиб бораяпти. Алпомиш **ўйлаб** турса Оқ дарё экан. Катта дарё эмас эди. Ҳар вақт оёқ улов блан ўтар эди. Сел келиб дарё тошгани учун гузарларни бузиб юборган. Дарёдан нори ёқса ўтса ўзининг чегарасига яқин қолади. Алпомиш қараса кўчлар ҳам яқин келаяпти дарё қачон қайтарини ким билади. Бир соат ҳам бўлса илгари борсам деб келаётган полвон йигитнинг сабри чидамаяпти. Бошдан ўтган кунларни айтиб дарёдан гузар сураяпти:

Оқ дарё дейди номингди
Қайтариб оққин дамингди
Саёз қилгин думингди
Тагингдан кўрсат қулингди
Йўл бер Оқ дарё ўтайин
Бойбўрибойга етайин
Паст қиб оққин оқишингни
Пастга доқ ташлат решингни
Оширма буйтиб ишингни
Йўл бер Оқ дарё ўтайин
Кунтуғмиш энамга етайин
Тоғларда қозамизор
Гирдобингга Ўрдак жузор
Ўткали бергин гузар
Йўл бер Оқ дарё ўтайин
Қалдирғочжонга етайин
Чакда суюгим сил бўлган
Устингдан **Қалмоққа** ўтганимга
Шу бу йил етти йил бўлган
Барчиной қолиб тул бўлган
Йўл бер Оқ дарё ўтайин

Ойбарчинойга етайин
Ётиб-ётиб чак **күтидан** куч олдим
Қалмоқ элдан ўч олдим
Беш юз олтмиш кўч олдим
(Совға) Бойбўрибойга энчи олдим
Йўл бер Оқ сувнинг дарёси
Ётиб-ётиб чак кўтидан зўр олдим (куч)
Қалмоқлардан ор олдим
Бўрбойи йўғон нор олдим
Яхтанлаб ортиб зар олдим
Товкадай ёр олдим
Йўл бер Оқ дарё ўтайин
Чак **кўтида** қайғу тушиб бошима
Хумор кўзим тўлиб оққан ёшима
Ўлди деб хабар жетган бўлса керак
Хили хишима
Ойбарчиндай бубишима
Калдирғоч эмакдошима
Энам Кунтуғмишима
Йўл бер Оқ дарё ўтайин
Кулоқ сол Оқ сув зорима
Жийсам Жонадил шахрима
Бойбўридай падарима
Йўл бергин қора норима
Йўл бер Оқ дарё ўтайин
Насибани тортиб унда
Етти йил ётиб, зиндонда
Ўтмаслик ёмон кунда
Ўлмай кебман қайтиб зинда
Йўл бер Оқ дарё ўтайин

Алқисса Алпомиш кўзини очиб атроф бошга қараса дарёning тўлқин сели ўтиб кетипти. Энди дарё жуда қайтибди. Эломонлар қўч блан етипти. Епчил сарвон бўлса дарёning шахаб-шахаб, ёйилган жойидан туюни ўткарадиган бўлиб қолипти. Алпомиш айтди: Ҳой, Эломон, бугун бу оқ сувнинг бўйнига келаман, буни Оқ дарё дейди номини биламан. **Печан** лўкнисталаб дарёning яхши жойидан ўткар деди. Дарё бердима рухсат, бўлмаса **каромат** кўчнинг кейнига ўзинг бўласан эҳтиёт ўзингдан **абжим** йўқ. Қайқувот энди сарвонлар шовхим бериб, **норлар** бир-бирини ийинлаб суреб, дарёning сувини ёриб кетаяпти. Сарвонлар шовхим бераяпти. Норлар бир-бирини сўраяпти. Алпомиш бош одағига (пастига) қарайапти. Кўчнинг олди дарёдан ўтиб бораётти. Дарёдан ўтгандан кейин Алпомишнинг Дабриз чўлга кўзи тушди. Дабриз чўлдан ўтгандан кейин мамлакати қўриниши керак. Бир **суткада** Дабриз чўлдан кўч блан ўтиш мумкин. Алпомиш айтди: Қайқувот, Эломон мамлакатимизга ҳам яқин қолиптида. Энди парвай йўқ ҳайданглар деб кўчнинг олдига тушди. Энди булар **Қалмоқдан** чиққандан бери кечакундуз йўл юриб толиб, чарчаб қолган. Йўл юриб қийналиб қолган. Қайқувот айтди. Алпомишбек, **деди**, сизнинг дарёдан ўтгандан кейин ақлингиз шошдима ё ғайратингиз тошдима ё каллангиз шишдима ё Барчин чечам эсингизга тушдима. Сиз **ўйламайсизма** бир суткалик йўлни узоқ чўлни на сув бор, на булоқ бор, **сувлатнинг** бўйидан қаёққа қараб чўллаб кетамиш шу ерда бир-икки сутка дам олиб раҳотланиб ётмаймизми деди. Алпомиш ўйлаб турса Қайқувотни айтган гапи тўғри келиб қолди. Тушайлик деб дарё бўйида чодир тикиб, **тамик** суғиб тушиб қолди. Сув ичиб, нон ичиб раҳотланиб қолишиди. Каниз қизлар ҳам дарёга ювинишиб томоша қилишиб қолди. Алпомишнинг **сабри** бу кўч блан юришга **сабри** чидамаяпти. Сарвонларни, Эломон, Қайқувотларни ёнига чақириб олди. Мен олдимдан чиққан кишидан гап сўраб келаяпман. Баъзилари мен орқа чўлидан Кўнғирот элидан келаяпман дейди. Орқа чўлда Кўнғирот элда нима гап бор деб сўрадим деди. Шу кечай кундуздаги гап деб айтди. Ултонтоz деган бек бўлган аввалги

Алпомишиш **деганбек** Қалмоқ элига кетиб номи йўқ бўлган Алпомишининг ёрининг жўрабоши тоқ бўлган. Кийган кийими матом кўк бўлган Алпомишиш деган бегининг хотинини олиш учун Ултонтоз деган бек тоқ бўлган. Шу кеча-кундузда Қўнғиротнинг элида шундай гап бўлган. Шу Ойбарчин учоқ ўйиб, қўй сўйиб, қозон қўйиб тўй қиб ётириб деб айтди. Бу гапни эшитиб **укалар ақли** шошиб, юрагим тошиб рухсат қилсаларинг сизлардан олдин кетсан. Аввали оқшамга (кечга) бўлмаса эрта блан етсан, чўпон борми, чўлиқ борми яна камини сўраб кетсан олисан (узоқдан) эшитган гапнинг ёлғони кўп бўлади. Кўзи блан кўрмаса, бу гапга ишониб ҳам бўлмайди. Ултонтознинг бек бўлишига қаршилигим йўқ. Лекин мен **ҳали** Алпомишининг ўгай акаси, Бойбўрининг ўгай ўғли Алпомишининг тахтини ҳеч кимга бермайман деб турган бўлса, ота-оналарима ва ука-сингилларимга ва барчиндай ёримга **қатти** бир зулм кун солиб ётмаган бўлса Ултонтозга рахмат айтишим керак. Агар ота-энамни четлатиб, азоблатиб хор қилиб еяр ичишга зор қилиб Ойбарчинни олишга тўй қилиб, бошига от айлантириб ётган бўлса мени ўлдига питиб (кўшиб) зулм қилиб ётгани чин бўлса, ўлганимча Ултонтоз блан бир олишайин деди (курашайин). Эломон айтди: Бўлмаса бу гапингизга қўшилдик. Биз секин кўчиб бораверамиз. Ўзимиз кўрган йўл, ўзимиз кўрган эл деди.

Кўчни буларга тайинлаб бир кароватга (сув соладиган идиш) сув олиб эгарнинг қошига қистириб сарвонлар блан хайрлашиб Дабриз чўлга отини бурди. Икки қамчи Байчиборга урди, сарвонлар кийнидан тудайлашиб қораб турди. Алпомищди чўлга **қаратиб** Байчибор бир сурди беш минутда **қараса** кўринмай кетди. Байчиборга Алпомишиш қичқириб **кетаяпди**:

Ёл қуйриғинг серак-серак

Оёқларинг хидра терак

Кўзларинг бор юлдиз чироқ

Манзилга эткир эртарак

От чопганда ернинг бетини озгансан

Барчин учун Қалмоқ пойгадан ўзгансан

Қалмоқ тулпорини чўлларда чўзгансан
Қалмоқ табласида жойиб озғонсан
Қалмоқ қаласини охир бузгансан
Душман бўлса ўпка боғрин эзгансан
Алқор элни олти марта кезгансан
Алқор элдан оринг олган тулпорсан
Қалмоқнинг табласини бузиб келгансан
Чокда ағволимдан хабар олгансан
Абрашинг думингди чакка солгансан
Қора зиндондан мени суғириб олгансан
Қалмоқ бошга қиямат кун солгансан
Қалмоқ элдан совға олган тулпорсан
Иккимиз ҳам келаяпмиз Қалмоқ элидан
Бир паста ўткаргин дабриқ чўлидан
Ошиб кетайик Дабриз тоғ белидан
Бир хабар олайлик Бойбўрининг ҳолидан
Оқ дайрага ташлаб қора норини
Кўзима бир кўрсат Жонадилнинг шағрини
Үлмай кўрсам бой отам Бойбўрини
Кунтуғмишдан онамнинг дорини
Кетаятир кенг Дабризнинг чўлига
Бир паслда чиқди товнинг белига
Кун чолса товларнинг ғўрим тошига
Олтин садоқ Алпомиш жомбошига
Байчибарнинг абжуш наҳали тарқилаб
Каравутди қистирган олтин эгарнинг (тоғнинг тошига)
Чиқиб борди Алпомиш Дабриз тоғнинг бошига
Товларнинг боши қовдан
Ботир йигит қайтмади жовдан
Ошиб кетди Дабриз товдан

Ўтиб кетди етти йиллар
Ўлдига қўшган эллар
Бустон бўлиб жотир чўллар
Кўзига қўринди Алпон кўллар
Болаликда ўсган жойлар
Чўллар жойлаган бойлар
Алпомишга қўринади
Чўлда ўтлаб жотган қўйлар
Сахро чўл бўб биёбонлар
Кўнгил жугирди ҳар ёнлар
Чўлда ётибди чўпонлар
Бораятири Кўнғирот элнинг мергани
Етти йилдан **берма гап** йўқ кўргани
Ойбарчиной блан бир жил сухбат кўргани
Алпомишга қўринади ғуборсиб
Ўтапирнинг балант пасти, қўрғони
Осилибди турли гулнинг лоласи
Ойбарчиннинг даврида қолган чоласи
Етим қолган Ёдгардай боласи
Кўринади Алпомишга ловиллаб
Ўтапирда пойтахтнинг қаласи
От чопса гумбирлар **ТОГНИНГ** дараси
Олис бўлган Қалмоқ журтнинг ораси
Бороятири Барчинойнинг тўраси
Қалдирғочнинг эмишган шир хураси
Ўтиб кетган неча жоз неча қиши
Ўлди деб кетибди хили-хиши
Кўчини чолиб қолган Барчин бибиши
Мирган оргумон тулпор пироғи
Тош бўлса қирқидай ёшин, ёроғи

Калмоқдан келмаган борлиқ дараги
Бойбўрининг энди жопар чироғи
Булутдай бўлиб чўгиб кўзга кўринар
Ўтапирнинг қора малжим дороги

Энди Алпомиш тўғилган жойларининг **хар** томошини кўриб, жураги лорсиллаб **уриб**, Байчибор отди суриб, бир тепаликка чикиб қоради. Катта бир сурув **қўйди** кўради. **Байчиборди** йўлдан буради, секин қўйларга чикиб боради. Хўп қўйларни томоша қилиб қоради, қўйлар олтияшар, еттияшар, бешяшар бир хиллари тўртяшар бўлган қўйлар.

Бу қўй, Кўнғиротнинг қайси бойининг қўйи экан, бир сўрайин деб чўпонди қоради. Қўйнинг бу томонига **ўтди** чўпон йўқ, у томонига **ўтса** ҳам чўпон йўқ, шу **томнига** ўтиб қораса бир **чўпон** ухлаб ётибди. Соқоли тушига тушган, ухлаб қобоги шишиган, **хаддан** жуда ошган бу **чпоннинг** ўзи зўр эди. Отини Тошпўлат чўпон дер эди, бунинг ўзи ҳам қўпал эди, бирорга айтган сўзи ҳам қўпал эди.

Алпомиш отни дундириб устидан борди. Алпомишнинг шобирига тулпорнинг добрига уянмади. Байчиборнинг (губир) яби отдан жетмиш яби отнинг **дори** бор эди. Алпомишнинг олдидан келаётган жуловчи ўткинчилар Байчиборнинг добрини эшитар эди, Бу чўпон ҳеч уянмади. Алпомиш ҳайрон бўлди. Алпомиш чўпонни ўётишга мажбур бўлди. Чўпон деб қичқираберди, уйхуда ётган чўпоннинг юраги ғолт уради, **чўпон** иргиб туради, атроф бошга қоради. Ҳакимбекни кўради сипа отлига ўхшайди. Чўпон ўйлади бу чўлда сонақчи закотчи юрар эди, шундай отлимикан деб турди. Алпомиш чўпонга қараб, қўйларни сўраб турипти.

Тоғларнинг **қори** тарма
Чўлда юрган чўпон хорма
Бир ўзингма шу қўйга
Қўшқўтон чакарин ҳам борма
Ўнтўртда тўлган ойларинг

Үт экан юрган жойларинг

Шу вақт **келгандан чуйларинг**

Түқсон бошли бўлиб кетгандай

Оқ бўзарда уйларинг

Ўн тўрт бовли чийларинг

Шаҳарда чонг чиқади

Борма кўпкари тўйларинг

Хос кўрма сифо бойларинг

Кимники боқсан қўйларинг

Бу йил ўт экан чўлларинг

Мостма Қўнғирот элларинг

Хотир жамма йилларинг

Кимники боқсан молларинг

Чорва халқсилар барларинг

Бу йил ўт экан жойларинг

Шу вақт ким зўрларинг

Ўт экан чўлу-тоғларинг

Шу вақт гуйлаган чоқларинг

Шу вақт ким бекларинг

Этагинг белга чоласан

Тоёғинг қўлга оласан

Кимнинг чўпони бўласан

Оқ ойилнинг тўғаси

Совут тўннинг **тоғаси**

Кимди қўйларнинг эгаси

Чўпон қараб турди Алпомишга чўпон ўйлади **бу** закотчи, ё саноқчи деди-да жойидан турари, салласини (бош кийим) бир қоқиб ўради тоёгини ердан олиб кўкрагига тиради, оёғини тоёқдан бир айлантириб ўради, Тошпўлат чўпон Алпомишга энди гап беради.

Кўйларга бунча қорадинг
Эгасини мендан сўрадинг
Ширқиллаб учади торчи
Қишлоқларда чопар **тарчи**
Сен ўзинг ким бўласан
Закотчимисан **саноқчи**
Чўпон гапинга юрмайди
Бу қўйларнинг эгаси
Бирорга закот бермайди
Агар закот бер деб келса
Кулогининг тубига тоёқ сермайди
Бу қўйлардан закот олиш
Келмайди сенинг қўлингдан
Қолмай ҳайдайбер жўлингдан
Бордай **кўнгилининг** эгриси
Шулма йўлингнинг тўғриси
Бу чўлларда кўп юради
Сендай **сипанини** ўғриси
Ситам қилди гапнинг кари
Бу қўйларни сўрасанг
Қўнғиротдай элнинг зўри
Бож **закотни** ўзи олар
Икки йиллардан бери
Бу чўлларда кўп юради
Сендай сипонинг порахўри

Алпомишга чўпоннинг гапи жуда ботди. Алпомиш айтди: **Хой**, чўпон нимага гапни тўғри гапирмайсан, тоғларнинг боши қойиб бу гапинг жуда **ажойиб**, **чўпондин** қўйни сўраса даҳмарда бўлама айиб, кетиб қолма гапингдан тойиб, бу қўйларга аслида ким сайиб деди. Чўпон **Алпомишга**

қараса, кўзи ловуллаб ёнаёбти. Тошпўлат чўпон айтди бу **закотчи** ҳам эмас экан, **саноқчи** ҳам эмас экан, **найиб ҳам эмас экан**, бу чўлларда савдогарларнинг йўлини тўсиб юрган оламонга ўхшайди. Бу қўпол гапни нима билади. Мен қўпол гапириб юбордим бу кўзи ловиллаб **танган** аламонда тоги бирор нарса қилиб қўймасин, тўғримни айтақолай бўлмаса деди. Бу қўйлар Бойбўрибойнинг **ўғли** Алпомишнинг қўйи эди. Ултонтоз бек бўлиб Бойбўрининг қўлидан тортиб олиб ўзининг номига ўткарган эди. Тошпўлатни чўпон қилган эди. Энди Тошпўлат Алпомишга қараб қўйнинг дарагини менайтайин сен қулоқ сол деёбти:

Уч кун бўлди бошланиб жотибди тўйлари
Бож **закотни** беради Кўнғиротнинг бойлари
Мол сўрасанг сўлтонбекнинг қўйлари
Ота бобонинг қоидаси
Шуди гапнинг одаси
Тўққиз тўқойга сифмайди
Сарман чол боққан подаси
Молни сўрасанг Султонбекники
Бахорда очилар гулнинг лоласи
Ўтапирдир пайтахти қаласи
Саккиз юз бор қирқ сорвон боққан **чаласи**
Бу туяларни сўрасанг Султонбекники
Одирни кезиб қидириб кезади
Жабойи жондорнинг тулкиси
Ўтапирда бўлиб жотир
Тўй томоша ўйин кулгуси
Алпон кўлга сиймайди (сифмайди)
Култой чол боққан жилқиси (отлар галаси)
Бу йилқини сўрасанг Султонбекники

Алпомишиш ўйланиб ҳайрон қолди. Алпомишиш айтди: Ҳой, чўпон Султонбек деганларинг ким. Чўпон айтди: Номини эшитганинг йўқма Қўнғирот халқларининг хони Энадил Ӯтапир пойтахтининг эгаси деди. Алпомишининг юраги бирдан ғалт урдида йўлда эшитган гапларнинг бари чинга ўхшайди деди. Чўпонга ука шу гапларинг ростма ёлғонма деди. Чўпон айтди: Ҳа рост ишонмасанг бориб кўрақол деди. Алпомишиш айтди: Қатарда нор эди, ўзи ошқор зўр эди, гуркураган шёр эди, оғиз солган аждарҳо эди биз кўргичларда Қўнғиротнинг хонини Ҳакимбек дер эди, қизил гуллар офтоб бўлмай сўлганма шу гапларинг чинма ёлғонма, Алпомишиш бекларинг шу вақтларда ўлганма, Султонбек деган бекларинг яқинда бек бўлганма деди. Тошпўлат чўпон Алпомишининг гапига жавоб берабети:

Тоғларнинг бетини тумон чолганда

Жўловчи мен сенга айтмайман ёлғонда

Сен сўраган Алпомишиш Қалмоқда ўлганди

Зинданнинг қўтида қолганди

Ул ҳам вақтида бек эди

Қўнғиротларнинг элига

Бекликни авлар эди

Алпоннинг катта кўлига

Ўлиб кетди Алпомишиш

Қалмоқларнинг кўлида

Ўлиб кетди зинданда

Бориб Чилбир чўлига

Насибани ҳайдаб ўнда

Алпомишиш йўқдир зинда

Етти йилдан бермаган

Ўлди Қалмоқда зинданда

Эриган товдинг қори

Аниқ бўлди хабари

Икки йиллардан бери

Султонбек элнинг зўри
Элнинг бари оғзига қоради
Чорва халқлар бож-закотин беради
Ўтапир қалани якка сўради
Алпомиш ўлиб кетди
Бориб Қалмоққа
Уч кун бўлди тўй қилди
Ойбарчинни олмоққа
Ҳар куни сўяди семиз қўйини
Бутун чақирган чорваларнинг **бошини**
Уч кун бўлди бошлаб юборди Ойбарчиннинг тўйини
Томоша бўб ётириб ўйини

Алпомиш чўпондан бу гапни эшитгандан кейин юраги тошиб, дарди **дарга** улашиб, ғайрати тошиб энди Бойчиборни икки қамчи урди. Сабил деди шу Ойбарчиннинг тўйининг устига тез еткар бир тўйни кўриб қолайин деб тезроқ бориб қолайин деб оқ газа (тепа) чегарасига отни буриб юборди. Қамчининг захри Чиборга ўтиби тўлиқсиб чўлга **кирбди**, бир пастда кўк **газнинг** устига етиби. Алпомиш атроф бошга бир қаради. Кўп тевани кўради. Ердан қўкариби турли гиёлар чўлни босиб ётириб бўта, **бевалар**, баҳмол чотир тикилган, қирқча сарвон бола ўйнаб ётипти, қорамон тоёқ, теппа калапуш, чилимкес деган ўйинларни ўйнаб ётипти. Туялар ҳар томонга тирқираб тизиб кетган.

Энди Бойбўрининг аҳволидан хабардор қиласиз. **Ултонтоз** Бойбўрининг қўлидаги моли-мулкни тортиб олган эди. Бойбўри четлаб қолган эди. Гапга, **гурухга** қўшилмай қолган эди. Ҳурматлаган киши бориб кўришар эди. Кўзидан нури қочиб қолган одам ким эканлигини тонимас эди. Сен кимнинг ўғли деб сўраб танир эди. У отасини, бобосини айтса яхши **таиib** рахмат айтар эди. Бир куни бирор келиб кўришиб Бойбўрибобо тўйга бормай юрибсизми деди. Бойбўри айтди: Қандай тўй, кимнинг тўйи деди. Бойбўрига

айтди: Хали хабарингиз йўқми деди. Султонбек тўй қилиб ётибдику ҳозир деди. Овул-овулларда, чақиравчи **юбордику** деди. Чақиравчилар ҳамма **халқга** Ўтопирга Султонбекнинг тўйига бораверинглар деди. Уч кун бўлдику деди. Султонбекнинг кўнглида бир ўйи бор элга берадиган қирқ кунлик тўйи бор. Ҳар куни сўйишга без юздан қўйи бор. Икки вақти ошингни, бир вақти гўшингни еб, **кўбкари**, олиш томошангни кўравер деб қичқирдику деди. Эл тўп-тўп, кўп-кўп кетаяптику деди. Баъзи халқлар Алпомиш ўлиб кетдида бориб **Қалмоққа** Султонбек тўй қилибдида Ойбарчинни олмоққа деди. Келинингизни олиш учун тўй **келаётган** эмиш сиз эшитган бўлмасангиз деди. Бойбўрининг оғзидан гап келмаса ҳам, қўлидан бир иш келмаса ҳам, қулоқ эшитиб қурсофи (юраги) қайнаб кетди. Довдираб жойидан туриб жўнаб қўйяберди. Ўтопирга етиб борди. Бутун халқлар **жийилишиб**, қўйлар сўйилиб, қозон қўйилиб, чодирлар тикилиб **тамлик** суғилиб, қозик қоқилиб, отлар боғилиб, ҳар хил ўйин томоша бўлиб ётипти. Бойбўрининг бирдан ранги сўлиб, юраги ғамга тўлиб Ўтопирнинг пойтахтига чиқиб борди. Ултонтоз тўй бокавуллари блан ўзининг хизматкор одамлари блан чоқ-чоқ қилишиб Алпомиш тахтида **тўтабди**. Бойбўри Ултонтознинг душидан бориб қичқириб турипти:

Қаторимдан узилиб қолган қора нор
Қалмоқ элдан бўлмади бирор хабар
Қулоқ солсанг бу сўзима арзим бор
Бугун менинг бу дардима дармон йўқ
Бу юрганим менга озми очи-тўқ
Қулоқ солгин арзим бордир Султонбек
Энди ўйилсинда **якка** кўзим
Шунинг учун келдимда сенга ўзим
Бу гапимга қулоқ солишинг лозим
Ранги-рўйимда сарғайтириб сўлдирма
Юрагимни қайфу-ғамга тўлдирма
Бойбўрини бугун буйтиб ўлдирма

Қалмоқ шунқор бўлиб тепди белимдан
Айрилганим озми йўлбарс ўғлимдан
Бирор хабардор бўлмади бугун ҳолимдан
Бошимни қора тумонлар чолибди
Бу бошима қиёмат кун бўлибди
Нега тўйга деб бунда ҳамма келибди
Йўлбарсимдан Ойбарчиной қолибди
Ўткардида бутун етти йилини
Етти ёшар қилди сағир ўғлини
Тўйга деб йифибсан Кўнғирот элини
Синдирмагин Бойбўрининг белини
Ойбарчинойни қўйгин ўз хушига
Қорангур зулмат кун солма бошига
Жора солма сўм юракнинг гўшига
Кўниб ўтирибди Қалмоқ ишига
Ловдон кўйлаклари матом кўк бўлиб
Йўлбарсдан қоб жўра боши тоқ бўлиб
Шундай ишни қиласанми бек бўлиб

Бойбўри юрак-**бғрини** эзиб арз қилди. Асли арзига Ултонтоз қулоқ солмади нима деяпсан ҳам демади. Учта хизматкорига айтди: Шу уйинг куйгур Бойбўрини дарвозадан чиқариб кўчага ҳайдаб юбор деди. Учтаси жойидан туриб Бойбўрининг ёқасидан тортиб судради. Ҳе уйинг куйгур юз гапни Ултонтоз бир тинга олмайдику нима қиласан бу ерда Алпомишинг Қалмоққа кетган бўлса энди давринг ўтган бўлса нима қиласан деб ёқасидан судраб чиқарди. Дарвозабонга айтди: Нима учун Бойбўрини бекнинг олдига кўйибердинг. Иккинчи Бойбўрини дарвозадан киргизмай ҳайдаб юборасан деди. Энди Бойбўри қаёққа юарини билмасдан тўйхонага оралайберди. Тўйга келган Кўнғирот эллар Бойбўрига қоради. Халққа аҳволим қандай

бўлди деб йиғлаб боради. Ҳар чодирнинг олдига бориб, Қўнғирот элига арз қилиб йиғлаб турипти:

Аҳволим кўр қавми элим
Бойбўрига бўлсин ўлим
Бу аҳволим ҳаммага маълум
Аттанг Қалмок элдан келмади
Мулла Ҳакимдай йўлбарс улим
Бугун қолди менга зулм
Тортиб олди моли-пулим
Бир ҳисобга ўгай улим
Сатқа бўлай қавми элим
Қандай бўлди бугун ҳолим
Гапима қулоқ солмади
Қалмокдан йўлбарс келмади
Бойбўри нега ўлмади
Тингламади сўзимни
Телмартди икки кўзимни
Уриб-уриб чиқариб юборди
Дарвозадан ўзимни
Энди аҳволим қолайди
Манглайимдан ким силайди
Изза ўтибди кашбоқа (бати йўқ)
Ўзига ўлим тилайди
Халқнинг ичини оралаб
Қўнғирот элига жилайди
Бойбўрининг қилган зори
Эшитди элнинг бори
Етти йиллардан бермағон
Келмаган Ҳакимдай зўри
Жетим улди қолиб кетган

Барчин ёри

Бойбўри халқларига аҳволини айтиб йиғлаганига Қўнғирот эли тоқат қлолмаяпти. Бештаси ўнтаси биригиб Ултонтозга бориб Бойбўрини буйтиб ийғлатиб қўйма, қўй бу ишингни дейин деса Ултонтоз гапга қулоқ солмайди. Ҳеч қандай гапни олмайди. Қайта буларни **сўкиб** ҳайдаб юборади. Шуни халқ билиб энди ҳар ким ўз-ўзини кўрари (ўз-ўзи билади) қиламиз деди. **Ҳамаси** ўз-ўзи отланиб, бундан ҳам тўй **бўладима** деб кетаяпти. Бу тўйнинг бакавули (раҳбари) бор эди. Жўрабой дер эди. Қанча тўйга кетадиган **озуқа** шунинг қўлидан ўтар эди. Девонбеги Жўрабой қараса эл тўзиб кетаяпти. Жўрабой отига миниб ҳайдаб **кўл** берди. Ултонтознинг олдига борди. Тўйимиз бўлмади. Халқлар тарқаб кетипти деди. Ултонтоз айди: Нима учун деди. Бойбўри бориб халқларнинг ичига оралаб ахмоқ бўлиб нима учун келдиларинг. Мен Ултонтознинг айтган сўзига юрмайман Ойбарчин келинимни бермайман, унинг сўзига кирмайман, ҳам тўй қилдирмайман деб тўйни тарқатиб юборди деди. **Халига** тўй бўлмаса нима қиламиз деб кетиб қолдику деди. Дарғазаб бўб Ултонтоз жойидан туриб, атроф бошга караб ўзи нима гап. Учта хизматкорга айтди: Тез-тез чоп уйинг куйгир Бойбўрини дарров топ, тортиб қўлинни боғла, калласига қамчи тайла. Ҷўлга қаратиб ҳайда, эланганига қўйма, сира хушига чижим (ип) ботиб кетсин билагининг **гўшига**, ҳайдаб чиқ Жонадилнинг даштига, олиб бориб топшир кўк **газдаги дорга бошига** саккиз юз тевани қирқта **сорву** боқар эди. Қирқта сарвоннинг устидан **контролик** қиладиган кишини дарға боши дер эди. Хизматкорларга айтди: Шу дарға бошига топшириб шундай **дейсин** деди. Султонбек сизга Бойбўри чолни юборди. Қирқ қунга **қатор** тужа боқтирас экансиз деб топшир деди. Учта хизматкор Бойбўрига ҳайдаб қўк газадаги **тевларга яқинлашаверди**. Шу туюнинг ичида битта тева бор эди. Унинг номини Кўкалча дер эди. Кўкалчанинг энасини оқ айри дер эди. Бойбўри шу оқ айри туюни қозоқлардан олган эди. Алномиши шу йили энасининг бўйига ҳамла бўлган эди. Бойбўри оқ айри тевани вақтида азиз тутиб юрар эди.

Давлатбоши бўлдинг менга деб тевани яхши кўрар эди. Шу айри тева уч, тўрт бўта тукқандан кейин, бир бўтани туғолмасдан тую ўлган эди. Ичини ёриб бўтасини олган эди. Кўрса бўта тирик экан. Алпомиш ёш бола эди. Алпомишни **Бойбўри** чақириб, улим жони дилим шу бўтани сенга атаб бердим энди сут бериб катта қилиб **олсан** деган эди. Алпомиш бўтани энасининг олдига кўтариб бориб, **нана** эна шу бўтани отам ўзима атайлаб берди деди. Энаси ўлди, ичидан ёриб олди, энасининг сутини эммай қолди. Бер сутингни соғиб бўтамнинг оғзидан қуяман деб эрка ўғил жанжал қилган эди. Энаси бошқа теваларни соғиб катта қилиб бераман деса ҳам кўнмасдан бир коса сутини соғдириб олиб бўтанинг оғзидан қўйган эди. Етим бўта эмасми Алпомишнинг орқасидан эргашиб юрар эди. Шу Кўгалча **чала** теваларнинг ичидаги бор эди. Катта тева бўлиб кетган эди. Шу хизматкорлар Бойбўрини ҳайдаб келаётганини кўриб, бўзлаб олдига чиқиб борди. Бойбўри эй, жонивор сен ҳали Кўгалча тевамисан деб бўйнидан қучоқлади. Мулла Ҳаким йўлбарсимнинг қўлида каттарган эдинг. Сен ҳам болам, ҳам бўтам деб бўйнидан қучоқлади. Ўзбек Кўнғирот халқи ҳозир ҳам яхши кўрган кишисини бўтам деб гапиради. **Биз** хизматкорлар қирқ сарванинг бошлиғи дарға бошига қирқ кун тева боқтирасан деб топшириб қайтиб кетди. Кўгалча Бойбўрининг бу ахволини кўриб хапа бўлиб қизил гуллар сўлган эканда Мулла Ҳаким йўлбарс **Қалмоқда** ўлган эканда, ўлгани аниқ бўлаган эканда деб яна галага (тевалар тўдаси) қўшилмасдан Кўк тепанинг устига чиқиб, уч кундан бермаган сувсиз, оч чўкиб ётган эди. Сарvonлар ва дарға бошлар яхши бўлди деб, ўзимиз қирқта сарвон, Бойбўри тева боқиш қирқ кун бўлса, Ҳар қайсимиизнинг навбатимизни бир-бир кун қайтарар эканда, қирқимизнинг навбатимизни қирқ кун қайтарсан деб дорға бошига айтган эди. Дорға боши бўбди деб қирқ **сарвони** бушатиб Бойбўрига топширган эди. Ойбарчин устидаги зид блан Бойбўрини тевага қўйган эди. Шунинг учун сарвонлар тевага бормай ўйнашиб ётган эди. Ана энди Алпомиш сарвонларни кўриб ҳам бурилмади, тезроқ Ойбарчинга **етай** деб Кўк **газалдан** эниб кетди. Тулпорнинг добри чўкиб ётган Кўгалча туяга етди. Кўгалча ирғиб туриб

қораса Алпомиши Байчибор отга миниб Карвон йўлдан ўтаётганига кўзи тушди. Етим бўта бўлиб Алпомиши қўлида катта бўлган, бирдан хиёли бузилиб, юраги эзилиб, хумор кўздан ёши тизилиб, бўйни чўзилиб, бўзлаб изидан эргашаяпти:

Ҳаво палаклардан булут энади
Хилидан айрилган ғориб сўнади
Етим бир искаса меҳри қонади
Бўзлаб кейнидан Ҳакимбекнинг жўнади
Йўлбарс эгасини излаб
Жўнади изидан кўзлаб
Бўйнин чўзиб чпар хизлаб
Бўтаси ўлгандай бўзлаб
Турна излаб кеган хилди
Ўткарибди етти йилди
Алпомиши эканин билди
Кўгалчанинг бўзлаган товуши
Бўстон қиб борар **чўлда**
Оқ ойил пуштон туфоси
Совут **қалқоннинг** жағаси
Бўз ўрданинг бўсоғаси
Бўзлаб жўнайди Кўгалча
Бугун Қалмоқдан келибти
Ҳам оғаси ҳам эгаси
Олис бўб **Қалмоқнинг** ораси
Бордай юракнинг жораси
Кўриниб бораяпти қораси
Ҳам эгаси шир хўраси
Чўлди бўстон қиб товуши
Эзилиб юракнинг **гўши**
Бир ҳисобга Алпомиши

Кўгалчанинг Эмакдоши

Бўзлайди бағри **кавоб**

Жетса **Қалмоқчин** жавоб

Кунтуғмишдан эмган сутга

Қайтармоқчин бўб жавоб

Кўгалчанинг товуши бўзлаб етиб боради

Атроф бошга Алпомиш бўйини чўзиб қоради

Бир тева олдини ўради

Кўгалчани кўради

Алпомиш ҳайрон бўлди. Бир тева якка ўзи чўлга бўзлаб кетиб бораяпти. Бу теванинг бўтаси бир жойда адашиб қолганми ё бўтаси ўлганми деди. Тева мол бир ерда бўтаси ўлган бўлса уч кунгача шу ерга бўзлаб боради деб кўйди. Тева йўлдан ҳеч ёққа кетмасдан йўл устида тўхтаб турди. Алпомиш айтди: Одамхўр лўк туялар бўлар эди. Ўткинчининг олдини йўлда олар эди. Бу **ҳарвона** урғочи тева ўзи деди. Тева Алпомишга бўйини чўзиб ингиллаб келди. Алпомиш Байчиборнинг жуловини соқлади. Келиб Алпомишнинг эгнидан исқади. Олдига ўтиб Байчиборнинг бўйнидан исқади. **Байчиборнинг** олдига лоппа чўкиб йиқилди. Кўзидан ёши лимма-лимма тўкилди. Алпомиш силаси қотиб ўйлаб Кўгалча бўта эсига келди. Алпомиш айтди: Кўгалча деган етим бўтани энамнинг сутидан бериб каттартган эдим. Эҳтимол шу Кўгалча бўта бўлмаса деб эсига тушди. Шунча ўлда ўтлаб ётган тева ўтдан калласини кўтартмади. Бу жонивор юрак эзиб, кейнимдан етиб мени исқаб ҳам **Байчибор** тулпорни исқаб олдига йиқилди. Алпомиш ўйлаб турди. Отдан ўзини ташлаб Кўгалчанинг бўйнидан қучоқлаб бир сўз деб турити:

Бўталиқда каттарбединг қўлимдан

Бугун олдим ўраб чиқдинг **йлимдан**

Агар кўгалча бўлсанг сен жонивор

Рози бўлдим сендай ҳайвон молимдан

Чўлларда бўзлаб **боғринг** кабоб

Байчибор блан мени қилдинг келиб тавоб
Кунтуғмишнинг сутига қайтардинг жавоб
Сафар юриб келарман кундуз-кеча
Чўлни бўстон қилдинг бўзлаб мунча
Хизматимга рози бўлдим Кўгалча
Бу орада етти йиллардан бери
Отам бербеди бўталигингда Бойбўри

Алпомиш қараб турса Кўгалча олдига йиқилибди, жони гарданига тирқиллаб тиқилибди. Алпомиш қораса Кўгалча ўладиганга ўхшайди. Алпомиш айтди: Жонивор етти йилдан бермағон бугун мени кўриб эгамнинг қўлида ўлсам деган экансанда. Ёнидан олтин садоқни солиб Кўгалчанинг бошини ўз кўли блан кесди. Калласини қўлига олиб хапа бўлиб турди. Алпомишнинг бу хапа бўлиши Кўгалчанинг ўлгани учун эмас тевалардан бир ўзи айрилиб бўзлаб келгани учун. Кўгалчанинг изидан келаётган сарвоннинг товуши келаяпти. Бу сарвон бойбўри эди. Кўгалча бўзлаб кетгандан кейин сарвон болалар Бойбўрини уриб бор Кўгалчангни қайтариб кел. Бўзлаб ўлган Алпомишни излаб Қалмоқ элига кириб боряпти деган эди. Бойбўри изза кўриб Кўгалчага ҳай-ха, деб қичқириб келаяпти:

Давлатим бошимдан тошиб
Қайда борасан бесайиб
Чопаяпти юрак куйиб
Ўлган эгангни излаб
Бўтанг ўлгандай бўзлаб
Кетдингма Қалмоқни кўзлаб
Ҳай-ха! Деб келар Бойбўри
Етти йиллардан бери
Қалмоқ юртга борган блан
Йўлбарс эганг йўқди тири
Нур қочган икки кўзидан

Мадор кетди тузидан (тузаси)

Хай-ха! Деб Бойбўри

Тушибди Кўгалнинг изидан

Қалмоқ юрт билмам қайдади

Қалмоқда ўлган эгангдан

Энди нима пойдади

Қайтгин кейнингга Кўгалча

Мени йифлатма мунча

Қайтгил Кўгалча мунда

Мени қўйма бундай кунда

Қалмоқ юртга борган блан

Йўлбарс эганг йўқди зинда

Бойбўрининг ҳали қолмайди

Манглайдан кимлар силайди

Изза еган сарвондан

Ўзига ўлим тилайди

Кўгалчанинг кейнида (орқасида)

Изгин тортиб йифлайди

Эзилиб юракнинг **гўши**

Алпомишга етаберди

Хай-ха! Деган **товуш**

Очилий гулда лолам деб

Давримда қолди **чолом** деб

Етти йиллардан бермаған

Ойирдинг Олло Толом деб

Бесайиб қолган галам деб

Изгин тортиб жилайди

Мулла Ҳакимбек болам деб

Хай-ха! Деб товуш **боради**

Кўгалчани қайтар деб

Сарвон болалар уриб
Манглайини ёрибди
Бетини қонга қорибди
Отасининг товуши
Ҳай-ха! Деб етиб борибди
Тошлар бўб қоғир Алпомиши
Телмириб қараб турипди

Алқисса Алпомиши Бойбўрини кўрса чўлда тева боқиб сарвон бўлиб юрган экан. Отасини бу ҳолида кўриб, шундайдинкаси қуриб, қандай илож қиларини билмади. Ўзини тонитиб мен Алпомиши деб ўзини маълум қилайин деса, ичига бу гапни сифдиролмасдан сарвонларга бориб, сарвонлар энди мени уралмайсан, тевага бор деб суролмайсан, Чибор отини чўлларда жилганда (чопганда) Алпомиши бгун келганди. Ултонтозинг ўлганди, силарнинг бошларингга бир қиёмат кун согланди деб сарвонларга чопиб бориб айтади деди. Ўттиз тишдан чиққан сўз ўттиз уруғга жойилиб кетади деган сўз бор. Алпомиши айтди: Келинг ҳаммага Алпомиши келибди деган гап жойилиб кетмасин, ҳамма ҳовлиқишиб қолмасин, нима ҳам бўлса ўзимни танитмай кетайин, вақтили Ойбарчиннинг тўйининг устига етайнин, отам ҳам уч қунгача яхши-ёмон бир қийинчиликни ўткарадида деб Бойбўри блан бир кўришиб кетайин йўлда, йўловчидаи бўлиб деди. (йўлдан ўтаётган киши) Бойбўри яқинлашиб қолди. Лакин кўзи нимкала бўлса ҳам кўзига қора-қура кўринади. Кўгалча менинг товушимни эшитиб ўтлаб тўхтаб турибмикан деб келди. Алпомиши ўзини чидомликка олди ассаломмалайкум бойбобо деб салом берди. Бир кўришайин деб Бойбўрига қўлинни узотди. Отасининг қўлинни бетига суйкаб кўришди. Бойбўрига Алпомиши бир-икки оғиз қичқириб турипди:

Ул тоболардан бул тобо
Дардингизга келсин даво
Бу тужа сизникими

Тева боқар сарвон бобо
Мен ўткинчи эдим шу йўлдан
Тева бўзлаб келди чўлдан
Ўталмай йиқилди шу йўлдан
Касалмеди аввалдан
Қовмати жойдай букилди
Торсиллаб ерга йиқилди
Жони **гарданига** тиқилди
Қорадим тева ўлгудай
Бу чўлда бе эга қолгудай
Ажали тўлса ўлсин деб
Кимнинг моли бўлса ҳалол бўлсин деб
Отдан ўзимни тайладим
Ҳар томон гаплар ўйладим
Калласини олиб тайладим
Хапа бўлмайсизми биздан
Тевангизнинг калласини
Бесўров олдим сиздан
Кўкарибди турли **гил**
Ҳалол бўлди шу тuya
Чунки чиқди йўлимдан
Калласини олдим қўлимдан

Бойбўри ўйлаб турди. У **ўткинчи** улим, жони-дилим, товдинг боши қор бўлган, бу совдалар тақдиримда бор бўлган, **Ултонтоз шу вақтлар зўр бўлган**, кўзи қурғур **нимкалар** кўр бўлган, қулоқку аввалдан кор бўлган, бу ўтган қун менга сир бўлган, одашган юрган йўлдан, ихтиёrim кетган қўлдан, ойрилдим моли-пулдан, етти йиллардан бермаған Мулла Ҳакимдай йўлбарс улдан, мен сени танимаяпман келиш асли қандай элдан. Бойбўри айтди: Агар отдан тушиб, калласини олганингда олмаганингда ахволим чатоқ бўлар эди. Отдан

тушиб меңнат қилиб, калласини олиб, ҳалол қилибсан деди ким бўлсанг
ўғлим мен розиман деди.

Алпомиши Байчиборнинг белига миниб биз ҳам узоқ йўлга кетаяпмиз бир дуо беринг деди. Бойбўри айтди: Ол олдирма, тул тукилма, сафаринг беатар бўлсин қайда бўлсанг омон бўл, обрўли бўл деб ду берди. Бойбобо туюнгизнинг калласи мана деб қўлига берди. Байчиборга икки қамчи уриб чўлга равона бўлди. Кўринмай кетганча орқасига қарай-қарай кетди. Алпомиши баланд тепага чиқиб Байчиборни қошинтириди. Байчибор ҳар томонга элириб қоради. Алпон кўлнинг устидан борибди. Байчибор шу кўлда онасидан туғилган эди.

Алпомишининг йилқиси шу кўлда ётар эди. Қултойбобо йилқини боқиб шу Алпон кўлда юрар эди. Байчибор туғилган жойини қўргандан кейин онаси эсига тушди. Чунки Алпомиши Қалмоқقا миниб кетаётганда онаси йилқининг ичидан чиқиб Байчиборнинг орқасидан эргашиб шу тепанинг устига чиқиб кишинаб қараб қолган эди. Байчибор етти йил Қалмоқ табласида ётиб, Қалмоқдан ўлмай бу туғилган жойимга келдиму, лекин ҳали онам борми ёки ўлиб кетганмикан деб уч мартаба кишинади, оёғини ерга тиради. Алпомиши Байчиборга қараса юраги эзилиб, ҳолсираб хапа бўлиб кишнайпти. Тўпнинг товушидай, Байчиборнинг товуши гул-гуллаб Алпон кўлига етаберди. Қултойбобо йилқини кундузи чўлга ҳайдаб кетар эди. Кечаси кўлга олиб келиб ташлар эди. Байчиборнинг онаси йилқининг ичидаги ҳали ҳам бор эди. Лекин қориб қолган эди. (Ёши анча бориб қолган от) Ичи-ичига қопишиб, ёллари эшилиб, ақли чашилиб пойлари ғурум бўлиб қўшилиб, ийиқлари тешилиб, қориб қолган эди. Уч кун бўлган эди. Йилқиларга эргашалмай кўлда қолиб кетганига. Қултойбобо бу йилқининг кўлда уч кундан бермағон қолиб кетганидан хатарлар эди. Бугун йилқини кўлдан чиқариб чўлда ҳайдаётганида яна кўлда қолди. Энди Қултойбобонинг Жиловдор деган ўғли бор эди. Қултойбобонинг ёнида юрар эди. Жиловдорни Қултойбобо ёнига чақириб олди. Улим йилқини чўлда мен ўзим боқиб келаман, сен бугун шу йилқига хабардори бўлиб қол деди. Навода чукур пуқурга йиқилиб бўйни остига қайрилиб, харом ўлиб қолмасин, йиқилди калласини ол деб тайин қилди. Жиловдор айтди: Харом ўлса, ўлаверсинда

баданида бир тишилам гүши йўқ деди Қултойбобо гүши блан ишинг бўлмасин бу йилқининг қадрини сен билмайсан. Бу йилқининг қадрини мен биламан Бойбўрибобо билади деди. Бу жонивор тулпор туқсан бу деди. Бунинг туқсан тулпорини Алпомиш Қалмоқ элига миниб кетиб, етти йилдан бермағон бори-йўқлиги, очи-тўқлиги, ўли-тирилиги маълум бўлмай кетди деди. Агар шунинг харом ўлганини Бойбўри эшитса, ўғлининг Қалмоқдан келмаганлиги аламидан бу зиёдироқ бўлади деб беш юз суругини қўлига олиб йилқини чўлга ҳайдаб кетди. Байчиборнинг онаси кўлнинг четига чиқиб ўлайин, ўлсам ҳам деб йилқиларнинг изидан жўнаган эди. Бир забирдан (чуқурлик) ирғиб ўтаман деб бир оёғи забирга суғулиб, кўндаланг бўб забирга йиқилиб, гўёки жони гарданга тиқилиб, забирга нураб, ахволи хароб, туролмай тумшуғини ерга тираб туролмай ётган эди. Шу чўлдан кўлга Байчиборнинг овози гул-гиллаб кўлга келаберди. Байчиборнинг онаси қулоқ солса сутини эмиб каттарган тулпорнинг овози экан. Энди тулпорнинг овозини эшитиб туриш учун талпиниб ҳаракат қиласяпти.

Овози бўстон қиб чўлни
Овози етиб келди
Ётиб туриб энаси
Овозига қулоқ солди
Байчиборлигини билди
Талпинди ётган жойдан
Оёғини тортар лойдан
Етти йиллардан бермағон
Айрилган тулпор тойдан
Очилсин гулнинг лоласи
Келаётир Алпон қўлга
Сут эмган тулпор бола
Эзилиб юракнинг гўши
Яқинляяпти товуши
Қора кўздан қонли ёш

Қатор-қатор эшилиб
Қалмоқ элга кетганди
Бовридан чиқиб чашилиб
Қалмоққа кетган тулпордан
Овозини эшитиб бирдан
Талпинди ётган ердан
Оёгини сугуриб забирдан
Иргиб жойидан туради
Хар томонга силкиниб қоради
Хайвон ҳам бўлса энади
Бирдан Алпон кўлидан
Чириллаб кишнаб жўнади
Тош емиранади додига
Жўнади тулпор отига
Байчибор учун эмчаги
Нойдай бўб тўлди сутига
Кишинаётир чирқираб
Икки эмчақдан оққан сут
Кетаятири тирқираб
Байчиборнинг овози
Келаятири гуркираб Иргиётир энаси
Хар забирдан сакраб
Эмчаги тўлиб сутига
Чиқди Алпон кўлнинг четига
Сафар қилган узоқ йўлдан
Обрўй олган Қалмоқ элдан
Энасидан айрилганга
Ошағозган етти йилдан
Қулоқ солса Байчибор
Энасининг товуши

Чинқириб чиқади күлдан
Байчибор Қалмоқдан келиши
Эзилгандай юрак гүши
Байчиборга бораяпти
Күлда кишинаган товуши
Байчиборнинг юраги тошди
Күлдан эшишиб товушди
Алпомишни олиб қочди
Баланд тоғнинг бастидан
Гап келади пайвастидан
Эна ерди Байчибор
Алпон күлнинг устидан
Чорх уриб ўз бошига
Жолтиллатиб чиқди энаси
Алпон күлнинг дашига
Энасини кўриб Байчибор
Бўйнини ерга ташлаб эркалаб ўз бошига
Энаси етди қошига
Ўқраниб Чиборни
Тортаберди тушига
Баланд тоғнинг боврига
Байчибор ўз оврига
Ўқраниб энаси
Тортаберди боврига

Алпомиш Алпон күлнинг устига келиб Байчибор лўқсиб жўнагандা тушиб қолган эди. Алпомиш Алпон кўлининг устидан келиб қораса Байчибор энасини эмаяпти. Энасининг эмчаги Байчибор учун нойдай бўб сутга тўлибди. Тойликдан эмган сути эсидан чиқмапти. Энасининг эмчагини

сўраяпти. Алпомиш Байчиборни кўраяпти. Байчиборга Алпомиш бир-икки оғиз қичқираяпти:

Оқ дорлда қолиб кетди саксон нор
Билмам улардан бўлмади хабар
Энанг эсга тушиб кишинадинг хуну жигар
Торт оғзингни эмчакдан Байчибор
Қалмоқ элдан миниб келдим мендай отти
Дунёда йўқ экан мендай меҳри қотти
Сен энангдан келиб эмдинг оқ сутти
Мен ҳам эдим Бойбўрининг фарзанди
Торт оғзингдан эмчагингни Байчибор
Менинг учун йиғлаб отам
Чўлларда ғариб кавоб
Отдан ташлаб Бойбўрини қилмадим товиб
Хизматига қайтаролмабман жавоб
Торт эмчакни оғзингдан Байчибор
Отам сарвон бўб чўлларда боқиб тuya
Менинг учун йиғлаган юраги куя-куя
Бойбўрининг меҳнатини қилдим зоя
Бойбўрига мени қилма юзи сия
Торт оғзингдан эмчагингни Байчибор
Бойбўрига сарғайтдингда юзимди
Тонимадим Алпомиш деб ўзимди
Алпон кўлда телмуртмагин кўзимди
Алпомишга бугун ўлим лозимди
Торт оғзингдан эмчагингни Байчибор
Кўрмаганимга кетган экан етти йил бўлиб
Туя боқиб юрган экан макони чўл бўлиб
Мен отама тонитмобман ёлғиз ул бўлиб
Торт оғзингдан эмчагингни Байчибор

Қизил гулдай ҳамлар ғайиб бўлмадим
Мен отама сен ҳайвонча бўлмадим
Қалмоқ зиндонида нега ўлмадим
Торт эмчакдан оғзингни Байчибор
Бугун фидо қилма сабил жонимни
Бойбўрига айтмадимда мен чинимди
Кучоқлаб ўпмадим отажонимди
Торт оғзингдан эмчагингни Байчибор
Бул ўрнимга Ултонтоз бекмикан
Ойбарчиннинг жўра боши тоқмикан
Менинг отам сенинг онагча йўқмикан
Торт оғзингдан эмчагингини Байчибор
Қўнғирот элга шавахум довруқ бўлмасин
Иккимизнинг Алпон кўлга келганимизни ҳеч ким билмасин
Торт оғзингни эмчакдан Байчибор

Алпомиш Байчиборнинг энасининг сутини эмаётганини кўрган сан оталига тонитмай ўтганига хапа бўлди. Қултойбобо чўлда жилқи боқиб юрган эди. Байчиборнинг энаси учун гулдуллаб кишинагани чўлдаги Қултойбобога борган эди. Қултойбобо Байчиборнинг Алпон кўлда кишинаётганини овозидан тониб, йилқиларнинг соврисига суруқ тайлаб, йилқиларни тўда қилиб суриб келаётган эди. Устида Алпомиш келган келмагани маълум эмас эди. Алпомиш кўлга Қултойчол яқинлашган вақти эди. Алпомишнинг Байчиборга қичқирган товуши шер боланинг товушидай Қултойбобога борди. Алпомишнинг товушини эшитиб Қултойбобо ана йўлбарсим Қалмоқдан келиб қолганга ўхшайди деб отдан ҳам ўзини отиб ташлаб сурукни ҳам отиб юбориб йўлбарсим деб чопиб қуяберди. Алпомиш қораса Алпон кўл йилқига ғирқиллаб тўлиб қолди. Қораса Қултойбобо Алпон кўл устидан лопонлаб ташлаб келаёбти. Алпомиш Қултойбобони кўриб, ирғиб жойидан туриб, қадирдон бобом ҳали ҳам йилқида бор экан деб

жўнайберди. Бойбўри отамга ўзимни тонитганим йўқ эдим, Қултойбобо ишонорли одамим деб бораберди:

Ўл табодан бул табом деб
Сиз дардима давом деб
Ўлмай зинда кўрдимда
Қодирдон Қултойбобом деб
Офтоб чолгандай бошига
Ёш мўйсафид кишига
Яқинлаб борди қошига
Ассаламмалайқум бобо деб
Қўлини тутди тўшига
Қултойбобо чопипти
Пиёда ҳамили куйиб
От қўйган қулоғин жойиб
Келиб қучоқлар от қўйиб
Қултойбобо келиб қолди
Алпомишни қучоқлаб
Боғрига тортиб олди
Минган оти Байчибордай пироғи
Суянган нов терагим
Шу кунларимга керагим
Ёндида ўсган чироғим
Ўпка блан юрагим Байчибор тулпорни чўлларда елганим
Қалмоқ элидан соғ-саломат келганим
Қалмоқнинг бошига кунни солганим
Бугун зинда кўрдим Арелон полвоним
Юрагимда кўп эди қайғу алам
Бугун кўрдим омон эҳсон соғ-саломат
Зинда кўрдим Мулла Ҳаким болам
Эрисин тоғларнинг бўктар қори

Ўлган деб кетбеди халқингнинг бори
Сен сан Қўнғирот элимнинг зўри
Ҳисобламай етти йиллардан бери
Ормоним йўқ бугун қўрдимда пшра
Тоғларнинг қори тармани
Кўп эди кўнглимнинг ормони
Алпон кўлда топилди бугун дардимнинг дармони
Бобонг тасаддуқ Ҳакимбек Қултойда энди армон йўқ
Оқ ойилимнинг тўғаси
Бўз ўрдамнинг бсағаси
Култой чол ўлса ормон йўқ
Ўлигимнинг асабаси
Кучоқлаб йиғлаётир
Мураҳўр Қултойбобоси

Қултойбобо Алпомишни қучоқлаб бир майдон йиғлади. Алпомиш қорағурса Қултойбобога томоқдан гап ўтгандай ўқиниб йиғлади. Алпомиш Қултойбобога нега йиғлайсиз хапа бўлманг деб бир сўз деб турипти:

Насибани ҳайдаб ўнда
Етти йил ётиб зиндонда
Ўтмаслик бир ёмон кунда
Хапа бўлманг Қултойбобо
Ўлмай қўрдикда зинда
Етти йилдан бери кетиб Қалмоқ элига
Етти йил асрда ётдим Чилбир чўлида
Зиндонда азоб кўриб Қалмоқ қўлида
Бугун сизни қўрдим Алпон қўлида
Қизил гуллар афтоб урмай сўлима
Қариган бобом хапа бўлиб йиғлама
Қазо ўмай Алпомишинг ўлама

Үлган одам яна қайтиб келама
Зинданда ётдим етти йил очи – түк
Хапа бўлманг ўлмай келди Ҳакимбек
Кеча-кундуз Қалмоқдан мен йўл юрдим
Бу орада неча тогу – чўл юрдим
Байчибор тулпорга қистов қиб сурдим
Хапа бўлманг ўлмай дийдоринг кўрдим

Алпомиш Қултойбобога насиҳат бериб, хапа бўлманг деб, ҳол-аҳвол сўраб турипти:

Ўтиб кетган етти йиллар
Бобо қандай бу вақт ҳоллар
Омонми Кўнғирот эллар
Биз туғилган бу эллар
Омонми чорва халқлар
Биз билмай элнинг хабари
Ҳам етти йиллардан бери
Омонми халқларнинг бари
Кўнғиротнинг чорвалари
Ободми бобо чўллар
Мен овлаган Алпон кўллар
Саломатми Кўнғирот эллар
Бобо қандай бу вақт ишлар
Атрофдаги хили-хишилар
Қолиб кетган қариндошлар
Етмади Қалмоқнинг қучи
Балли сўзлар болдан чуччи (ширин)
Бутун ҳамма катта-кичи
Омонми бобо омонми?
Чак тагида ғариб танам

Үлмай келибман мен ҳам
Қовми элат ота-онам
Омонми, бобо омонми?
Кетган йўлима қараган
Кўрган тушин яхшиликка сўраган
Ўткинчилардан сўраган
Ойбарчинойлар омонми?
Тол бешигимга тайанган
Ёлғиз улга суюнган
Эмчакни оғзимга солиб, сахарда уйғонган
Кунтуғмиш энам омонми?
Янги тўнимни силовчи
Ўнг йўлимга тиловчи (жиловдор)
Келишима тиловчи
Қалдирғоч синглим омонми?
Икки кўзи йўлида
Кеча-кундуз дилимда
Қайғудан кўпdir ўйим (ғамим)
Кеча-кундуз дуогўйим
Бойбўри бий омонми?
Ошибти етти йилдан
Хабарим йўқ бу элдан
Сизни кўрдим Алпон кўлда

Ўртага қўйган ширин жон
Биз блан бўлган бу тан
Дўстим эди Коражон
Коражон полвонлар омонми?

Алпомиши халқини, юртини тинчлигини ота-она, қариндошларини сўради. Қултойбобо Алпомишига қараб деди:

Чиқиб кетдинг овул, элдан
Ошиб борар етти йилдан
Гап сўрасанг мендай чолдан
Саломатлик эшитсанг элдан
Саломатдир элнинг бари
Тилакчи迪 ёшу – қари
Икки йиллардан бери
Ултонтоз бўб элнинг зўри
Қултойнинг гапи шу бўлди
Ултонтознинг беклигига икки йил бўлди
Ултонтоз элга бек бўлди
Баъзи эл кўчиб йўқ бўлди.
Ойбарчин қизил қўйлаги шу вақтларда кўк бўлди
Жўра боши тоқ бўлди
Ултонтознинг димоғи шу вақт жуда чоқ бўлди
Насияси нақ бўлди
Норазиди элнинг бари
Ултонтоз бўлиб элнинг зўри
Йиғлади халқинг, отанг Бойбўри
Шунқор тепди Бойбўрининг белига
Ўлди деб хабар Қалмоқ элидан
Давлатнинг борин тортиб олди қўлидан
Бойбўри айрилди қўлидаги молидан
Қатордан узилди сендай нори
Отанг ҳали зиндондир ўлган йўқ Бойбўри
Бойбўрини бундай қилма деб
Далолатчи бўлди халқнинг бари
Олмади халқнинг айтган сўзини

Ёмонга айлантириди ишнинг изини
Йўлинга телмуртди отанг кўзини
Элингнинг гапига қулоқ солмади
Халқнинг насиҳатини олмади

Бу гапдан Алпомиш хапа бўлиб ўйланиб қолди. Ултонтоz бунчалик иш килади деб ўйламаган эди. Алпомиш Қултойбобога ҳа, ўтган ишлар ўтиptи, шу уч-тўрт кун ичида нима гаплар бўлаятири шулардан гапиринг деди. Қултойбобо айтди, ўғлим мен йилқи боқиб юрган одамман, шаҳарга кўп бормайман, ўтган кун Ултонтознинг девонбеги Алпон кўлга чиқиб келди. Девонбеги менга қараб Қултойбобо сизга бир хизмат бор деди. Нима хизмат деган эдим, у шундай деди: Султонбой қирқ кунлик тўйини бошлади. Ўтапир майдонига чодир тикиб ташлади. Халқ кўп келиб қолди. Ақлимиз шошиб қолди. У ердан одамларимиз хизматдан чиқолмайди. Сиз эртага чўпонлар олдидан беш юзта чори, панжи қўйларни олиб, ҳайдаб боринг, ҳам бекнинг тўйини қутлуғ бўлсин қилиб келасиз деди. Мен айтдим Девонбеги бу хизмат ёш йигитларнинг хизмати экан. Мен қўйларни сурувдан ажратиб, ҳайдаб келолмайман, қочганини қайтаролмайман, шунинг учун бу ишга ёшроқ йигитлардан юборсангиз мен боролмайман деди. Шундан сўнг у бирдан қилиб ийсатини устима қамчилиб дўндиридида отини, сизга қўймади хушима, тўрт қамчи урди бошимга, ўрган қамчисининг доғи ўтиб кетди бадан гўшима. Уйингни куйдираман, ирисқингни қийдираман, жаллод қўйиб сўйдираман, зўрлигимни билдираман, гўшиングни омбирлаб юлдираман, қамчига баданингни тилдираман, ажалинг тўлдираман, эртага шу қўйларни олиб бормасанг сени аниқ ўлдираман деб менга шу вазифани айтиб кетди. Бу гапни эшитиб Алпомишнинг бадани дуриллаб кетди. Алпомиш Қултойбободан Девонбегини ким деб сўради. Қултойбобо айтди: Ўзини танийдиган ҳалиги Жўрабойда, Ултонтознинг амакиси. Алпомиш айтди: Ултонтознинг тўйи нима тўй. Мен ҳам овуллардан эшитдим деди. Мишмишларда: Алпомиш Қалмоқда ўлиб кетди, шунинг учун Султонбек

Ойбарчинни олмоқقا тўй қиласатир деб эшитдим деди. Алпомиш жойиан турип, бетоқат бўлиб, нима бўлди экан Ойбарчинга деди. Мени кўнглидан чиқариб юборипти-да, Ултонтозга рози бўлибди-да, аввал тўйимни ўтказ, кейин мен сенга тегаман депти-да деб бетоқат бўлаберди. Қултойбобо Алпомиши ёнига ўтиргизиб, насиҳат берди: Мен ўтган кун Сариқул Элбегининг овулига борбедим. Шу ерда ҳам тўйнинг гапи бўлаётган экан. Ултонтознинг иккита кайвони кампири Ултонтоз учун Ойбарчинга совчи бўлган экан. Ойбарчин совчи кампирларга : Момо, Кийиминг йиртиғини яма, совчиман деб иккинчи олдимга кУлтонтозинг учун менга бир нарса дема, кўп номақулларни ема, тез кет йўлингдан қолма, қарайман мен Қалмоқ кетган арслонимнинг йўлига, ота-бободан қолган бир гап бор: сафарга кетган киши кадсан кийиб кетса келмайди, кебанак (юнгдан қилинган кийим) кийим кетган келади. Менинг йўлбарсим кебанак кийиб кетган, шунинг учун мен умид қилиб турипман деб совчиларни қайтариб юборипди. Шунинг учун сен хапа бўлма, Ултонтоз тўй қилса қилаверсин, Ойбарчин сендан умидини узган йўқ деди. Севинчидерсан кетганингга етти йил бўлди, Ойбарчиннинг бўйидаги етти яшар ул бўлди. Мен отасининг ўрнига ўрин бўлсин деб, отини Ёдгор қўйдим. Менинг ҳам Ёдгор ёшитли бир ўғлим бор, мен шу ўғлимнинг отини ният блан Ҳакимбек йлбарсим Қалмоқдан эсон-омон келса, отининг жиловини ушласин, унга жиловдор бўлсин деб Жиловбой қўйган эдим. Ниятима етдим деб, Жиловдорни чақирди, Алпомиш Жиловдорни кўрди. Алпомиш хурсанд бўлиб, Ёдгорнинг севинчиси учун Қултойбобога бир чангали тилла берди. Алпомиш Қултойбобога: Мен Қалмоқдан совға олиб келаётирман, саксон нор, кўтарганча зар, подшонинг қизи зулфакдор, қанча канизлар ҳам бор, Эломон, Қайқувот, Замон чўпонлар ҳам бор. Қултойбобо: Э, ўғлим улар қаерда қолди деди. Алпомиш: Уларни Оқ дарёдан ўтказиб қўйиб, келдим деди. Қултойбобо нима учун ўзинг блан бирга олиб келмадинг деди.

- Алпомиш айтди: Юрагим етишмади, чунки йўлда кўп гаплар эшитган эдим. Бу гаплар чинми, ёлғонми ўзим бориб қўрайин деб ўзим олдин келган

эдим деди. Фақат сизга ўзгамни танитдим. Бошқа ҳеч кимга билдирганим йўқ деди. Энди, шу буёғига ҳам ўзим борсам, тўйни ўз қўзим блан кўрсам, сиз менга қандай боришимни менга айтсангиз деди.

- Қултойбобо: Ўғлим агар борадиган бўлсанг бу кийиминг блан бирдан бориб қолма, халқ танийди деди. Сен шундай бор: Менинг кийимимни кийиб, мен бўлиб борсанг сени танимайди. Сенга менинг соқолимга ўхшаш соқол қилиб бераман. Мени тўй оқсқоллари қўй ҳайдаб келади кутиб ўтирипти. Сен шу қўйларни ҳам ҳайдаб боргин. Улар сени Қултойбобо деб танимайди. Кейин ўзинг биласан ким дўст, ким душман деди. Алпомиш Қултойбобонинг кийимларини кийиб олди. Қултойбобо Алпомишга таёфини бериб, қўйларни олдига солиб бериб: мана бу ўзингнинг молинг, анави Алпон кўлинг, мана ўзинг кўрган йўлинг деб Алпомишни жўнатиб юборди: Алпомиш мол ҳайдаб кетаётти:

Қултой чол бўб таёқ олиб қўлига
Ўзининг кўрган доғди йўлига
Чиқаётир неча қирнинг белига
Чўпон бўлган ўзининг қўйига
Сўйиш ҳайдаб Ойбарчиннинг тўйига
Кўзи тушиб бораётир Алпомиш
Кўнғирот элларнинг қатор уйига
Ўтиб кетгандай етти йиллар
Ўлган деб кетгандай Кўнғирот эллар
Сагир бўб қолгандай Ёдгор уллар
Кўринаётир Алпомишнинг кўзига
Қатор тиккан Кўнғирот овуллари
Сайи қирлардан ўтаяпти
Қултойбобо бўп Алпомиш
Кўйларни ҳайдаб кетаётти
Жонадилнинг яқинига
Қориблашиб етаяпти

Кўрмаган етти йил бўлган
Алпомиш Қултой чол бўлган
Ойбарчиннинг ҳамласи
Етти яшар ул бўлган
Хут кирса ғуборсир тогнинг дараси
Узоқ бўлган эди Қалмоқ араси
Қултой чол бўб кетаётири
Қалдирғочнинг ширхўраси
Жарқиллақ қолди кўриниб
Ўтапирнинг минораси
Кўйни ҳайдаётири сўкиби
Тезроқ етсин деб кириб
Ўтапир қалъасини кўриб
Очилсин гулнинг лоласи
Қолиб кетмасин бу даврада чаласи
Йиғлаб қолганга ўхшайди
Ёдгор сағир боласи
Ҳам барчиннинг ҳамласи
Яқин қолди Алпомишга
Ўтапирнинг қалъаси
Қултой чол бўп чанга ботиб
Кетаётири лаби қотиб
Кун пешинда борар ўтиб
Ултонтоз бековуллари
Чўлдан қўй келмади деб
Ўтирабеди-да кутиб
Қултой чолга кўзин тутиб
Қултойбобо қўйни ҳайдаб
Бориб қолди шунда етиб

Жўрабой Девонбеги ошпаз бековулларга айтган эди: Эртага Қултойбобо беш юзта семиз қўй олиб келади. Буюриб келдим. Уч кун бўлган ҳар томонга хабар берганимга. Овул-овулдан, отли, эшакли, пиёда келиб қолган эди. Кун пешиндан ўтабергандан кейин ошпаз бековулларни Кўнғирот халқнинг гапга отари ёнига чақириб: "Қани уч кундан бери овул-овулга, отнинг тер куримайди, чақирувқининг овози ўчмайди, эл! Катта-кичик демайди баринг кел. Султонбекнинг кўнглида ўйи бор, қирқ кунгача берадиган тўйи бор. Сўйишга беш юз панти чори қўйи бор" деган эди, халқ шу гап блан тўда-тўда бўлиб келиб қолипти. Бу тўйхоналарингда қўй тугул, улоқ қўринмайди деяпти. Ошпаз, Девонбегилар Жўрабой Девонбедининг олдига бораётти. Улар Девонбегига қараб янги гапларни айтди. "Сизларга халқ шу гапларни айтса, тўй бошланглар деса, бошлаб, молларни сўябошлангларда" деди Девонбеги. Ошпаз бековуллар айтди: "Қўй бўлмаса нимани сўямиз" – деди. Девонбеги "Хали қўй йўқма" – деди. Бековуллар "йўқ" деди. Девонбеги "Қултойбобо сўйишни ҳайдаб келган йўқми" деди. Бековуллар айтди: "Йўқ, Қултой келган йўқ ҳали". Жўрабой Девонбеги отбоқарга "Отни олиб кел!" деди. Жўрабой айтди: Ўтган кун мен чўлга борбедим, Алпон кўлга борбедим, Қултойчолга борбедим, сўйишни ҳайдаб борасан, деб буюриб келбедим, ҳалиям келмаган бўлса, унинг уйини кўйдирман, ирисқисини қийдирман деб отланиб жўнайберди. Шу пайтда чўлда қўйларни сурип, таёқлаб уриб, бековуллар кўриб, бориб қолди Қултойбобо қўйларни суриб. Бековуллар "Мана Қултойбобо келиб қолди" деди. Девонбеги қараса чангга ботиб Қултойбобо молларни ҳайдаб келиб турипти. Девонбеги айтди: "Ў, Қултойбобо, уйингиз куйиб, нимага кечга қолдингиз, қариб ўлбедингиз ҳозир келиб қолдингиз". Алномиш айтди: "Э, Девонбеги ўзингиз биласиз чўлда, узоқ йлда қийнадингизда мендай қари чолди". Девонбеги: "Ҳайданг ўртага қўйларни" деди. Қултой чол ўртага ҳайдаб боряпти. Одамлар қултойга қарайпти. Семиз қўйларни кўраяпти. Алномиш бу ҳодисани кўриб, ҳеч кимга қараёлмай таёққа суяниб қолди. Девонбеги қўйларни қўшхона – қўшхонага бўлиб юборди. Икки соат ичида қўй бўлинниб тамом бўлди. Алномиш

одамларнинг ичидан танишларини кўраяпти. Одамлар: "Тўй қулли бўлсин" деб кетаяпти, келаяпти. Девонбеги қараса Қултойбобо ҳали ҳам таёқقا суяниб турипти. Девонбеги: "Ў, Қултойбобо сизни ким айтади қари, мўйсафид киши, тўй-томушани кўрган, тўйнинг тартибини билган деб, сизнинг боланинг одатидай одатингиз бор экан, сизга бекнинг тўйини айтиб кутлуғ бўлсин детиртамизма? Ўзингиздан билиб, боболарнинг отасига бориб "Кутлуғ бўлсин" қилинг" – деди. Алпомиш: "девонбеги кўнглимда-ку бори, чарчаб дамимни ростлайн деб турипман" – деди. "Бўлмаса қурга ўтиб дам олинг" – деди девонбеги. Алпомиш хапа бўлиб, аста-секин юраберди. Халқ кўпчилик эмасми. "Қултойбобо бу ердан келинг, келинг" – десада қорамай ўтиб кетаберди. Қурнинг четидан бориб ўтириб "Кутлуғ бўлсин тўйларингиз" деди. Қултойбобонинг олдига дастурхон, бир товоқ шўрва блан гўшт олиб келиб қўйди. Алпомиш йўлда Қултойбободан Ёдгор қаерда туради, мен бир кўрсам деган эди. Қултойбобо Алпомишга: "Ўғлим сағир боланинг белгили турадиган жойи бўладима, тўйхонага борсанг қозоннинг бошидами, бековулларнинг қошидама кўрасан, ўзинг танийсан" – деган эди. Алпомиш қурда ўтириб, Ёдгорни одамлар ичидан кўз ости блан қарай бошлади. Ош осаётган ошпазларнинг атрофига қаради. Жўрабой девонбеги ҳар ошпазга биттадан қозон тагига ўтин соладиган одам тайинлаб берган эди. Зоирқул деган ошпазга Ёдгорни тинчи қилиб берган эди. Қараса ўша Зоирқулнинг қозони тагига бир бола ўтин солаяпти. Алпомишнинг кўзи тушиб, юраги ғалт ураберди. Қараса бола бошқа болаларга ўхшамайди. Устидаги кўйлагининг енги йўқ. Алпомишнинг овқат томоғидан ўтмади. Алпомиш ўтирип-тураяпти, атроф-бошга қааяпти. Одамлар ҳар томонда қурда ўтирипти. Алпомиш олдидаги гўштидан илиниб олиб, Ёдгорни чақираяпти:

Қаторимдан узилгандай қора нор

Қадди бўйингни бир кўришга интизор

Қултой чолга бир келиб, бор Ёдгор

Хумор кўзи тўлиб бунда ёшига

Қайғу тушди Алпомишнинг бошига

Бир келиб, бор Қултой чолнинг қошига
Эзилиб боради юракнинг гўши
Ёдгор деб етатир товуши
"Ёдгор" – деган овози боради
Сагир бола атроф-бошга қоради
Курда чақираётир Қултой бобо
Бир илик гўшни қўлида кўради
Ҳаво палагидан алво дўнади
Хилидан айрилган ғориб сўнади
Қултойбобони қурда қўриб
Сагир бола қозон бошдан жўнади
Мергандар кийикни пойлар моролаб
Сагир бола қурга жўнар аралаб
Алпомишининг юрагини яралаб
Очилмади боғларнинг қизил гули
Ёдгорга қарашар Қўнғирот эли
Қултой чолга бораятирил яқинлаб
Ҳакимбекнинг кейтидаги сагир ули
Кун чолади тоққа тошидан
Қултой чолнинг бораберди душидан
Шунда яқин бориб қолди нишидан
Алпомиши телмуриб сагир юзига
Хумор ёш тўкилаберди кўзига
Етти йилдан бери қолипти изига
Вайрон бўлиб кетди кўнгил қалъаси
Ойбарчиннинг даврида қолган чаласи
Ойбарчиннинг қоб кетган ҳамиласи
Элдан чиқиб кетиб етти йил бўлган
Бугун кепти Алпомиши Қултой чол бўлган
Ойбарчиннинг бўйидаги ҳамиласи

Бугун кўрса етти ёшар ул бўлган
Отанг полвон эди ўзин элида
Сени кўрмай ўлди Қалмоқ қўлида
Келолмади сендей сағир улига
Култой чол бўп илик берди қўлига
Тулпор отин ботир отанг елмади
Сени кўриб Култойда қарор қолмади
Тақдирингга йўлбарс отанг келмади
Ойбарчиндай эганг нега ўлмади
Йўлбарс отанг қора зиндан ёлмади
Отанг сафар қилиб Қалмоқ элига
Қўшин овлаб келмади Алпон қўлига
Турна эди қўшилмади хилига
Сени кўрмай ўлди Қалмоқ қўлида
Байчибор тулпорин чўлда сурмади
Йўлбарс отанг тақдирингга турмади
Сендей ўғил саёсида юрмади
Қалмоқ элда ўлди сени кўрмади

Иликни қўлига бергандан кейин, Ёдгорнинг кўнгли хапа бўлди. Иликни тишлай-тишлай орқасига қайтди. Култойнинг сўзини эшитиб, қурда ўтирган одамлар ҳаммаси хапа бўлишиб, ерга қараб қолди. Кўпчилик: "Э, камбағал Қултойбобони кўринг, бугун чўлдан, чарчаб келган йўлдан, Ҳакимбек ёдига келиб, унинг сағирини кўриб дарди қўзғалди, нороқдан берак, ўпка юрак-да, эски қўтирнинг ўрни Мулла Ҳаким зинданда ўлиб кетса ҳам, бугун ўғлини чақириб еятган гўшини берди деяпти". Баъзи кишилар: "Э, уйи қўйсин бу чолнинг бековулнинг қўлида хизмат қилаётган болани чақириб олиб, қўлидаги гўшини бериши, ошпазнинг номини пасайтирди" деятипти. Ошпаз ош бермайди дегани бўлди-да. Буни Зоирқул ошпаз эшитиб қораса Ёдгор одамиларни оралаб бир илик гўшни тишлай-тишлай келаяпти. Ошпаз ёлғон

кўз блан тиклаб қараб турипти. Ёдгор ошпазнинг қошига борди. Ошпаз Ёдгорга: Қаёққа кетбединг, ҳамма одамларни оралаб, Қултойбобо менга гўш бермасанг бўлмайди, менга ошпаз ош бермайди деб тилаб олдингми деди. Ёдгор айтди: Йўқ, бобо ўзи чақирбеди, борбедим шу иликни берди деди. Ошпаз Ёдгорнинг қўлидаги иликни тортиб олди, ўт қозонга, ўтин сол деб итариб юборди. Қомати ёйдай букулди, Ёдгор қозон устига бориб йиқилди. Қозоннинг қирғоғи манглайнини кесиб юбориб, манглайи ёрилди, бети қонга қорилди.

Ёдгор жойидан турип йиглаб жўнайберди:

Бу сағирлик стам қилди ўзига

Қатор ёш тўлипти хумор кўзига

Йиглаб қайтаберди сағир изига

Қозон қирдоғи манглайнини яралаб

Энажон деб йиглаб қурга оралаб

Энажон, деб йиглаб йўлбарснинг ули

Бугун устун келди ошпазнинг қўли

Тўйга келмай кетсин Қўнғиротнинг эли

Бугун қозон бошда ошпаз урипти

Қозоннинг қирғоғи манглай ёрипти

Қултой чолдир Алпомиш унда қараб турипти

Ўз кўзи блан Ёдгорни шу аҳволда кўрипти

Сиз қадрдон бобом деб йиглаб уйга борипти

Кундузига Қултойбобо ўйламай кун ботмайди

Кун ботган сўнг тонг қурсин узоқ бўлган отмайди

Сен етим деб бековулнинг бухум урган таёфи

Ўлиб кетсан суюгимдан кетмайди

Тири юрсан ёлганчидаги битмайди

Мендай сағир нега ўлиб кетмайди

Олишайин десам кучим етмайди

Қултойбобо кўрдингизма ҳалимни

Мен сагирга худо берсин ўлимни
Отажоним от ўйнатиб келмаса
Айирғидай бир ғамхўрим бўлмаса
Қийин бўлди мендай сагир ўлмаса
Ўлиш қийин экан вақт тўлмаса
Култойбобо кўрдингизми ҳалимни
Мен сагирга мавлон берсин ўлимни
Йиғлаб боқдим Култойбобо бўлмади
Йўлбарс отам Қалмоқ элдан келмади.
Мен соғиринг нега бобо ўлмади
Шу кунима йўлбарс отам бўлмади
Тақдирима йўлбарс отам турмади
Шу ҳолимни йўлбарс отам кўрмади
Култойбобо кўрдингизми ҳалимни
Мен етимга худо берсин ўлимни
Сагир бўлиб кийиб қолдим-да жанда
Йўлбарс отам ўлиб Қалмоқ зинданда
Мендай сагир юрмасинда зинда
Дуо қилинг юрмайинда бу кунда
Қадрдоним кўрдингизми ҳалимни
Отасизга худо берсин ўлимни
Ёдгорман бугун ҳолим қолайди
Отасизнинг ким манглайидан силайди
Изза епти ўзига ўлим тилайди
Оқ ўтовга телмуртиб энажон деб йиглайди
Сув бўб эзилгандай юракнинг гўшти
Ўтовдаги Ойбарчинга етибди
Энажон деган Ёдгорнинг бу товуши

Шунда Алпомища сабр-тоқат қолмади. Қултойбобонинг ўғли Жиловдорга байчиборни изимдан миниб бор деган эди. Ўтириш тугаётир атроф-бошга қараётир, байчибор кринмайди. Аччиқ блан оралашиб кетай деса халқ ичида бу ерда бўлмайди, индамай туришга Ёдгорнинг гапи ўтип, юракни эзив кетди. Алпомиш айтди: "Кенг бу ерда турмайин, Байчибор келгунча панароқ жойга бориб турайин".

Ёдгорнинг Энажон дет йифлаган овози Барчиннинг қулоғига эшитилди. Барчин ирғиб жойидан турипти. Ўтовнинг жожатини ёрипти, Ёдгор сагирини кўрипти, билмайди, ким урипти, бетини қонга қорипти. Бу ахволда турипти. Ойбарчинда тоқат қолмади. Ўтовдан отилиб чиқиб, сумбул сочини тўшига жойиб, чапак уриб, Ёдгорга қараб жўнади:

Қалам қошлари қийилиб
Майнин соч тўшга жойилиб
Тирноқлаб бети сўйилиб
Ўтапир қолган ўйилиб
Жўнайберди Ойбарчин
Хумор кўзидан ёш қуюлиб
Ёдгорнинг товушига
Чиқди ўтовнинг дашига
Ўнтўрт ўрим сумбул соч
Тирқираб тушди тўшига
Қарса-қарса чапак ўрип
Жўнаятири ўз бошига
Очилмай гулдай лолам деб
Ўйил Ўтапир қалам деб
Етти йилдан бермағон
Айирдинг Аллоҳ Толам деб
Энанг ўлсин Барчиной
Ўлайин сағир болам деб
Сарғайган нурли юзим деб

Үйилсин икки қўзим деб
Энага ўлим лозим деб
Чапак уриб бораётири
Ўлайин етим қўзим деб
Қатордан ўзилди норми деб
Қалмоқ элдан келмади
Йўлбарс ойбасарим деб
Ўйилсин тақдирларим деб
Иифлаг бораётири Ойбарчин
Ўлайин, Ёдгорим деб
Баланд тоғнинг боши қор
Меҳнатим бўлди-да зоя
Саксонда бўлган Бийбобом
Энди бокити-да туя
Энанг ўлсин Ойбарчин
Дунёда бахти сиё
Юраркдаи борар яралаб
Бораятири Ойбарчин
Курнинг ичини оралаб
Йўл тушгандир карвон бориб
Динка дармон борди қуриб
Қўнғирот халқлар Барчинни кўриб
Тоқат қилолмади турип
Ўнтўртда бўлган ойлар
Ўйилсин бундай тўйлар
Тўйга қелганига пушойман қилаётири
Тўйга келган чорва бойлар
Сочини ёйиб тўшига
Курни оралаб келади
Ёдгорнинг қошига

Кўлига олиб етаклаб
Сағирин босиб тўшига
Барчин сағирни етаклаб
Ким урди деб сўради

Ёдгор: "Мени Зойирқул ошпаз урди" деди. Барчин нима учун урди деди?
Қултойбобом бир илик гўшт бербиди шуни тортиб олди-да урди деди.
Ёдгорни етаклаб Барчин ошпазнинг ёнига келиб бир сўз деятир:

Ўтиб кетипти етти йил
Йўлбарсдан қалпти сағир ул
Нега сағиримни утасан
Навбатинг кепти Зойирқул
Отасининг бор вақтида
Кўнғирот элнинг боши эди
Шуйтиб сағирни урмасанг
Етимнинг вақти хуш эди
Илик еса сағирим
Ўз қўйининг гўши эди
Тўй деб еган гўшларинг
Ултонтознинг ошиди
Илик еса сағирим
Отадан қолган молиди
Ураётган сағиринг
Мулла Ҳакимнинг улиди
Тўй деб еган гўшларинг
Ултонтозингнинг йилиди
Орада юрган кайвонининг
Егани бу пора бўлар
Ўлмай юрса сағирим
Йўлбарсимдан сара бўлар

Навбатинг кепти урибсан
Тоқа бошим жўра бўлар
Бегим ўлса бекчам бор
Юртим эгасиз бўлмайди
Норим ўлса норчам бор
Юким ерда қолмайди

Деб, Барчин Ёдгорни етаклаб, ўтовига қайтиб кетди. Ошпаз бир нима деяолмади. Барчин кетгансан, орадан бир фасл ўтгансан. Ўтапир ўртасининг олдида тўй учун Ўтапир ўрдасининг олдида тўй учун тикилган баҳмол ўтовларда ўтирган қоравул, амалдорлар ўртасида шов-шув гап бўлди. Шу ўтовларнинг биридан бир кийинган хотин ошпазга қараб жўнаберди. Зулпагин узин тараган, ойна об юзига қараган, ҳар хил рўмол ўраган, бетига лолаб суртган, қошига ўсма қўйган посон хотин кетаяпти, ошпазнинг ёнига етаяпти. Ошпазга бир сўз айтаяпти:

Очилимади боғда гулим
Худо берсин сенга ўлим
Ойбарчинга нима дединг
Ошпаз бўлмай ўлгир чолим
Хапа қилиб Кўнғиротнинг элини
Нега урдинг Барчиннинг сағир улини
Нима дединг сағирга
Ошпаз бўлмай киргин гўрга
Вақтли солайин ерга
Йиғлатасан сағир улди
Ошпаз бўлиб қилган ишинг шулди
Еталатиб етим улди
Йиғлатасан Барчин гулди
Ойбарчинга нима деярини билмай дам бўлиб қолган ошпаз, ўз хотинидан ҳам шу гапни эшитгандан кейин кампкиритни олиб, хотинига

қараб югурди. Ойбарчиннинг гапиргани озма, сенинг гапинг устига бозма деб хиз қилди. Лекин одамлар ошпазнинг қўлидан ушлаб қайтарди. Ошпазнинг оёлини ҳам билагидан ушлаб, бўз болалар чеча бораберинг ишингизга деб қайтариб юборди.

Алпомиш шу кетишига четга чиқиб турган эди. Шу вақтда кўпкори чопилаётган эди. Шунга томоша қилиб ўтирган эди. Кўпкорида тўда дуруллаб бузилади, бир бўз отнинг бўйи олдин чиқиб чўзилади. Кўпкори бековулининг :"Бўлди тўхтат" – деб овози чиқади. Алпомиш қараса бўз отнинг устидаги Ултонтознинг укаси Жалангтўш экан. От узиб айрмаса ҳам бековул хушамадгўйлик қилиб бўлди деди. Алпомиш ичида: "Аттанг шу вақт Байчиборим бўлган-да , Жалангтўш блан бир тортишганимда" деб юраги қайнаб турипти. Ойбарчинга совчиликка келган кампирлар Ултонтозга келиб айтган эди. Ойбарчинни кўндириш мумкин, лекин унинг қайноаси Кунтуғмиш, қайнсинглиси Қалдирғоч бор шулардан ўтиб бир нима деяолмайди деган эди. Шу кампирларнинг гапи блан Ултонтоз Кунтуғмиш блан Қалдирғочни чақириб олиб: "Кунтуғмиш момо, қизингиз блан икковингиз шаҳарнинг ички-ташқи пода эшагини қирқ кун боқиб берасиз" деб мажбур қилган эди. Шаҳарнинг эак, подасини йиғиб Кунтуғмиш блан Қалдирғочнинг олдига солиб берди. Кунтуғмиш Қалдирғочга: "Ҳайда, болам тақдирда бор-да" деб бир сўз деятир:

Қизил гуллар хазон урмай сўлама
Энанг ўлсин Қалдирғочжон йиғлама
Йиғлаганинг энди пойда қиласма
Мамлакатга эга бўлди Ултонбек
Энанг ўлсин йиғлаганман пойда йўқ
Пода боқиб юрамизда очи-тўқ
Тақдирда бўлмаса Қалмоқда
Қолармеди Ҳакимбек
Сўлармеди офтоб бўлмай қизил гул
Ултонтознинг иши бугун бизга шул

Ўтиб кетди бу орадан етти йил
Пода боқишиң тақдирингда бўлмаса
Қалмоқ элда қолармеди йўлбарс ул
Ултонтозга сарғайди бугун розим
Кўп йиглама энанг ўлсин-да қизим
Ўйилди-да икки кўзим

Пода боқишиң бу тақдирда бўлмаса
Қалмоқ элда қолармеди ёлғизим
Қизил гулим бу срғайиб сўлғаним
Бу қунлардан яхши эди, ўлганим
Пода боқишиң тақдиримда бўлмаса
Қалмоқ элда қолармеди полвоним
Қизин олиб Кунтуғмиш момо қошига
Энди кўринг Ултонтознинг ишига
Уч кун бўлиб чиқиб кетган Кунтуғмиш
Пода боқиби бу шаҳарнинг даштига

Кунтуғмиш подани суғариб, ётоқ жойига олиб келиб, қизи Қалдирғочни Барчиндан хабар олиб кел қани болам нима ишлар бўлаётган экан деб юборган эди. Қалдирғоч кетаётган эди, кўпкорининг ёнидан ўтаётган эди. Алпомиш тепадан турип Қалдирғочни крди. Алпомиш кетиб бораётганда Қалдирғоч ёш бола эди. Энда бўй етиб, кўзга кўринипти. Уст боши бир аҳволда кўринади. Уст-бошидаги кийим топмагандан эмас, балки Алпомишнинг ўлгани ҳақида гап эшишиб, эски кийиниб юрган эди. Алпомиш қараб Қалдирғочга ўхшатди. Шу вақт кўпкори тўда дуриллаб бузилди, яна бўз отнинг бўйни олдин чўзилди, икки қамчи тортганда яккалаб узилди. Жалангтўш шундай қоради, Қалдирғоч кетиб боради, отига қамчи уради. Қалдирғочга етиб боради. Жалангтўш Қалдирғочга хуштор эди. Акамга Ойбарчинни олади, Қалдирғочга бизга қолади. Отини ҳайдаб, улоқни Қалдирғочнинг олдига ташлаб ўтиб кетди. Отини қайтармади. Тушган улоқقا

отлилар тўда бўлиб бориб қолди. Қалдирғоч қараса буёқдан ҳам, уёқдан ҳам отлилар чопишиб келаётир. Отлилар бир-бирига ёмashiб, Қалдирғочнинг ақли шошиб, қаёқса қочарини билмай қолди. Бу ёқса қочса бу от, уёқса қочса у от уриб, оёқларини от босиб, отлилар устидан ўтиб кетди. Отлар ўтиб кетгандан сўнг Қалдирғоч ўрнидан туриб, Жалангтўшни қарғаб йифлашини Алпомиш эшилди. Бетоқат бўлиб жувормарг Жиловдор нима учун отимни олиб келмадим тезроқ деб алангалаётган эди. Жиловдор кўпкорини томоша қиласин деб кўпкорини оралаб юрган эди. Шу вақт Алпомиш кўриб қолиб, Қултой чол бўлиб отни олиб кел Жиловдор деб чақираётир:

Осмонда бор ёриқ ой
Қадди бўйингдан айланай
Берман ҳайда Жиловбой
Кучим келарма борабар
Қалмоқда сабру қарор
Қадди бўйингдан айланай
Берман ҳайдагин Жиловдор
Керак бўп қолди Байчибор
Насибани тортди бунда
Қандай юрайин шу кунда
Ҳайда бермағон Жиловбой
Оғази келганди бунда
От остида қолиб кетди
Қалдирғочдай эмакдошим
Бугун сув бўп эриятир
Мулла Ҳаким юрак гўши
Оғам деб қулоққ келди
Қалдирғочнинг товуши
Берман ҳайдагин Жиловбой
Бир танам полвон оши
Сира юракдан чиқмайди

Ялангтүш солган яраси
Борма бу ишнинг яраси
Отимни еткур Жиловбой
Бунда келипти ширхўраси
Баланд тогларнинг бастига
Миниб ўлайин устига
Бир отлансам армон йўқ
Жалангтўшнинг устига
Ҳайдаб юборди Жиловдор
Аланглаб етди Байчибор
Сув оқади дўлаб-дўлаб
Пўлат сулуғини ялаб
Аланглаб етти Байчибор
Алпомишга эркалаб
Туш деятир қултой ўғлига
Осилди абрашин (мулайин) ялига
Қаддини ростлаб минди
Байчибор тулпор белига
Жиловин ушлаб қўлига
Орттма деб Қултой ўлига
Ҳайдади қўпкори йўлига
Минибди байчиборига
Чипор кун келди орига
Бир қамчи чотди чатига
Ҳакаллаб ернинг бетига
Шу вақт ким ёнашади
Йўлбарснинг ул ёнига
Жилов қоқиб борди шунда
Кўпкори тўданинг четига
Ҳайдар ўдаға-ўдаға

Күшлар қўнади ходага
Абрашин майин ялингдан
Йлбарс эганг тўдага
Жилов қоқиб бораётири
Уйлуқиб ётган тўдага
От майдонда озилди
Дуриллаб тўда бузилди
Алпомиш шунда қараса
Бўз отнинг бўйни чўзилди
Шайтон тушмайди бўйнидан
Қимтиб юборди кейнидан
Жалангтўшни айирмади кўзидан
Етиб олди изидан
Малил (хапа) кўнглин хушлади
Қултой чол бўлиб улоқдан
Чўзилиб бориб ушлади
Сендан ўткан чавондўз йўқ
Буёқقا оширир Жалангбек
Қултой чолнинг қарамади юзига
Қулоқ солмади сўзига
Бир хиллар шовхум бераяпти
"Қултойга қара ярамас"
Қофоздай лабин тишлиди
Жалангтўшнинг бир қўлини
Улоқقا қўшиб ушлади
Қўлин кишан қиб ташлади
От ёнига ёнбошлади
Ул табама, бул таба
Дардинга борма даво
Тортиб олсанг улоқни

Кўлим қўябер Қултойбобо
Тоза олдинг қўлимни
Тортар бўлсанг улоқни
Кўябергин қўлимни
Гул очилади новдадан
Жон чиқиб борар гавдадан
Ҳавор (текис) жойда икки бедов
Тарози бўп кетаяпти
Бўридай бўп Алпомиш
Силкиб-силкиб тортаяпти
Зўр – камзўрлик билинди
Шартиллааб улоқ юлинди
Қомати ёйдай букулди
Бўз отидан шилқиллааб

Жалангтўш ерга йиқилди Жалангтўшнинг аҳволи хароб, қолди отдан нураб, мингча от ортдан изма-из қувишиб келаётган эди. Жалангтўшнинг юзи – боши ярилиб, қолди. Тупроққа қорилиб отларнинг қўп босиб ўтиб кетди. Бўз от эгасиз, эгарини бағрига олиб якка майдонга чиқди. Кўпкоридаги чавандозлар, отдан тушиб, Жалангтўшни кўрса шилқиллааб қолипти, бир ҳолда бўб булкиллааб қопти. Байчибор ситилиб, якка ўзи кутилиб чиқди. Бакову бобо: "Бўлди халол чол одам ҳам бўлса айирди" деди. Қултой бўлиб, кўсам саркани айриб, узангига маҳкам боғлаб олди қайриб. "Чол одам бир улоқ айирди бўлди" деб Жиловдор блан бирга қайтаберди. Алпомиш Газадаги (тепадаги) томошабинлар ҳайрон бўлди. Улар: "Қултой чолда шунча куч бормекан? Қирқ чайрак келади кўсам, шуни бир қўллаб айирди" дейишаяпти. Баъзилари "Шу Қултойга ўхшамайди-да, отнинг устида ўтириши" дейишаяпти. Алпомиш айирган улоғини Ёдгорга берайин, кейин Ойбарчинга бир кўриниш берайин мени танийдими, йўқми деб Ойбарчиннинг ўтови олди бориб, Ёдгорни чақириб, ма! Сенга бир улоқ айирдим деб, улоқни бир қўллаб Ёдгорнинг олдига отиб ташлади. Кўсам уч

тўрт юмалаб Ойбарчин ўтовининг бўсағасига бориб турди. Ёдгор чопиб чиқиб хурсанд бўлиб, улоқни ичкарига киргизиб "Эна бугун менга Қултойбобом улоқ айириб берди" деди. Ойбарчин "Қултойбобо ҳеч улоққа ҳам бормагич эди" деб алпомишнинг орқасидан бир қоради. Алпомиш анча кетиб боради. Ойбарчин отнингизига қараса карсон тобоқдай ерни ўйиб кетибди. Ойбарчиннинг юраги уриб, ўзининг Байчиборнинг туёғи блан баравар бўлган тилла томини отнинг изига ўлчади. Жом отнинг изига кичиклик қилиб қолди. Байчибор тўрт беш ёшли даврида унинг изи шу тилла жом блан баробар эди. От ўн икки ёшда бўлиб, туёғи каттариб кетган, шунинг учун жомдан катталик қилди. Ойбарчин "Отнинг туёғи байчибор туёғига келишди" деб кўнгли ҳар томонга жўяйберди. Албатта Йўлбарсим Қалмоқдан келса, Оқ дарёдан ўтгансан от чопиб севинчи хабар келмасмиди, бир белги бўлмасмиди, Байчиборнинг онаси ҳар йил бир қулун туғади зод бир-бирига ўхшайдида деб қўйди. Алпомиш Жиловдорни чақирди ва Байчиборни унга топширди. Унга айтди "Ким сўраса мени айтмагин". Жиловдор : "Мен шу отни кўп кишилар сўради". Мен бу отни йилқининг ичидан отам янги ушлаб ювошиб олди дедим. Ҳамма одамлар бу отни Байчиборга келишади дейишиб қўйди. Алпомиш Ўтапир пойтахтида Ултонтозни бир кўрайин деб жўнади. Ўтапирнинг иккинчи дарвозасига борди. Қоравуллар қоради, Қултойбобо боради. Қоравулнинг бошлиғи "Ҳа! Қултойбобо сизга йўл бўлсин" деб сўради, олдини ўради. Қултойбобо Мен бекнинг олдига бораман бир ишим бор деди. Қоравул "Қултойбобо бу томонга боролмайсиз, дарвозадан киролмайсиз. Уч кун бўлди бек бизга "Тўй тарқагунча бир киши ҳам менинг олдимга келмасин" деб бизга тайин қилди" деди. Алпомиш айтди мени бекнинг ўзи чақирган деб ўтаберди. Қоравул бошлиғи Қултойчолни ёқасидан тутиб шу гапларни айтаяпти:

Шунча гапим кор қилмади ўзинга
Нима учун қулоқ солмайсан сўзима
Бу одамлар кўринмайдима кўзинга
Уйинг куйгир дарров қайтгин изинга

Бошқа кишилар ҳам қолади йитиб
Алпомишинг ул ёқасидан туиб
Сенга тушунтириди-ку аввалдан айтиб
Нега қайтмайсан изинга қайтиб
Кетганингни кўрайин дарвозадан ўтиб
"Изинга қайт" деятир елкасига туртиб
Қулоқ солмай буларнинг гапига
Куч бермаятир кўпига
Ҳаммасини судраб кетиб бораяпти
Улар ҳар томондан муштлаб ураяпти
Қултойбобо дарвоза оғзидан қарайпти

Ҳамма қоравулни итариб ташлаб, дарвоза олдига келиб Алпомиш дарвозани бир тепди. Дарвоза шарқиллаб оғнаб тушди. Ултонтоз олдида Сариқул Элбеги деган киши ўтирган эди. Ўн олти уруғ Кўнғирот уруғининг биттасининг бошлиғи эди. Сариқул Элбеги ўз уруғи блан Ултонтозга закот бермай юрбеди. Ултонтознинг Ойбарчинни олиш учун тўй қилаётганини эшишиб, Ойбарчинни олганини кўраман деб келган эди. Бу гапни Ултонтоз эшишиб, тўйдан одам қўйиб сариқул Элбегини чақириб келтирган эди. Ултонтоз Элбеги бобо биз шундай иш қилаяпмиз сиз қандай қарайсиз деганида Сариқул Элбеги ҳа, бинойи деб ўтириб эди. Шу даврда иккинчи дарвоза шақир-шуқур бўлиб қолди. Сариқул Элбеги қараса Қултойбобонинг қўзидан Алпомиш эканини таниди. Ичидан хурсанд бўлиб қўйди. Ултонтозга "Тақсир деди Қултойбоб бир қари кишида сизга бир иш блан келаётган бўлса керак қоравулларингиз уриб изига қайтармоқчи бўлаёттир, у қайтмаятир зўмлиги тутиб шунинг учун қоравулларингизга айтинг кирса-кирсин зарур иш блан келганга ўхшаёттир" деди. Дарвоза қоравул бошлигини Ултонтоз чақириб ичкари кирмоқчи бўлябган ким деб сўради. Қоравул бошлиғи айтди: "Ҳали уйинг куйгур Қултой чолда, кирма деганга кўнмай зўрлик қилиб дарвозанинг баттасини тепиб синдириб ташлади" – деди. Ултонтоз

бўлмаса уни қўйиб юборинг, ўзимиз чақирган эдик деди. Алпомиш Ултонтозга салом бериб кириб келди. Алпомиш Ултонтоз, Сариқул блан кўришиб ўтириди. Алпомиш Ултонтознинг беклигини қутлуғ бўлсин қиласяпти:

Бекликда ётган вақтингиз
Чопипти бегим баҳтингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Ўтапир пойтахтингиз
Давлатли экан бошингиз
Обод экан қўшингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Чагадаги давлат қушингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Ғазна бўлса зарингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Жонадилдан шахрингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Ўн олти уруғ элингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Алпондай катта қўлингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Чорво жойлашган чўлингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Қанча чўлдаги молингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Тоби қилиб олган жойингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Кирқ кунлик катта тўйингиз
Қутлуғ бўлсин Султонбек
Ойбарчиндай Ойингиз

Кутлуғ бўлсин Султонбек
Қанча лапмпкар ерингиз
Кутлуғ бўлсин Султонбек
Ойбарчин ойдай ёрингиз
Кутлуғ бўлсин Султонбек
Тоби қилиб олган элингиз
Кутлуғ бўлсин Султонбек
Ойбарчин ойдай гулингиз
Кутлуғ бўлсин Султонбек
Ёдгоржондай улингиз
Кутлуғ бўлсин Султонбек
Алпонда ўрдак-ғозингиз
Кутлуғ бўлсин Султонбек
Барчин ойдай сарви нозингиз

Қултойбобо камини қолдирмай қутлуғ бўлсин қиласяпти, Ултонтоз димоғи чоқ бўлиб куляяпти, Сариқул Элбеги Қултойбобонинг гапидан англаб билаяпти. Ултонтоз айтди: "Қултойбобо Ойбарчин ёрингиз қутлуғ бўлсин деб ҳам юбордингиз". Алпомиш "Ха" деди. Ултонтоз: "Қултойбобо, Ойбарчин келинингиз ҳали бизга рози бўлгани йўқ" деди. Алпомиш "Тақсир сиз мамлакат эгаси бўлсангиз, тўйини қилаётган бўлсангиз, Ойбарчин қаёққа боради сизники-да, совчи қўяпсизми?" деб сўради. Икки кайвонимиз бор, иккови ҳам опа-ука, бирини Ангара, иккинчисини Савара кампир дейди, сўзга шундай уста, уч кун бўлди борганига совчиликка, бугун Ойбарчин койиб-сўкиб қайтариб юборипти деди. Алпомиш Ултонтозга: Тақсир есир аёлнинг нози кўп бўлади, юраги сизда бўлса ҳам борган совчиларга тил учидан бўлмайди деб турган бўлса керак. Чунки мен есир хотинларга кўп совчи бўлганим бор. Ҳаммасини кўндирганман деди. Ултонтоз: Қултойбобо, сиздан Ойбарчин гапини яширадими? Яширмайдими деди. Алпомиш айтди нима учун Барчин мендан гапини яширади. Энаси менинг олдига чиққан

қизим эди. Шу туфайли Барчин менинг набирам, Алпомиш туфайлидан менинг келинимку. Ултонтоз айтди: "Дард кеткиси келса, тавиб ўз оёғи блан келиб қолади" деган гап бор деди. Шунга ўхшаб сиз ўзингиз келип қолдингиз. Энди биз учун Барчин келинингизга совчи бўлмайсизма деди. Алпомиш айтди: "Бой амр қилса, бойбича хамир қилади" дегандай сиз мени совчиликка эпласангиз, оёғимни қўйиб, каллам блан югураман деди. Сизга Қултойбоболигимни билдираман, шўхлик гаплар блан Ойбарчинни кулдираман, аниқ сизга бўйин сундираман деди. Ултонтоз айтди, ундаи бўлса баракат топинг, Ойбарчиннинг қандай бўлмасин кўнглини топинг деди. Хўп биз кетдик деб Алпомиш изига қайтди. Алпомиш кетгандай кейин Ултонтоз Элбегига. Элбеги шу Қултойбобо нима қилар экан деди. Элбеги айтди, Қултойбобо Ойбарчинни кўндиради Барчин унинг гапидан чиқмайди деди. Алпомиш бораётиб, ўз кўнглида қани совчи бўлиб, Барчиннинг кўнгли борми, йўқми билайн. Ойбарчин ўтовига яқин боряпти, юраги ураяпти, Ёдгор эшиқда юрбеди, чопиб уйга кириб, эна Қултойбобо келаяпти деди. Ойбарчин қараса Қултойбобо келаяпти. Барчин хурсанд бўлиб, э, бечора қадрдон бобом, бир аҳволлашайин деб келиптида деб олдига чиқиб турди, ёзнинг куни эди, уйнинг соясига тушамчи тушаб, Қултойбобони ўтиргизди. Ўзи уйнинг ичкарисида турди. Шунда Алпомиш Ойбарчиннинг танимаганини билиб, уйнинг ёнидан туриб, барчиндан ҳол-аҳвол сўраб турипти:

Сувлар оқар тарам-тарам
Сени бир кўриб кетмасам
Кўнглим бўлмади орам
Омонсама Барчинжон
Эсанмисан небарам
Ердан кўкарап турли дон
Фидо бўлсин азиз жон
Омонсанма келинжон
Эсансанма Ойбарчин

Ўтиб борар ойи-йил
Омонсанми Барчин гул
Катта бўпма сағир ул
Баланд тоғнинг бағри қор
Ҳимҳо кўйлак тўзи бор
Эсанганма Барчинжой
Катта бўпма Ёдгор
Қизил гулсан сўлганинг
Катта бўпма Ёдигар
Йўлбарсдан белги қолганинг

Барчин:
У тободан, бу тобаси
Катта бўлсин-да бобоси
Етти йиллардан бери
Келмади-да асобаси
Худо деб боқдим бўлмади
Йўлбарс отаси келмади
Ойбарчин нега ўлмади
Йўлбарс отаси кетиб
Қалмоқларнинг у элига
Қилдимиқан қайга
Чилбирларнинг у чўлига
Бирор айланиб келмади
Кейнида сағир улига
Қайноға аҳвол шу бўлиб
Ойбарчин ўлди сил бўлиб
Отасининг кетгангига
Шу йил етти йил бўлиб
Суяниб таянганим қилди

Сағир ул бўлиб
Келмай йўлбарснинг хабари
Туя боқиб кетди бобом Бойбўри
Барчин юрмасин тири
Бугун аҳволни кўрдингиз
Шуйтиб қолди Ёдгори
Юрак гўшим бўлди пора
Зойирқул ошпаз юрагима солди яра
Буйтиб зинда юрмасин
Ойбарчин баҳти қора
Ўтгаздим етти йилини
Йиглотиб сағир улини
Бугун кўрдингиз қайнаға
Сагиримнинг аҳволини
Йўлбарсим келмай кетди
Бугун ошпаз синдириди
Қўнғирот халқнинг белини
Кўрдингиз ҳолим қалайди
Курди аралаб сағирим
Энажон деб йиглайди
Қултой чолга камин айтиб
Ўзига ўлим тилайди

Алпомиш Қултой чол бўлиб, Барчинга насиҳат қиласяпти:
Барчинжон ўлим тилама
Камингни айтиб йиглама
Йиглаган пойда қиласама
Йиглаган блан Барчинжон
Қалмоқдан йўлбарс келама
Ҳимҳо қўйлагинг бўпти кўк

Йиғлагандан фойда йўқ
Йиғлаган бланкелмайди
Қалмоқда қолган Ҳакимбек
Зўр эди ўзининг элига
Кўп қорадинг йўлига
Сайиб бўп ўтирипсан
Сагир қолган улига
Фойда қилмайди Барчинжон
Ўлган Қалмоқнинг қўлида
Юртинг эгасиз бўлмайди
Норинг ўлса норчанг бор
Юкинг ерда қолмайди
Энди йиғлама сил бўлиб
Насихатим шул бўлиб
Бўйингдаги ҳамиланг
Етти яшар ул бўлиб
Тақдирингда бор бўлиб
Шуйтиб ўтирма хор бўлиб
Ой қиялаб ботади
Дунё ҳаммадан Барчижон
Шуйтиб-шуйтиб ўтади
Бу дунё қўхна сарой
Келганлар яна кетади
Кўнглинга малол келмаас
Қайнағанг бир гап айтади
Қиил гуллар ҳам сўлади
Охири одам ўлади
Ота-бобонинг қаъдаси
Барчинжон шундай бўлади
Ёшлиқда эрдан қолса

Яна ҳам янги уй қиласи
Шутиб қайнағанг келади
Тоғнинг боши қоя бўп
Етти йиллардан бери
Қолдинг бахти сиё бўп
Энди ўтмасин келинжон
Шутиб умринг зоя бўп
Йўлбарсдан бўлмади дарак
Энди уй қилишинг керак
Қизил гуллар сўлмаса
Аввал бош қўшганмикан
Қўшша қарриса ўлмаса
Бир гап айтаман келинжон
Кўнглинга малол келмаса
Бу ўтиришингдан фойда йўқ
Султонбек ҳам яхши бек
Шоптолининг шохини
Йигин деб келдим Барчинжон
Кўк кўйлакни қизил қилиб
Кийгин деб келдим келинжон
Оқ гардонга қора зулфинг
Туйгин деб келдим келинжон
Султонбек ҳам яхши бек
Тийгин деб келдим келинжон
Ўнг тиззанга ул кўтариб
Суйгин деб келдим келинжон
Қари тутга ҳалганчак
Учқин деб келдим келинжон
Кўнгилдаги кирингдан
Кечгин деб келдим келинжон

Устингдаги мотам кўйлакни
Ечкин деб келдим келинжон
Тўқсон боғли бўқчани
Очгин деб келдим келинон
Ҳимҳо-хитойлардан сайлаб
Пичгин деб келдим келинжон
Султонбекдай бек борма
Қучқин деб келдим келинжон

Барчин ўйлаб турса Ултонтоз учун совчи бўлиб келганга ўхшайди.
Шунда Барчин қадрдон бобомда бироз гаплашиб юрагимнинг корини бир очмай деган эди. Қараса Қултойбободан шу гапларни эшитиб, хапа бўлиб, жавоб қайтараяпти:

Қайнаға қўйинг хушини
Бундай келманг-да ҳолима
От айлантирманг бошима
Гўнг қарға келиб қўнима
Қарчигай қўнган тўшима
Қаротмак йўлбарс йўлига
Эга бўлиб ўтирайин
Ёдгор сағир улига
Кебанак кийиб йўлбарсим
Ўткардим етти йилини
Сира норози қилмайман
Қўнғирот халқнинг элини
Ўлгинимча боқаман
Ёдгор сағир улини
Уй қилмайди келинингиз
Вақти етиб ўлгунча
Сағирини боқаман

Бир кун вақтим тўлгунча
Хеч кимга хиёл бўлмайман
Йўлбарс бош эгам келгунча
Ўтираман уй қилмай
Шу умирим ўткунча
Йўлбарсима қарайман
Сановли куним битгинча
Бойбўридай бобомни
Шутиб йиглатиб кетгунча
Икки қўзим бобо йўлда
Бобом туя боғиб члда
Уй қилиш йўқди кўнгилда
Сарғайтмайман бобомнинг юзини
Эшитиб онг Ойбарчиннинг сўзини
Кўлга пода боқтириди
Бий бобомнинг қизини
Бобом эзманг юрагимнинг гўшини
Билмай сизма Ултонтознинг ишини
Йиглатиб қўйди энаси Кунтуғмишни
Ҳам синглиси Қалдирғоч эмақдошини
Кулоғимга кирмас айтган сўзингиз
Қайнагажон бекор кебсиз ўзингиз
Қандай қилиб келди бунда юзингиз
Бошқа гапдан гурунглашинг биз блан
Билдим сиз ҳам соз бўпсиз
Ултонтоздай имонсизминан
Ойбарчинга совчи бўлиб
Қандай келдингиз юз блан Ойбарчин йиглар дод блан
Қайғули ҳасрат блан
Сиз ҳам соз бўп қопсизда

Ултонтоздай ит блан
Күнғирот халқини Ултонтоз
Паймол қилди зит блан
Совчи бўлиб Барчинга
Қандай келдингиз бет блан
Совчи бўлиб шу орага
Тўлиб қобсизда порага
Совчиликдан гапирманг
Ўлгур баҳтиқорага
Бу Ултонтоздан ҳам навбат ўтади
Бу доскалар билинг қўлдан кетади
Кўнғирот халқقا шунча зулм ўтказгани ҳам етади

Алпомиш бу гапларни эшитгандан кейин силаси қотиб яга гапиролмай қолди. Барчиннинг юраги маҳкам эканлигини, ўзини ёддан чиқармай кутиб ўтирганига ишонди. Энди ўзини танитишга ҳаракат қилди. Мен Алпомишдан деб бирдан айтай деса бироз номақулроқдай бўлиб, ўлан тариқасида гап айтайнинқани, ақли бўлса тушунар деб, бир сўз деб турипти:

Биз кўрганда қўзилар
Кўй бўлипти ёр-ёр
Сиздай бўлган Барчин гул
Тўй бўп қопти ёр-ёр
Биз кўрганда дараҳтлар
Шода бўпти ёр-ёр
Тана-тўрпи йиғилиб
Пода бўпти ёр-ёр
Биз кўрганда химҳо кўйлак
Ода бўпти ёр-ёр
Қайнағаси совчи бўлип
Қада бўпти ёр-ёр

Биз кўрганда бўтачалар
Лўқ бўлипти ёр-ёр
Биз кўрганда жўрабошинг
Тақ бўлипти ёр-ёр
Биз кўрганда химҳо кўйлак
Кўк бўлипти ёр-ёр
Биз кўргичда баъзи эллар
Йўқ бўлипти ёр-ёр
Биз кўргичда Ултонтозлар
Бек бўлипти ёр-ёр
Биз кўргичда қулунчалар
От бўлипти ёр-ёр
Баъзи кишилар кўнгли
Шод бўлипти ёр-ёр
Сиздай Барчин ёр кўнгли
Хит бўлипти ёр-ёр
Биз кўрмагандан бери
Йил бўлипти ёр-ёр
Сиздай бўлган барчин ёр
Сил бўлипти ёр-ёр
Бўйингизда ҳамилангиз
Ул бўлипти ёр-ёр
Биз кўрганда йўлбарсингиз
Чол бўлипти ёр-ёр

Алпомишнинг товуши Барчинга шундай деб боради, Ойбарчиннинг юраги уради, иргиб жойидан туради. Энди пойқаб қаради. Алпомиш Оқ дарёдан ўтганда Барчин бир туш кўрган эди. Тушида тилжиғаси бор бир олғир қуш кўрбеди. Шу қуш Ойбарчин устига келиб, соя соглан эди. Тушидан хурсанд эди. Энди Алпомишга қараб барчин бир сўз деб турипти:

Бугинимни бўшатманг
Суягимни шов шотманг
Барчинни бунча қақшатманг
Кўҳнарган ярани янгшатманг
Гапингизни айлантириб
Йўлбарс бегима ўхшатманг
Совчилигингиз жуда қизик
Ойбарчиннинг қўнгли нозик
Гапингизнинг изи бузик
Алпомиш Барчинга отди
Кистасидаги тилла узук
Ойбарчин узукни олди
Кўзига суйкаб қўлига олди
Алпомиш эканин билди
Жуда хурсандчилигидан
Овозин баланд қиб бир кулди.

Шу вақт Ултонтоз пойтахтдан қулоқ солиб турган эди. Барчиннинг кулган товуши Ултонтозга бориб етди: Ултонтоз хурсанд бўлиб Сариқул Элбегига қараб "Элбеги бобо, Қултойбобо Ойбарчинни кулдирди, айтганини қилдирди" деди.

Алпомиш блан Ойбарчин бир-бири блан танишди. Алпомиш Ойбарчиндан "Сен менинг сари ёйимни биласанми?" деб сўради. Барчин айтди: "Менда фақат шу сари ёйдан бошқа нарса йўқ" деди. Ултонтоз сари ёйни кўп қаради, мендан ҳам сўради. Мен билмайман дедим деди. Алпомиш: "Ол, бир кўрайин ёйимни" деди. Сандиқнинг ичидан олиб, Алпомишга берди. Алпомиш кўрса, ёйни занг босиб, чанг босиб қолипти. Алпомиш мен Ултонтознинг олдига кетаман деди. Барчинга "Мен одам юбортираман сен ёйни шу одамдан юбортасан" деди. Менинг келганимни Ёдгорга айтмагин деб турип кетди. Ултонтознинг олдига етди. Ултонтоз: "Келинг Қултойбобо"

деди. Қултойбобога: "Бобо бўри бўлдингизми тулки". Алпомиш: "Бўри, тулки деб ўтирамнг, бугун жуда хурсандчилик, ўйин-кулки" деди. Сизга майил бўлиб рози бўлгандан кейин Алпомишнинг ёйини чиқариб берди. Бу ёй ҳам сиз – Султонбекдан деди. "Э, раҳмат бобо, биз шуни тополмай турган эдик" – деди. Ултонтоз уч кишини ёйни олиб келишга чоптириб юборди. Борган кишилар Султонбек ёйни берсин деди. Ойбарчин ёйни чиқариб берди. Уч киши ёйни чиқариб берди. Уч киши ёйни кўтариб юраолмади. Ёйни кўтариб бораолмай қуруқ бориши. Ултонтоз қараса қуруқ келаятипти. Ултонтоз: "Ҳа, қани сари ёй" деди. Ёйни биз кўтараолмадик, у бир кичикроқ тўп, оғири беш ботмандан кўп деди. Ўзи шундай оғир, кўтариши нақўлай тавир, қаерга текса ўша ерни қилади ёғир деди. Аравага ортиб, келмасак иложи йўқ деди. Алпомиш айтди: "Мен Алпон кўлда йилқи боқиб юрганимда, Алпомиш овга борар эди. Кушга бир қўллаб отар эди. Тор кўчага ораба сифмайди, деволни ўйгали эгаси кўймайди, ташвишнинг нима кераги бор. Алпомишнинг Ёдгори борми деди. Ҳа бор дейиши. Ана шу Ёдгор олиб келмаса бошқа олиб келолмайди. Уч киши қайтиб бориб, Ёдгорни чақирди. Ёдгорга шу ёйни Ўтапиргача олиб борасан деб мажбур қилаётир":

Қайишни солди ийнига
Учови мосул кейнига
Мажбур қиб сағир баччага
Судраб чиқди кўчага
Сағир бола кетаяпти
Ҳар кўчадан ўтаяпти
Ийиниб-ийиниб тортаяпти
Сари ёйнинг қайиши
Унинг эгнига ботаяпти
Ўтапирнинг дарвозасига
Ёйни судраб етаяпти
Олди зина ўр келди
Сағир болага зўр келди

Эгилиб тортаётир
Манглайидан тер келди
Масуллар қўймай хушига
"Торт" деб қамчи солди бошига
Масул ҳайдапти изидан
Ситам ўткарди ўзидан
Эгилиб тортади Ёдгор
Ёш келиб хумор қўзида
Қайғудан қўп бўлиб ўйи
Негадир сағирнинг гуноҳи
Оғирина пастга ташлама
Йўлбарс отам гайбир жойи
Йўлбарс отам сафар қилди
Қалмоқ юртдай олисга
Қалмоқларнинг қўлида
Умри бўлди-да қисқа
Мен эгангнинг кейнида
Белги қолган сағир нусха
Полвон отам сари ёйи
Оғиринг ташлама пастга
Ўчган бобомнинг чироғи
Қалмоқ эллардан келмади
Эгангнинг бирлик дараги
Оғиринг пастга ташлама
Йўлбарс отамнинг ярағи

Ёдгор ёйни бир аҳволда чиқариб олди. Алпомиш Ёдгордан хурсанд бўлди. "Ҳали ёш болада, ақли кириб, билак кучи бўлса, ўн тўрт, ўн беш бўлса, ўзимдан ҳаддили полвон бўлар экан" деб қўйди. Ёйни томоша қилишга Ултонтознинг атрофидаги қирқта хизматкори келди. Ултонтоз:

"Қултойбобо бу қандай яроқ, қандай атилади" деди. Алпомиши бу ердан ўқ солиниб, бу ердан отилса керак, мен ҳам күп билмайман деди. Лекин Алпомиши Алпон күлдә отган вақтда мен бир-икки марта тортганим бор. Ултонтоз "Шундай бўлса бир отиб кўрсатинг, биз ҳам ўрганайлик" деб ёйни Қултойнинг қўлига берди. Алпомиши ёйнинг чангини артиб тозалаб тайёрлаб қўйди. Алпомишнинг хаёли бузилаберди. Буни Сариқул Элбеги билиб турди. Кейин Сариқул ташқарига чиқиб кетди. Алпомиши ёйни олиб, отмоққа қўлайлаб баландга кўтарди. Дарвоза қоравуллари: "Қултойбобо айтганича бор экан, уйинг куйгир зўр экан ҳар қалай дарвозани бир тепиб ўйиб юборбеди" дейишаяпти. Алпомиши Ултонтознинг ёнидаги хизматкорларини ва Ултонтознинг ўзини қарғага ўхшатиб, қирқ қарға қайсингни атайин, қирқингними ёки бирингни деб бир сўз деб турипти:

Бугун чиқдим Ўтапирга
Дучор келдинг Қултойдай зўрга
Бўлиб отайинма бирга
Ўтапирдаги қирқ қарға
Қирқингни атайми бирингни?
Қачар бўлсанг йўлин очиқ
Билмайман аҳволинг нечук
Ўтапирдаги қирқ чумчуқ
Қирқингни отайми, бирингни?
Кишлоқларга кетсин жарчи
Ҳар томонга хабарчи
Ўтапирдаги қирқ торичи
Қирқингни отайми, бирингни?
Ўтапирга чиқдиқ бизлар
Қўлимда бор гайбир созлар
Ҳар ким душманин излар
Ўтапирдаги қирқ ғозлар
Қирқинг отайми, бирингни?

Күлима тушди гайбир ёй
Қорғалар турма-бе порвай
Үтапирдаги қирқ түргай
Қирқингни отайми, бириңгни?
Мен турипман сени пойлаб
Лукка отайми, сайлаб
Үтапирдаги қирқ лайлак
Қирқингни отайми, бириңгни?
Хабарсиз Құнғирот эли
Устин келса яхши қўли
Үтапирдаги қирқ бойўғли
Қирқингни отайми, бириңгни?
Қултойчолман бақдим йилқи
Тўй-томуша ўйин кулки
Үтапирдаги қирқ тулки
Қирқингни отайми, бириңгни?
Гап кирмагидай қулоқقا
Бўлиб отайми, лукка?
Үтапирдаги қирқ алаҳакка
Қирқингни отайми, бириңгни?
Бўз болалик бўлар барна
Биз бек эдик-да бурна (илгари)
Үтапирдаги қирқ турна
Қирқингни отайми, бириңгни?
Порлаб кетса сариқ ёй
Қушлар турманглар бепарво
Үтапирдаги қирқ ғазалай
Қирқинг отайми, бириңгни?

Ултонтоз ўз кишилари блан баландга қарашаберди. Ултонтоз айтди: "Култойбобо бу қарға қушларингиз қаерда? Ҳеч жойда кўринмайдику, қани бирини отиб туширингчи қўрайин" деди. Алпомиш Ултонтознинг манглайига ёйни тўғирлаб: "Мана сен бири" деб ёйни тортиб юборди. Қирқинг эса қолганларинг деди. Қолгани кеталмай қутилиб, бари қолди тутилиб, усти-устига сари ёй тортлайберди отилиб. Сариқул Элбеги Ўтапирдан чиқиб кетиб тўйдан ўз одамларини олиб кетган эди.

Ўтапирдан сари ёйнинг овози портлаб чиқабергандан кейин Барчин: "Энди Ултонтоз ўлгандирда, энди Қалдирғочдан суюнчи олайин" деб жўнайберди:

Қатма-қат лиbos бошига
Маржон, садаби тўшига
Суюнчи деб борайин
Йўлбарснинг эмакдошига
Қоши кўзи биёноди
Холлари дона-донади
Суюнчи деб Ойбарчин
Қалдирғочга жўнади
Пардоз берган ўзига
Ишонса яхши сўзига
Суюнчи деб жўнади
Бойбўрибойнинг қизига
Шундай боради Ойбарчин
Қора уйнинг оғзига
Лаби ҳолсираб қатипти
Қора уйнинг ичидা
Пасан бўлиб Ойбарчин
Қалдирғочга етипти
Хўжа-ҳиё чўйинчи
Минган отлари ўйинчи

Бош кўтарган эрка қиз
Чечангга бергин суюнчи
Борди бийнинг қизига
Суюнчи дейди ўзига
Қулоқ солгин эркажон
Чечангнинг айтган сўзига
Тоғларнинг боши тормади
Қолмади кўнгил армони
Суюнчи бергин эркажон
Топилди дарднинг дармони
Оқ ойилингнинг тўғаси
Марвад тўнинг яқаси
Суюнчи бергин эркажон
Сиздай қизнинг оғаси
Қалмоқ элдан келиб қолди
Чечангнинг бош эгаси
Мингани Чибор пироғи
Ёнди отангнинг чироғи
Кунтуғмишдай энангнинг
Арқа бўкса қўкраги
Суюнчи бергин эркажон
Келиб қолди сайиб дараги
Алис Қалмоқнинг ораси
Битди юракнинг яраси
Суюнчи бер эрка қиз
Йўлбарснинг ширхўраси
Келди Қалмоқдан шу бугун
Чечангнинг йўлбарс тўраси Шу бўлди гапнинг қисқаси
Йўқди шу гапнинг хатоси
Суюнчи бергин эркажон

Бугун келиб қолди Қалмоқдан
Ёдгоримнинг отаси

Қалдирғоч калласини күтариб қараса Барчин химхо-хитой кийиб посон бўлиб, суюнчи бергин деб турипти. Қалдирғоч Барчинга қараб бир сўз деяптипти:

Химо-хитойдан кийибсан
Зулфакни узун қўйибсан
Энди билдим чечажон
Ултонтозни суюбсан
Ахир Ултонга тийибсан
Химо рўмаллар чалибсан
Ўлдирмоққа келипсан
Кўп куйдирма мени бунча
Сенга қундуз бўпти кеча
Куйдирма бунча чеча
Отам чўлларда боқиб туюни
Куйдириб кетмагин бахти сиёни
Совчи бўлганлар егандай паранг
Куйдирмоққа келма бахти қорани
Сабсата гап айтиб келма ўзима
Кетар бўлсанг кўринмай кет кўзима
Қизил гулди офтоб бўлмай сўлдирма
Юрагимни қайғу ғамга тўлдирма
Кетар бўлсанг сидирғи кет чечажон
Қалдирғочни кетишингда ўлдирма
Сўлдириб кетмагин боғнинг гулинини
Ерга қаратипсан оғамнинг
Бу Қўнғирот элинг
Ултонтозга теккан бўлсанг чечажон

Ташлаб кетгин оғам сағир улини
Қабул қилмаган бўлсанг энам зорини
Ерга қаратиб кетдингда элнинг барини
Текган бўлсанг Ултонтозга чечажон
Ташлаб кет оғам жадигарини
Йўлбарсимни чиқарибсан кўнглингдан
Норози бўп кетаяпсан шу элдан
Ултон учун кечибсан-да етим улидан
Шунқор бўлиб тепиб кетма белидан

Ойбарчин: "Бу менинг сўзима ишонмади-да белгисини кўрсатайин" деб Алпомишининг тилла узугини Қалдирғочнинг олдига отиб ташлади. Шунда қараса Қалдирғоч тилла узук тиринглаб тушди олдига. Қалдирғоч ам тилла узукнинг Алпомишида кетганини билар эди. Қалдирғоч ўрнидан турип бир сўз деб турипти:

Оғзимдан чиқсан сўзимдан
Хапа бўлманг-да ўзимдан
Ўтирабедим-да беғам
Хозир қайда йўлбарс оғам
Суянган нов терагим
Шу кунга бўлган керагим
Хапа бўлмангда жончеча
Қайдади ўпка юрагим
Куйганимдан қилган додим
Давлатли экан элатим
Хапа бўлманг-да чечажон
Қайда кетганди полвоним
Жовҳар садоқли пўлатим
Хапа бўлманг чеча биздан Сўрайин оғамни сиздан
Айтинг чечажон сиздан

Эшитдима элнинг бари
Қайдади отам Бойбўри
Отасининг келганини
Эшитдима Ёдгори
Ўлсин бундай эмакдоши
Эшитдима хили-хиши
Суюнчи сўраб келди Сиздай оғамнинг бувиши

Ойбарчин: "Эрка қиз, энди шуни сизга айтдик биз ҳеч ким билган йўқ, эшитган йўқ. Аканг Ўтапирда эди, сари ёй порлаётир гумбирлаб, Ултонтоз ўлган бўлса керак" деди. Қалдирғоч ҳам устидаги либосларини ечиб, Ойбарчин қўлидаги тугунчакни ечиб, ҳар хил кийимлардан кийиб жуда пасон бўлди. Алпомишнинг тилла узутини олиб, қўлига солиб энасига суюнчига чопиб кетди. Кунтуғмиш Қалдирғочнинг келишини кутиб ўтирган эди. Қалдирғоч чопиб эна, деб хурсанд бўлиб борди. Қалдирғоч энасига хурсандчилини билдириб бир сўз деятир:

Ҳавода ёрқираб юлдузим
Тилакли эдим-да ўзим
Севинчи деб келди қизинг
Ярқираб ёнди чироғинг
Гуллади ҳосилли дарахтинг
Севинчи дейман энажон
Кеб қолди йўлбарс дарагим
Хурсандчиликда келишим
Ўнга боқди эна ишим
Олтин жигали олғир қушим
Севинчи деб келдим эна
Келди йўлбарс Алпомишим
Қомлан дирак эмакдошим
Самар қилди сўлган гулинг

Хурсанд бўп қолди элинг
Севинчи дейман сизга энам
Келиб қолди йўлбарс улинг
Равшан бўлди хира кўзинг
Севинчи деб келди қизинг
Суюнчи бергин энам
Келиб қолди йўлбарс улинг
Отиб тоғларнинг белидан
Обрў об Қалмоқ элидан
Севинчи берсин жон эна
Ўтапир пойтахтни олди
Ултонтознинг қўлидан

Шунда Кунтуғмиш қизининг бундай келишига хайрон бўлди. Гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай турди. "Мобада бунинг бошини айлантириб, Ойбарчинга совчи қўйиб ётган Ултонтоз Қалдирғочнинг кўнглини хурсанд қилиб, энангнинг ҳам кўнглин хурсанд қил деб алдаб юбордимикан" деб ўйлади.

Кунтуғмиш:
Юрагимда қилма алам
Келган бўлса ёлғиз болам
Еткирса Аллоҳ Талом
Ўзи истаб келиб менга
Бермасмиди менга салом
Қайғу-ғамга қўйма ўзим
Бу гапинг ёлғондир қизим
Келган бўлса бу ёлғизим
Ёлғон айтгандайсанда қизим
Алпомишбек келган бўлса
Аввал белги бўлар эди

Энам деб излаб изимдан
Бунда ахтариб келар эди
Чобағанчи, хабарчиси мендан
Севинчини олар эди
Бўлар эди уч тўрт кун аввал хабари
Келмасмиди чабоғанси илгари
Чопилмасмиди отлар чопараста
Қўнғирот халқи келмасмеди
Ҳар томондан даста-даста

Қалдирғоч энасининг ишонмаганини билди. Агар Алпомиш келганда уч тўрт хабар олдин келмаса ҳам, Алпомиш ҳеч кимга билдирамай келган эди. Қалдирғоч Алпомишининг узугини онасининг юзига олиб суртди. Қўзи хира бўлиб қолган эди. Хиёлига кўзи рўшон бўлгандай бўлиб кетди. Энасини етаклаб Қалдирғоч изига қайтди. Ойбарчиннинг қошига келишди. Қараса кўчаларда от чопилган жарчи қичқирилган Ултонтознинг тўйи худойига айланди, қайтадан тўй қиласиз деганинг одати йўқ. Даста-даста чопараста Қўнғирот эли ҳамма томонига отлар кетаяпти:

От чопилар йўлларга
Хабар Қўнғирот элларга
Бораётир хабарчи
Неча даста овулларга
Чобоғончи кетаяпти
Ҳар овулга етаяпти
Чопаятирик якка-якка
Тўда-тўда отлилар
Келаятирик лукка-лукка
Қўчалардаги жорчи
Ҳар томонга хабарчи
Энди катта бўлар тўйлар

Сүйиш деб ҳайдалган күйлар
Тұда-тұда келаберди
Чүлни жойлаган бойлар
Үйин кулги, хурсанд ғаво
Баъзилари кетган товға
Хабар пасти жайловга
Гул очилар ғунча-ғунча
Тұлаятириң күча-күча
Чопқиллайди бола-бачча
Ҳамма жойга кетди хабар
Келаяптида саксон нор
Карнай-сурнайни чолган
Үйин кулги қизиқ бўлган Оқ дарёда қолган нори
Ёқтаннаб ортилган зари
Чопишган кўпди илгари
Кўч қошида келаятири
Қултой блан Бойбўри
Қочган ўрдак
Қувган лочин
Оқ дарёда қолган қўчин
Кўчиргунча Алпомишбек
Ултонтоздан олган ўчин
Оч чопилибти туш-тушга
Қаранг қавми қариндошга
Тұда-тұда кеб кўришиб
Йўлбарсим деб Алпомишга
Тулпор отим елганим деб
Қалмоқдан ўч олганим деб
Қучоқлашаган кўп бўп қолди
Ҳам йўлбарс полвоним деб

Тоғу чўлда сурганим деб
Кеча-кундуз юрганим деб
Қалмоқнинг полвонларин
Якка-якка берганим деб
Кўринаётир Кўнғирот эллар
Рустамдай бўлган полвоним деб
От чопилиб қула туздан
Келаятириз из-изидан
Розимиз полвоним сиздан
Айирдингиз Ултонтоздан
Сизникидир ўрда қўрғон
Бирга учдан закот берган
Кўнғирот элнинг кўпчилиги
Ултонтоздан ситам кўрган Бу жойдан Алпомиш кетган
Орадан етти йил ўтган
Бир вақт алпон Қоражон
Ултонтоздан ситам кўриб кетган
Кўзи тўлиб ёшига
Чидалмай Ултонтоз ишига
Чиқиб кетган эди Алқорнинг бошига
Алқор тоққа чиқиб кетган экан
Орадан олти ой ўтган экан
Алқор тоғда кунин кўриб
Қоражон ҳам ётган экан
Алпомиш келди хабари
Қоражонга етган экан
Алқор тоғдан Қоражон
Бир сутка йўл тортган экан
Алпомишнинг келганини
Кўнғирот халқлар билиб қолди

Бир томондан Қоражон ҳам
Алқор тоғдан келиб қолди
Қоражон келди ой суриб
Жонадилга борди кириб
Алпомищдай алпни күриб
Отдан ташлади динка қуриб
Алпомишхон жойдан туриб
Қоражонга шундай бориб
Қоражон ғорага қулаб
Бирдан жүнади от қўйиб
Оқ деворга қўйсам норвон
Қоражондай шундай полвон
Ўлмай кўрдим охир сани
Бу дардимга топдим дармон
Энди йўқди ўлсам армон
Изза кўргандай Қоражон
Сув келар баландан дўлаб
Алпомиш қучоқлаб йиглаб
Мард ўғил сендай бўлама
Дўстим Қоражон йиглама
Бир-биrimизга кўнгил тўқ
Ўлмай келдику Ҳакимбек
Ўтган гап ўтаберсин
Бугунга ундан фойда йўқ
Кўнглингдан чиқар ўйни
Чўлдан ҳайдаб семиз қўйни
Қовми эл қариндошларга
Кирқ кун берайик тўйни
Қулоқ сол Алпомиш сўзига
Ҳарким қилса ўзига

Булбул истаб учар гулди
Хаммадан ғанимат шулди
Қора зиндонда ўтказдим
Қалмоқда етти йилди
Хапа бўлма Қоражон
Нима бўлса, бўлгани бўлар
Алпомишиңг ўлмай келар
Хурсанд қилайиқ элни

Қоражон Алпомишининг гапидан хурсанд бўлиб, тўйни бошлайлик деб,
элга қайтадан чақиравчи юбораберди.

Энди яхши-ёмон, югурик чопон, катта-кичик, оч-тўқ, етим-есир, сағир-
кобир, шол-чол, бутун тўйга деб келиб қолди.

Бойбўри, Кунтуғмиш, Қалдирғоч Алпомиш блан кўришгани келаяпти.
Шунда Алпомиш ота-онасига қараб жўнаберди:

Етти йил Қалмоқда ғариб бўп танам
Дидор кўришга зор эдим мен ҳам
Бир зиёрат қилайин ота-онам
Менинг учун бўлди бағриворинг кавоб
Хизматларинга қайтарип жавоб
Азиз меҳрибонларим қилайин тавоб
Йўлда кўриб бўлбедим меҳри қатти
Тўхтатмай Байчибор отини
Байчибор от Алпон кўлдан
Энасидан келиб эмди оқ сутди
Шу бўлди-да йўлаги менинг хатам
Бугун шуни ўтасиз ғамхўр отам
Чол-кампир келаятири от қўйиб
Олдин-кейин келди
Ўпкаси куйиб

Армон йўқ деятири
Кулочин ёйиб
Алпомиши бордида йўлбарсдай етиб
Кунтуғмиши олдида бўйнидан тутиб
Эрисин тоғларнинг қори
Кучоқлаб олди Бойбўри
Етти йилдан бери
Армон йўқ кўрдим тири

Шунда Ойбарчин блан Қалдирғоч бир сандиқ тилла тангани **чола** сочди.
Етим-есир, оч-ёлонғоч камбоғаллар хурсанд бўлиб теришиб қолди.

Алпомиши Қўнғирот элларга, ҳамма ерларга хабар бериб, **ўчоқ ўйиб**, семиз қўйлардан сўйиб бутун халқнинг катта-кичигини йиғиб **чодр тикиб, тамбик суғиб, олиш, пойга қилиб** қирқ кун халқини хурсанд қилиб тўй берди. Халқлар кетган давлатимиз келди, жуда яхши бўлди, олис – **ювиққа** кўчиб кетганлар ҳаммаси кўчиб келиб қолди. Қалмоқда Эломон, Қайқувот, Зомон пойгачиларнинг тўйини қилган йўқ эди. Ўз халқи ичига келиб буларга ҳам тўй қилиб, Ойбарчин блан қайтадан **сухбат қуриб яшайберди** (Алпомиши).